

87.715.3
1491
ОЙНИСА МУСУРМОНОВА

ОИЛА МАЪНАВИЯТИ— МИЛЛИЙ ҒУРУР


*(Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими
вазирлиги ўқув қўлланма сифатида нашрга
тавсия этган)*

САҒО ОЧИЛНИНГ умумий таҳрири остида.

ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 1999

Ўзбек oilаси тарихи узоқ-узоқ ўтмишга бориб тақалади. Ҳатто «Авесто»да ҳам бола тарбиясида oilанинг роли, тутган ўрни, улугвор вазифалари ҳақида сабоқ берилади. Шунингдек, муқаддас китоблари фозилу фузалоларимиз, донишмандларимиз ўғитларида oilа жипслиги, софлиги, унинг жамиятдаги мавқеи равшан кўрсатилган.

Бугунги кунга келиб oilа тарбияси — миллий ғурур ва ифтихор даражасига кўтарилдики, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати унинг камолотига, тинчлиги ва фаровонлигига, ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоясига диққат-эътиборни қаратди. Мазкур асарда ўша масалаларнинг ҳал қилинишига онд қатор фикр ва мулоҳазалар ўз ифодасини топган. У ота-оналар, умумтаълим мактаблари, олий ўқув юрглари ва кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.



У-5612

Ушбу нашрга доир барча ҳуқуқлар ҳимоя қилинади ва нашриётга тегишлидир. Ундаги матн ва расмларни нашриёт розилигисиз тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш тақиқланади.

М 430200000—90 Ахб. хати—99 © «Ўқитувчи» нашриёти, 1999
353(04)—99

ISBN 5—645—03484—8

МУҚАДДИМА

Мумтоз педагогика тарихини кўздан кечирсак, оила ва унинг муҳим масалалари, уни покиза сақлаш, бурч ва вазифалари, унинг жамият тараққиётидаги ўрни ва салмоқли ишлари ҳақида қимматли фикрлар айтилган. Демак, ўзбек оиласи тарихи ва миллий оила педагогикаси тарихи жуда қадимийдир.

Дарҳақиқат, эрамизгача 548—529 йиллар орасида ўзбек заминининг биринчи файласуфи, нотиғи, шоири, донишманди, халқ доҳийси ҳисобланган Зардушт томонидан Амударё соҳилларида яратилган «Авесто»да сила муносабатлари билан боғлиқ мантиқий фикрлар илгари сурилади. Унда қайд қилинишича, эркак зурриёт қолдириш қобилиятига эга бўлса-ю, аммо уйланмаса, унга тамға босишар ёки белига занжир боғлаб юришга мажбур қилишарди. «Авесто»да қариндошларнинг ўзаро оила қуриши ман этилган. Қавм ва уруғ қонини тоза, авлодни бенуқсон сақлаш учун шундай қилинган.¹

Бу мисоллардан кўриниб турибдики, эрамизгача бўлган узоқ ўтмишда ҳам биологик-физиологик жиҳатдан соғлом эркак ёхуд аёл кишилар оила қуришга мажбур бўлишгани ҳолда улар (инсонлар) қавм-уруғни тоза сақлаш, миллий қонни (авлод маъносида) бузмаслик, нисоҳ тушмайдиган қариндошлар ўртасида оила қурмаслик каби ахлоқ-одоб нормаларига амал қилишган.

Демак, оила инсонларнинг табиий-биологик-физиологик, моддий-иқтисодий, ҳуқуқий-қонуний, маънавий-ахлоқий алоқа — муносабатлари асосига қурилган ижтимоий бирликдан иборатдир. Инсонларнинг табиий-биологик-физиологик муносабати деганда жинсий алоқа ва насл қолдириш (фарзанд туғиш ва тарбиялаш)ни,

¹ Қаранг: Ўзбек педагогикаси антологияси. Т., «Ўқитувчи» нашриёти, 1995, 32—35-бетлар.

Моддий-иқтисодий муносабатда — уй-рўзгорни бошқариш, мулккий муносабатни, ҳуқуқий-қонуний муносабат—никоҳнинг қонунийлигини, маънавий-ахлоқий муносабатда эса эр-хотин иноқлиги, поклиги, ота-она билан фарзандлар ўртасидаги меҳр-оқибат, ҳурмат, бурч ва шу кабиларни тушуниш лозим. Ҳозирги кунда юқорида зикр этилган оила ва унинг билан бевосита боғлиқ масалалар қонун йўли билан муҳофаза қилинган ва кафолатланган. Чунки у жамиятнинг ажралмас бир бўлагидир. Бундан жамият ва оила диалектик бирликни ташкил қилади деган мантиқий хулоса келиб чиқади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида: «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга» дейилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Қаримов ва ҳукуматимиз оилани жамият негизи сифатида билиб, унга нисбатан ғамхўрлик қилмоқда, унинг моддий-маиший равнақи учун бутун имкониятларни ишга солмоқда. Жумладан, юртбошимиз оиланинг жамиятда тутган ўрни ва аҳамияти тўғрисида шундай дейди: «Бола туғилган кундан бошлаб оила муҳитида яшайди. Оилага хос анъаналар, қадриятлар, урф-одатлар бола зуваласини шакллантиради. Энг муҳими, фарзандлар оилавий ҳаёт мактаби орқали жамият талабларини англайди, ҳис этади»¹. Бу ўринда илгари сурилаётган педагогик ғоянинг туб моҳияти оила тарбиясини тўғри йўлга қўйиш, мустаҳкамлаш ва янада чуқурлаштириш билан боғлиқдир. Оила тарбияси деганда ота-она, оиладаги катта кишилар, бува ва бувилар, ака-опалар ва шу кабилар томонидан болаларнинг тўғри, миллий ахлоқ-одоб нормалари асосида тарбияланишини тушуниш лозим. Зотан, болаларнинг келажакда қандай инсон бўлиб етишиши ота-она, ака-опа ва бошқаларнинг ўзаро муомала-муносабатлар, хулқ-атвориға, тартиб-интизомига бевосита боғлиқдир. Халқимиз: «Қуш уясида кўрганини қилади» деб бежиз айтмаган.

Оила тарбияси каби катта масъулият биринчи навбатда ота ва она зиммасига тушади. Шу ўринда бир нарсани алоҳида уқтириш керакки, болалар тарбиясида асосий таъсирчан куч-қудрат, бу — Онадир. Дар-

¹ Қаримов И. А. «Баркамол авлод орзуси» китоби. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. 1999, 8-бет.

ҳақиқат ота кўпчилик халқларда оиланинг моддий эҳтиёжларини қондириш ва таъминлаш, қолаверса оиланинг хўжалик ишлари билан банд бўлади. Бу ўзбек оилалари тарихидан маълум бўлган ҳақиқат ва ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган анъанадир. Шунга кўра бола билан кўпроқ она бирга бўлади. Ахир, халқимиз: «Сут билан кирган жон билан чиқади» дейди-ку! Тарбия, яъни юксак ахлоқ-одоб ақидалари бола жонига (руҳига) кўпроқ она сути (тарбияси) билан киради.

Оила тарбиясида ҳикмат (фалсафий-педагогик йўналишлар) кўп. Янги ўтқазилган ниҳолнинг тўғри ёхуд эгри ўсиши боғбон меҳнати ва маҳоратига боғлиқдир. Эгри ўсаётган ниҳолнинг қаддини ростлаб қўйилмаса, у нотўғри ривожланади. Янги туғилган гўдак тарбияси билан шу ёш ниҳол ҳолати ўртасида қандайдир табиий ўхшашлик мавжуд.

Бундан кўриниб турибдики, меҳнат тарбияси, маънавий-ахлоқий тарбия, ахлоқ-одоб нормалари, Ватан туйғуси ва ватанпарварлик тарбияси, маънавий-эстетик тарбия, жисмоний тарбия, катталарга ҳурмат, кичикларга шафқат, миллий гурур ва ифтихор тарбияси, ижтимоий тарбия ва шу қабилар оиладан бошланади. Шу зикр қилинган педагогик-фалсафий тушунчалар оила раҳбарларининг дунёқараши билан чамбарчас боғлиқдир. Дейлик, деҳқон дунёқараши унинг ҳалол меҳнат қилиб, дастлаб оила тўқинлиги ва сўнгра халқ фаровонлигини таъминлашда кўринади. Унинг барча фаолияти шу олижаноб туйғу билан уйғунлашган. Бу оилада бола меҳнатсеварлик руҳида тарбияланади. Ҳаёт ва турмушнинг ҳамма нуқта ва қирралари меҳнат билан равшанлашади. Зотан, меҳнаткаш инсон ҳар соҳада ўз йўлини топа олади.


Халқ меҳнаткаш, юксак ахлоқ-одобли йигитчани кўрса, «отанга раҳмат», хуш қилиқли, гўзал хулқ-атворли, ширинсухан, мулоим, чевар, пазанда қизни кўрса «онангга раҳмат» дейди. Бу оила тарбиясининг ширин меваси туфайлидир.

Яна бир нарсани унутмаслик керакки, бир оиланинг иккинчи оила билан муносабати ҳам оила тарбияси билан уйғунлашиб боради. Бошқача айтганда, бир оила ўғлини уйлантириб, келин туширади. Иккинчи оила эса қизини чиқариб, куёвлик бўлади. Бу қуда-андалар оиласи деб айтилади. Оилалар ичида янги оилалар вужудга

келади. Аввалроқ айтганимиздек, ёш ниҳоллар (келин ва куёв) тақдири дастлаб уларнинг ўзларига, қолаверса ота ва она, қайин она ва қайин ота муомала-муносабатларига боғлиқ бўлади. Бу ўринда ёш оилаларнинг мустақамланиши учун ота ва она, қайин ота ва қайин она тadbиркор деҳқон қаби тарбия маҳоратига эга бўлишлари керак. Баъзи ҳолларда ота ва она ёхуд қайин ота ва қайин оналарнинг инжиқликлари, меъеридан ортиқ қаттиққўлликлари туфайли ёш оилалар бузилиб кетади. Зотан, ота ва она, қайнота ва қайин оналар фарзандларининг оиласини, яъни ёш ниҳоллар оиласини парвариш қилишни билсалар ва шунга ҳаракат қилсалар эди, ажралиш деган хунук ҳодиса умуман рўй бермайди. Оила ичидаги оила равнақ топарди, мустақамланади.

Умуман олганда, оила ва унинг моҳияти, оиланинг ҳар томонлама равнақи ва жипслигини таъминлаш шарт-шароитлари, оила тарбияси — миллий ифтихор, унинг жамият негизи экани, оила ичидаги оила камолотини таъминлаш сингари муаммоларни тадқиқ этиш ҳамда уларни халққа содда ва тушунарли тарзда етказиш шу куннинг долзарб вазифасидир.

Мазкур мўъжаз китоб ҳам ушбу муҳим масалани амалга оширишдаги дастлабки қадамлардан биридир.



Опла
ва
Жамияти

ОИЛА — ДАВЛАТ ТАЯНЧИ, САОДАТ БЕШИГИ

«Оила — жамият негизи. Бизнес давлатимизни ҳам катта бир оила деб тушуниш мумкин ва лозим... Оила турмуш ва виждон қонунлари асосига қурилади, ўзининг кўп асрлик мустаҳкам ва маънавий таянчларига эга бўлади, оилада демократик негизларга асос солинади, одамларнинг талаб-эҳтиёжлари ва қадриятлари шаклланади».

И. А. ҚАРИМОВ

Оила ҳар бир халқнинг, миллатнинг давомийлигини сақлайдиган, миллий қадриятларнинг ривожини таъминлайдиган, янги авлодни дунёга келтириб, уни маънавий ва жисмоний баркамол қилиб тарбиялайдиган, жамиятнинг асосий негизи ҳисобланувчи муқаддас маскандир. Оила табиатнинг энг гўзал мўъжизаларидан бири бўлиб, у инсонларга хос «табiiй-биологик» (жинсий муносабатлар, бола туғиш), иқтисодий (мулкii муносабатлар, уй-рўзгорни бошқариш), ҳуқуқii (никоҳни давлат йўли билан қайд этиш), маънавий (эр-хотин, ота-она ва болалар ўртасидаги меҳр-оқибат туйғуси ва бошқалар) муносабатларига асосланган ижтимоий бирликдир.

Оилага нисбатан ижтимоий бирлик деганда, икки жинсдаги ёшнинг бир жамоа — оила бўлиб қўшилишини, тинч-тотув турмуш кечиришини англаш лозим. Дарҳақиқат, бу ижтимоий бирлик йигит ва қизнинг ўзаро ихтиёрий хоҳиши, меҳр-муҳаббати асосида барпо этилади ва у кўп қиррали, мураккаб ҳаётга киради. Чиндан ҳам ҳаёт ва турмуш кўп қиррали ва мураккабдир. Чунки оиланинг ўзига хос хусусиятлари, оила аъзоларининг бир-бирига нисбатан бурч, талаб ва вазифалари мавжуд. Чунончи: эрнинг бурч ва вазифалари, хотиннинг бурч ва вазифалари, фарзандларнинг бурч ва вазифалари. Шуларга оғишмай амал қилинсагина, оила мустаҳкам ва ишончли бўлади.

Эрдан уй-рўзгорни моддий таъминлаш, маънавий-руҳii қўллаш, хотинига, фарзандларига ҳурмат-этибор, уларга нисбатан меҳр-муҳаббат ва ҳар томонлама ғамхўрлик, вафодорлик ва шу қабилар талаб қилинади.

Хотин зиммасига вафодорлик, ширин тавозе, мулоимлик, уй-рўзгорни саришта-саранжом тутиш, озодалик, пазандалик, чеварлик, фарзандни тарбиялаш, ширинсўзлик сингари талаб ва вазифалар тушади. Шунингдек Боку Банот таъбири билан айтганда, эрга ёқмайдиган сўзни айтмаслик, унга маъқул тушмайдиган ишни қилмаслик, эрга чиройли ва гўзал бўлиб кўриши, хуллас эрга хуш келадиган нарсаларни бекаму кўст, дарҳол бажариш лозим. Ана шундагина оила мустаҳкам бўлади, эр-хотин ўртасида меҳр-оқибат орта боради.

Оила бир гулшанки, унда муҳаббат чечаги қийғос очилур.

Оила бир боғдирки, унда орзу-умид дарахтлари мева тугади.

Оила бир қасрки, бахт нақшлари ранго-рангдир.

Оила бир уммонки, ҳис-туйғулар тўлқинлари кўзни қувонтиради.

Бу барча миллат оилаларига хос фазилатдир.

Бироқ оила мазмун ва моҳиятига кўра ҳар бир халқ, ҳар бир миллат учун ўзига хос характерли хусусиятларга эгадир. Шарқда оила тушунчаси оила қуриш ва унинг мустаҳкамлигини, фаровонлиги ва барқарорлигини таъминлаш инсоннинг ўз миллати, авлод-аждодлари, жамияти олдига муқаддас бурчи ҳисобланади. Айниқса, ўзбек халқи учун оила энг муқаддас даргоҳдир. Юртбошимиз таъбири билан айтганда: «Бунда ўзаро ҳурмат ва қаттиқ тартиб бўлмаса, оиланинг барча аъзолари ўз бурчларини адо этмаса, бир-бирига нисбатан эзгулик билан меҳр-оқибат кўрсатмаса яхши ва муносиб тарзда яшаш мумкин эмас... Ўзбекларнинг аксарияти ўзининг шахсий фаровонлиги тўғрисида эмас, балки оиласининг, қариндош-уруғлари ва яқин одамларининг, қўшниларининг омон-эсонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўяди. Бу эса энг олий даражада маънавий қадрият, инсон қалбининг гавҳаридир»¹.

Шунинг учун ҳам мамлакатимизда оила ва унинг муқаддаслигини таъминлаш билан боғлиқ масалалар давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Юртбошимизнинг ташаббуслари билан 1998 йил «Оила йили», 1999

¹ Каримов И. А. «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон», Т., 1992 йил, 21-бет.

йил эса «Аёллар йили» деб эълон қилинди ва шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамаси томонидан махсус Давлат дастурлари қабул қилинди. Олий мажлиснинг XI сессиясида қабул қилинган «Оила Кодекси» эса оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлашда, уларнинг ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза этишда ҳуқуқий кафолат бўлиб ҳисобланади.

Ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланган оила ўз бурчларини ҳам унутмаслиги лозим. Шулардан энг асосийси, оилани яхши оила қилиб кўрсатувчи фазилатлардан бири — фарзандларни оила қуришга тайёрлашдир. Дарҳақиқат, мамлакатимизда ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш — оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлашнинг муҳим шартидир. Шу боисдан ҳам «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур»да худди мана шу масалага алоҳида урғу берилган.

Яъни:

— «оила оилавий анъаналарни ҳамда маънавий-ахлоқий меросни сақлаб қолувчи, давом эттирувчи:

— жамиятнинг энг кичик бир қисми бўлиб, боланинг маданий, эстетик ва бошқа эҳтиёжлари ўсишини ва соғлом турмуш тарзини таъминловчи;

— боланинг феъл-атвори асосларини шакллантирувчи биринчи мураббий;

— ҳаётнинг барча жабҳаларида ёш авлоднинг доимо маслаҳатчиси, йўл-йўриқ кўрсатувчисидир», — дейилади.

Демак, оила пойдеворининг мустаҳкамлиги — жамият пойдевори ва биносини пухта қилиб қуришни таъминлашнинг асосий шартидир, унинг моддий ва маънавий баркамоллиги эса давлат ва жамият фаровонлигининг негизидир. Зеро, «оила фаровонлиги миллий фаровонлик асосидир»¹.

Шунинг учун ҳам мамлакатимиз мустақиллигидан сўнг оила фаровонлигини таъминлаш ҳукуматимиз фаолиятининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бунинг учун оиланинг мустаҳкамлиги, фаровонлиги ва барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ барча масалаларни ўзида мужассам этган қуйидаги йўналишларда муҳим ишлар амалга оширилмоқда:

— оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, оила манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя

¹ Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т., 6.—Т: «Ўзбекистон», 1998, 400—бет.

қилишни таъминлаш, оналик ва болалик ҳуқуқларини муҳофаза қилиш;

— оиланинг ижтимоий манфаатларини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, оила аъзоларининг соғлиғини муҳофаза қилиш ва билим даражасини ошириш учун имкониятларни яхшилаш;

— оиланинг иқтисодий манфаатларини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, оиланинг даромадларини, оила аъзоларининг иш билан таъминлаш даражасини ошириш, рўзгор юмуши ва турмуш шароитларини яхшилаш, кам таъминланган оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

— оиланинг маънавий-ахлоқий асосларини ва маданий манфаатларини такомиллаштириш учун шарт-шароитлар яратиш;

— оиланинг соғлом, ақл заковатли ёш авлодни тарбиялашдаги ролини ошириш, ҳар томонлама камол топган авлодни тарбиялашда оила ва жамиятнинг вазифаларини такомиллаштириш;

— оила муаммоларини илмий ва ижтимоий тадқиқ этиш, оила, хотин-қизлар ва болаларнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳволини кўрсатувчи статистика ҳисоботини тўплаш ва такомиллаштириш.

Дарҳақиқат, Ватанимиз мустақиллигининг қисқа даври ичида оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маърифатини ошириш, оиланинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлаш, уй меҳнати ва маданий-майший турмуш шароитини яхшилаш, оиланинг маънавий-ахлоқий асосларини такомиллаштириш, кўп болали, кам таъминланган, но-чор оилаларни, ногиронларни, қаровчисиз кексалар, ёлғизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, оилада маънавий ва жисмоний баркамол шахсни шакллантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Шу ўринда ҳақли савол туғилади.

Нега оила масалаларига, унинг мавқеини мустаҳкамлашга бунчалик катта эътибор берилмоқда? Ҳўш, оиланинг пайдо бўлиши, унинг тараққиёт босқичлари, уни шакллантириш билан боғлиқ жараёнлар ҳақида фан нима дейди?

Ҳар бир оила узоқ тарихга ва чуқур илдизга эга бўлган тарихий-ижтимоий ҳодиса сифатида кишилик жамияти тараққиётида ўзига хос бетақрор хусусиятлари

билан унинг ривожланишида муҳим рол ўйнаб келмоқда.

Манбаларнинг кўрсатиши ва тадқиқотчиларнинг фикрича, кишилик жамияти пайдо бўлишининг дастлабки даврларида гуруҳий никоҳ, яъни полигамия (кўп никоҳ) асосида эркак ва аёл тартибсиз жинсий муносабатда бўлган ҳолда турмуш кечиришган. Кейинчалик эса эркак ва аёлнинг турмуш тарзи матриархал, сўнг патриархал ҳукмронлик асосига қурилган. Ишлаб чиқариш воситаларининг ривожланиши, жамиятнинг ўзгариши, шу ўзгаришларнинг инсонлар онгига таъсири, шу аснода улар фикрлашининг ўса бориши оила ва оилавий муносабатларнинг шаклланишига олиб келган.

Хўш, ҳозирги замон ўзбек оиласининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат? У узоқ ўтмиш оилалардан қайси жиҳатлари билан фарқ қилади?

Оила жамият, табиат қонун-қондалари асосида барпо этилса ва яшаса-да, оиладаги эр-хотин, ота-она ва фарзандлар, қайнона-қайнота, қайин ука ва сингиллар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, оила анъаналари ва қадриятлари борасида мустақил макон бўлиб қолаверади. Лекин у ёки бу тузум, давлат ёки жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, мафкуравий, маънавий-ахлоқий борадаги устувор ғоялари бу муносабатларга билвосита ёки бевосита ижобий ёки салбий таъсир этмасдан қолмайди.

Оиланинг ўзига хос қатор вазифалари мавжуд бўлиб, унинг асосий вазифаларидан бири — репродуктивликдир, яъни фарзанд кўриш, авлодлар давомийлигини, ер юзида инсоният тарихий-тараққиётини таъминлашдан иборатдир. Оиладаги репродуктив фаолият эр-хотин, қайнона-келин, қайнота-куёв ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлайди, қон-қариндошлар ичида меҳр-муҳаббат ришталари қаттиқроқ боғланади. Халқимиз «Болалик уй бозор, боласиз уй мазор» деғаларидек, болалик уйда шоду-хуррамлик, тинчлик-оёйишталик ҳукм суради. Бундай оиланинг ҳар бир куни мазмунли, режали (ва аниқ мақсадли) ўтади. Фарзандсиз оила аксарият ҳолларда нотинч, омонат бўлади.

Фарзандсиз эр-хотин ўртасидаги ўзаро муносабатлар гўёки сохта, оилага, атроф-муҳитга, турмушга муносабатлари юзаки, келажакда интилишлари мақсадсиз, юзаки бўлиб, улар ота-оналик меҳр-муруввати ҳис-

сиётидан бебахра қоладилар. Қуда-андалар ўртасидаги ўзаро қариндош-уруғчилик ришталари ҳам мустаҳкам боғланмайди. Бундай оилаларнинг тақдири эр-хотин ўртасидаги никоҳнинг бекор қилиниши билан тугаши мумкин.

Оиланинг яна бир ўзига хос хусусияти, унинг нуклеарлигидир. «Нуклеар» лотинча сўз бўлиб, ядро деган маънони англатади. Эр-хотин ва болалардан иборат бўлган оила нуклеар оила деб аталади. Ўзбек оилалари кўп бўғинли бўлиб, аксарият ҳолларда қайнона-қайнота, ўғил ва келин, қайин ака, ука ва қайин сингил, опа, неваралар биргаликда яшайди. Бундай оилалар шу оиланинг ўзи учун хос бўлган ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, ҳамкорлик ришталарининг мустаҳкамлиги ва шу каби ахлоқий қадриятларнинг кейинги авлодларга етказилишида муҳим рол ўйнайди. Шунингдек, оиладаги катта кишиларнинг ёшларга оила сабоқларини, рўзгоршунослик бўйича тажрибаларини, бола тарбиялашдаги ютуқларини келин, ўғил ва қизларига ўргатишлари шу била мустаҳкамлигини таъминлаш учун замин бўлиб хизмат қилади.

Қайнота-қайнона билан бир оилада яшайдиган келин учун бахт ва саодат эшиги очиқдир. Чунки, бошқа оила шароитида ўсиб тарбияланган қиз бола бегона оилага келин бўлиб тушади. Ҳар бир оиланинг ўз ички тартиб-қондаси бўлиб, унга амал қилган, иззат-икромини жойига қўйган келингина шу оила аъзолари, шу авлод ўртасида ҳурмат топади, туб қўйиб, палак ёзади. Бу ўринда қайнона-қайнота ўғити, тажрибаси, таълим-тарбияси, намунаси келин учун маёқ ҳисобланади. Халқимиз ўртасида «Қариси бор уйнинг париси бор», «Қайнонаси келин масхара келин», «Қари билгани пари билмас» каби мақоллар бежиз пайдо бўлмаган.

Оиланинг вазифаларидан яна бири иқтисодий-молиявий ҳўжалигининг фаолиятини тўғри юритиш ҳисобланади. Катта жамиятнинг ўз иқтисодий, ижтимоий, молиявий масалалари бўлганидек, оиланинг ҳам ўзига яраша иқтисоди, бюджети, кирим-чиқими, даромадлари каби ўзига хос молиявий жиҳатлари мавжуд. Оила аъзоларининг оила даромадларини режали сарфлаши, кундалик турмуш учун зарур бўлган рўзгор асбоб-анжомларини, кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотларини меъёр билан харид қилиши, тежамкорлиги, исрофгарчиликка йўл қўймаслиги — шу оиланинг ҳар томон-

Лама гуллаб-яшнаши учун заминдир. Оила иқтисодини режалаштириш, ундан оқилона фойдаланиш оила бошлиқларидан жуда катта бошқарув, тадбиркорлик ва раҳбарлик маҳоратини талаб этади. Албатта, бу ўринда оила бошлиқларининг ҳаётий тажрибаси, назарий ва амалий билими, ишбилармонлиги, тадбиркорлиги оиладаги бошқаларга намуна бўлмоғи зарур. Чунки ҳар бир оила ўз молиявий мавқеи жиҳатидан алоҳида дахлсиз салтанатдир. Бу салтанатнинг молия вазири — ота, ўринбосари эса — онадир.

Оиланинг энг муҳим вазифаларидан бири — тарбия ҳисобланади. Оила — тарбия маскани. Айнан шу масканда дунёга келган фарзанд ота-онадан нафақат ирсий хусусиятларни олади, балки улардаги хатти-ҳаракат, ахлоқ-одоб қоидаларини ҳам эгаллаб боради. Ота-она ўртасидаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, ҳалоллик, поклик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик каби олий даражадаги қадриятлар она сути, оила аъзолари меҳри ва намунаси билан бола хулқи, хатти-ҳаракати мазмунига сингиб боради. «Қуш уясида кўрганини қилади» деган пурҳикмат сўзлар оила тарбиясининг негизини ташкил этади.

Боланинг ақлий, ахлоқий, эстетик, иқтисодий, экологик, жисмоний, маънавий, гигиеник, жинсий тарбиясида оила асосий омил ва восита ҳисобланади. Бу ўринда ота-она — санъаткор, бола — санъат асари, тарбия жараёни эса санъатнинг ўзидир. Санъат асарининг муваффақияти, жозибadorлиги, умрбоқийлиги санъаткорнинг маҳорати, савиясига боғлиқдир.

Оиланинг муҳим вазифаларидан яна бири коммуникативлик бўлиб, унинг мазмунини оила аъзоларининг ўзаро алоқалари, оммавий ахборот воситалари билан оила аъзолари ўртасидаги яқин алоқани таъминлаш, (бу ўринда ўша воситалар орқали эълон қилинган материалларни муҳокама қилиш назарда тутиляпти), теварак-атрофдаги табиатни, ижтимоий муҳитни идрок қилиш каби масалалар ташкил этади. Кейинги йилларда ёшларни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашда оммавий ахборот воситалари, матбуотнинг таъсири катта бўлмоқда. Ёшларнинг кўрган-эшитган, ўқиган нарсаларини ўзлаштиришларида ва тегишли хулосалар чиқаришларида оила ҳам воситачилик вазифасини бажариши лозим. Оилада бўш вақтни самарали ташкил этиш оиланинг асосий вазифаларидан биридир. Бўш

вақт жамиятнинг муҳим ижтимоий қадриятларидан биридир. Оилада бўш вақтни фаол ташкил этиш, яъни китобхонлик, меҳнат, шунингдек музей, кино, театр, концерт, тарихий обидаларга, қадамжоларга саёҳатлар уюштириш ва бошқалар — оила баркамоллигини таъминлашнинг муҳим воситасидир.

Ўзбек оиласига хос бўлган яна бошқа характерли хусусиятлар мавжудки, улар узоқ йиллар давомида шаклланиб, қадрият даражасига кўтарилган ва бугунги кунда ҳам ўз қимматини сақлаб қолмоқда. Яъни, оиланинг кўп бўғинлилиги (оилада бобо, буви, ўғил-кели, невара-чеваралар бирга яшайди), болажонлилик, серфарзандлик, меҳнат тақсимогининг қатъийлиги, оила бюджетининг ота-она томонидан бошқарилиши, оиланинг кичик аъзоларининг катталарга иззат-икром, бўйсунлиши, оилада эркакнинг муҳим роль ўйнаши, ота-онага нисбатан муносабатнинг алоҳида аҳамият касб этиши, аёлларга нисбатан ҳурмат, уларни авайлаб-асраш ҳиссининг кучлилиги, оила ғурури, шайнинг ҳимоя қилиш ҳар бир оила аъзоси учун бурчга айланиб қолганлиги, туғилиб ўсган жойга нисбатан алоҳида меҳр-муҳаббат туйғусининг зўрлиги, ўтроқлашишнинг анъанавийлиги ва бошқалардан иборат.

Оилада ҳар бир ота-онанинг вазифасига оилада ҳар томонлама соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, оиланинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлиги, фаровонлигига эришиш, оилада билимли, ақл-заковатли, уддабурро, жисмоний ва маънавий баркамол инсонни тарбиялаш, оила анъаналари, касб-қори, шажарасининг давомийлигини таъминлаш, бўш вақтни унумли ўтказишга эришиш, ҳамда гиёҳвандлик, маийши нопоклик, ахлоқсизлик, носоғлом этиқод, ақидапарастлик, хонлик каби баъзи бир иллатларнинг пайдо бўлишига йўл қўймаслик ва бошқалар киради.

Оилада ким нима билан банд ва қандай ишлар билан шуғулланиши бир-бирига аён бўлади. Дейлик, ўғиллардан бири уйга ўз вақтида келмайдиган одат чиқара бошлади. Буни, албатта, дастлаб, ака-сингиллар ёхуд опа-укалар, кейинчалик эса она сезиб қолади.

Ота билмаслиги мумкин. Она, ака ёки опалар ўша нохуш воқеа ва ҳодисанинг, ўғил ёки қизнинг ноҳуш хатти-ҳаракат қилиши ёхуд нотўғри йўлга киришининг олдини олишлари зарур. Бу ишни у сабабсиз кеч келган биринчи кунданок бошлаш керак.

Агар онанинг кучи етмаса, бунинг уддасидан чиқа олмаса тезлик билан дарҳол отасини ёрдамга чақиришига тўғри келади. Бу вазифани асло кечиктириш мумкин эмас. Агар кечикилса, оқибати жуда оғир бўлиши мумкин. Бу билан оилада бола тарбиясида ўта эҳтиёт бўлиш, пинҳоний назоратни йўлга қўйиш лозим деган фикрни илгари сурмоқчимиз.

Зотан, маҳаллада бир оила нотинч бўлса, унда уруш-жанжал кўпайса, бутун маҳалла безовта бўлиши мумкин. Маҳаллада бир оила маиший бузуқ бўлса, демак маҳалла обрўсига путур етади. Шунинг учун бир оиладаги нохушликни ота-она эплай олмаса, шу оилага маҳалла ёрдам қўлини чўзиши мақсадга мувофиқдир.

Демак, оила жамиятнинг асосий негизи бўлиб, унинг мустаҳкамлиги ва фаровонлигидан жамият манфаатдордир. Дарҳақиқат, доноларимиз таъбири билан айтганда, «Оила — жамиятнинг дуру гавҳаридир». Ушбу дуру гавҳарнинг мусаффолиги, атроф-муҳитга эстетик таъсирчанлиги, одамлар муҳаббатига доимий сазоворлигини таъминлаш оиланинг ҳар бир аъзосидан жуда катта масъулият талаб этади. Оила деб аталмиш муқаддас сайтанатнинг топталиши, бузилишига йўл қўйишга, унинг шаъни булғашга ҳеч кимга ҳуқуқ берилмаган. Чунки оила — давлат таянчи, бахт ва саодат бешигидир.

ЖАМИЯТ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ОИЛА

Оила ҳар бир халқнинг, миллатнинг давомийлигини сақловчи, миллий қадриятларнинг ривожини таъминловчи, маънавий ва жисмоний баркамол авлодни дунёга келтириб тарбияловчи муқаддас макондир. Ушбу мўъжаз макон жамият деб аталмиш буюк бир маконнинг пойдеворини ташкил этади. Жамиятнинг, давлатнинг фаровонлиги, гуллаб-яшнаши айнан шу пойдевор мустаҳкамлигига боғлиқдир.

Шу боисдан ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар мазмунида оила манфаатларини ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий жиҳатдан ҳимоя қилинишини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Шунингдек, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашда оила ва жамиятнинг масъулияти босқичма-босқич оширилмоқда.

Дарҳақиқат, оилага бўлган бугунги муносабатни

баҳоламоқ учун юртбошимиз айтганидек: «...бизга собиқ Иттифоқдан, эски мустабит тузумдан қандай тарихий мерос қолганини яна бир карра эслашимиз зарур».


Барчага аён, эски мустабит тузум, ҳатто онладек муқаддас даргоҳга ҳам ўзининг заҳарланган мафкураси билан таъсир этишга улгурди. Унинг «буюк» кашфиётларидан бири асрлар давомида мутафаккир алломаларимиз томонидан ҳаётда исботланган, шахснинг ҳар томонлама шаклланишида ирсиятнинг роли ҳақидаги ғояларини қатъий инкор этди.

Шунингдек, асрлар давомида шаклланган оилага садоқат, бурч, эътиқод, миллий ўзликни англаш, миллий ғурур каби ахлоқий-маънавий асослари аста-секин сиқиб чиқарилиб социалистик ва коммунистик ғоя билан мажбуран сугорилган шаклан миллий ва мазмунан социалистик оилалар вужудга келди. Авлод-аждодларининг тарихи, шажараси, касб-кори, оила анъаналари, маданияти, тили ҳатто динини унутган, бола тарбиясида миллий тарбия мазмуни, шакл ва методларини тан олмайдиган тарихий хотирасини унутган ота-оналар ва фарзандлар ҳам пайдо бўлди.

Ўзбек оилалари мазмунига зид бўлган «кексалар уйи», «етимхона»лар, баъзи зарарли одатлар (ичиш, чекиш, гиёҳванд моддалар истеъмол қилиш, аёллар ва болалар жиноятчилиги ва ҳ.к.) кириб кела бошлади. Оилаларнинг «миллий ва диний туйғулари» камситилди, топталди. Халқимиз оилавий тантана қиладиган «Наврўз», «Меҳржон», «Рамазон», «Қурбон» ҳайити каби тарихий миллий байрамлардан маҳрум бўлди. Ҳаттоки, ота ёки онанинг охирги йўлга кузатиш маросимида иштирок этиш, оламдан ўтганларни хотирлаш, қадрлаш мақсадида тиловат этиш, дўппи, тўн каби миллий либосларни кийиш ҳам кескин таъқиқланди.

Лекин коммунистик мафкура қанчалик беаёв бўлмасин узоқ тарихи ва мустаҳкам пойдеворига эга бўлган ўзбек оиласи, унинг ўзига хос миллий хусусиятларини бутунлай йўқ қилиш, инсоният хотирасидан ўчириб ташлаш учун куч-топа олмади.

Жаҳон маданияти хазинасига Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Амир Темур, Улуғбек, Заҳириддин Бобур, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Аҳмад ал-Фарғоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Маҳмуд-аз-



Замахшарий каби юзлаб алломай замонлар, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Шермухаммадбек, Мадаминбек каби ватанпарвар қаҳрамонлар, бир қўлида бешик, бир қўлида маънавият бешигини тебратган Гулбаданбегим, Зебуннисобегим, Увайсий, Нодирабегим каби оқила, фозила момоларимиз, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулхамид Чўлпон, Маҳмудхўжа Бехбудий, Усмон Носир, Элбек каби миллат озодлиги курашчиларини дунёга келтирган ўзбек оиласи ҳеч қачон ўзлигини йўқотмайди, йўқотиши мумкин ҳам эмас. Чунки илдизи бақувват, пойдевори мустаҳкам, ўз оиласи, авлод-аждодлари шаънини пок сақловчи, уларга едоқатли оилани ҳеч қандай ёвуз куч, «заҳарли мафкура» тамомила йўқ қилиш қудратига эга эмас.

Тарихан қисқа 8 йил ичида ўзбек оиласи ҳаётида қандай ижобий ўзгаришлар юз берди? Уни сарҳисоб қиладиган бўлсак, аввало мустақиллик шарофати туфайли оила ва унинг манфаатларини ҳар томонлама муҳофаза этиш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги оламшумул воқеа бўлди. Оилани ҳар томонлама ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилди. Оила тарбияси мазмуни коммунистик ғоялардан тозаланиб, у миллий тарбия мезонлари асосида амалга оширила бошланди.

Иккинчидан, адолатли, ҳуқуқий, демократик жамият қуриш жараёни шаҳдам қадамлар билан бораётган бир шароитда қонун устуворлигини таъминлаш замирида оила, оналик ва болаликнинг ҳуқуқий манфаатларини, оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида муҳим ишлар амалга оширилди. Олий Мажлиснинг XI сессиясида янги мазмундаги «Оила Кодекси» қабул қилинди.

Ҳуқуқий демократик жамиятнинг асосий мезонларидан бири ҳисобланган инсон ҳуқуқлари шу жумладан, оила, оналик ва болаликнинг ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза этувчи махсус тизим яратилди. (Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий Марказ, Омбудсман институти, Олий Мажлис ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлари Мониторинги институти, юридик институт ҳузуридаги ҳуқуқий тарғибот Маркази ва ҳ.к. ташкил этилди).

Ўзбекистон ҳукумати мамлакатимиз оилалари, хотин-қизлари ва болаларининг ҳуқуқ ва манфаатларини

халқаро ҳуқуқ нормалари доирасида ҳимоя этилишини таъминлаш мақсадида ўнга яқин халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни (Конвенция, Декларация, пакт ва б.қ.) ратификация қилди.

Учинчидан, оиланинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлаш, уй меҳнати ва маданий-маиший турмуш шароитини яхшилаш, оиланинг маънавий-ахлоқий асосларини такомиллаштириш, кўп болали, кам таъминланган, қаровчисини йўқотган ночор оилаларни, ногиронлар, етим-есирлар, ёлғиз кексалар, беморларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, оилада жамият талабларига мос комил инсонларни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган тадбирлар бутун дунё халқларининг диққат-эътиборида бўлмоқда.

Тўртинчидан, Юртбошимиз томонидан аёлсиз оила, оиласиз давлат ва жамият бўлиши мумкин эмаслиги амалий исботини топди. Оиланинг тинч-тотувлиги, мустаҳкамлиги, барқарорлиги ва фаровонлиги давлат ва жамиятнинг тараққиётида асосий омил эканлиги кенг жамоатчилик томонидан янгича муносабат асосида тан олинди.

Бешинчидан, Президентимиз ташаббуслари билан 1998 йилни «Оила йили», 1999 йилни «Аёллар йили» деб эътироф этилиши ва шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамаси томонидан махсус Давлат дастурларининг қабул қилинганлиги ва амалиётга жорий этилганлиги, айни бир вақтда биронта мамлакатда йўқ Республика «Оила» илмий-амалий Маркази ва унинг қуйи бўлимлари ташкил этилганлиги оила, оналик ва болалик манфаатларини нафақат ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий муҳофаза этиш, балки илмий-амалий нуқтаи-назаридан ўрганиш ва олға сурилган ғоялар оилаларни ҳар томонлама фаровонлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган хайрли ишлар деб очасидир.

Олтинчидан, давлат хизмати тизимига оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза этиш масалалари бўйича махсус шохобча киритилди. Яъни, Президентимизнинг 1995 йил 2 мартдаги Фармонларига биноан Республика хотин-қизлар қўмитаси раисига Бош вазир ўринбосари, туман, шаҳар, вилоят хотин-қизлар қўмиталари раисларига ҳоким ўринбосарлари мақоми берилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши,

вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари таркибида оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибиятлари киритилиб, фаолият кўрсата бошлади.

Еттинчидан, кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим мезонларидан бири жамоат тузилмалари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятларини кучайтириш, уларнинг ваколатларини кенгайтиришга алоҳида эътибор берилаётган бир вақтда, айнан оила, хотин-қизлар ва болалар манфаатларини муҳофаза этувчи ўндан ортиқ жамоат ташкилотлари дунёга келди.

Ўтган қисқа давр мобайнида оиланинг муқаддаслигини таъминлаш борасида эришилган ушбу ютуқлар негизда мамлакатимиз буюк келажагининг пойдеворини мустаҳкамлаш ва унинг тараққиётига ишонч ётибди.

XXI асрни қаршилаётган ўзбек оиласининг келажаги қандай бўлмоғи зарур? У янги асрда мамлакатимиз тараққиётига ўзига хос қайси жиҳатлари билан таъсир этиши мумкин?

Дарҳақиқат, XXI аср ўзбек оиласи мустаҳкамлиги, барқарорлиги, фаровонлиги билан ер куррасидаги барча оилалар учун наъмуна мактаби бўлмоғи лозим. Бу оилада дунёга келиб, шаклланадиган шахс эркин фикрлайдиган, ҳар қандай салбий таъсирчан ғоялардан, онг, тафаккур қарамлигидан озод оилада, атроф-муҳитда бўлаётган воқеа-ҳодисаларни ҳаққоний баҳолайдиган ва уларга эркин муносабатларини билдира оладиган, ўзининг илғор фикрлари, намунаси билан оила аъзолари, сафдошлари, жамоасига таъсир қила оладиган, уларни эзгу мақсадлар йўлида бирлаштириш кучига эга, жамият, давлат, халқ манфаатларини ўз манфаатларидан устун қўядиган, фидокор, ташаббускор, тadbиркор, ижодкор бўлмоғи назарда тутилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, янги асрда адолатли, ҳуқуқий, демократик жамият барпо этиш, ҳар бир фуқарони қонун асосида яшашга ўргатиш, давлатимиз сиёсатининг асосий устувор йўналиши ҳисобланади.

Бу ўринда оиладаги ҳар бир шахснинг ҳуқуқий маданиятини, сиёсий саводхонлигини юксалтиришга алоҳида аҳамият бериш тақозо этилади.

Ҳуқуқий маданият, сиёсий саводхонликнинг тамал тошлари оилада қўйилади. Оилада олиб бориладиган ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга йўналтирилган

таълим-тарбиявий ишларга масъул ота-она ва оиладаги катта ёшдаги оила аъзолари ҳисобланади. Дарҳақиқат, ҳуқуқий маданиятнинг шаклланиши ота-онанинг фарзанд, фарзанднинг ота-она, миллати, халқи, Ватани олдидаги бурч ва ҳуқуқларини билиш ва унга оғишмай амал қилишдан бошланади.

Шуни эътироф этмоқ лозимки, бугунги кунда фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятлилик даражаси давр талаби даражасида эмас. Баъзан ёшларимизнинг никоҳдан ўтмасдан оила қуришлари, мерос тақсимида эка-ука, опа-сингиллар ўртасида пайдо бўладиган нохушликлар, эр-хотин никоҳини бекор қилиш жараёнидаги норозиликлар, овсинлар, қайнона-келин ўртасидаги уй-жой тақсимидаги жанжаллар ва ҳ.к. ҳуқуқий саводсизликдан далолатдир. Оилада бўладиган бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олишнинг асосий йўллари, аввало ота-оналарнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, бунинг учун корхона ва ташкилотларда, маҳалла ва турар жойларда мунтазам фаолият кўрсатадиган «Ҳуқуқий билимлар» ўқув курслари, жамоатчи ҳуқуқшунослар маслаҳатхоналари ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Чунки ҳуқуқий маданияти юксак ота-онагина ҳуқуқий саводхон фарзанд тарбиялаши мумкин.

Ота-оналар учун методик ёрдам берувчи оила, оналик ва болаликни ҳуқуқий муҳофазаси бўйича махсус рисоалар, варақалар, расмий китобчалар, серияли ҳужжатли фильмлар, диафильмлар яратишга ҳуқуқшунос олимлар эътиборини қаратиш зарур.

Мактабгача тарбия муассасалари, умумий таълим мактаблари, олий ва ўрта махсус таълим мазмунига ёшларни оилавий ҳаётга тайёрловчи махсус ўқув курслари ва ўқувчи-ёшлар учун мўлжалланган назарий ва амалий ҳуқуқий билим берувчи қизиқарли методик қўлланмаларни уларнинг ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда яратишга алоҳида эътибор бермоқ зарур. Шунингдек, барча босқичлардаги ФХДЁлар қошида никоҳга кираётган ёшлар учун «Оила дорилфунуни» махсус курсини жорий этиш уларни оилага тайёрлашда муҳим роль ўйнаши табиийдир. Шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида «Оила маънавияти» махсус ўқув курси, барча мутахассисликлар бўйича бўлажак илмий-педагогик кадрлар учун «Оила мафкура-си» ўқув курслари ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Бу ишларнинг барчаси оила масалалари бўйича етук мутахассислар зиммасига юкланади. Афсуски, республикада оила масалалари билан шуғулланувчи мутахассис олимларимиз қўл билан саноқлидир. Бундай олимлар мактабини яратиш ҳам бугунги кунда мутасадди муассасалар зиммасидаги долзарб вазифадир.

Оилада оиланинг ҳар бир аъзосини қонунларга итоаткорлик руҳида тарбиялаш, ҳар бир шахсда қонунга ҳурмат туйғусини шакллантириш учун оила, маҳалла, мактаб ва мутасадди ташкилотлар ҳамкорлиги механизмини яратиш ва уни амалиётга тадбиқ этилишини қатъий таъминлаш ҳуқуқий демократик жамиятнинг ҳуқуқий маданиятли фуқароларини тарбиялашнинг муҳим омилдир.

Амалга оширилаётган бундай таълим-тарбиявий ишлар замирида ҳар бир фуқарони Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Олий Мажлис томонидан қабул қилинган Қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ва Давлат дастурлари, Халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун ва моҳиятини билиш ва уларга ҳаётда амал қилишга ўргатиш, мамлакатимиз ва дунё мамлакатлари сиёсий ҳаётидан воқиф этиш, яшашига ўргатиш назарда тутилади.

Оиланинг ҳар томонлама мустақкамлиги аёлга боғлиқ бўлса, унинг келажаги учун ёшлар масъулдир. Шунинг учун ҳам юртбошимиз XXI асрда аёллар ва ёшларнинг жамият ҳаётида тутган ролини ошириш, уларнинг турмушини яхшилаш учун оилада, жамиятда моддий ва маънавий шарт-шароитлар яратиш, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, меҳнатини енгиллаштириш чора-тадбирларини белгилаш, саломатлигини мустақкамлаш, илмий, маънавий-маданий савиясини юксалтириш, жамиятда амалга оширилаётган барча ислохотларда уларнинг имкониятлари, қобилиятлари ва салоҳиятларидан самарали фойдаланиш, фарзанд тарбиясидаги масъулиятини ошириш масаласига жамиятнинг диққат-эътиборини қаратмоқда.

Ушбу беназир ғамхўрликларга жавобан аёллардан жамият тараққиёти йўлида фидойилик, маънавий ва жисмоний баркамоллик, оиласига садоқат, тадбиркорлик, ташаббускорлик, ҳар томонлама намуна бўлиш талаб этилади.

Чунки саводхон, фидокор аёлгина юқори савияли

саводхон, миллат, Ватан тақдири учун фидойи фарзандларни тарбиялаб етиштиради.

Бунинг учун «Бўлажак оналар» шиори остида ёш қизларимизни ҳаётга тайёрлашнинг комплекс дастурини яратмоқ ва шу асосда XXI аср ўзбек аёли тимсолини шакллантирмоқ зарур.

Инсоннинг инсон бўлиб шаклланишида ҳаётда ўз ўрнини топиши, эл-юрт ичида иззат-ҳурматга эга бўлиши, юксак ахлоқ-одоб қондаларини ўзида мужассам этишида оила асосий пойдевордир.

Ёшларни маънавий ва жисмоний баркамол қилиб тарбиялаш эса давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Оилада эса тарбиянинг пойдевори қўйилади. Тарбия мураккаб ва узоқ давом этадиган ўзига хос жараён бўлиб, у фарзанд туғилмасдан анча олдин бошланади. Яъни бўлажак ота-онанинг саломатлиги, насл-насаби, дунёқараши, ички ва ташқи дунёси, ахлоқ-одоби, моддий ва маънавий даражасининг мослиги, турмуш қуришга маънавий ва жисмоний тайёрлиги келажак фарзанд тарбиясида тарбиясида муҳим аҳамиятга эгадир.

Оила тарбиясида оила, мактаб, маҳалла ва жамоатчилик ҳамкорлигини таъминлаш, оила анъаналари, қадриятлари, ота-она ва кекса авлоднинг меҳнат ва қаҳрамонлик намуналаридан самарали фойдаланган ҳолда тарбияни ташкил этиш комил инсонни шакллантиришда муҳим омилдир.

Бугунги давр ёшлари учун оиласи, миллати, халқи, Ватани тақдири, бугуни ва эртаси учун фидойилик кўрсатиш энг олий қадрият ҳисобланади. Янги аср ёшлари билан энг аввало тарбия объекти эмас, балки субъекти сифатида муносабатда бўлмоқ биз катталарнинг жамият олдидаги бурчимиздир. Улар билан тенгдош, ҳамфикр, яқин ҳамдard сифатида мулоқотда бўлиш, уларнинг ўй ва фикрларини, оилада ва атроф-муҳитда бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга шахсий қарашларини эшитиш, инobatга олиш, жамиятимиз учун эркин фикрли авлодларни тарбиялаб етиштиришда муҳим роль ўйнайди.

Оилада ёшларнинг бўш вақтларини унумли ташкил этиш, уларни ақлий ва жисмоний меҳнат орқали тарбиялаш, миллий ва умуминсоний қадриятлар муштараклиги воситасида миллий онг ва ғурурини шакллантириш, ўзлигини англатириш, оила, миллат, Ватан

олдидаги бурч ва вазифаларига масъулиятини ошириш, уларнинг дунёқараши, турмуш тарзи, ўй ва фикрларидан огоҳ бўлиш ҳар бир ота-онанинг, мутасадди давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бирига айланиб қолиши керак.

Оилада ҳукм сурадиган соғлом маънавий муҳит ва соғлом турмуш тарзи ёшлар ўртасида пайдо бўладиган ичувчилик, кашандалик, гиёҳвандлик, жиноятчилик, турли жиноий гуруҳлар ва диний экстримистларнинг таъсирига тушиб қолишидан сақлайди. Шунинг учун оиладаги соғлом муҳитни мўътадил сақлаш масаласи, аввало ота-онадан сўнг оиланинг ҳар бир аъзосидан ўта сергақлик, огоҳ бўлишни талаб этади. Ёшлар онгида бўшлиқ пайдо бўлиши, уларнинг хатти-ҳаракатлари назоратсиз қолиши; умрларини мақсадсиз бефойда ўтказишларига йўл қўймаслик ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчидир. Бу ўринда ёшлар тарбиясида «Бир болага етти қўшни ота-она», «Бир тоға етти ота ўрнида», «Маҳалланг — ота-онанг» каби мақолларга амал қилиш мақсадга мувофиқдир.

Мақсад, янги аср ёшлари ақлий ва ахлоқий етук, фидокор, миллий ғурурли, эътиқоди ва иродаси мустаҳкам, ватанпарвар, эркин фикрли, онг ва тафаккури мустақил, дунёқараши кенг, сиёсий-ҳуқуқий баркамол, миллий тарбия асосларини ўз хатти-ҳаракати, хулқ-атворида мужассам этган, сўзи билан иши бир, маънавий ва жисмоний комил инсонлар бўлмоғи зарур.

Инсон маънавияти дастлаб оила шароитида шаклланади ва жамият маънавиятини белгилловчи мезон сифатида намоён бўлади.

Шу боисдан ҳар бир фуқароннинг ўз оиласи маънавияти, анъаналари, урф-одатлари, қадриятларидан тўғри фойдалана олиш, тарихдан тўғри хулоса чиқара билиш, ўз тарихига ва бугунги аҳволига, ўз миллати, халқи маданий мероси ва маънавий қадриятларига, динига ва ахлоқига, мавжуд сиёсий ва ҳуқуқий тажрибасига, турмуш тарзига соғлом фикр билан қараши, уларнинг ривожига ўз бурч ва вазифаларини аниқ англаб етиши — маънавий юксак жамият барпо этишда муҳим роль ўйнайди.

Айнан шу қадриятлар оилада ота-она, катта ёшдаги сила аъзолари намунасида ёш авлод онгига сингдирилмоғига эришиш зарур.

Оилада амалга ошириладиган тарбия мазмуни фарзанда ўз ота-онасидан, оиласи, авлод-аждодлари тарихидан, ўзи туғилиб ўсган ўлкаси, Ватани, миллати, халқи, тили, дини, анъаналаридан ғурурланиш ҳиссини шакллантирмоғи керак.

Давлатимиз ва ҳукуматимизнинг ота-она ва тарбиячи мураббийлар олдига қўяётган талаби ҳам айнан шундан иборатдир.

Бола онги ёшлиқдан бошлаб, «Сен тарихи бой, улуғ миллатнинг фарзандисан», «Сен улуғ мутафаккирлар, алломағ замонларни дунёга келтириб, тарбиялаган бобокалонларнинг аждодисан», «Ўзбек халқи бой маънавиятли, ватанга, халққа садоқатли халқ», «Бизнинг мамлакат дунёда табиати энг гўзал, бой диёр», «Ўзбек халқи маънавияти бой халқ», «Ўзбек халқи бағри кенг, инсонпарвар, меҳмондўст халқ» каби тушунчалар билан шакллантирилса, унинг онгида миллий ғурур, ўзликни англаш пайдо бўла боради. Шундагина у ўз авлод-аждодлари анъаналарини келгусида давомчиси эканлигини, халқи, миллати, Ватани тақдири учун масъул эканлигини онгли равишда тушуниб етади. Мамлакат, оила, туғилиб ўсган ҳудуд равнақи, амалга ошириладиган ислохотларнинг муваффақияти ҳар бир шахснинг маънавий маданиятлилик даражасига, унинг фидокорлигига, ҳалол меҳнатига боғлиқ эканлигини қалбан англайди.

Республикамизда амалга ошириладиган маданий-маърифий ислохотларнинг мазмун ва моҳиятини теран англамаслик, лоқайдлик, маҳаллийчилик, маънавий ва моддий қадриятларга бепарволик оила маънавиятига салбий таъсир этишини оиланинг ҳар бир аъзоси чуқур тушуниб етмоғига эришиш зарур. Муҳими оилада маънавий бўшлиқ бўлишига йўл қўймаслик лозим.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда моддий етишмовчиликни меҳнат, сабр-тоқат, бардош билан енгса бўлади, лекин маънавий инқирозни, маънавий қашшоқликни фақат маърифат билан, ақлий камолот, соғлом фикр билан енгиш мумкин. Бу ўринда оилада амалга ошириладиган барча таълим-тарбиявий ишларнинг мақсадли, режали бўлишига алоҳида аҳамият бермоқ кўзлаган мақсадга эришиш гаровидир.

Оилавий байрамларни нишонлаш, ёшлар тарбиясида алла, эртак, халқ мақол ва маталларидан, қўшиқларидан самарали фойдаланиш, биргаликда ҳордиқ

чиқаришни, миллий спорт ўйинлари ва мусобақалар, тарихий обидалар ва қадамжоларга саёхатлар уюштириш, бошқа халқлар, миллатлар маданиятига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, оила кутубхоналари ва китобхонлигини ташкил этиш, оилада тил, мулоқот, кийиниш маданиятига эътибор бериш, ёшларни меҳнат маданиятига ўргатиш орқали оила маънавиятини шакллантиришга эътиборни кучайтириш талаб этилади.

Истиқлол ғоялари билан суғорилган кўرғазмали тарғибот ишларини шакл ва мазмун жиҳатидан рангбаранглигини таъминлаш, оилавий халқ бахшилари, сулолалари чиқишларини ташкил этиш, туғилиб ўсган ҳудудда яшаб ижод этган адабиёт, санъат, маданият намоёндаларининг ҳаёти ва ижоди ҳақида оммабоп рисодалар, ҳужжатли фильмлар яратиш, ижодий кечалар ташкил этиш орқали халқ маънавий меросини ҳар бир оилага кириб боришини таъминлаш маънавий баркамол фуқароларни тарбиялашда муҳим восита ҳисобланади.

Оилада нишонланадиган тўй-маъракалар, мотам ва марҳумларни хотирлаш, қадрлаш маросимларини тартибчи, ориқча дабдаларсиз, сарф-харажатларсиз, ихчам, қўшимча расм-русум, урф-одатларсиз ўтказиш биринчидан, оила маънавиятига, иккинчидан, унинг иқтисодига ижобий таъсир этишини оиланинг ҳар бир аъзоси англаб етиши самарали натижалар гаровидир.

Оилада кичик оилавий бизнесни, оила тадбиркорлигини йўлга қўйиш, оилавий кичик корхоналар, оила пудратини ташкил этиш, деҳқон, фермерлик фаолиятини, шахсий хўжалик фаолиятини ривожлантириш, «Уста-шоғирд» аъъанаси асосида оилавий касаначилик фаолиятдан кенг фойдаланиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари ташкил этиш орқали оила иқтисодининг барқарорлигини таъминлаш бугунги бозор иқтисодиёти талабидир.

Соғлом жамият соғлом оила негизида қарор топади. Республика соғлиқни сақлаш соҳасида кўп тизимлиликнинг қонуний жорий этилганлиги, унда бепул хизматнинг сақлаб қолингани, ногиронлар ва тиббий-ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларнинг куч-қувватини тиклайдиган муассасалар ташкил этиш ва улар фаолиятини таъминлаш, фуқароларга санитария-гигиена ва экология таълими беришни ташкил этиш, тиббиётда хусусий фаолиятга кенг ўрин берилганлиги оила аъзола-

рининг саломатлигини сақлашда муҳим аҳамият касб этади.

Тан ва жон сиҳатлиги ҳар кимнинг ўз қўлида. Оилада ҳар бир кишининг соғлом бўлишини таъминлаш учун турли касалликни олдини олувчи муолажа ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Чунки давлатимизнинг соғлом авлодни шакллантиришдаги сиёсати негизини даволловчи тиббиёт эмас, балки касалликнинг олдини олувчи тиббиётни кучайтириш масаласи эгаллайди.

Оиладаги экологик ҳолат, атроф-муҳитдаги санитария-эпидемиология ҳолатларини талаб даражасида ташкил этиш, шахсий гигиена ва овқатланиш қоидаларига риоя этиш малақа ва кўникмаларини шакллантириш, саломатликни сақлашда халқ таобатидан кенг фойдаланиш, оилада жисмоний тарбияни кенг йўлга қўйиш — турли касалликнинг олдини олувчи муҳим муолажа ҳисобланади.

Оиланинг ҳар бир аъзоси ўз саломатлигига ўзи масъул эканлигини онгли равишда англаб етиши, ўзи ўзининг даволловчиси бўлмоғига эришиш янги аср тиббиётининг асл мақсадидир.

Шунинг учун оилада ҳар бир оила аъзосининг тиббий саводхонлигини тарбиялаш бўйича амалга ошириладиган ишлар ота-она ва тиббиёт ходимларидан катта масъулият талаб этади.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг барча босқичларида кучли ижтимоий сиёсат тамойили муҳим ўрин эгаллаб келмоқда. Аҳолининг кўмакка муҳтож қатламини ижтимоий муҳофаза этишнинг янги тизими, яъни ижтимоий муҳофаза фақат оила орқали амалга ошириладиган бўлди.

Бундай ҳимоядан болалик, кам даромадли, боқувчисини йўқотган оилалар, етим-есирлар, ногиронлар, ёлғиз кексалар баҳраманд бўладилар.

Бу масалада адолат мезонини ўрнатиш, ҳақиқатан муҳтож бўлган фуқаролар ва оилаларга моддий кўмакнинг берилишини таъминлаш ва назорат қилиш маҳалла, хотин-қизлар, ёшлар билан ишлайдиган мутасаддилардан жуда катта масъулият талаб қилади. Қариндош-уруғчилик, маҳаллийчилик, таниш-билишчилик, порахўрлик каби иллатларга йўл қўймаслик ижтимоий ҳимоянинг адолат мезонидир. Ушбу мезонни мўътадил сақлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқа-

риш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тақозо этилади.

Аҳолининг ижтимоий муҳофазаси умумхалқ ишига айланиши, ўзига тўқ шахслар, ишбилармон тадбиркорлар, ташкилот ва корхоналар бу ишда фаол иштирок этишлари зарур. У байрам, тўй-маракалар, муҳим оилавий тадбирларда амалга ошириладиган вақтинчалик инсонпарварлик ёрдамига айланиб қолмаслиги зарур. Балки инсонпарварлик хусусияти ҳар бир шахсда шарқона ахлоқий, қадриятлар асосида кундалик турмуш тарзининг олий мезонига айланиб қолиши инсонпарвар адолатли жамиятнинг муҳим мезонларидан биридир.

Бу ўринда ҳар бир шахснинг ўз-ўзини назорат қилишга ўрганиши, виждон амрига қулоқ солиши, маҳаллийчилик, миллатчилик, бепарволик, қариндош-уруғчилик каби иллатларга нисбатан шафқатсизлик билан муносабатда бўлиш айнан оила шароитида тарбияланмоғи зарур.

Шундай қилиб, XXI аср ўзбек оиласи ўзининг баркамоллиги, фаровонлиги ва мустаҳкамлиги билан бутун дунёга намуна мактаби бўлиши учун мустаҳкам пойдеворга эга. Пойдевори мустаҳкам бино эса асрлар оша ҳаёт тўфонларига бардош бериб, абадий қадди букилмайди. Ўзбек оиласи ҳам худди шундай пойдевори мустаҳкам, қадди тик қалъа ҳисобланади. Бу қалъанинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий манфаатлари давлат, жамият диққат-эътиборида экан, унга ҳеч қандай ёвуз куч, ғоя, қийинчилик таъсир этмайди, аксинча у барқарорлашади, мустаҳкам ва фаровон бўла боради.

ОИЛА БОЙЛИГИ — ЖАМИЯТ БОЙЛИГИНИНГ АСОСИДИР

Оила деб аталмиш муқаддас Ватанда истиқомат қилувчи ҳар бир инсон бир-бирлари билан ахлоқий, ҳуқуқий, руҳий, иқтисодий алоқалар туфайли муомала-мулоқотга киришишади. У яшаш учун меҳнат қилади, моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш мақсадида сабъ-ҳаракатини амалга оширади.

Инсон найдо бўлибдики, у ўзининг эҳтиёжларини қондириш учун ҳаракат қилади. Дарҳақиқат, хоҳ моддий бўлсин, хоҳ маърифий бўлсин, хоҳ маънавий бўлсин, хоҳ ҳуқуқий бўлсин, хоҳ ахлоқий бўлсин, хоҳ жис-

моний бўлсин, одам шу каби эҳтиёжларини қойдириш йўлида ҳеч нарсадан қайтмайди. Инсон қабиҳлиги ёхуд ёвузлиги ҳам, яхшилиги ва эзгулиги ҳам шундан келиб чиқади. Инсоният тарихидан маълумки, инсон моддий эҳтиёжни олдинда қўяди. Бугунги кунда бу хусусда халқнинг «Аввал иқтисод, кейин сиёсат» деган нақли шиор даражасига кўтарилди.

Ҳаёт ва турмушда «Кичик бир оила иқтисоди ва давлат иқтисоди тушунчалари мавжуд. Пул, мол, оила эҳтиёжлари учун зарур бўлган нарсалар, бу — оила иқтисоди. Оила иқтисоди меҳнат билан топилган ҳалол мол-мулк ҳамда тежамкорлик йўли билан йиғилган нарсалардан иборатдир»¹. Бу ўринда тарбияшунос олим мол-дунёни ҳалол меҳнат эвазига тўплаш зарурлиги ва оилада болаларни шу руҳда тарбиялаш ғоясини илгари сурган.

Зотан, пул, молу дунё оила иқтисодининг негизини ташкил этади. Иқтисод атамаси «уй хўжалиги» маъносини англатади. Демак, оила иқтисоди — уй-рўзгор юритиш ҳақидаги билим, малака ва кўникмалар йиғиндисидан иборатдир. Абдулла Авлоний таърифига кўра «Иқтисод деб пул ва мол каби неъматларнинг қадрини билмакни айтиладур»². «Пулу давлати кўп бўлган инсон бой эмас, балки иқтисодчи инсон бойдир». Оила иқтисодини шакллантиришда, уни бошқариш ва назорат қилишда оиланинг ҳар бир аъзосининг ўз ўрни ва ўз улуши мавжуд.

Оила, пул даромадлари аввал таъкидлаганимиздек, ҳалол, пок йўл билан меҳнат эвазига топилмоғи зарур. Ўғирлик, қимор-ўйнаш, пора, алдамчилик, фоҳишалик, қаллоблик билан орттирилган бойлик ҳаромдир. Шунинг учун оила иқтисодига қўшиладиган ҳисса ҳалол бўлмоғи лозим. Ҳалол билан ҳаромни фарқлай билишни эса бола онгига ёшлиқдан сингдириб бориш лозим. Одатда ўзбек оилаларида оиланинг моддий таъминоти эркак зиммасида бўлади. Оила жамғармасини тежамкорлик билан ўз ўрнида сарфлаш, исрофгарчиликка йўл қўймасдан оилада қут-барака бўлишини таъминлаш аёлнинг вазифасидир. Шунинг учун оила ва давлатнинг бой, тўқ, фаровон турмуши кўпроқ эркакларга

¹ Очил. Сафо. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. Т., «Ўқитувчи», 1997, 24-бет.

² Абдулла Авлоний. Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ, Тошкент, «Ўқитувчи», 1992, 33-бет.

боғлиқ. Тежамкорлик — оила фаровонлигининг асосидир. Оила қанчалик тўқ, фаравон яшаса, шу оилада камолга етаётган фарзандларнинг келгусидаги моддий фаровон турмушига асос солинади. Бу эса, ўз навбатида, давлат ва жамият бойлиги учун заминдир. Абдурауф Фитрат айтганларидек: «Маълумки, яшаш учун пул ва пул топиш учун саъй ва амал лозим. Аёллар эркакларга ўхшаб ҳаёт мушкулотларига тоб бермай, турмуш таҳлилига қодир эмаслар. Тажрибасизлик ва заиф мижозлари устига аёл зоти баъзи йиллари тўққиз ой «ҳомиладорлик» юкини кўтариб юради, бола туғилишидан бошлаб тарбияси билан машғул бўлади. Яна бориб ишлаб пул топиш эса уларга мушкулдир. Ишлаб, саъй-ҳаракат қилиб пул топиш бу эркаклар бурчидир. Эркаклар бор кучларини ишга солиб, пул топиб бир қисмини аҳлу аёлларига эҳтиёжлари учун сарф қилишлари лозим. Пули ва бойлиги бор кишилар бола-чақалари ва аҳли аёлларининг нафақалари хусусида зиқналик қилсалар ё нафақаларини бериб миннат қилсалар, ёки оила аъзоларининг ўлмаслиги учун бош-кўздан садақа бериб, ўзлари бошқа жойларда айшишрат билан машғул бўлсалар, зулм ва инсофсизлик қилишларига шубҳа йўқдир. Зулм ва инсофсизлик эса исломда куфр ва ҳаромдир. Бас, эркакларнинг бу ҳаракатлари ҳам ҳаромдир»¹.

Инсондан пул, молу дунё топиш бир ақл талаб этса, уни сарфлай олиш ўн марта ортиқ ақл талаб этади. Шунинг учун оила иқтисодига ўта масъулият, пухта режа асосида муносабатда бўлмоқ лозим.

Оила иқтисодини режалаштирмасдан туриб, мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиётига муносиб улуш қўшиш мумкин эмас. Аксарият ўзбек оилаларида оила даромади, чиқими кундалик эҳтиёжларнинг сарф-харajatлари, ҳар бир киши учун бир кунлик, бир ойлик, бир йиллик озиқ-овқат маҳсулотлари меъёри (нон, гўшт, сут, кўкатлар, полиз маҳсулотлари ва ҳоказо), мавсумий кийим-кечаклар, маданий-маърифий савиясини оширишга, сайру саёҳатга, оилавий анъаналар, маросимларни нишонлашга ва оила аъзоларининг бошқа эҳтиёжларига (енгил машина, велосипед, техника ашёлари ва ҳоказо) сарфланадиган маблағ ҳажми ва бош-

¹ Фитрат А. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. Тошкент, «Маънавият», 1998, 37-бет.

қалар олдиндан режалаштирилмайди. Бозор иқтисодиёти шароитида оилани режалаштириш оила иқтисодини режалаштиришдан бошланмоғи зарур. Халқимизда «Режали иш бузилмас», «Маслаҳатли тўй тарқамас», «Режасиз иш — қолипсиз ғишт», «Режали иш — ҳамиша беш» каби мақоллар ҳам ҳар бир ишни олдиндан пухта ўйланган режа асосида қилмоқ зарур, акс ҳолда у иш пала-партиш, муваффақиятсиз тугаши мумкин деган маънода қўлланилади. Оила иқтисодида жамғарманинг роли катта. Оиланинг жами пули, даромадлари ва сарф-харажатлари оила жамғармасини ташкил қилади. Оиланинг қанча даромади, қанча харажати мавжудлиги жамғармадан келиб чиққан ҳолда ҳисоб-китоб қилинади.

Оиланинг моддий бақувватлиги — оила даромадини моҳирона кўпайтириш ва уни хўжалик юртишда моҳирона сарфлашга боғлиқ. Тежамкорлик эса оила фаровонлигини таъминловчи муҳим моддий-маънавий қадрият ҳисобланади. Тежамкорлик — хасислик ёки зиқналик эмас, балки, унинг мазмунида оила маблағини қаттиқ назорат қилиш, ҳалол меҳнат эвазига келган пул ва рўзғор анжом-ашёлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечакларни қадрлаш, авайлаб-асраш, иқтисод илмини чуқур билиш, эҳтиёткорлик, нафсни идора этиш, бойваччалик орқасида бўладиган манманликдан ўзни тийиш, ҳар бир нарсадан унумли фойдалана билиш маҳоратига эга бўлиш демакдир.

Мамлакатимизда ҳукм сураётган бозор иқтисодиёти ҳар бир кишидан тежамкорликни талаб этади. Оиладаги нарсаларни тежайдиган инсон, давлат, мамлакат бойликларини, мол-мулкини авайлаб-асрайди. Шунинг учун ҳам ушбу фазилат ҳозирги замон кишиси учун ҳаётий эҳтиёж, турмуш тарзини юксак даражага кўтарувчи маънавий етуклик мезонидир. Инсондаги «мен» ва «меники» тушунчасининг юксак даражада шаклланиши «Бу оила— меники», «Оиладаги ҳар бир нарсага мен жавобгарман». «Экин майдонлари, ишлаб турган корхона, станок— меники, мен уларнинг эгасиман» деган тушунчаларни унинг онгида кўрғошиндек мустақкам муҳрланиб қолиши ўз-ўзидан оилада, иш ўрнида, атроф-муҳитда тежамкорлик билан муносабатда бўлиш ҳиссини пайдо қилади. Мустақиллик шарофати билан уй-жой, корхона ва ташкилотларни хусусийлаштириш, хусусий корхоналар ташкил этиш, тадбиркорлик фао-

лиятига кенг йўл берилганлиги, қишлоқ хўжалигида оила пудрати, деҳқон хўжалиги, фермерлик фаолиятларининг ташкил этилганлиги ҳар бир фуқаро онгида «мен» ва «меники» тушунчаларини шакллантиришга қаратилган сазъ-ҳаракатлардир.

Тежамкорлик сабоқлари ота-она, буви-бобо намунасида бола онги, хатти-ҳаракатига сингиб боради. Халқимизда «Тежовғлик уй — бежовғлик уй», «Йўлини билган бир йил етим, йўлини билмаган минг йил етим», «Кўрпангга қараб оёқ узат», «Тежовғлик уйнинг баракаси бор» каби нақллар шунчалиқ айтилмаган. Оиладаги катта ёшдагиларнинг амаллари, халқ нақллари воситасида болаларда оила иқтисодини юритишда малага ва кўникмалар шаклланиб боради.

Ота-она болага ойлик маошини режали сарфлаш, рўзгор учун керакли, кераксиз нарсаларни харид қилмаслиги, мол-дунё йиғишга ружу қўймаслиги, ўғирлик, тамагирлик, ёлғон сўзлашдан йироқ бўлиши, озиқ-овқат маҳсулотларини исрофгарчилик билан сарф қилмаслиги, ички ва устки кийимлар, пойабзалларни ўз ўрнида эҳтиёткорона, тоза-озода сақлаши, уларни дазмоллаб кийиши, ҳар кунлик ҳаётдан шукроналар билан яшаши, хонадонни ортиқча, киши руҳиятида сиқув пайдо қиладиган анжомларсиз баҳаво, ихчам, дид билан безалган, саранжом-саришта тутиши, оиланинг хўжалик харажатларини тежаш мақсадида мавжуд ер майдонларидан мевали дарахтлар, гуллар, полиз маҳсулотлари экиб, унумли фойдаланиш, пала-партиш кийинмаслик, урфдан чиқиб қолган кийимлардан рўзгорбоп янги маҳсулотлар ишлаб чиқариши, рўзгор асбоб-анжомларини таъмирлаш ҳунарларини билиши билан намуна бўлиши зарур.

Оила эҳтиёжи унинг имкониятига қараб қондирилади. Баъзи оилаларда бу қоидага амал қилмаслик оқибатида иқтисодда режасизлик, баракасизлик, исрофгарчиликка йўл қўйилади. Суви қочган нонни кесиб қуриштиш ўрнига уни молга бериш, ҳатто ахлатга ташлаш, меҳмон сонига қараб харид қилиш ёки таом тайёрлашга амал қилмаслик, аёллар ва қизларнинг бозорда янги пайдо бўлган матони албатта харид қилиши ва кийиши, янги келиннинг ота-она, қайнота-қайнона қилган 50—60 та сарупосини кийиб улгурмасдан янги-янгиларини харид қилиши, меъёрсиз таом тайёрлаш ва уни исроф қилиш, оила даромадини ҳисобга олмасдан кийиниш,

йчиш, чекиш каби иллатларга берилиш, ортиқча сарф-харажатлар билан тўй-маъракалар ўтказиш, ўз бойлигини кўз-кўз қилиш, ўғил уйлантираётганда ёки қизни турмушга бераётганда эҳтиёжидан ортиқ мол-дунё бериш, меъёридан кўп рўзғор буюмларини ҳадея қилиш, қудалар ўртасида ортиқча урф-одатлар, расм-русумларнинг, оилавий тантаналарнинг ўтказилиши оила иқтисодига салбий таъсир этади.

Тўй ва маърака, мотам маросимларини ўтказишдан мақсад ўзини нимага қодирлигини халққа кўз-кўз қилиш эмас, балки ўз хурсандчилиги ва хафачилигини дўсту биродарлар билан баҳам кўриш, улар суҳбатидан баҳраманд бўлиш, оламдан ўтганларни руҳини хотирлаш ва қадрлашдан иборатдир. Ваъзи нобакор фарзандлар ота-онани тириклигида йўқлаш, ёрдам бериш, оғир юмушларини енгиллаштиришни хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Улар оламдан ўтганларидан сўнг эса ўзларининг сохта меҳрибончиликларини, бойвачаликларини намойиш этмоқчи бўладилар. Мотам маросими дастурхони тўй дастурхонига нисбатан ҳам тўкин-сочини қилиб безатилади. Халқимизда бир нақл бор: «Ота-онанг ўлгандан сўнг минг кун йиғлагандан кўра, тириклигида бир кун йўқла». Шунинг учун ота-онага қиладиган барча яхшиликларни унинг тириклигида қилмоқ зарур. Бу ўринда юртбошимизнинг фикрлари барча учун дастуруламал бўлмоғи зарур. Президентимиз: «Аёлларимизни ҳурмат қилайлик, эъозлайлик. Бу фоний дунёда оналаримизни бошимизга кўтарайлик. Қанийди, онагинам тирик бўлсалар, дунёни сайру саёҳат қилдириб келмасмидим. Оналаримизнинг, оталаримизнинг умрини ганимат билиб, қадрига етайлик», — дейдилар.

Дарҳақиқат, турмушда зарур бўлган барча нарсаларга осонликча, меҳнатсиз эга бўлган ёш келин-куёвда ота-она меҳнатини қадрлаш, рўзғор буюмларини авайлаб-асраш, тежаш, оиланинг моддий хўжалик вазифасини бажариш учун интилиш қаёқда бўлсин?

Оиланинг ҳар бир аъзоси бор-йўққа қаноат қилишга ўрганиши лозим. Меҳнатга ҳалол ва тўғри ёндашиш, ўз касбини севиш ва касби орқали топган даромадига қаноат қилиш ҳам оилани мустаҳкамлайди. «Қаноат деб жаноби ҳақ тарафидан эҳсон бўлган аҳволга етиш-дугимиз неъмат ва молга шукр, бошимизга келган фақр, мусибат, фалокатларга чидаб, сабр қилмоқни

айтилуру. Қаноат, ҳасад, тама, ҳирс, хорлик каби иллатларнинг даъвоси нафсимизнинг ғиносидур»¹.

Меҳнат билан топилган бойлик қадрли бўлади, меҳнатнинг қадрини билганларгина меҳнат эвазига келган бойликни қадрлайди, тежайди, ноўрин сарфламайди. Шу ўринда бир афсонани келтириш ўринли. Бир мўйсафид чол кексайиб куни битганга ўхшаб қолади. У бу аҳволини сезади ва олдига ёлғиз, лекин эркатой ўглини чорлайди. Ота ўғлига: «Ўғлим, бор мол-мулкимни сенга хатлаб қолдираман. Бироқ бир шарти бор. Ўз пешона теринг, ҳалол меҳнатинг билан менга ўн танга келтириб берасан», — дебди. Ўғил ўрнидан туриб, онаси олдига бориб бўлган гапни айтиб беради. Она ўғлига ўн танга пулни бериб: «Болам, ўртоқларинг билан ўйнаб, айланиб кечга яқин қайтиб кел ва шу пулни отангга бергин», — деб эркалайди.

Бола онаси айтганидай кечроқ отаси олдига бориб, онаси берган пулни отасига узатади. Ота ҳовуз бўйида ўтирган эди. У боласидан тангани олиб, у ёқ бу ёғини айлантириб кўради-да, уни ҳовузга отади ва дейди: «Ўғлим, бу пулни меҳнат қилиб топмагансан». Фарзанд бу бўлган воқеани онасига айтади. У онаси билан буғунги бўлган ишни эртасига ҳам такрорлайди. Ота эса бу гал ҳам пулни ҳовузга улоқтиради.

Учинчи кун эса бола кун бўйи ишлайди, ҳаммоллик қилади, юк ташийди, хуллас ҳалол меҳнати билан ўн танга топиб, отасига келтириб беради. Ота эса олдинги кундагиларга ўхшаб, пулни ағдариб кўра бошлайди ва ҳовузга улоқтираётганда бола отасига қараб ўзини стади ва дейди: «Отажон, сувга улоқтирманг, уни ҳаммоллик қилиб югуриб-елиб топдим», деб ялинади. Шунда ота: «Ҳа, бу пулни ўз пешона теринг билан топибсан. Аввалги пулларга ичинг ачишмади, бу гал эса қийналыпсан», деган экан.

Демак, ҳалол йўл билан меҳнат эвазига топилган мол-дунё қадрли бўлади, у ноўрин кетса, жон ачийди.

Ота-онанинг вазифаси фарзандни заруратдан ортиқ рўзгор асбоб-анжомлари билан таъминлаш, меъеридан зиёд едириш, кийинтириш эмас, аксинча, оила бошқариш, тежамкорлик сабоқларини улар онгига сингдиришдан иборатдир. Фарзандлар истиқболини ўйлаган ота-она

¹ Абдулла Авлоний. Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ. Тошкент, «Ўқитувчи», 1992, 22-бет.

уларга касб-ҳунар сирларини ўргатади. Қизиқишлари бўйича чуқур илм олишлари учун шароит яратиб беради, бўш вақтларини унумли ташкил этади, меҳнат малага ва кўникмаларини шакллантиради.

Мол йиғиш, унга мойиллик инсонга хос хусусиятдир. Мол пул, буюм, қимматли қоғозлар, заргарлик буюмлари, қимматбаҳо материаллардан бўлган уй-рўзгор ашёлари, кийим-кечак, нодир китоблар ва бошқалар тарзида бўлиши мумкин. Мол икки хилда: бири ота-боболардан мерос, иккинчиси тежалган оила бюджети ҳисобига мол йиғиш мумкин.

Шунингдек Абдулла Авлоний айтганидек: «Мол топмакнинг энг баракатли йўллари: ҳунарчилик, экинчилик, чорвачилик, савдогарчиликдур. Буларнинг ҳар бирига ҳам бу замонамизда билим лозимдур. Боболаримизнинг «бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар» замонлари ўтуб, ўрнига «билган битар, билмаган йитар» замони келди»¹. Чунки ота-онанинг фарзандларига мерос бериши қадимдан одат тусига кириб қолган. Ақлли фарзанд ота-онаси ҳадя этган меросдан оқилона фойдаланишга, уни кўпайтиришга ҳаракат қилади.

Меъёридан ортиқ мерос узоқни кўра олмайдиган фарзандни боқиманда, дангаса, текинхўр, ишёқмас қилиб қўйиши мумкин. Шунинг учун ота-онанинг асосий вазифаларидан бири фарзандга мерос қилиб қолдираётган молни ўз ўрнида сарфлаш, режалаштириш ва бошқариш йўл-йўриқларидан ҳам сабоқ бермоғи зарур. Албатта, оиланинг аъзолари ейиши, кийиши ва бошқа кундалик эҳтиёжларини бутунлай чегаралаш ҳисобига мол йиғиш мумкин эмас. Мол йиғишдан мақсад ҳаётда учраши мумкин бўлган оғир кунларда, кундалик ҳаётий эҳтиёжни қондириш зарурати пайдо бўлганда, фарзандларни мустақил ҳаёт кечиришлари учун шарт-шароит яратиш лозим бўлган тақдирда фойдаланишдан иборатдир. Тўпланган мол-дунё эзгу мақсад йўлида сарфланмаса, у кишини йўлдан чиқаради, баднафслик касалига мубтало этади. Инсон учун моддий бойлик эмас, маънавий бойлик ҳаётий эҳтиёждир. Шунинг учун моддий бойликдан илм олиш, касб-ҳунар эгаллаш, дунёни билиш, меҳр-саховат, ҳиммат кўрсатиш йўлида фойдаланмоқ зарур. Турли нопок йўллар билан осонликча

¹ Абдулла Авлоний, Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ, Тошкент, «Ўқитувчи», 1992, 33—34-бетлар.

қўлга киритилган бойлик қандай келган бўлса, шундай йўқ бўлади. Мисқоллаб йиғилган мол-дунёдан ўз ўрнида фойдалана билиш ҳам санъатдир. Мол-дунёга ўта меҳр қўйиш, бойлик ҳирсига берилиш, унинг орқасидан қувиш, бойлик орттириш мақсадида ўғрилиқ, жиноatchилик, хойнлик, сотқинликдан ҳам қайтмаслик инсонни жаҳолат ботқоғига фарқ этади, инсонийлик туйғуларидан маҳрум қилади, очкўзлик касаллига мубтало этади.

Очкўзлик хасисликнинг пойдеворидир. Хасислик, зикналик инсонга хос бўлмаган хусусият бўлиб, очкўзликнинг бир кўринишидир. Хасис одам очкўзлик билан бойлик, мол-дунё йиғади, ундан на ўзи, на бошқаларнинг фойдаланишини истамайди. Унинг учун шукр қилиш, қаноат, ҳиммат, саховат тушунчалари бутунлай ётдир! У ўз бойлиги, мол-дунёси хавотири билан яшайди. Хасис одамлар муҳтож, бева-бечоралар, ногиронлар, ёлғиз кексалар, етим-есирларга нисбатан эзгулик, одамийлик қилмайдилар. Бу тоифадаги кишилар ҳатто оила аъзоларини ҳам емоқ, ичмоқ, киймоқдан маҳрум этадилар. Хасис инсонни ҳеч ким ҳурмат қилмайди. Бойлик орқасидан қувиш — касалликдир. Бу касаллик инсонни ичкилик, гиёҳвандлик, зино, қиморбозликка майлини оширади. Бунинг натижаси эса оиланинг барбод бўлишидир.

Донишмандлар шундай таълим берадилар: «Бироқ мол ҳар қанча азиз бўлса ҳам, уни дўстлардан дариг тутмағил. Ҳар ҳолда молни гўрингга олиб бормагундур. Аммо дахлинг (даромадинг) на чоғлиқ бўлса, харжинг ҳам ул миқдор бўлсун. Шунда сенга қашшоқлик машаққати юзланмағай. Ҳар кишики харжини дахлидин оз қилса, ҳеч вақт қашшоқ бўлмағай.

Бор молингга қаноатда бўлғил, қаноат туганмас ганждур ва сенга, албатта етишгусидур... Аммо исрофни шум эътиқод қилғил. Ҳар ишнинг бир сабаби бордур. Аммо қашшоқликнинг сабаби исрофдур. Исроф танҳо молнинг харжида эмас, балки овқатда, хулқда, сўзламоқда ва ўзга ишларда ҳам ёмондур. Исроф танни алдар, нафсга ранж еткарур, ақлни қочирур, тирикни ўлдирур. Кўрмасмусанму, чироқнинг тириклиги ёғ биландур. Агар ёғни ҳаддан зиёда солсанг, ёғ фатила (пилик)нинг бошига келиб, чироқ ўчур. У ёғки чироқнинг ҳаётига сабаб эрди, исроф жиҳатидан мамотига (сўнишига) сабаб бўлур.

Донишлар дебдурларким, ҳеч бир ишда исроф қил-

мағил, исроф қилғувчи барча вақт зиёнкордур. Аммо тирикликни талх қилгундек қаттиқлик қилмағил. Рўзгорингнинг зарурий ишларида тақсир нуқсон кўр-газмағил. Жонингга жабр қилмағил: мол ҳар нечаким азиздур, аммо жонингдан азиз эмасдур. Алқисса, жаҳд этиб йиғингон молингни бахилларнинг қўлига топширмағил ва шаробхўр, қиморбозларга эътимод қилмағил. Барча кишини ўғри гумон этмағил, токи молинг ўғридан омон бўлғай.»¹

Мусулмончиликда исроф қилиш гуноҳдир. Оиланинг иқтисодини исроф қилиш уни қашшоқликка, йўқчиликка маҳкум этиш демақдир. Оилада йўқчилик оқибатида уруш-жанжал пайдо бўлади, фарзандлар жиноятга қўл уради. Узгалар мол-дунёсига ҳасад қилиш кулфати пайдо бўлади. Халқимиз йчида «Нимани хор қилсанг, шунга зор бўласан» деган мақол бежиз айтилмаган. Шунинг учун оиладаги ҳар бир нарсани, оила иқтисодининг ҳар бир сўмини тежаш ва исроф қилмаслик, унинг оқибатини фарзандлар онгига сингдирмоқ зарур.

Сахийлик, хотамтойлик инсон фазилатининг кўркидир. Оила иқтисодининг тежалган қисмидан қариндошуруларга, қўни-қўшниларга, сўнгра дўсту биродарларга эҳсон қилиш қадимдан шаклланиб келган қадрият ҳисобланади. Муҳтожликда яшаётган ён қўшнига ёрдам бериш, ҳолидан хабар олиш хотамтойликдир. Ўзи бойбадавлат дўсту биродарларга катта-катта зиёфатлар бериш тақабурликдан бошқа нарса эмас.

Оилада сарф-ҳаражатлар доимо назоратда бўлмоғи зарур. «Ҳисобли дўст ажралмас» деган нақл мавжуд. Оила аъзоларининг ойлик даромади, кундалик эҳтиёжи учун чиқимлар ҳажми, тежамкорлик асосида йиғилган жамғармаси ёзма равишда мунтазам ҳисобкитоб қилинган тақдирда исрофгарчиликка ҳам, оиланинг қашшоқлашиб кетишига ҳам йўл қўйилмайди. Ҳар бир кишининг ўз билганича, оила бошлиқлари билан маслаҳатлашмасдан харажат қилишлари ҳам исрофгарчиликка олиб келади. Бундай оилада қут-баракка бўлмайди. Ойлашунос олимларимиз сабоқ берганларидек: «Қирим чиқим ҳисобларингизни бир дафтарга ёзингиз ва ҳар вақт бу дафтарга кўз ташлаб турингиз, бундай дафтарлар иқтисод аршини ва тадбир ўл-

¹ Кайковус Унсурмаолий. Қобуснома. Тошкент, «Ўқитувчи», 1986, 72—75-саҳифалар.

чови бўлурлар. Чунки ҳиссасидан чиқмиш ақчаларни кўриб турганида керакмас ўринларга ақча бермак учун ҳар ким бир қадар эҳтиёт узра бўлур.

Чиқимингизни киримингиздан ортиқ айламангиз, балки қора кун учун ҳар ойда озми-кўпми бир миқдор ҳиссангиздан беркитиб борингиз, бундай этмак кўнгилга роҳатлик келтирур ва иждиҳодли бўлувга сабаб бўлур, аммо чиқим ортиқ бўлса, кўнгилга ҳасрат солур, қонни бузар»¹.

Демак, оила иқтисодида кирим билан чиқимнинг бир-бирига мутаносиб бўлмоғи, яъни чиқимнинг киримдан кўпайиб кетмаслигига алоҳида аҳамият бермоқ зарур.

Шундай қилиб, оила иқтисодини чуқур билиш, унга амал қилиш оила фаровонлигини таъминлашнинг муҳим воситасидир. Оиланинг иқтисодий барқарорлиги эса давлатнинг, мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти омилидир.

ОИЛА ТАРБИЯСИ ВА МИЛЛИЙ ҒУРУР

Инсонлар бўладики, қайси бир ишни бошласа, уни охирига етказмасдан қўймайди. Уни амалга ошириш йўлида заҳмат чекади, қийналади, югуради-елади. У қанча қийналмасин, азоб чекмасин, изидан, йўлидан қайтмайди.

Яна бир тоифа одамлар борки, улар мақсадсиз, беғам яшайдилар. Бошлаган иши йўлида озгина тўсиқ ёки қийинчилик учраса, ташлаб қўяди, ниҳояламайди. У ҳақдаги одамларнинг яхши-ёмон гапи билан ҳам иши бўлмайди.

Мана, икки хил одам манзараси. Улар бир-бирига қарама-қарши характер, руҳдаги кишилар. Бинобарин, ҳар иккаласи ҳам одамлардир. Биринчисида ғурур бор, бошлаган ишидан фахрланади. Иккинчиси эса ғурурсиз, тинч-хотиржам яшашни, қийинчиликсиз умр кўришни афзал кўради.

Зотан, инсонни буюк ишларга илҳомлантирувчи куч ғурурдир. Унинг мазмунида ўз оиласидан, ота-онасидан, Ватанидан, авлод-аждодлари қолдирган моддий ва маънавий меросдан, касб-коридан, миллатидан, ижтимоий

¹ Фаҳриддин ибн Ризоуддин. Насиҳат. Тошкент, «Чўлпон», 1993, 70 бет.

фойдали меҳнатидан, фарзандларидан фахрланиш ҳисси мужассамдир.

«Миллий ғурур — ҳар бир миллатнинг ўз-ўзини англаш натижасида содир бўладиган ички руҳий кайфияти. Бу туйғу ўз она замини, авлод-аждодлари томонидан қолдирилган моддий, маънавий меросдан, ўз миллатининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаларидан, ўзга миллатлар олдидаги қадр-қиммати, обрў-эътиборидан фахрланиш ҳиссиётидир»¹.

Фахрланиш — миллий ғурурнинг негизини ташкил этади. Табиат ва жамият воқеа-ҳодисаларидан, ўз ва ўзгалар ютуғидан фахрлана олиш ҳам буюк неъматдир. Миллий ғурури баланд инсон ўз ор-номуси, ҳаёси, иф-фатини сақлай билади, Ҳар хил ваъдаларга учмайди, турли таъсирларга, оқимларга тушиб қолмайди. Ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини бошқариш, хатти-ҳаракатини назорат қилиш, халқимизда айтилганидек, «Етти ўлчаб бир кесиш» қобилиятига эга бўлади.

Маънавий қашшоқлик миллий ғурурнинг заволидир. Маънавий баркамол инсон ўз ғурурини ўткинчи ҳавас учун поймол қилмайди. Иродаси мустаҳкам, эътиқоди бутун, қалбида муҳаббат туйғуси кучли (ота-онага, оилага, Ватанга, миллатга, халққа, ўзи туғилиб ўсган она заминга, ёрига, фарзандларига, дўсту биродарларига, касбига ва ҳоказо) инсоннинг миллий ғурури баланддир.

Миллий ғурури баланд инсон адолатсизликка, ноҳақликларга, субутсизликка, ёлғонга, алдамчиликка, миллий камситилишга, миллат, Ватан хоинларига, хиёнатга, обрў-эътиборининг топталишига нисбатан бешафқат бўлади. Ғурури баланд инсон ҳар қандай лаганбардорга, тажовузкорларга бош эгмайди, керак бўлса жонини ҳам фидо қиладикки, лекин ўзгаларга озор бермайди, сотқинлик, диёнатсизлик, нодонлик қилмайди.

Ўз ғурурини поймол этиш бахтсизликка етакловчи ягона йўлдир. Ҳаётда баъзи қизларимиз асрлар оша авлоддан-авлодга ўтиб келаётган Шарқ қизларининг ҳаёси, ибоси, ғурурини сақлаш талабларига қарши бориб, ҳаётга енгил-елпи қараш, узоқни ўйламаслик ва кўра билмаслик оқибатида йигитларнинг ёлғон сўзларига ишониб, ўз номусларини поймол қиладилар. На-

¹ Мустақиллик. Изоҳли илмий-оммабоп дугат. Тошкент, «Шарқ» концерни, 1998, 143-бет.

тижада, бир умр бахт ва бахтиёрлик, ҳаёт лаззати нима эканлигини билмайдилар. Уларнинг ҳаётлари таъна-ю дашномлар остида ўтади. Афсуски, «кейинги пушаймон ўзига душман» эканлигини кеч англайдилар. (Шукрлар бўлсинки, бундай қизлар жуда ҳам кам). Ўз гурурини поймол қилмаган инсон миллат гурурини ҳам сақлай билади.

Ёшлик олтин даврдир. Уни эҳтиёт қилиш, йигит-қизлар ўз умрини бефойда, самарасиз ўтказишларига йўл қўймаслик биз катталарнинг ёшлар олдидаги бурчимиздир. Ўз бурчига масъулиятли ота-она, устоз мураббийлар қўлида тарбияланган ёшларнинг миллий гурури мустаҳкам бўлиб тарбияланиши табиийдир.

Ўзига ўта бино қўйиш, насл-насаби, мол-дунёси, мансабидан, ҳуснидан гердайиш, манманликка берилиш, қобилиятига ортиқча баҳо бериш, ўз ютуқларидан ҳаволаниб кетиш қабоҳатдир. Афсуски, буларнинг барчаси вақтинчалик, ўткинчи нарсалар эканлигини унутмаслик зарур. Халқимизда «Қамтарга камол, манманга завол», «Бошинг осмонга етса ҳам, оёгингни остига қара» деган нақллар бежиз айтилмаган. Бироқ гурурни гердайиш, ўзига бино қўйиш, ютуқлардан эсанкираш, ижобий маънодаги «ўжарлик» ни, «қайсарлик» ни манманлик деб тушунмаслик керак. Ҳолбуки, камтар, оддий, бағрикенг инсонда гурурланиш ҳисси кучли бўлади.

Баъзан ҳаётда ўз миллатидан, тилидан, шеvasидан кийимидан, туғилиб ўсган жойидан (қишлоқ, чўл, дашт, сахро ва ҳоказо), оддий авлод-аждодлари касб-ҳунаридан, ҳаттоки ота-онасининг бундайроқ моддий ҳолатидан ор қиладиган кимсалар онда-сонда бўлса-да учраб туради. Мустабид тузум даврида бундай ҳодисалар сон-саноксиз эди. Ўз она тилини умуман билмасдан, ҳатто тан олмасдан, ўзининг чиройли ўзбек исми туриб ўзга миллат исмларини маъқул кўрган (Гулчеҳра — Гуля, Зулфия — Зоя, Бахриддин — Боря, Нигора — Нина, Нодира — Надя, Сожида — Соня, Маркс, Тельман, Мэлс ва ҳоказо) ўзга миллат урф-одатлари, анъаналарига, ҳатто ўз динигамас, ўзга динга эътиқод қилганлар, миллий гурурсиз кимсаларни кўплаб учратиш мумкин эди.

Мустақиллик, истиқлол бундай манқуртликка чек қўйди. Юртбошимиз айтганларидек: «Биз орзу этган буюк давлатни бунёд қилиш барчамиздан мустаҳкам

ирода, иймон-эътиқод, миллий ғурур туйғуси, буюк аждодларимиздан мерос қолган маънавий бисотга эга бўлишни талаб қилади. Билакларимизда куч, қалбларимизда келажакка ишонч бўлмоғи шартдир»¹.

Ўзбек халқи миллий ғурури баланд халқ. Миллий ғурур ўз онгини, руҳиятини бошқа миллатларга қарши қўйиш эмас, балки бошқа миллат халқларига ўз миллий-маънавий ва моддий бойликларини, жаҳон маданияти хазинасига қўшган улкан улушини, миллий қадриятларини (ахлоқий, ақлий, экологик, иқтисодий, диний, адабий-бадний, ҳунармандчилик, ахлоқий-маънавий ва ҳ.к.) намоён этишдан иборатдир.

Ўзбекнинг пахтаси, пилласи, олтини, атласи, дўпписи, тарихий обидалари, палови, меҳмондўстлиги, инсонпарварлиги, иймон-эътиқоди, буюк алломалари унинг фахридир. Улардан ҳар бир фуқаро ғурурланиши лозим.

Миллий ғурур она сути, ота намунаси, авлод-аждодларнинг ирсий фазилатлари, ахлоқ-одоб мезонлари орқали фарзанд онгига сингдирилади. Миллий ғурури баланд ёшлар мамлакатимиз келажакдир. Шунинг учун ҳар бир фуқарода, ёш авлодда миллий ғурурни шакллантириш, мустаҳкамлаш бугунги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади.

Миллий ғурурни шакллантириш ва мустаҳкамлаш учун, аввало, миллатимизнинг пайдо бўлиш, ривожланиш, миллат бўлиб шаклланиш тарихи, урф-одатлари, анъаналари, адабиёти, санъати, маданияти, дини ва уларнинг инсоният тарихи тараққиётида тугган ўрнини мукамал билмоқ зарур. Иккинчидан, умуминсоний қадриятларни билиш, улардаги миллий менталитетимизга мос илгор ғояларни амалиётга жорий этиш ва шу асосда миллий қадриятларимизни мазмунан ва шаклан бойитмоқ лозим. Учунчидан, жаҳон андозаларига мос янги техника ва технологияга асосланган ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш ва унда фаоллик кўрсатиш керак. Тўртинчидан, мамлакатимизда истиқомат қилаётган фуқароларнинг ирқи, миллати, наслунасаби, тили ва диний эътиқодидан қатъи назар миллатлараро, фуқаролараро тотувлиги, ҳамжиҳатлиги ва яқдиллигига эришмоқ учун барча чора-тадбирларни

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. I. Ўзбекистон, 1996, 362-бет.

кўрмоқ лозим. Шундагина ҳеч қандай ёвуз куч кўп меқлатли мамлакатимиз халқлари ўртасига раҳна сололмайди. Улар бир-бирлари билан дўст-биродар, ҳамкор ва ҳамфикр, бир-бирларидан фахрланиш ва ғурурланиш ҳисси билан яшайдилар. Бундай ўзаро дўстона муносабат ёш авлод тарбиясида ҳам муҳим роль ўйнайди.

Умуман олганда, миллий ғурур қалбларни, жамият жамоли ва камолини безайди, эзгу ишларга илҳомлантиради. Юқорида зикр қилинган, таҳлил ва тадқиқ этилган муаммолар оила тарбияси билан бевосита боғлиқдир. Зотан, оила — миллий ғурур кошонасидур, устахонасидир.

ОИЛАДА БАРҚАМОЛ ШАХСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Инсон аслида бахт ва эзгулик учун дунёга келади, шу орзу-умид билан яшайди. Лекин бу билан иш битмайди, у шу ниятига етиши учун ҳаракат қилиши, меҳнат қилиши, яхшилик кўриши учун яхшилик қилиши лозим. Инсоннинг инсон бўлиб шаклланишида, ҳаётда ўз ўрнини топишида, эл-юрт ичида иззат-ҳурматга сазовор бўлишида) юксак ахлоқ-одоб қоидаларини ўзида мужассам этишида оила асосий ўринни эгаллайди. Оила шундай маконки, унда ҳаётнинг давомийлигини таъминловчи шахс шаклланади, этник маданият, урф-одатлар, ахлоқий-маънавий қадриятлар сақланади ва ривожлантирилади, жамият тараққиётини белгиловчи иқтисодий ва маънавий ҳаёт пойдевори қўйилади ва мустаҳкамланади. Юртбошимиз айтганларидек, халқимиз қадимдан оилани муқаддас деб билган. Ахир оила аҳил ва тотув бўлса, жамиятда тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради.

Оилада тарбиянинг негизларига асос солинади. У болада шаклланиши лозим бўлган барча инсоний муносабат ва фазилатларни тарбияловчи ҳаёт мактаби ҳисобланади:

Ўзбек халқи табиатан болажон халқ. Болага нисбатан бағри кенглик, меҳри дарёлик, ўта фидойилик ўзбекларгагина хос хусусиятдир. Шу боисдан ҳам, оналаримиз фарзандларнинг бахти ва келажаги учун қайғуради. Уларнинг пухта билим олишлари, қизиқишлари бўйича касб-ҳунар эгаллашлари, ахлоқ-одоб қоидаларини мукамал билишлари ва уларга амал қилиш-

лари учун мавжуд имкониятларни яратадилар. Чунки оилада болани тўғри тарбиялаш — мустаҳкам пойдеворли жамият барпо этилишининг гаровидир. Бола тарбияси кенг қамровли, узоқ давом этадиган мураккаб жараён бўлиб, унинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Ушбу жараён турмуш қурадиган йигит ва қизнинг бири-бирига ҳар томонлама муносиблигидан бошланади.

Бўлажак ота-онанинг соғ-саломатлиги, насл-насаби, дунёқараш, ички ва ташқи дунёси, ахлоқ-одоби, моддий ва маънавий даражасининг мослиги, турмуш қуришга маънавий ва жисмоний тайёрлиги фарзанд кўриш ва унинг тарбиясида муҳим аҳамиятга эга.

Оила мустаҳкамлиги, маънавий ва жисмоний баркамол фарзанд жамият мустаҳкамлиги ва маънавий етуқлигининг гаровидир. Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳам ўғил уйлантиришда келин танлашни, фарзанд тарбиясини давлат сиёсати даражасига кўтарганлиги ҳам бежиз эмас. Давлатнинг қудрати — соғлом фикрли, билимли, ахлоқ-одобли, халқ, миллат, Ватан тақдири учун жонни тиккан инсонлар қўлида.

Мамлакатимиз мустақиллиги йилларида Президентимиз И. А. Каримов раҳбарлигида олиб борилаётган сиёсатнинг устувор йўналишлари ҳисобланадиган аёлларнинг давлат ва жамият қурилишидаги ролини ошириш, оилани ҳар томонлама мустаҳкамлаш, оилада ва таълим тизимида ёшларни баркамол қилиб тарбиялаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган муҳим ишларнинг негизида ҳам айнан шу ғоя ётибди. Миллат генафондини сақлаш — айнан шундан бошланади. Эр ёки хотин насл-насабида мавжуд ирсий касалликлар, маънавий қашшоқлик каби келгуси авлодлар тақдири, миллат келажаги учун ҳам хавфлидир. Дарҳақиқат, оиласининг бахт-саодатини, роҳат-фароғатини ўйлаган одам шу масалаларни ҳам назардан четда қолдирмаслиги шарт.

Чунки фарзанд эр-хотиннинг меҳр-муҳаббат асосида қурилган ихтиёрий иттифоқининг мевасидир. Абдурауф Фитрат айтганидек: «...ўйланишнинг биринчи мақсади фарзанддир. Авлодни тарбиялаш инсониятнинг хизматидир. Қачонки биз яхши ахлоқ эгаси бўлган фарзандларни тарбияласак, шундагина бўйнимиздаги бу хизмат мажбурияти соқит бўлади. Қимки, бадахлоқ болаларни тарбия этса, инсониятга хизмат эмас, балки душманлик қилган бўлади. Жамият уларнинг фарзандла-

ридан безор бўлади. Хуш ва яхши ахлоққа эга бўлган фарзанд, хушахлоқ иймон соҳиби бўлган ота-онадан бўлади, агарда ота-она ахлоқсиз бўлсалар, уларнинг тарбиялари соясида ўсган фарзанд ҳам бадахлоқ бўлади. Бинобарин, куёв ва келин хушахлоқ бўлишлари энг яхши фазилатдир»¹.

Турмуш қуришга аҳд қилган йигит ва қизнинг ўзаро розилиги ва бир-бирига майли, муҳаббати асосида қурилган никоҳ мустаҳкам бўлади. Шу никоҳ асосида дунёга келган фарзанднинг бахти барқарордир. Фарзанд оиланинг гултожидир, эр-хотин ўртасидаги муҳаббат ришталарини боғловчи қимматли кўприқдир. Ҳаётнинг ширинлиги, қайноқлиги, аччиқ-чучуклиги, тасодифларга бойлиги — фарзанд билан. Шунинг учун ҳам халқимиз ичида «Болалик уй бозор, боласиз уй мозор», «Болалик хотин — гул хотин, боласиз хотин — тул хотин», «Қизгинамнинг боласи — боғимнинг гул-лоласи», «Болалилар бош бўлар, боласизлар ёш бўлар», «Бола — эр-хотин тилмочи», «Одобли ўғил — кўкдаги юлдуз, одобли қиз — ёқадаги қундуз» каби кўплаб халқ мақоллари бежиз айтилмаган.

Оилада фарзанд тарбияси у пайдо бўлмасдан бошланмоғи зарур. Яъни, ҳомиладор аёлнинг кайфияти таомлари бола организми учун фойдали бўлмоғи зарур. Ўз вақтида меҳнат қилиб, дам олиб, сайр қилиб, овқатланиб туғилажак бола тақдирини ўйлаш онанинг вазифасидир. Эр-хотин, оиланинг бошқа аъзолари ўртасидаги соғлом маънавий муҳит, аҳиллик, хушмуомалалик, хурсандчилик боланинг бежавотир, соғлом туғилиши гаровидир.

Баъзан оилада учрайдиган эр-хотин, қайнона-келин ва бошқалар ўртасидаги бир-бирига нисбатан ҳурматсизлик, ўзаро низо, уруш-жанжаллар, ҳомиладор аёлни авайлаб-асраш ўрнига оғир меҳнат қилишга мажбурлаши, хўрлаши, ҳатто унга қўл кўтариш боланинг касалманд, ногирон, жинзаки бўлиб туғилишига сабаб бўлади. Ота-онадаги энг яхши хусусиятлар ҳам, ёмон хусусиятлар ҳам ирсий йўл билан болага ўтиши табиийдир. Ҳатто туғилмаган болада она қорнидаёқ ота-онага нисбатан меҳр ҳисси шакллана бошлайди. Баъзан эр-

¹ Фитрат А. Оила ва онла бошқариш тартиблари. Т., «Маънавият», 1999, 25-бет.

нинг бола дунёга келмасдан «Агар фарзандимиз қиз бўлса, тўғри отангни уйига кетасан» ёки «Тугруқхонага йўқлаб боришимни кутмагин» каби хархашалар билан жанжал кўтариши албатта бўлажак она учун ҳам, бола учун зарарли оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Шунинг учун болани у туғилмасдан тарбияламоқ хусусида халқ донишмандлигига амал қилмоқ зарур. Бир киши янги туғилган чақалоқни донишманд олдига олиб келиб: «Тақсир, боламга қачондан тарбия бера бошлай?» — дебди. «Болангизни дунёга келганига неча кун бўлди?» — дебди донишманд. «Икки ой, тақсир», — дебди ота. «Аттанг, сиз анча кеч қолибсиз, тарбияни онасининг қорнидалигидан бошлашингиз керак эди», — дебди донишманд.

Оилада, шу жумладан, ўзбек оилаларида фарзанднинг дунёга келиши билан боғлиқ маросимлар ва расм-русумлар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири яхши ниятлар билан амалга оширилади. Жумладан, чақалоққа исм қўйиш, кичик ва катта чилла сақлаш, бешикка белаш, соч, тирноқ олиш, биринчи қадам, илк бор гапир-ра бошлаш, тиш чиқиши, ёшига тўлиши, ўғил болаларни хатна қилиш, биринчи мучал, мўйлаби сабза уриши муносабатлари билан боғлиқ оилавий тантаналарнинг ўтказилишида рамзий маъно бор. Бундай маросим, расм-русумлар бола қувончига қувонч қўшади, уни маънавий камолотига ижобий таъсир этади.

Оилада чақалоқнинг соғлом ўсиши учун муҳим бўлган даври — чилла давридир. Бу муддат кичик (20 кун) ва катта (40 кун) чилла даврларига бўлинади. Бу давр ёш она ва болани ҳар томонлама асрашни тақозо этади. Чилла даври учун характерли хусусиятлар: она ва болани ёлғиз қолдирмаслик, улар яшаётган хонага ҳеч кимни киритмаслик (гигиеник томондан ҳам мумкин эмас), чақалоқни тузли, тупроқли сувда тез-тез чўмилтириш (бадандаги ортиқча туклар тўкилади), онага оғир юмуш қилдирмаслик, қувват берадиган, сут кўпайтирадиган таомларни истеъмол қилиш, тунда ташқарига олиб чиқмаслик ва безовта қилмаслик (она ва бола маълум бир шарпадан сесканиши, қўрқиши мумкин, натижада сут камайиши ёки хасталаниши мумкин), болани қоронғиликда сақламаслик, она-бола асабини бузмаслик, қўрқитмаслик уларнинг саломатлигини таъминлаш гаровидир.

Шарқда қадимдан эмизикли аёл таомномасига алоҳида аҳамият бериб келинган. Еш бўшанган она сут келтирувчи кучли таомлар истеъмол қилиши, сутни бузмаслик учун пиёз, саримсоқ, гармдори, спиртли ичимликлар, гиёҳванд моддалар истеъмол қилмаслиги зарур. Булар бола танаси учун — оғудир.

Алла ўзбек халқининг қадимий, муҳим тарбиявий характерга эга қўшиқ турларидан биридир. Она алласидан баҳраманд бўлмаган бола қалбида ота-онага, Ватанга нисбатан меҳр-муҳаббат ҳисси бўлиши қийин. Алла айтмаган ёки алла эшитиб катта бўлмаган қиз бола бўлмаса керак. Шунинг учун одатда алла айтиш оналарга хос хусусият бўлиб, у фарзандига нисбатан бутун меҳр-муҳаббатини, орзу-ўйларини, қалб ҳароратини шу қўшиқ орқали бола қалбига етказди ва шу руҳда уни тарбиялаб боради. Алла тинглаб катта бўлган болада ота-онага нисбатан ўзгача муҳаббат, ҳурмат ҳисси шаклланади.

Бешик ўзбек халқининг муҳим қадриятларидан бири бўлиб, бола тарбиясида мўъжизавий қудратга эгадир. Таниқли ўзбек олимлари У. Қорабоев ва Б. Саримсоқовлар бешикнинг ўзига хос ижобий томонларини батафсил баён этганлар. «Бешик инсоният тарихида яратилган буюк кашфиётлардан бири десак хато бўлмайди. Чунки бешик боланинг 1,5—2 ёшгача шаклланишида кўп жиҳатдан фойдалидир. Биринчидан, у кичик, ихчам бўлиб, барча жойларга (уй, дала, айвонда) кўчириб юриш мумкин. Бу она учун жуда қулай бўлиб, турли жойда болага қараш билан бирга бошқа юмушлар қилаверишга имкон яратади. Иккинчидан, бешикнинг шакли шундай тузилганки, у гўдақни тебратиш, овутиш, эркалаш, аллалаш, ухлатиш учун ўта қулайдир. Табибларнинг фикрича, болани тебратиш, аллалаш ҳам бола рўҳиятининг тўғри шаклланишида ўта муҳим ўрин тутди. Учинчидан, бешик болани ташқи ўзгаришдан сақлаган. Бешикка турли ёпинғичларнинг ёпилиши, унинг қисман ёки бутунлай бекитилиши болани қишда совуқдан, ёзда иссиқдан, офтобдан, шамол (елвизак) дан, шунингдек, шовқиндан ҳам сақлайди. Айниқса, чақалоқ ухлаётганда, ташқаридаги диққатни тортадиган ҳодисалардан сақланган, шунингдек, бешикни ердан кўтарилгани болага зах ўтмаслигини таъминлаган.

Шунингдек, маълумки, бола бешикка (махсус оёққўл тортиқлари билан) боғлаб қўйилади. Бу бир қара-

ганда; болага азоб беришга ўхшайди. Муайян маънода шундай бўлса-да, у болага ортиқча ҳаракат қилмай, ўзининг қўл-оёқ ҳаракатидан беҳос чўчимай, бирон нарсага уринмай, ётган жойидан ағдарилиб кетмай, осойишта ва тинч ухлашга ёрдам беради»¹.

Тўртинчидан, «боланинг бути орасига сумак, остига эса тувак қўйилиши сабабли унинг таги ҳўлланмайди, танасининг орқа қисми яллиғланиш ва шамоллашлардан сақланади»².

Мамлакатимизда кейинги йилларда болани парвариш қилишнинг турли-туман воситалари пайдо бўлмоқда. Бунинг учун фарзанд парвариш қилишда бешик ёки бошқа воситалардан фойдаланиш ҳар бир ота-онанинг ўз ихтиёрида.

Янги дунёга келган чақалоқни бешикка белаш маросими республикамизнинг турли-туман ҳудудларида ўзига хос тарздаги расм-русумлар билан ўтказилади.

Албатта, болани кичик чилласи чиққач, бешикка белаш маросимининг ўтказилиши, махсус кичик кулчалар, ширинликлар тайёрланиши, сочқи сочиш, болани бешикка ҳаётий тажрибаси катта, ували-жували онахоннинг белашни лозимлиги, боланинг ёстиғи тагига тошдек қотиб ухласин деб қайроқ тош қўйиш, ризқли-насибали бўлсин деб нон, қўрқмасин деб пичоқ, ҳамроҳ бўлсин деб ойна, ёмонликлардан йироқ бўлсин деб пиёз, гармдори қўядилар. Бу ирим-сиримларнинг барчаси эзгу мақсад йўлида қилинади.

Бола ётган хонанинг ҳавосини вақт-вақти билан ўзгартириб, тозалаб туриш, уни тоза-озода сақлаш, кийимларини табиий иплик матодан бўлишига эътибор бериш, ўз вақтида овқатлантириш, дам олиш, сайр қилдириш, жисмоний чиниқтириш қондаларига риоя этиш боланинг ақлий ва жисмоний ривожланишида муҳим роль ўйнайди.

Боланинг аста-секин тили чиқа бошлагач, сўзларни тўғри ва тўлиқ талаффуз этишга ўргатиш, тўғри ўтириш ва тўғри юришни машқ қилдириш, ҳар хил қўрқинчли нарсаларни айтиб қўрқитмаслик, унинг хатти-ҳаракатларини уриш, сўкиш, танбеҳ бериш билан тақиқлаб қўймаслик зарур.

¹ Қорабоев У. Ўзбекистон байрамлари. Тошкент, «Ўқитувчи», 114-бет.

² Саримсоқов Б. Ўзбек халқ фольклори очерклари. Тошкент, «Фан», 1998, 187-бет.

Боланинг бир ешгача ривожлантириш жараёни ота-онадан жуда катта масъулият талаб қилади. Чунки бу даврда тарбиянинг асосий пойдевори қўйила бошла-нади. Чунки у 8—9 ойликда ўтиришни, эмаклашни, 10—11 ойликда нарсалардан ушлаб туришни, 1—1,5 ёшда аста-секин қадам ташлашни, оддий сўзларни ай-тишни ўрганеди ва унга бўлаётган муомалани тўлиқ тушунади. Энди унга нима яхши, нима ёмонлигини ту-шунтириб бориш, қошиқ, пиёла ушлашни, қошиқ билан овқат ейишни ўргатиш, юз-қўлини ювгач, овқат ейиш, ўйинчоқларини жой-жойига қўйиш каби одатларни қайта-қайта такрорлаш йўли билан тарбия малака ва кўникмалари шакллантириб борилади. Бола фикрини ўткир қиладиган, ҳаётий тажрибасини бойитиб бора-диган чарх—тинимсиз машқдир.

Болани сўкишга, қўпол гапиришга ўргатиш, уни одатдан ташқари эркалаш номақбул усулдир. Халқ педагогикасида таъкидланганидек «Бола азиз, одоби ун-дан азиз», «Бола тарбияси бешиқдан», «Боланинг эр-каси — битнинг сиркаси», «Эркалатса онаси, танти бўлар боласи», «Қизни эркалатсанг жонингга тегар, ўғилни эркалатсанг бурнингга тегар».

«Фарзанднинг дастлаб чиққан ширин тили ота-она учун умр гиёҳидир. аммо биринчи ножўя хатти-ҳарака-ти эса уларнинг нозик қалбларининг дарз кетишидир»¹.

Эрка, тантиқ болада худбинлик, манманлик, кибри-ҳаво, ўжарлик каби хусусиятлар пайдо бўла бошлайди. Бола улғайган сайин бу хусусиятлар чуқур томир отиб, ҳаётда ўз таъсирини ўтказа бошлайди.

«Боланинг эркатойлиги, тантиқлиги қанча ошса, у ота-онани шунча ташвиш ва таҳликага солади»².

Баъзи оилаларда болаларнинг бирини ниҳоятда авайлашади, барча талаб ва истакларини муҳайё эти-шади, иккинчисини эса турткилашади. Бунинг оқибати-да ота-онага нисбатан иккала болада икки хил муно-сабат пайдо бўлади. Ота-онага қарши гапириш, ҳурмат-иззатини жойига қўймаслик, айтганларини бажармас-лик, ҳаттоки, уларни ҳақорат қилиш каби ноахлоқий хусусиятларнинг пайдо бўлиши ҳам уларга нисбатан муносабатнинг ҳар хиллигидан келиб чиқади.

¹ Усмонов Р. Саодатнома. Тошкент. «Ўқитувчи», 1995, 245-бет.

² Уша асар, 245-бет.

Оилада ота-она барча фарзандларга нисбатан бир хилда меҳр-муҳаббат, талаб қўймоғи зарур. Ризоуддин ибн Фахриддин шундай дейди: «Адолату инсоф ўргатмак учун ҳожатларини ўтаганлик ва керакларини таҳсил этганингизда ҳаммасини баробар кўрингиз, ҳади берганингизда барчасига бир хил берингиз, бирига яшириб бир нарса бериб-да: «Эҳтиёт бўл, ака-укаларингизга билдирма» демоқ каби нарсалардан сақланингиз, чунки бундай этмак уларга жабр, зулм, алдамоқ, хиёнат каби нарсаларни ўргатади. Бахиллик ва хуббинанафе (ўз-ўзини севмак) каби бузуқлик уруғларини кўнгилларига сочадир»¹.

Оилада ҳар бир боланинг хатти-ҳаракатига нисбатан рағбатлантириш ёки қаттиққўллик билан муносабатда бўлиш, танбеҳ бериш, жазолаш тарбияда синалган методдир. Она болани қилган хатти-ҳаракати учун жазолаётганда, насиҳат қилаётганда ота уни тарафини олмаслиги, ота тарбиявий иш олиб бораётганда эса она аралашмаслиги керак. Бу болани иккиюзламачи, ҳеч қандай танбеҳ, жазодан қўрқмайдиган, ёлгон сўзловчи, ота-онанинг ҳар иккаласини ҳам ҳурмат қилмайдиган, обрўсиз қилиб қўяди.

Оилада бола тарбиясида оиланинг ҳар бир аъзоси, яъни, бобо, буви, ота-она, опа, ака, амма, хола, тоға, қўйингки қўни-қўшни, маҳалла, мактаб, жамоатчилик бирдек масъулдир. Халқимизда «Бир болага етти қўшни ота-она», «Бир тоға етти ота ўрнида», «Маҳалланг—отанг-онанг» каби мақоллар бежиз айтилмаган. Шунинг учун бола тарбиясида барчанинг талаби, муносабати бир хил бўлмоғи зарур. Тарбиячилар ўртасидаги тарбия усулларининг, талаб ва фикрларнинг ҳар хиллиги болани тарбиясизликка олиб келади.

Оилада фарзанд тарбиясида синалган тарбия методлардан бири — намунадир. Бобо, буви, ота-она, атрофдаги катта ёшдаги кишиларнинг хатти-ҳаракатлари, юриш-туришлари, муомаласи, ўзларини тутишлари, жамиятга, табиатга муносабатлари намуна сифатида жуда катта тарбиявий аҳамият касб этади. Болага ақлий, ахлоқий, эстетик, диний, меҳнат тарбияси асослари ота-она намунаси асосида сингдириб борилади.

Ота-она фарзанд олдида ўз ақл-заковати, муомаласи,

¹ Фахриддин ибн Ризоуддин. Насиҳат. Тошкент, «Чўлпон», 1993, 65-бет.

кийиниши, ширинсўзлиги, қатъиятлилиги, ёлғон гапир-маслиги, меҳнатсеварлиги, оила юритишда адолатпарварлиги, илмпарварлиги билан намуна бўлмоғи зарур. Бола характериға ота-онанинг ўзаро жанжаллари, оилаға, жамиятға, атроф-муҳитға салбий муносабати, ёлғон сўзлаши, қатъиятсизлиги, кийинишида, рўзғор юритишдаги пала-партишлиги, меҳнатни севмаслиги тезда ўзининг салбий таъсирини кўрсатади.

Ота-онанинг бир-бириға нисбатан юксак ахлоқий муносабатини кўрган, билган бола келгусида оила қурганда ҳам ўз турмуш ўртоғи билан шундай яшашға тайёр бўлиб боради. Ҳаёт илмида она қиз бола учун, ота эса ўғил бола учун устоз, мураббийдир. «Онасини кўриб қизини ол, раҳини кўриб бўзини ол», деб бежиз айтилмайди.

Ота-онанинг, авлод-аждодларининг ножўя хатти-ҳаракатларидан, нопок ишларидан фарзанд ҳам азият чекади, шундай одамларнинг фарзанди бўлганидан руҳан афсусланади. Баъзи ота-оналар фарзандининг келажagini фақатгина моддий таъминлашдан иборат деб билади. Шунинг учун ҳам турли йўллар билан узоқ авлод-аждодларига етадиган мол-дунё тўплашға ҳаракат қилади, очкўзлик касалиға мубтало бўлади. Инсон жисми-жонидаги касалликларни даволаш мумкин, лекин бу касалликни даволаш жуда мураккаб. У инсонни инсонийликдан маҳрум этади, турли жиноятларға, ноахлоқий хатти-ҳаракатлар содир этишға етаклайди, эл-юрт ичида обрўсизлантиради. Бундай бойлик фарзандға бахт эмас, бахтсизлик келтиради.

Ота-онадан беҳисоб молу дунё эмас, илму маърифатға интилиш, инсоф-у диёнатға садоқат, меҳру шафқат, ҳаётға муҳаббат, халқ, миллат, Ватан учун жон фидолик сифатлари мерос бўлиб қолмоғи зарур.

Бола учун ўз миллати, маданияти, санъати, дини, ахлоқий-маънавий қадриятлари, оила анъаналари, урф-одатларини чуқур билиш ва ўлардан маънавий озуқа олиш, гурурғаниш тарбиявий характер касб этади.

Утмиш алломалар, авлод-аждодлардан фахрланиш, улар меросини мукамал ўрганиш, олға сурилган ҳаётий ғоялардан жамиятимиз гуллаб-яшнаши йўлида фойдаланиш, давлат рамзлари (Конституция, мадҳия, герб, байроқ, миллий валюта)нинг моҳиятини англаш айнан оилада амалға оширила бошланади. Бу ўринда ота-онанинг билим савияси, мафкуравий етуклик дара-

жаси, дунёқараши, жамиятда тутган ўрни муҳим роль ўйнайди.

Оилада фарзандни тежамкорликка, тадбиркорликка, ташаббускорликка ўргатиш, дунёвий илмлар ва ҳаёт илмидан воқиф этиш, касб-ҳунар сирларини қунт билан эгаллашлари учун шарт-шароит яратиб бериш, уларнинг ҳаёт сўқмоқларида адашиб қолмаслиги ва равон йўлдан боришда ёрдам беради.

Шундай қилиб, оила тарбия маскани бўлиб, шахснинг келажаги шу масканда тарбиянинг қандай амалга оширилишига, тарбиячи ҳисобланмиш ота-онанинг ўз бурч ва вазифаларига қандай муносабатда бўлишига боғлиқдир. Оиладаги ҳар бир кишининг ўз бурч ва вазифаларига масъулият билан ёндашиши оила мустақамлиги, жамият фаровонлигига эришишнинг омилидир.

Хуллас, баркамол инсонни, яъни аввало оила учун, қолаверса ўзи яшаб турган жамият, халқ учун фидойи, некбин шахсни тарбиялаш оиладан бошланади. Шунинг учун мактаб ўқитувчи-тарбиячилари, маҳалла, жамоа, давлат хўжалиги ҳамда туман раҳбарлари оила равнақига ва айни чоқда оила тарбиясига диққат-эътиборни қаратишлари зарур.

Зотан, ҳар бир киши оила ва жамият/диалектик бирлик эканини ҳеч қачон унутмаслиги ва уларнинг доимий жипслиги учун қайғуриши, ғамхўрлик қилиши лозим. Бу тушунчани барча зиёлилар ёшлар онги ва тафаккурига сингдиришлари муҳим вазифадир.

МАҲАЛЛА — МАЪНАВИЯТ УЧОҒИ

Оила ва маҳалла ҳар томонлама бир-бирлари билан боғлиқ. Зотан, маҳалла оилалардан ташкил топади. Фарзандлар оила бағрида камол топганлари каби оила ҳам маҳалла ичида равнақ топади, нурли келажак сари интилади. Керак бўлса, маҳалла оиланинг энг яқин маслаҳатчиси, тоғдай таянчидир.

Шарқ халқлари, чунончи, ўзбек халқи худди шу нарсани билади, теран маъно-мазмунини яхши тушунади. Дарҳақиқат, шарқ халқлари учун муҳим хусусият хурсандчилик кунлари ҳам, бошга иш тушган онларда ҳам бир-бирига ҳамдард ва ҳамнафас бўлишдир. Инсонлар ўртасидаги бундай бирлик ва ҳамжиҳатликнинг муҳим воситаси — маҳалладир.

Маҳалла шундай бир муқаддас маконки, унда инсонлар бир-бирлари билан опа-сингил, ака-ука, қуда-анда, дўст-биродар бўлиб, бир хонадондаги тўю марака, мотам барча хонадонларники, фарзанд тарбиясида ҳам барча маҳалла аҳли масъул, югуқлар ҳам, камчиликлар ҳам умуммаҳалла аҳлиники ҳисобланади. Шунинг учун ҳам халқимизда «Отанг—маҳалла, онанг—маҳалла» деган нақл бежиз айтилмайди.

Маҳалла ҳақида гап кетганда, юртбошимиз И. А. Каримовнинг берган баҳоси диққатга сазовордир:

«Маълумки, асрлар мобайнида маҳаллаларда кўпдан-кўп ҳаётий муаммолар ўз ечимини топиб келади. Тўй-маъракалар ҳам, ҳайиту ҳашарлар ҳам маҳалла аҳлисиз ўтмайди. Маҳаллаларда сиёсий, иқтисодий ва бошқа масалаларга доир жамоатчилик фикри шаклланади. Бу эса халқимизнинг турмуш тарзи, ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб келаётган тафаккур тарзидир. Бинобарин, ҳаётнинг ўзи маҳаллаларни ривожлантириш ва уларни қўллаб-қувватлашни тақозо этмоқда. Мамлакатимизда кўп қиррали ислоҳотлар амалга ошаётган бир пайтда маҳалла жамият учун ишончли таянч ва таъсирчан куч бўлиб хизмат қилиши лозим»¹.

Дарҳақиқат, маҳалла ўзбекларнинг тарихан шаклланган ягона мақсад билан яшаб, фаолият кўрсатадиган макони ҳисобланади. У ўзбек халқининг турмуш тарзи, руҳияти, ижтимоий ҳаётининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи, миллий анъаналарини, урф-одатларини, ахлоқий-маънавий қадриятларини авлоддан-авлодга етказувчи муқаддас маскан бўлиб келган. Маҳалла инсонларнинг миллати, ёши, жинси, дини, ирқи, тили, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқедан қатъи назар уларни эзгулик йўлида жипслаштирувчи ва бирлаштирувчи катта оила ҳисобланади. Бу оила инсонларнинг бир-бирларига бўлган ўзаро ҳурмати, муҳаббати, мустаҳкам дўстлиги асосида яшайди, фаолият кўрсатади. Шунинг учун ҳам мустақиллик шарофати туфайли маҳаллаларни ҳар томонлама баркамоллигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 12 сентябрдаги фармонида кўра Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ташкил

¹ Каримов И. А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1999, 12—13-бет.

этилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 17 октябрдаги 480-сонли «Республика Маҳалла хайрия жамғармаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги қарори, 1993 йил 2 сентябрда ва Олий Мажлиснинг 1999 йил 14 апрелдаги XIV сессиясида янги таҳрирда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тўғрисида»ги қонун асосида маҳалланинг мақоми мустақкам ҳуқуқий асосга эга бўлди.

Ушбу Қонунга биноан маҳаллани бошқариш, уни ҳар томонлама мақомини кўтариш, барқарорлигини мустақкамлаш борасида муҳим босқичга қадам қўйилди. Шарқ халқлари бирлигининг ноёб шакли ҳисобланадиган маҳаллани бошқаришнинг ўзига хос фуқаролар йиғини—Кенгаши шакллантирилди.

Буларнинг барчаси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимига бўлган ишончнинг намунасидир. Маҳалла эса унинг бир бўлагидир.

Қонуннинг 5-моддасида эътироф этилганидек: «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида амалга оширилади. Шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар ва маҳаллалар фуқаролар ўзини ўзи бошқаришнинг ҳудудий бирликларидир.»

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида белгиланганидек: «Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини-ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди.

Ўзини-ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади».

Қонунда белгиланганидек, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, шу жумладан маҳалла демократизми, ошкоралик, ижтимоий адолат, инсонпарварлик, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ечишда мустақиллик, жамоатчилик асосидаги ўзаро ёрдам принциплари асосида фаолият кўрсатади. Унда маҳалла фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар (ёшлар, хотин-қизлар, маданият, дин масалалари ва ҳоказо) фаолият кўрсатади.

Ушбу комиссияларнинг асосий мақсадлари маҳаллани ҳақиқий тарбия, маънавият, намуна мактабига айлантиришдан иборатдир. Унинг номини элу юртга та-

нитиш, анъаналарининг абадийлигини таъминлашдан иборатдир.

Маҳалла катта мамлакатнинг ичидаги кичик бир мамлакатдир, катта давлат ичра кичик давлатдир. Шунинг учун уни бошқарув тизими бўлгани каби, унинг ўзига хос ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий фаолият механизми ҳам асрлар давомида шаклланган.

Маҳаллада оммавий-сиёсий, маънавий-маърифий, маданий, спорт, ташкилий тадбирлар ўтказилади.

Маҳаллада «Балли қизлар!», «Ёшлар мустақил ҳаёт оstonасида», «Хуқуқингизни биласизми?», «Оила мустаҳкамлиги кимга боғлиқ?», «Оила — жамият таянчи», «Болали оилаларга имтиёзлар», «Қайнона-келин муносабатларининг ахлоқий-маънавий асослари» каби мавзуларда учрашувлар, суҳбатлар, «Қайнонам — жоним онам», «Намунали оила», «Намунали келин», «Энг яхши маҳалла», «Энг озода кўча» кўрик танловлари, турли мавзуларда спорт мусобақалари ўтказиш одат тусига кириб бормоқда.

Маҳалла — мурувват марказидир.

Унда кам таъминланган, кўп болали оилалар, ёлғиз кексалар, ногиронлар, етим-есирлар, боқувчисини йўқотган оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш ишлари амалга оширилади.

Маҳаллада хотин-қизларнинг манфаатларини муҳофаза этиш, уларнинг давлат ва жамиятдаги фаоллигини ошириш, оилада маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантириш, турар жойида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, маданий турмуш шароитини яхшилаш, баркамол инсонни шакллантиришдаги мавқеини кўтариш борасида муҳим ишлар амалга оширилади.

Маҳалла — маънавий-ахлоқий қадриятлар, анъаналар маскани. Чунки қадимдан байрамлар, ҳайит кунлари, тўй-тантаналарда қўни-қўшнилар, беморлар, ёлғиз кексаларни совға-саломлар билан йўқлаш анъана тусига айланиб қолган. Ҳашар йўли билан қариндош-уруғларга, қўни-қўшниларга уй-жой бинолари қуриш, етиштирган деҳқончилик маҳсулотларини йиғиб-териб олиш ва улардан қўни-қўшниларга улашиш, кўчалар, ҳовлилар, маҳалла ҳудудини, қабристонлар ва атроф-муҳитни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва тоза-озода сақлаш, спорт майдончалари ташкил этиш,

йўллар, кўприклар қуриш ва таъмирлаш, маданий ёдгорликларни авайлаб-асраш, маҳаллада яшаётган ҳар бир фуқаронинг бурчи ҳисобланади.

Маҳалла ҳудудида жамоат тартибини таъминлаш, ёшлар ва ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, ёшларни ҳарбий хизматни ўташга жисмоний ва маънавий тайёрлаш — маҳалла фуқаролар йигинлари ҳузуридаги мутасадди/кенгашларнинг вазифаси ҳисобланади.

Маҳалла — шарқона анъаналар, урф-одатлар ва удумларни жамоа асосида амалга оширувчи, авлоддан-авлодга етказувчи маънавий маданият ўчоғидир. Маҳалла фаоллари анъанавий, оилавий тўйлар (бешик тўй, суннат тўй, мучал тўй, никоҳ тўй ва ҳоказо), байрамлар (Наврўз, Мустақиллик, Меҳржон, Хотира ва Қадрлаш, Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган кунларни байрам қилиш, Рамазон ва Қурбон ҳайитларини тантанали нишонлаш, 50, 60, 70 ва ҳоказо ёшларни ва пайғамбар ёшини нишонлаш ва бошқалар), мотам маросимлари (дафн, йўқлов, хотирлаш ва ҳоказо)ни ўтказиш билан боғлиқ ташкилий ишларни амалга оширишда бош-қош бўлади. Уларни дабдабасиз, исрофгарчиликсиз, ортиқча харажатларсиз, ихчам қилиб ўтказиш, маҳалла оқсоқоли ва махсус мутасадди комиссияларга боғлиқ. Маҳаллада ўтаётган ҳар бир тантана ёки маросим учун маҳалла аҳлининг катта-ю кичиги бирдай масъул, Бундай тадбирларда катта-ю кичикка, бою камбағалга, мансабдору оддий фуқарога бир хил ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилади. Чунки маҳалланинг барча аъзоси ягона, мустаҳкам битта оила ҳисобланади.

Маҳалла ёшларни касб-ҳунарга йўлловчи, ишсизларни иш билан таъминловчи муҳим макондир. Ҳар бир оиланинг ўз касбий сулоласи бўлганидек, маҳалланинг ҳам узоқ тарихга эга бўлган касб-ҳунар сулоласи мавжуд. Маҳалланинг номланиши айнан шу ҳунар номи билан ҳам аталади. Масалан, зардўзлар маҳалласи, этикдўзлар маҳалласи, дурадгорлар ёки темирчилар маҳалласи ва ҳоказо. Шунинг учун ҳам маҳаллаларда ўз имконияти, ҳудудий шароитидан келиб чиққан ҳолда зардўзлик, дўппидўзлик, дурадгорлик, темирчилик, бешиксозлик, ганчкорлик, сандиқсозлик, сангтарошлик, тўқувчилик, кўнчилик ва ҳоказо касб-ҳунар турлари

бўйича кичик корхоналар, тўғарақлар ташкил этилган. Бундай касб-ҳунар корхоналарининг ташкил этилишидан, аввало, маҳалла аҳли манфаатдор бўлади. Биринчидан, маҳалла аҳли иш билан таъминланади, иккинчидан, ёшлар¹ касб-ҳунар сирларини эгаллаб, меҳнатсеварлик руҳида тарбияланиб борадилар. учинчидан, ёшларнинг бўш вақти унумли ташкил этилиб, турли ноахлоқий хатти-ҳаракатларнинг олди олинади (жиноятчилик, ичкиликбозлик, чекувчилик, гиёҳвандлик ва ҳоказо), тўртинчидан, маҳалланинг иқтисодий барқарорлиги таъминланади. Бешинчидан, олинган ортиқча даромад ҳисобига маҳалладаги кам таъминланган, кўп болали oilалар, етим-есирлар, ёлғиз кексалар, беморлар ижтимоий муҳофаза қилинади, маҳаллада ободонлаштириш ишлари амалга оширилади.

Маҳалла — тарбия ўчоғи. Маҳаллада ўсаётган ҳар бир йигит-қизнинг ахлоқ-одоби учун бутун маҳалла аҳли масъулдир. Шунинг учун ҳам «Бир болага етти қўшни ота-она», «Бир бола тарбиясига етти маҳалла ота-она» каби нақллар бежиз пайдо бўлмаган. Ёшларнинг ҳар бир хатти-ҳаракати барчанинг диққат марказида бўлади. Маҳалладошларнинг ҳар бир ёш тақдирига жавобгарлиги, уларни назорат қилиши баркамол инсонни тарбиялаб етиштиришнинг негизидир. Хулқ-одоби яхши, ҳар томонлама намунали фарзанд маҳалланинг обрўсидир, ноқобил, ахлоқан номақбул фарзанд эса маҳалла учун қора доғдир. Маҳалладан юртга таниқли инсонлар етишиб чиқса, бутун маҳалла аҳли, уларнинг авлод-аждодлари ғурурланадилар. Агар 1999 йил 16 февраль воқеалари иштирокчиларидек, террорист, Ватан, халқ душманлари чиқсалар, шу маҳалла тарихи, бугуни ва эртаси учун лаънат ва исноддир. Бундай маҳалланинг ҳар бир фуқароси, «мен шу маҳалладанман» дейишга ор қилади.

Халқимизнинг орияти жуда кучли.

Маҳалланинг тартиб-қоидаси, қадриятларига барчанинг амал қилиши шартдир.

Кимда-ким буларга риоя этмаса, ҳурмат қилмаса у маҳалладаги ўтадиган тadbирлардан, тўю маъракалардан четлатилади, таклиф этилмайди. Агарда кибру ҳаво билан қўни-қўшни, маҳалла аҳли анъаналарини оёқ ости қилса ёки беписандлик билан муносабатда бўлса, амалдаги қонунларга хилоф иш тутса, у маҳалладан чиқариб юборилади. Бу эса маҳалла қонунида

энг олий жазодир. Бу жазо ота-онанинг ноқобил фарзандни «оқ қилиш»и билан тенгдир.

Маҳалла эркин фикрлилик асосида ривожланади. Маҳаллада ўтказиладиган ҳар бир тадбир, ташкилий-тарбиявий иш юзасидан ҳар бир фуқаро ўз нуқтаи назари, қарашлари, таклиф ва тавсияларини очиқ билдириш ҳуқуқига эгадир. Эркин фикр мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг маънавий пойдеворини ташкил этади.

Юқорида маҳалла маънавий-ахлоқий кадриятлар ўчоғи эканига алоҳида урғу берган эдик. Дарҳақиқат, маънавий-ахлоқий тарбия маҳаллада шаклланади, юксалади ва равнақ топади. Бу борада катталар ўрнаткич, намуна ва ташаббускор бўлишлари лозим.

Маълумки, ҳар бир маҳаллада икки ёки ундан ортиқ чойхона бўлади. Бу ўзбекларга хос миллий хусусиятдир. У ерда одамлар ошхўрлик ва чойхўрлик қилиш давомида турли мавзуларда суҳбатлар, фикр олишувлари бўлиши табиий ҳол. Шунингдек, аския ва ҳазил-мутойба гурунглари ҳам бўлади. Бу жараёнда маҳалланинг оқил-доно кишилари баъзи оилалардаги тарбия борасидаги камчилик ва нуқсонларни малол келмайдиган тарзда тилга олишлари асносида тўғри йўлга йўналтиришлари мумкин. Ёхуд маънавий ахлоқий тарбия йўсинида бир-бирларига маслаҳатлар беришлари фойдадан холи эмас.

Шунингдек, тўй-маросимларда ёшларни эл хизматига жалб этиш: меҳмонларга чой ташиш, овқат элтиш, овқат танаввул қилиб бўлгандан сўнг, идиш-товоқларни олишга ўргатиш ниҳоятда муҳимдир. Шу ишларни бажариш давомида ёшлар нимага эътибор бериш, қандай муомала-муносабатда бўлиш кераклигини ўргатиш муҳимдир. Бу ҳар бир ота-онанинг, қолаверса, маҳалла оқсоқолларининг мураббийлик бурчидир. Бундай маҳаллада тарбияланаётган ёшлар, биринчидан, меҳнат-севарлик одобини, иккинчидан, хушмуомала одобини, учинчидан, жамоага ҳурмат одобини эгаллайдилар.

Маҳалла — оила тинч-тотувлигини, жипслигини мустаҳкамлайдиган маскандир. Табиийки, оилада баъзан арзимаган нарса туфайли жанжал чиқиши ва бу ҳақда эр ёки хотин маҳалла қўмитасига мурожаат этиши мумкин. Бундай ҳолатда маҳалла раҳбарлари вазмин, чуқур мушоҳадали бўлишлари лозим. Улар фақат яраштириш йўлидан боришлари керак. Сир эмаски, баъзан хотинга


эрининг устидан ишхонасига шикоят қилишни маслаҳат берувчилар ҳам топилади. Бу оила бузилишига йўналтирувчи даъват бўлиб, маҳалла шаънига доғ туширадиган иллатдир.

Такрор айтамизки, маҳалла ёшларнинг ахлоқ-одобини тарбиялашда муҳим ролни ўйнайди. Баъзи маҳаллаларда кечқурунлари ёшларнинг чекиб туришларини, қолаверса, оғизларидан хунук сўзларнинг чиқаётганини кўриб хафа бўлиб кетади киши. Маҳалла аъзолари уларни кўришса ҳам кўрмаганга олиб кетишади. Оқибати эса аянчлидир.

Кўпгина маҳаллаларда кечқурунлари тинч, осуда, ёшлар эса қўлларини кўксига қўйиб салом бериб ўтишади. Бундай гўзаллик ва нафосат маҳалла фаолларининг ўрнаклиги ва айни чоқда маънавий ахлоқий тарбиясининг натижаси бўлиб, у шу маҳалланинг кўрки ва зийнатидир.

Маҳалла ҳозирги даврда асосий эътиборни таълим-тарбия ишларига ёрдам беришга қаратиши керак. Ҳиз бу ўринда унинг мактаб билан мустаҳкам алоқасини назарда тутаётирмиз. Мактаб — маҳалла — мактаб. Таълим-тарбиянинг шу тузилишга (структура) амал қилиши, шу асосга қурилиши жамият тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Шундай қилиб, маҳалла Шарқ халқлари учун муҳим қадрият бўлиб, унинг шаъни, гуллаб-яшнаши, тараққиёти учун бутун куч ва имкониятни сафарбар этиш барчанинг келажак авлод, миллат олдидаги бурчи ва вазифасидир.

A decorative border with repeating floral motifs surrounds the central text. The border consists of a top row of flowers, a left and right column of flowers, and a bottom row of flowers with a central diamond-shaped ornament.

Оила,
бурч,
шарбия

ОИЛАДА ОТА-ОНА УРНИ ВА ФАРЗАНД БУРЧИ

*Бошни фидо айла ато бошига.
Жисми қил садқа ано қошига.
Тун-кунунга айлагил нур фош,
Бирисин ой англа, бирисин қуёш.*

АЛИШЕР НАВОИЙ

Оиланинг асоси эр-хотин ёхуд ота-онадир. Модомики, эр-хотин оиланинг тамал тошларини мустаҳкам бўлди этишга масъул эканлар, улар унда учрайдиган турмуш қийинчиликлари, ҳаёт қувончлари-ю, ташвишларини бошдан кечиришда, оилани идора этишда, фарзанд тарбиясида масъулдирлар. Эр-хотин ўртасидаги ўзаро муҳаббат, ишонч, ҳамкорлик ва ҳамфикрлик, иззат-икром, муносабатлар самимийлиги — оила мустаҳкамлигини таъминлаш учун заминдир—фарзанд учун намуна мактабидир. Табиатан эркак ва аёл жинсига хос хусусиятлар бўлгани каби, оилада улар бажариши лозим бўлган меҳнат турлари, фарзанд, оила, қариндош-уруғ, жамият олдидаги бурч ва вазифалари мавжуддир. Эр-хотиннинг оқиллиги ўз бурч ва вазифаларига масъулият билан ёндашиши оқибатида бошқариладиган оилада моддий ва маънавий барқарорлик, тинчлик, соғлом маънавий муҳит ҳукмрон бўлади. XX аср Туркистон жадидчилигининг улкан намояндларидан бири Абдурауф Фитрат айтганларидек: «Эр-хотин мушкулотдан иборат бўлган ҳаёт сафарига бирга бўлиб, жисмоний ва руҳий осойишталикка шерик, инсоний вазифаларни бажаришда дастёр, қайғу ва умидсизлик дамларида ғамхўр, саодат ва бахтиёрлик чоғида бир-бирларига ҳамдам бўлишлари лозим. Шундай экан, улар албатта, энг аввало, бир-бирларини камоли диққат ва тажриба юзасидан имтиҳон қилишлари зарур¹.

Ота-онанинг тинч-тотувлиги ва ўзаро меҳр-муҳаббати уларнинг дунёқараши, маънавий савияси, қизиқиши, этиқоди, моддий тенглиги, жамиятдаги мавқеи, хусн-латофати, қалбларининг мойиллигига боғлиқдир. Ушбу хусусиятлари бир-бирларига монанд эр-хотин

¹ Фитрат А. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. Т. «Маънавият», 1998, 23-бет.

тарбиялаган фарзандлар гўзалликка иштиёқманд, рўҳий тетик, бағри бутун, ҳаётга қизиқувчан, тинч-тотув оилавий ҳаёт кечирришга тайёр бўлиб ўсадилар. Акс ҳолда ота-она ва фарзандлар ўртасида меҳр-оқибат-сизлик, ўз ҳаётидан, жамиятдан норозилик, оилада нотинчлик, ҳеч нарсага қизиқмаслик, бепарволик, лоқайдлик, жиззакилик ҳолатлари ҳукм суради. Бу эса оиланинг инқирози учун замин ҳисобланади. Бундай носоғлом муҳитда дунёга келиб, тарбияланган болаларда хиёнатга, турли ноахлоқий хатти-ҳаракатларга (ичиш, чекиш, ўғрилиқ қилиш, жиноятчилик, гнёҳвандлик ва бошқалар) рўҳий танглик ҳолатларига мойиллик кучли бўлади. Шунинг учун эр ва хотиннинг бир-бирига мослиги оила барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

→ [Буюк мутафаккир Алишер Навоий айтганидек: «... Эр билан хотин бир-бирига мос тушса, ўртада бойлик ва саранжомлик бўлур. Уй безаги ундан ва уйланганинг тинчлиги ундан.

Ҳусни бўлса, кўнгилга ёқимли бўлур, яхшилиғи бўлса жон озигидир. Ақлли бўлса, турмуш интизомли ва рўзгор керак-яроғи тартибли ва саранжомли бўлади.

... Носоз жуфт уй учун ҳам ачиқ ва яширин кўрқинчли касалликдир. Уятсиз бўлса, кўнгил ундан озорланади, ярамас бўлса, руҳ ундан азоб тортади. Тили ёмон бўлса, кўёвнинг кўнгли яраланади. Ёмон ишлик бўлса, эрга юз қоралик келади.

Майхўр бўлса, уй ободлиги йўқолади ва бузуқи бўлса, уй ичи расвогарликка айланади»¹.

Шундай қилиб, йигит ва қизнинг ўзларига ҳар томонлама мос турмуш ўртоқ танлаши оиланинг бахтидир. Бир-бирига номуносиб эр ёки хотин — оиланинг таназули омилдир.

[Ота-она оиладаги ўз вазифа ва амаллари бўлиб, уларга тўлиқ амал қилган эр-хотин аҳил, иноқ, бахтли турмуш кечиради. [Оилада ота-онанинг вазифаси — ота-онаси, турмуш ўртоғи ва фарзандлари ўртасидаги муносабатларни самимий бўлишини, турли низоларни бартараф этиш ёки олдини олиш чора-тадбирларини белгилайди. «Онанинг бир қўлингда, хотинингни эса иккинчи қўлингда кўтаргин», деган пурҳикмат мақолнинг мазмунида ҳам эркак кишининг ота-она ва хотин-

¹ Алишер Навоий. 13-том. Тошкент, 1966, 201-саҳифа.

га муносабатда бир хилда бўлиши лозимлигига ишора этилади.]

Ота — оиланинг моддий таъминотчиси. Эрнинг топганини исроф қилмасдан, режали, тежаб сарфлаш хотиннинг вазифасидир. Оилада отанинг ҳалоллиги, ростгўйлиги, адолатлилиги, тadbиркорлиги, бола тарбиясида қаттиққўллиги эса бу оилада тартиб-интизом мезонидир. Оилани моддий томондан таъминлай олмай диган эркакларнинг хотини, фарзандлари, ҳатто қайнота-қайнонаси олдида ҳам обрў-эътибори паст бўлади. Баъзи оилаларда хотин кишининг барча масалаларда «овози»нинг баландлигига сабаб ҳам унинг топармон-тутармонлигидандир. Лекин, оилани моддий барқарор қиламан деб, турли ёмон йўлларга кирган аёллар ҳам онда-сонда бўлса-да учраб туради. Бундай аёл эр шаънини топтайди, муқаддас оилага хиёнат, фарзандлар бошини эса ҳам қилади, авлод-аждодларига иснод келтиради. Муқаддас аёл, она деган шарафли номга доғ тушуради. Шунинг учун оилани моддий таъминоти эркак зиммасида бўлмоғи зарур.

Оила боқаётган отани кўрган ўғил келгусида ўзи мустақил оила тебратишга, ота топиб-тутиб келган нарсаларни саранжом-саришта қилиб, тежаб-тергаб сарфлаётган онани кўрган қиз эса келгусида бир оилани аёл сифатида бахтли қилишга тайёр бўлиб борадилар. Отадаги ишбилармонлик, тadbиркорлик, муомала маданияти, босиқлик, талабчанлик, кўп ҳунарлик, ҳалоллик, адолатпарварлик, оиласига, хотинига нисбатан садоқат шу оилада ўсаётган фарзанд учун ҳаёт мактаби, намуна мактабидир. Оилада онанинг роли отаникидан кам эмас. Халқимиз «Эркак киши бош бўлса, хотин киши бўйин», деб бежиз айтмаган.

Хотин киши уй бекаси сифатида оиланинг барча юмушларига масъулдир. Хонадоннинг оройиши ва осойишталиги, рўзғордаги тартиб-интизом, оила анъаналарининг умрбоқийлиги, тинч-тотувли, файзли ҳаёт аёл кишига боғлиқ. Уддабуррон режали, тadbиркор аёл — оилада тўкин-сочинлик гаровидир. Унинг акси бўлса, оиладан қут-барака кетади, оила жамғармаси таназулга юз тутаяди. Оиладаги барча масалалар юзасидан эрга маълумот берувчи, уларни ўзаро маслаҳатлашиб, ечимини топувчи, ота билан фарзанд ўртасидаги муносабатларни йўлга қўйиб борувчи ҳам онадир.

Аёл — оила тинчлигининг тарозисидир. Жисми-жо-

нидан тирик бир жонни не азобда дунёга келтирүвчи ҳам аёлдар. Турмуш ўртоғини эргалаб табассум билан ишга кузатган, қайтганда хурсандчилик билан кутиб олган аёл жаннатидир. Бу тоифадаги аёллар эр уруғини ўз уруғидек, қайнона-қайнотасини эса ўз ота-онасидек ҳурмат-иззат қилади.

Оилада аёлнинг садоқати, озодалиги, ширин муомаласи, ишбилармонлиги қизлар учун намунадир. Онанинг меҳмон кутиш, таом тайёрлаш, муомала ва кийиниш маданиятига риоя этиш, бола тарбиялаш, маънавий-маданий саводхонлиги қиз бола учун оила дорилфунунидир.

Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи вассалламнинг Ҳадиси Шарифларида айтилганидек: «Жаннат оналар оёғи остидадур» ёки халқ мақолларида айтилганидек: «Эрни эр қиладиган ҳам, қаро ер қиладиган ҳам аёлдир». Зотан, оқила, фозила, хулқи, хатти-ҳаракати гўзал аёллар оиланинг, эрнинг, фарзандларнинг фахр-ифтихоридир.

Оилада ота-онанинг биргаликдаги ўзаро муҳаббати асосида қурилган оилани муқаддас сақлаш, уни моддий ва маънавий барқарорлигини таъминлашда ҳамкор ва ҳамфикр бўлиш асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Оиладаги маънавий соғлом муҳитни яратиш ҳам ота, ҳам онага боғлиқ. Баъзан жаҳл чиққанда бир-бирини тушуниш ва эъозлаш, бир-бирига ишонч, меҳнат тақсимотини тўғри йўлга қўйиш, фарзанд тарбиясида бир хилда масъуллик ота-онанинг оила олдидаги бурчидир.

Фарзанд олдидаги бурчини тўлиқ адо этиш ота-она учун ҳам фарз, ҳам қарзидир. Фарзандни соғлом дунёга келтириш, унга чиройли исм қўйиш, тарбия бериш, илм ўргатиш, касб-ҳунарли қилиш, балоғатга етганда уйлантириш ёки турмушга бериш, ҳаётда тўғри йўл кўрсатиш шулар жумласидандир. Юсуф Товаслий шундай дейди: «... Фарзанднинг ота-онасида ушбу ҳақлари бор:

1. Уйланиш вақти келганда фарзандни уйлантириш. Яъни ақдли, ифбатли, ор-номусли қизга уйлантириш. Бунинг акси бўлса, фарзандга ёмонлик қилган бўлади. Чунки ота-онанинг ёмон феъли болага ҳам ўтади. Шунинг учун номус аҳлидан бирини топиш ота-она бурчидир.

2. Фарзанд тугилгач, унга яхши исм қўйиш¹.

Алишер Навоий оилада фарзанд тарбияси ҳақида фикр баён этар экан, ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчини шундай изоҳлайди. «Еш болага нисбатан энг зарур иш, билки уни кичкиналигидан парвариш қилишдир. Қатрани садаф тарбия қилгани учун одамларнинг бошига чиқиб шараф топди:

Тарбиянинг бири болага яхши ном (исм) қўйиш бўлиб, унинг исми билан чақирганларида уяладиган бўлмаслиги керак. Исмда тасодифлар кўп пайдо бўлади, бирининг исми Ҳусайн бўлса, бошқа бириники Язид (Ҳусайн яхши от, Язид ёмон от тимсоли. Бунда шоир Алининг ўғли Ҳусайн ва Ҳусайини ўлдирган Язидга ишора қилмоқда).

Тарбиянинг яна бири унга илму адаб ўргатиш учун муаллим чақиршидир...»¹.

Фарзандга меъеридан ортиқ мол ҳадя этиш, унинг барча истақ-хоҳишларини муҳайё қилиш, у оилали бўлганида ҳам унинг оиласи юмушларини ўз зиммасига олиш ота-онанинг вазифаси эмас. Бурч ниқоби остида фарзандга қилинган меъеридан ортиқ шарт-шароит, меҳрибончилик уни ишەқмас, лоқайд, ота-она қадрини билмайдиган, меҳнатни қадрламайдиган, ҳиссиз бўлиб ўсишига олиб келади. Бу эса келажакда шу фарзандни инсонпарварлик, ватанпарварлик каби олий қадриятлардан маҳрум бўлишига олиб келади. Бундай фарзанд ота-она олдидаги бурчини тўлиқ адо этиш қудратига эга эмас.

Ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчи қанчалик масъулиятли бўлса, фарзанднинг ҳам улар олдидаги бурчи шунчалик муҳимдир.

Ота-онани ҳурмат қилиш, уларни ҳеч қачон дилини ранжитмаслик, итоатли бўлиш, кексайишганда моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, улар қурган онла деб аталмиш қалъанинг ахлоқий-маънавий пойдеворини мустаҳкам сақлаш, анъаналарини доимий давомчилари бўлиш, уларнинг дўстлари, ёру биродарларининг ҳам иззат-ҳурматларини жойига қўйиш, оламдан ўтганларида ҳам хотираларини доимо қадрлаш ва ёд этиш — фарзанднинг бурчидир.

¹ Юсуф Товаслий. Отанинг бурчи. Ҳикматлар хазинаси. Т., «Наврўз», 70-бет.

¹ Алишер Навоий. Ҳайрат-ул-аброр. Тошкент, Ғ. Фулом номидagi адабиёт ва санъат нашриёти, 1989, 262-бет.

Абдуллоҳ ибн Амир ривоят қиладилар:

«Бир одам Набий саллаллоҳу алайҳи вассалламга: «Жиход қилмоқчиман», — деди. Жаноб Расулуллоҳ «(Аввал) ота-онангнинг хизматини қилиб ризолигини олгин, сўнг жиҳод қилгин!» — дедилар¹». Еки ота-она розилиги билан иш тутиш саодат калити эканлигини кўрсатувчи «Ота рози, она рози — пайгамбар рози» деган халқ мақоли тарбия негизидир.

Ота-онага итоат қилмоқ, борди-ю улар нотўғри фикр юритган тақдирда ҳам қўполлик билан уни рад этмаслик фарзанднинг бурчидир, шарқона тарбия мезонларидан биридир. Дарҳақиқат, Набий саллаллоҳу алайҳи вассалламдан: «Оллоҳ таоло азва ва жаллага қайси амал мақбулроқдир?» — деб сўраганларида, у киши: «Ота-онага итоат қилмоқдир», «Инсон ўз ота-онасига итоаткор ва меҳрибон бўлсин, деб васият қилдик!»² дейдилар.

Ота-онага итоаткор бўлиш — эркин фикрлаш ҳуқуқидан бутунлай маҳрум бўлиш керак деган фикрни келтириб чиқармаслиги керак, албатта. Баъзи масалаларда ота-она фарзанднинг фикрига ҳам қулоқ солиши, муносабатини билиши ва биргаликда ягона бир хулосага келиши зарур.

Фарзандни 9 ой кўтариб, унга жон ато этиб, оқ сут бериб, уйқусиз тунларни кунларга улаб, ўзи емасдан едириб, киймасдан кийинтириб, боласи бемор бўлганда бутун вужуди зирқираган, ундан омад юз ўгирганда қалбдан мунгли йиғлаган, ҳаёт сўқмоқларида қоқилганда, унга нурли поёндоз бўлиш учун ўзини унутган — бу она.

Шунинг учун ҳам фарзанднинг она олдидаги қарзи ниҳоятда кўп. Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Бир одам Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи вассалламнинг ҳузурларига келиб: «Ё Расулуллоҳ, менинг яхши муомала қилмоғимга ким ҳақлироқдир?» деб сўради. Жаноб Расулуллоҳ: «Онанг!» — деб айтдилар. У «яна ким?» — деб сўради. Жаноб Расулуллоҳ: «Онанг!» — дедилар. У «яна ким?» — деб сўради. Жаноб Расулуллоҳ: «Онанг!» — дедилар. У «яна ким?» — деб сўради. Жаноб Расулуллоҳ (бу сафар): «Отанг!» — деб жавоб қилди-

¹ Ал-Бухорий. Ал-Жамиъ ас-саҳиҳ, Тошкент, 1992, Ҷомуслар Бош таҳририяти, 1997, 78-бет.

² Шу асар, 77-бет.

лар»¹. Ушбу ҳикматли ҳадис негизида онага нисбатан сўз билан ифода этиб бўлмайдиган меҳр-муҳаббат, эъзоз, ҳурмат ётибди.

Оилада фарзанднинг ота олдидаги бурчи ҳам ниҳоятда муҳимдир. Уни оиланинг устун, кундалик турмуш шароитининг таъминотчиси, гамхўр мураббий сифатида ҳурмат қилиш, рози этиш, дуосини олиш фарзанднинг бурчидир. Уғил бола ота, қиз бола эса она юмушларини енгиллаштиришда кўмакдош бўлмоғи зарур. Боғбон умид билан ниҳол эккани каби, ота-она ҳам эзгу умид билан фарзандни дунёга келтиради, ардоқлаб ўстиради. Дарахтнинг ширин-шакар меваларидан баҳраманд бўлишни орзу қилган боғбондек, ота-она ҳам ўз фарзандини ақлли, меҳнатсевар, билимли, жамиятимиз тараққиёти учун ҳалол хизмат қилувчи маънан ва жисмонан баркамол қилиб етиштириш учун бор куч ва имкониятларини сарф этади. Ҳеч бир ота-она фарзандига ёмонликни раво кўрмайди. Чунки халқимиз айтганидек «Фарзанд юракнинг ёғидан яратилади».

Ноқобил фарзанд — ота-онанинг қаддини букади, эл-юрт олдида уларнинг бошини ҳам қилади.

Ота-онанинг қарғишини билган дилозор фарзанднинг келажаги йўқ. Бундай фарзанддан юз ўгириш ёки уни «оқ қилиш» ҳаётнинг олий жазосидир. Бу эса ноқобил фарзанд учун лаънат тамғасидир. Йиллар, асрлар мобайнида ота-онанинг, олий ҳукмининг ҳеч ким, ҳеч нарса ювиб ташлаш қудратига эга бўлмаган.

Нодон дўст, хиёнаткор ёстиқдош, ноқобил фарзанд инсон умрининг заволидир.

Демак, ота-онанинг оиладаги ўрни беқиёс бўлиб, улар ўз бурчларини тўлиқ адо этганларидагина фарзанд камолоти йўлида ўзлари кутган натижага эришишлари табиийдир.

ҚАЙНОНА ҲАМ ОНАДИР

Қизимиз келин, ўғлимиз куёв бўлгач, у ўз ота-онасидан ташқари яна бир ота-онага, яъни қайнона қайнотага фарзандлик қилишдек масъулиятли вазифани ҳам бажариш бахтига муяссар бўлади. Келин билан

¹ Ал-Бухорий. Ҳадис. Қомуслар Бош таҳририяти. Тошкент, 1997; Т. VI. 78-бет.

куёвнинг ўз ота-онаси олдидаги бурч ва вазифалари қайнона ва қайнотага нисбатан ҳам вожибдир. Ота-она ўз умри давомида ўғлимни тў-ю, томошалар билан солиҳа бир қизга уйлантирай, ўғлим ва келинимнинг бахт ва саодатини кўрай, қўша-қўша неvara ва чевараларни тарбиялай деган умидда яшайди ва шунга интилади. Қизим эса уddaбурон, эпчил, соғлом, ақл-заковатли, юксак ахлоқли бўлиб камолга етсин-да, ҳар томонлама етук йигитга турмушга чиқиб, борган хонадоннинг севимли, иззат-иқромли келини бўлсин деган мақсад билан қиз тарбиялайди. Шу мақсад замирида уларни мустақил ҳаётга, оила қуришга, рўзгор тутишга тайёрлаб боради. Рўзгор тутиш бу гоаят мураккаб санъатдир. Бу ота-она, қайнона-қайнота, келин-куёвдан жуда катта маҳорат талаб этади. Ҳеч бир ота-она, қайнота-қайнона фарзандини нобоп келин ёки куёв билан бир ёстиққа бош қўйишини, ўзаро келишмовчилик оқибатида рўзгорини дўзахга айланишини истамайди. Ёки, фарзандининг оиласи бузилиб, бахтсиз бўлишини сирасира хоҳламайди. Шунинг учун ҳам кексалар келин-куёв дастурхони устида: «Борган жойида туб қўйиб, палак ёзсин», «Борган жойида тош бўлиб қотсин», «Ували-жували бўлиб, қўшилгани билан қўша қарсин» деган сўзлар билан дуо қиладилар, ёш оилага мустаҳкам бахт тилайдилар. Албатта, бу бахтга эришиш учун қанчадан-қанча ҳаёт сўқмоқларини, доvonларини сабрбардош, ақл-заковат, теран фикр билан ошиб ўтиш зарур.

Ўзбек оилаларида, албатта, қайнота-қайнона оила бошлиғи ҳисобланади. Улар оила деб аталмиш ушбу қалъани узоқ йиллар давомида бунёд этганлар. Уни бошқариш, молиявий, ҳуқуқий, хўжалик, маънавий ички тартиб-қоидалари тизимини шакллантирганлар. Бу мамлакатнинг ҳар бир аъзоси ва унга келиб қўшилган янги аъзолар мавжуд қонун-қоидаларга тўлиқ амал қилмоғи зарур. Ўзаро ҳурмат, маслаҳат, келишув асосидаги турмуш қайнона-келин, эр-хотин, қайнота-келин ва бошқалар ўртасидаги илиқ муносабатнинг асосидир. Булар ҳар бири оила, фарзандлар олдидаги бурч ва вазифалари бўлиб, уларнинг масъулият билан адо этилиши шу оилада тинчликнинг ҳукмрон бўлишида асосий омил ҳисобланади.

Қиз боланинг ўзга хонадонга келин бўлиб, келинлик вазифаларини тўлиқ бажаришида, мош билан гуруч-

Дек бир-бирларига қўшилиб кетишида асосий тарбиячи қайнона ҳисобланади. Чунки оиладаги тарбия масалалари учун асосан аёл киши масъулдир. Шунинг учун ёш келинни шу оила тартиб-қоидаларига мослашиши, яхши хислатларнинг намоён бўлиши, ўзини эркин ҳис этишда қайнона асосий мураббий, устоз ҳисобланади. Қайнона келинни ўз қизи сифатида қабул қилиши билан бир қаторда келиннинг ҳам эрга, оила аъзоларига нисбатан (қайнота, қайин ука, қайин ака, қайин опа, қайин сингил; қўни-қўшни, эр уруғлари ва ҳоказо) муносабат маданияти, меҳмон кутиш, уй тутиш, таом тайёрлаш, бичиш-тикиш сирларини намоён қила билиши зарур. Шунингдек, келинни бола тарбиялашга тайёрлаб бориши, уни шу оиланинг тенг аъзоси сифатида ҳурмат қилиши, оиланинг ўз ички сирларидан воқиф этиши қайнонанинг бурчидир. Оиланинг бошқа аъзоларини ҳам келинга нисбатан ўз жигари деб муносабатда бўлишга, уни шу оиланинг абадий аъзоси сифатида ҳурмат қилишга, хатти-ҳаракатларига яқин баҳо беришда шошилмасликка даъват этмоғи зарур.

Ҳаётда мукамал инсон бўлмаганидек, мукамал қайнона ҳам, келин ҳам бўлиши мумкин эмас. Ривоят қилишларича, инсоният пайдо бўлгандан буён жаннатда энг мукамал қайнона ва келин учун мўлжалланган иккита жой бўш турган эмиш. Жаннатдаги шу жойларни эгаллаш учун дунёдаги жамики қайнона-келиндар ҳаракат қилар эмиш. Афсуски, бу фоний дунёда мукамал инсон бўлмаганлиги сабабли, идеал қайнона ҳам, келин ҳам ушбу жаннат жойлари учун насиб этмаётган эмиш.

Шунинг учун эр, қайнона, қайнота рўзгор тушунчаларини шу вақтга қадар ўз ҳаётий тажрибасида кўрмаган келиннинг тажрибасизлиги, янги оила муҳитига мослашмаганлиги, оила аъзоларининг ўзларига хос психологик вусусиятларини яхши билмаслиги, ўзининг ижтимоий ҳазиналарининг ўзгариши оқибатида камчилик ва хатоларга йўл қўйиши мумкин. Шундай вақтда қайнонанинг оғир, босиқ, сабр-тоқатли бўлиши қайнона-келин ўртасида пайдо бўлиши мумкин бўлган келишмовчиликларнинг олдини олади. Келиндан айб қидирмаслик, қилган ишларидан айб топмаслик, ғийбат қилмаслик, камситмаслик, эркин еб-ичмоғида азоб бермаслик, қариндош-уруғ, қўни-қўшнилarga ғийбат

қилмаслик, ўғлини унга рашк қилмаслик каби хусусиятлар келинни қайнонага ўз онасидек меҳр қўйиши учун заминдир. Қайнона келинни ўғли орқасидан иссиқ хонадонини ташлаб келган қизни ўз қизи каби кўрмакчилигини, ўзининг ҳам келин бўлганлигини унутмаслиги зарур.

Яхши қайнона — сирдош онадир.

Келажакни ўйлаган қайнона-келиннинг ҳар бир хатти-ҳаракати, юриш-туриши, ишининг яхши, ижобий томонларини илғашга, ижобий хусусиятларига таяниб уни оиллага мослаштиришга ҳаракат қилади. Чунки у ёш, бир боғдан иккинчи боққа кўчирилган янги ниҳолга ўхшайди. Уни ниҳоятда эҳтиёт қилиб парваришлаган маса, унинг гуркираб ўсиши жуда қийин.

Баъзан келинларга келгинди хизматкор сифатида муносабатда бўладиган қайноналар ҳам учраб туради. Оила бошлиғи сифатида димоғдор ва мағрурлик, тирноқ ичидан кир қидириш, ўғлига нисбатан она меҳрининг кучлилиги оқибатида келинга уни рашк қилиш, қарши қўйиш, мол-дунё қўлига айланиб қолганлиги натижасида келин келтирган сарпо, совға-саломларга тақсимланиши, қудаси оиласига нисбатан паст назар билан қараш қайнонанинг келин билан келишмай қолишига сабаб бўлади. Оиладаги қайнона, ака, ука ва сингиллар, ўғил ва қайнотага ҳам бу носоғлом муносабат салбий таъсир эта бошлайди. Натижада бир оилада бир-бирига фикран қарама-қарши икки қутб пайдо бўлади. Ўғилга хотинининг игнадек камчилигини туядек кўрсатиш оқибатида келин билан куёв ўртасидаги муносабатларга ҳам аста-секин дарз кета бошлайди. Бунинг олдини олишда ўғил ва қайнотадан ниҳоятда эҳтиёткорлик, маҳорат талаб қилинади. Одатда, қайнона-келин муносабатларида кескинлик учрамайди. Шундай бўлса-да, қайнона-келин ўртасидаги низо оиланинг барбод бўлишига олиб келиши ёки ўғилнинг ҳам келин томонига ўтиб олиши билан яқунланиши мумкин. Ўзаро келишмовчиликларнинг келиб чиқишига ҳар икки томон сабабчидир. Халқимизда «Қарс икки қўлдан чиқади» деган мақол бежиз айтилмаган. Келиннинг ҳам келинлик бурч, вазифалари ва талаблари мавжуд. Уларни меъёрида бажариш қиз боланинг борган хонадониди тиниб-тинчиб кетиши учун заминдир.

Урф-одатларимизга кўра оқ ҳарир либосда «ёр-ёр»

садолари остида бошқа бир хонадонга фарзанд бўлиб келаётган қиз ҳаё, ифбат, номуси билан келмоғи зарур. Шу билан бирга у ота-онадан рўзгор юритиш, оила тутишининг ўзига хос сиру асроридан таълим олмағи ҳам керак.

Қиз боланинг бахти унинг ахлоқ-одоби мевасидир. Ширин сўзлик, самимийлик, сермулоҳазалик, гўзал хулқ, яхши муомала, еаранжом-саришталиқ қиз боланинг кўркидир. Унинг кўркига кўрк қўшувчи, одамийлик фазилатларини зебо қилиб борувчи ота-онадир. Ота-онанинг панд-насиҳатларини дилларига жо қилган йигит-қизлар ҳаётда қоқилмайдилар, қийинчиликларга сабр-бардошли бўладилар. Зеро уларнинг келгуси ҳаёт йўллари ҳам порлоқ бўлади.

Бир куни Луқмони ҳақим ўтиб кетаётсалар, бир она қизига насиҳат қилиб, яхши одатларни ўргатаётган эмиш: «Қизим, сен ҳам балоғат ёшига етиб қолдинг. Эртага бировнинг хасмига борасан, меникига эса меҳмонга келасан, холос. Сен яхши ҳаёт кечираман, обрў-эътиборли бўламан десанг, қайнонани ҳурмат қил. Ҳаммадан эрта тур! Ҳаммадан кеч ёт! Қўлинг эгри бўлмасин, бошинга қилич келса ҳам рост гапир. Ёлгончи, чақимчи, иккиюзламачи, гийбатчи бўлма, қўлингдан келган хизматингни аяма, келган меҳмонни ҳурмат-иззатини жойига қўйиб кузат. Қайнонани, оила аъзоларингни бировга ёмонлама, зийрак, доно, ақлли бўл! Куёвингни ҳурматини жойига қўй, кўчадан келганида кутиб ол! Кетганида кузатиб қўй. Борига шуқр қил. Нафс овораси бўлма, сабр-тоқатли, чидамли бўл! Саломни канда қилма. Шундагина бахт сенинг йўлдошинг, ғам-ташвиш эса кундошинг бўлади», дебди.

Шунда Луқмони ҳақим «Она кўриб қиз ол, қирғоқ кўриб бўз ол!» деганлари шу бўлса керак деб, йўлларида давом этган эканлар.

Пазандалик қиз бола учун гўзал фазилатдир. Бу санъат аёлнинг қайнона-қайнота, эр ва унинг дўсту биродарлари олдидаги қадру қимматини юксакликка кўтаради, ҳурмат-иззатга сазовор этади. Озиқ-овқат маҳсулотларини исроф қилмасдан, тежамкорлик билан турли-туман ширин таомлар тайёрлаш уй бекасининг оила иқтисодини мустаҳкамлашга қўшган улуши бўлади. Ҳамма нарса бедастур, оиладаги хотин уқувсиз бўлса, шу оилада файзу барака бўлмайди. Халқимизда «Сепли келин эмас, эдли келин», «Эрни бой қила-

диган хотин», «Нимани хор қилсанг, шунга зор бўласан» каби мақоллар аёлларни саранжом-саришта, тежамкор, уддабурон бўлишга даъват этади.

Қиз бола келин бўлиб тушган хонадонда унинг ички гўзаллиги билан бир қаторда ташқи гўзаллиги ҳам муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун у доимо ўзига қараб юриши, тоза-озода бўлиб, ўзига ярашганини кийиши, рўзгор юмушларини бажаришда, меҳмон келганда ва меҳмонга борганда, ишда, тўю маъракаларда ўзига мос равишда кийиниш қоидаларига риоя этиши, ортиқча бўянмаслиги зарур. Кийган кийими қадди-қоматига мос бўлиши, гигиеник қоидаларга амал қилиши атрофдаги кишиларга эстетик таъсир этади, илқ муносабат уйғотади.

Бичиш-тикиш, тўқиш илмини билиш қиз боланинг ҳурматига ҳурмат қўшади. Келгусида ўзи, фарзандлари учун кийим-бош тикиш, урфдан чиққан кийимлардан турли-туман янги кийимлар тикиши оилани моддий мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эгадир. Оила қанчалик бой ва бадавлат бўлса ҳам исрофгарчиликка йўл қўймаслик, кам ҳаражат қилиш йўлларини қидириш шу оиланинг келажаги учун мустаҳкам моддий пойдевор манбаидир.

Халқимизда «Қамтарга камол, манманга завол» деган пурҳикмат мақол бор. Қиз боланинг қандай оилада ўсишдан қатъи назар, уни камтар, ортиқча зебу зийнатга, меъёридан ортиқ кийинишга, тирноқларни ўстириб, ҳаддан ташқари бўянишга йўл қўймаслик уни янада гўзалроқ қилади. Камтаринлик қиз бола учун бебаҳо зийнатдир. Ота-онасининг бойлиги, мансабидан мағрурланиб, келин бўлиб тушган хонадон соҳибларига беписандлик билан муносабатда бўлиш ўз келажаги илдизига болта уришдир.

«Ширин тил илонни инидан чиқарар» деганларидек, қиз боланинг мулоимлиги, ширин сўзлиги, ўйлаб, мулоҳаза билан сўзлаши, бақириб-чақирмасдан, ҳар бир гапини охирини ўйлаб гапириши қиз боланинг ҳаё кўркидир. «Фалончининг қизи гапирганда етти маҳалла дарзага келади, фалончининг қизини эса қаттиқ гапирганини эшитмайсан, тарбия берган ота-онасига раҳмат» деган сўзлар қизларга берилган баҳодир. Ҳар бир ота-она «тарбия берган ота-онангга раҳмат» деган эл олқишини олиш даражасида фарзанд тарбиялашга интиломи зарур.

Она бўлиш шарафига муяссар бўлиш ҳар бир қизнинг орзуси. Оилада қизни бола тарбиясига тайёрлаш она ва бувининг, келин бўлгач эса қайнонанинг вазифаси ҳисобланади. Чақалоқни парвариш қилиш, соғлом ўстириш қоидаларини билиш, саломатлиги тўғрисида қайғуриш, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш малакасини эгаллаш — бўлажак она учун ҳаётини эҳтиёждир.

Қайнона-қайнотани, эр ва унинг қариндош-уруғларини ҳурматини жойига қўйиш, режалаштирган ишларини улар билан маслаҳатлашган ҳолда амалга ошириш, улар йўл-йўриқ кўрсатганларида, баъзан танбеҳ берганларида тўғри қабул қилиш, асабларини бошқара билиш, эр хонадонидagi бўлган воқеалар, гап-сўзларни ота-онага, қариндош-уруғларга етказмаслик каби хусусиятлар келин бахтининг гултождидир. Қайнона-қайнота панд-насихатларини нотўғри тушуниб, енгил-таклик билан ота-она уйига гина-кудурат қилиб ўз ихтиёри билан қетиб қоладиган келиннинг ҳаёти — совиб қолган ошга ўхшайди. Бундай оиладаги муносабатлар қуруқ, юзаки, сунъий характерда бўлади. Фарзандлар руҳиятида иккиюзламачилик ҳолати ҳукм суради. Бу салбий ҳолат натижасида оила барбод бўлиши, бузилиб кетиши мумкин.

Куёвнинг оилапарварлиги, оилани моддий ва маънавий бошқаришга тайёрлиги, ишбилармонлиги аёл киши билан муомала қилиш одобини эгаллаганлиги, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, чекиш, ўз кучига ортиқча баҳо бериб ҳар нарсадан уриш-жанжал чиқариш, безорилик каби иллатлардан ҳоли бўлиши, маълум бир касб-ҳунарни эгаллаши хотин ҳурматини қозонишда муҳим мезонлардандир. Оилада бажариш лозим бўлган синган стол, стул, шкафни елимлаб, водопровод жўмрагини, телевизор ёки радио, дазмолни тузатиш ва оиладаги бошқа таъмирлаш ишларини амалга ошириш эрнинг вазифаси ҳисобланади. «Бир йигитга қирқ ҳунар оз» деган мақол моҳиятида ҳам ана шунга ишора этилади. Эр кишининг чаққонлиги, уздабуронлиги ота-онаси, хотини, қайнота-қайнонаси олдида ҳурматини оширади.

Ўз ўрнида қайнота-қайнонасини ўз онасидек ҳурмат-иззатини жойига қўйса, уларнинг панд-насихатларига қулоқ тутса, ўз юмушларида уларнинг ҳам фикрларини инобатга олса, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаб турса, куёв ҳам ўғил сифатида қабул қилинади.

Куёв қайнона-қайнотани вақт-вақти билан йўқлаб туриши, беморлигида ҳолидан хабар олиши улар ўртасидаги меҳр-муҳаббатни мустаҳкамлайди.

Ҳар иккала қуданинг дунёқараши, моддий ва маънавий даражасининг бир-бирига мослиги, кечиримли бўлиши, тушуниши ҳам фарзандлар бахти учун муҳимдир. Чунки «Қудачилик минг йилчилик» дейишади. Келин билан куёв ўртасидаги ўзаро тинч-тотувлик ҳам қудалар ўртасидаги дўстона муносабатни шаклланишида муҳим омил ҳисобланади.

Ҳаётда айрим ҳолларда қудаларнинг бир-бирлари билан келин-куёвга қилинган саруполари, келин ёки куёвга муносабатлари, дунёқарашларининг ҳар хиллиги оқибатида келишмовчиликлар пайдо бўлади. Қудалар ўртасидаги низо тинч-тотув яшаётган ўғил билан қизнинг ширин турмушига аста-секин таъсир эта бошлайди. Натижада, мустаҳкам бир оила ўз-ўзидан барбод бўлиши мумкин.

Одатда ўзбек оилаларида кўпчилик муросою мадора билан яшашади. Қайнона-келин муносабатларида овсинлар ҳам муҳим рол ўйнайди. Чунки оиладаги келинларнинг барчасига қайнона бир хил муносабатда бўла олмайди. Қайнонанинг дидига, ҳарактерига, рўзгор тутиш талабларига мос келадиган келин билан тинч-тотув яшайди, акс ҳолда эса ўзаро низо келиб чиқади. Бунга асосий сабаб овсинларнинг бир-бирига қайнонани қизганишидир. Албатта, қайнона меҳрибон, насихатларига қулоқ тутадиган, бемор бўлиб қолган чоғида парвона, ширинсўз келинга нисбатан доимо яхши муносабатда бўлади, бирон-бир ишни қилмоқчи бўлган тақдирда раъйини қайтармайди. Ўз билганича яшайдиган, қайнона панд-насихат қилганида бақириб-чақириб, уни инкор этадиган, қайнона-қайнотага бола тарбиясини ишоимайдиган, эрини улардан рашк қиладиган келинлар ҳам учраб туради. Албатта, бундай келинларга нисбатан қайноналарнинг муносабатлари салбий бўлади. Натижада, овсинлар ўртасида «чин» ва «ўгай» келинлар пайдо бўлади. «Ўгай» ота-она билан ўғил, эр билан ака-укалар, опа-сингилларни бир-бирига нисбатан меҳрини йўқотишга ҳаракат қилади. Оила аъзоларининг ҳурмат-эътиборини қозонган «чин» келинга нисбатан рашк аста-секин низога айланиб боради. «Ўгай» келин қайнонам овсинимнинг болаларига меҳрибон, овсинимнинг хонадонигаги юмушларни қай-

нонам бажаради, бу ўғлига нисбатан у ўғлини яхши кўради, у ўғли ва келини топармон-гутармон, шунинг учун уларнинг айтганлари айтган, деганлари деган, овсинимнинг ота-онаси бадавлат, мансабдор бўлганлиги сабабли уни хурматини жойига қўяди, менга эса паст назар билан қарайди ва ҳоказо баҳоналар билан жанжал чиқаришга ҳаракат қилади.

Бу, албатта, иккала ака-ука ва уларнинг фарзандлари руҳиятига ҳам салбий таъсир этиши табиийдир. Овсинларнинг опа-сингиллардек бир-бирларини хурмат қилишлари, қайнона илтифотига сазовор бўлган овсинга ўхшашлик учун интилиш, ака-укалар, опа-сингиллар ўртасидаги меҳр ришталарини мустаҳкамлашда уларни ўз ака-укалари ва опа-сингилларига тенглаштириш, бола тарбиясида барча овсинларнинг масъулияти тенг эканлигини англашлари улар ўртасида дўстона муносабат, меҳр-муҳаббат бўлиши учун заминдир. Бу, албатта, келгусида ака-ука фарзандларининг ҳам бир-бирлари билан иттифоқ бўлишларида намуна бўлиб хизмат қилади.

Оилада овсинлар орасида совуқчилик тушишини истамаган қайнона барча фарзандларига, келин ва невараларига бир хилда муносабатда бўлмоғи зарур. Зийрак, андишали, фикр-мулоҳазали қайнона овсинлар ўртасидаги муносабатларни мўътадил сақлашда кўприк вазифасини ўтайди. Агар акси бўлса, овсинларни икки қарама-қарши томонга бўлиб юборади. Бундай оиладаги нотинчлик руҳий тангликка олиб келади, дастурхондан қут-барака учади.

Шунинг учун келинларни муросаю-мадорага келиштиришда, фарзандлар, қудалар, келинлар ўртасидаги меҳр-оқибатни мустаҳкамлашда, неvara-чевараларнинг бир-бирлари билан дўст-биродар бўлиб яшашларида қайнона она вазифасини бажармоғи лозим.

МУЛОҚОТ — ИНСОНГА ХОС ҲАЕТИЙ-МАЪНАВИЙ ЭҲТИЕЖ

Инсоннинг маънавий қиёфаси унинг ташқи кўриниши, хатти-ҳаракати, хулқ-атвори мулоқот маданиятида ифодаланadi. У ўзининг ҳис-туйғусини, ички тугёнини, орзу-умидларини мулоқот жараёнида баён этади. Шунинг учун ҳам жамият тараққиёти, инсонларнинг яхлит ҳолда шаклланиши уларнинг бир-бирлари

билан бўладиган ўзаро мулоқотсиз, ҳамкорлигисиз, ўзаро таъсирсиз вужудга келмайди.

Мулоқот — кишининг ички ва ташқи оламини намён этувчи ўзаро муносабатларнинг муҳим шаклидир. Мулоқот жараёнида киши ўзининг ташқи олам, жамиятнинг турғун тарзи, унинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳаёти ҳақидаги қарашлари, тасавури ва ҳиссиётини ифодалайди.

Жамият аъзоларининг ўзаро ижтимоий муносабатлари, турмуш шароитлари ўзгариши билан уларнинг моддий олам ҳақидаги тасаввурлари, нуқтаи назарлари, тушунчалари, дунёқарашлари, одоб ва ахлоқ нормалари ҳам ўзгаради. Бундай ўзгариш кишиларнинг умумий манфаатлари, хайрихоҳлиги асосида рўй беради.

Кишилиқ жамияти пайдо бўлиши билан мулоқотга эҳтиёж ҳам сезилади. Жамият аъзоларининг бир-бирлари билан ўзаро мулоқотлари шу жамиятнинг ҳар томонлама тараққиётига замин бўлди. Ҳар бир тарихий даврнинг ўзига хос муомала маданияти, қонун-қоидалари, нормалари мавжуд. Ибтидоий жамиятда аёллар ва эркаклар, қулдорлик, феодализм, капитализм жамиятида қуллар ва қулдорлар, феодаллар ва деҳқонлар, капиталистлар ва ишчилар синфлари, эркаклар ва аёллар, оталар ва оналар, ота-оналар ва фарзандлар, йигитлар ва қизлар, бойлар ва камбағаллар ўртасидаги мулоқот маданияти вужудга келди.

МУЛОҚОТ ҚОИДАЛАРИ

Бизнинг жамиятимиз аъзолари ўртасида эса қандай мулоқот турлари мавжуд? Улар жамиятимизнинг кичик ячейкаси ҳисобланган оиладаги ота-она, катта кишиларнинг ўзаро мулоқотлари, ота-она ва фарзандларнинг, қиз болалар ва ўғил болаларнинг, оила аъзоларининг, қўни-қўшни, қариндош-уруғлар, дўсту ўртоқлар билан мулоқоти, иш ва ўқиш, жамоат жойларида турли тўй тантаналари, маданий ҳордиқ чиқариш масканлари, транспортда, турли ҳарактердаги оммавий йиғинларда ҳар хил жинсдаги кишиларнинг ўзаро мулоқотидан иборат. Бизнинг шарқона одобимизда улуғ алломаларимиз, фозилу фозилаларимиз мулоқот маданияти қонун-қоидалари ҳақида ҳикматли фикрларни, ҳадисларни, ўғитларни битганлар, халқни хушмуомалаликка, ўзаро меҳр-мурувватга, ахлоқ-одобга чақирган-

лар. Бизнинг мулоқот маданиятимизда халқимизнинг асрлар давомида сайқалланиб келинган урф-одатлари, анъаналари, ахлоқ нормалари мужассам бўлиб, мақоллар, ҳадислар, ҳикматли сўзлар, панд-насиҳатлар, ахлоқ-одоб дурдоналари шаклларида халқни маънавий етукликка бошлаб келмоқда.

Ахлоқ-одоб ҳақидаги ҳадислардан бирида «Ҳамма ишларингизда тўғри бўлинг, одамларга муомалада хулқингиз чиройли бўлсин»¹ — дейилиб, барча тоифадаги одамларни хушхулқ, самимий, тўғри, софдил бўлишга даъват этилади.

Муҳаммад Солиҳ Қошғарий эса мулоқот (учрашув) одобини олти адабдан иборат қилиб талқин этади. Биз шундан баъзиларини келтирамиз:

...«Аввали — мулоқотда мусофаҳа қилғайлар (яъни кўришғайлар).

Иккинчи — икки каф бирла мусофаҳа қилғайлар, қўл учи бирлан эмас, чароки (негаки) асли мусофаҳа лугатда сафҳай каф (кафт юзи)ни сафҳай кафга қўймоқни айтурлар. Суннат ҳам ушбудир. Ва яъна мусофаҳага ибтидо қилган (биринчи бошлаган) киши қўлини тортмагай, то ҳамроҳи қўлини тортмагунча.

Учунчи — юзини очиқ тутқай мусофаҳа вақтида... Олтинчи — кофир ва мубтадиъ ва зolim ва фосихи бебок ва амради (бузуқ эркак) соҳибжамолни мусофаҳаларидин ижтиноб қилғай (қочгай), балки (бузуқ эркакни) юзига қарамагайки ҳаромдур.

Тўртинчи фасл — муъонийқа (қучоқлашиб кўришиш) қўл ўпмак адаблари баёнидаки, анда тўрт адаб бордур. Аввали — сафардин келган киши кўратурғон кишилар бирлан муъонийқа, яъни қучоқлашиб кўришгай ва ёш ўғлонларни ҳам қучоқлаб ва ҳам юзидан ўбса жоиздур. Аммо (бузуқ эркак) соҳибжамоллар билан қучоқлашиб кўришмагайки, макруҳи таҳримий (ман этилган макруҳлик) дур. Ва ҳеч ким алар бирла муъонийқа қилмагай асло на мусофир ва на мужофир (доимий турувчи). Иккинчи, мужофирлар ҳар кундаги мулоқотларида муъонийқа қилмагайларки, макруҳдир, балки ўртада неча кун ўтгай. Учунчи, солник бандаларни қўлини ўпмак мусофаҳа қилғон вақтида мустаҳабдур»¹.

¹ Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари, Тошкент, «Фан», 1990, 30-бет.

Кишилар уртасидаги ўзаро мулоқот саломлашишдан бошланади. Юқорида баён этилган мулоқот шаклларида кишилар бир-бирлари билан учрашганларида саломлашиб, бир-бирларидан ҳол-аҳвол сўрайдилар. Бир киши иккинчи бир киши билан саломлашар экан, «ассалому алайкум» (арабча сўз бўлиб, «сизга тинчлик тилайман» деган маънони англатади) сўзини айтади, жавоб берувчи эса «Ва алайкумус салом» (маъноси: арабчада «сизга ҳам тинчлик бўлсин») дейди.

Учрашганда «сизга тинчлик тилайман», «сизга ҳам тинчлик бўлсин» сўзлари тўлиқ айтилади. «Ассалом алайка», «Ва алайка», «Салом», «Салом алайкум», «Салом бердик», «Алайкум» каби қисқа сўзлар ишлатилмаслиги керак. Саломлашиш беғараз, чин қалбдан бўлиши билан бир қаторда, бирон-киши билан мулоқот қилишдан олдин саломлашишнинг қўйидаги қоидаларига амал қилиш жоиздир:

— Эрталаб уйқудан тургач, ювиниб, ота-она, она аъзолари билан мулоқотни илтифот билан салом бериб, «яхши дам олдингизми?» деган сўзни айтиш билан бошлаш керак.

Катта ёшдаги кишиларни, қўни-қўшни ва қариндошларни, устозларни, тенгдошларни учратиб қолгудек бўлинса, кўксига қўлни қўйиб шарқона диёнат билан салом бериб, ҳол-аҳволлари сўралади. Катталар, аёллар, қиз-жувонлар билан учрашганда, уларга қарши бориб саломлашиш одобдандир. Агар кўпчилик кишилар ичида бирон-бир дўстни, қариндошни ёки танишни учратиб қолинса, у кишининг ўзига эмас, шу ерда ўтирган ёки турганларнинг барчасига салом берилади.

Кичик ёшдагилар билан мулоқотда бўлганда, улар ҳурмат билан салом берсалар, иложи борича ҳаммаларининг саломларига, умумий сўрашилган ҳолда жавоб беришга ҳаракат қилинади.

Ота-она, опа-сингил, дўстлар, устозлар, қариндош-уруғлар ва бошқалар билан мулоқот қилишнинг дебочаси, саломлашиб бўлингач, улар билан ҳақиқий мулоқот бошланади.

Имом Ғаззолий айтганидек: «Ўзингга нисбатан кишилардан қандай муомалани кутсанг, уларга нисбатан ҳам худди шундай муомалада бўлгин»¹.

Оилада бўладиган мулоқотнинг софлиги, мазмундор-

¹ Ислом нури, 1990 йил, 32-сон.

лиги, оиладаги болаларнинг хуқ-аъвориға, маънавий камолотига таъсирини кучайтириш кўп ҳолларда ота-она ўртасидаги ва уларнинг болалар билан бўладиган ўзаро мулоқотига боғлиқдир. Оиладаги кундалик мулоқот бу ҳаётинг эҳтиёж, болани ижтимоий ва маданий ҳаётга тайёрлашнинг асосидир. Ота-онанинг оиладаги моддий, ташкилий, тарбиявий ва ўзаро шахсий масалалар юзасидан бир-бири билан бўладиган муносабатлари соф, самимий, эрнинг хотинга, хотиннинг эрга нисбатан ўзаро ҳурмати, иффати асосига қурилсагина, бундай оилада мусаффо маънавий муҳит вужудга келади. Отанинг онага, онанинг отага бетакаллуфлиги, бир-бирига қўпол муомаласи, ҳаётинг қийинчиликларни енгишдаги, бола тарбиясидаги, оиланинг моддий таъминотидаги турли фикрлилик шу оиладаги ўзаро муносабатларнинг бузилишига олиб келади.

Айниқса, ота-она муносабатидаги сабрлилик, ўйлаб, ақл-заковат билан оилавий юмушларни биргаликда маслаҳатли ҳал этиши, уларнинг бир-бирига меҳрибонлиги, фарзандларига бир хилда муомалада бўлиши, ҳар иккала томоннинг қариндош-уруғларига, қўни-қўшниларига бир хилда меҳр-муҳаббат, ҳурмат билан қарashi, бир сўзлилиги, ҳақиқатни гапириши каби ижобий фазилатларга эга бўлиши, шунингдек, ичиш, чекиш, ёлғончилик, маиший бузуқлик, димоғдорлик, манманлик ва бошқа шу каби иллатлардан холи бўлиши оиладаги муомала маданиятининг софлигини таъминловчи хусусиятлардир.

Ота-онанинг бир-бири билан «адажониси» ёки «ойижониси» деб мурожаат этишлари, «раҳмат», «марҳамат», бирон жойга борилаётганда «яхши бориб келинг» ёки «бехатар бориб келинг», «яхши келдингизми?» каби сўзларни ишлатишлари шу оила аъзоларининг барчаси ўртасидаги муомалани тўғри йўлга қўяди, фарзандларининг ота-онага нисбатан ҳурматини, меҳр-муҳаббатини оширади, ота-она улар учун идеал бўлиб қолишларига ёрдамлашади.

Ўз даврларининг етук мутафаккирлари ҳам эр-хотин муносабатларининг софлиги нақадар муҳим аҳамият касб этишини эътироф этганлар. Бу масалага Ризоуддин ибн Фахруддин шундай ёндошади:

«Гўзал муомалали бўлмоқ ислом шариатининг биринчи қоидаларидандир. Гўзал муомаланинг энг лозим қисми хотун билан бўлажак муомаладир... Қуръ-

оний-и шариф хотунлар билан гўзал муошарат этишга буюргандир... Бундай муомала этувчи эрнинг дунёси тузук, охирати роҳат бўлар.

Хотунига гўзал муомала қилувчи олий табиатли эрлар шариату ақл тарафидан ман этилган нарсаларга хотунларини йўлламайдилар ва энг азиз боласига бўлган меҳру шафқати даражасида оқибат кўрсатиб, хотунларини барча машаққатдан сақлайдилар, қурбилари етмаган хизматга буюрмайдилар...

Хотун билан бўладиган муомала ҳаддан ошину ҳаддан паст бўлиши эмас, балки адолат билан бўлиши керак. Тарбияли эр хотунига қарши гўзал муомалада бўлгани каби ўзининг улуғворлигини ҳам сақлаб қолар, ҳурмат ҳам этар, ҳурмат эттира ҳам билар»¹.

Мулоқот маданиятида фарзандларнинг ота-оналар олдидаги ўз вазифалари мавжуд.

Бола оиладаги ота-она, буви ва боболарнинг ўзаро муносабатларидан андаза олишга ҳаракат қилади. Оилада катталар билан бирон юмуш ҳақида маслаҳатлашмоқчи бўлинса, уларнинг кайфиятига, вақтига қараб айтиладиган фикрни ўйлаб, уларни ранжитмайдиган қилиб гапиришга ҳаракат қилиш лозим. Қиз она билан, ўғил ота билан шахсий масалаларда маслаҳатлашишни эсдан чиқармаслиги, онага ҳам, отага ҳам тўғри келган гапларни айтишни одат қилмаслиги керак.

Ота билан она, ота-она ва фарзандлар, оиланинг бошқа аъзолари ўртасида мулоқотни йўлга солиб туривчи ширин сўзлилиқ, улар ўртасидаги таржимон тилдир.

Алишер Навоий ташбиҳларида шундай дейилади:

Ул кўнгулгаким қаттиғ сўздин решдек бўлғай, аччиғ тил захр олуд нешдек бўлғай. Кўнгулда тил синони жароҳати бутмас, анга ҳеч нима марҳам ерин тутмас. Ҳар кўнгулки тил синонидин жароҳатдур ҳам юмшоқ сўз ва ширин тил анга марҳам ва роҳатдур. Мулойим такаллум — ваҳшийларни улфат сари бошқарур, фусунгар афсун била йилонни тушукдин чиқорур².

Қиши иззат-икромни, обрў-эътиборни тил орқали топади. «Тилга эътибор, элга эътибор», «Бугдой нонинг бўлмасин, бугдой сўзинг бўлсин», «Аччиқ тил захри

¹ Ризоуддин ибн Фахруддин. Оила. Тошкент: Меҳнат, 1991, 35-бет.

² Алишер Навоий. Маҳбубул қулуб. Асарлар. 13-том, 59-бет.

илон, чучук тилга жон қурбон», «Беморга ширин сўз керак, ақлсизга кўз», «Гапнинг қисқаси яхши, қисқасидан ҳиссаси яхши» каби халқ мақол ва ибораларида ҳам мулоқот қоидалари ифодаланган.

Қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар, дўсту ўртоқлар билан мулоқот табассум билан, такаллуф билан бошланса, икки ўртада дилхушлик ҳукмрон бўлади. Ширин, тўғри сўз, маъноли, мазмунли суҳбат дўстни ҳам, қариндош-уруғни ҳам, қўшнилару таниш-билишларни ҳам сиз билан яна суҳбатлашишга чорлайди.

Кишининг кундалик ҳаётининг асосий қисми меҳнат қилиш, таҳсил олиш ва бошқа жамоат ишларини бажариш билан ўтади. У касбдошлари, тенгдошлари, раҳбарлар, ташкилотчилар билан мулоқотда меҳнат қилади, таҳсил олади. Оилага хурсандчилик билан қайтишнинг, узоқ умр кўришнинг гарови раҳбар ва ишчи, касбдошлар, тенгдошларнинг дилхушлик билан ўзаро мулоқоти ҳисобланади. Раҳбарнинг манманлиги, қўпол муомаласи, ўзини билимдон, бой-бадавлатдек баланд тутиши, қўл остидагиларни назарга илмаслиги бутун жамоанинг асабига салбий таъсир этади, носоғлом муҳитни вужудга келтиради, бундай муҳитда ишлаш ёки ўқиш киши саломатлигига, ҳатто оиланинг маънавий соғломлигига ҳам путур еткази.

Қаерда бўлмасин киши мансаби, мавқеи, давлати, ёши ва бошқаларга қараб эмас, балки ўзаро инсон сифатида мулоқотда бўлиши лозим.

Меҳмон ва мезбоннинг ўзаро илтифоти, меҳмондорчилик одобига риоя этиши, кичик ёшдагилар мулоқотида, кичикларнинг катталардан олдин гапирмаслиги, сергап бўлмаслиги, улар билан тортишмаслик, сўзларни тўлиқ, маъноли қилиб, кам гапириб, кўп эшитиш маънавий маданиятлиликнинг муҳим ўлчовларидан биридир.

Абдуллоҳ ибн Умардан ривоят қилинади, у кишидан бир кун Расулulloҳ: «Кишиларга зарар етказмасликда мусулмон кишига ўхшаган бир дарахт бор. Оллоҳ Таоло амри билан у дарахт ҳамма вақт мевасини бераверади ва ерга тўкилмайди, шу қайси дарахт, биласизми?» — деб сўрадилар. Абдуллоҳ айтадилар: «Бу хурмо дарахтидир», деган фикр менинг хаёлимга келди-ю, лекин Абу Бакр Сиддиқ ва отам Умарлар жавоб қайтармаганлари учун мен буни айтмоқни ўзимга маъқул кўрмадим. Кейин Расулulloҳ ўзлари: «Бу

хурмо дарахтидур», — дедилар. Шундан кейин мен отам билан чиқиб кетаётганимда отамга: «Расулуллоҳ айтаётган бу дарахтлари хурмодур деган фикр хаёлимга келган эди», — дедим. Шунда отам: «Нега айтмадинг, агар айтган бўлганингда, мен учун фалон-фалон нарсалардан ҳам яхшироқ бўлур эди», — дедилар. Мен: «Сиз ҳам, Абу Бакр Сиддиқ ҳам сўзлашмаганларингиздан кейин мен гапиришни ўзимга муносиб кўрмадим», — дедим!

Жамоат жойларида, умумий транспортларда, турли характердаги оммавий тантаналарда гўзал хулқли, гўзал сўзли бўлиш, сўзлашиш маданиятига риоя этиш кишини иззат-обрўсини оширади, халқнинг эътиборига, таҳсинига сазовор этади.

Кайковус ўғлига насиҳат қилиб дейди: «Халқ олдида гапирадиган сўзинг гўзал бўлсин, бу сўзни халқ қабул қилсин. Халойиқ сенинг сўз билан баланд даражага эришганингни билсин, чунки кишининг мартабасини сўз орқали биладилар, сўзнинг мартабасини киши орқали билмайдилар, чунки ҳар кишининг аҳволи ўз сўзи остида яширинган бўлади. Яъни бир сўзни бир ибора билан айтса бўлади, эшитган кишининг эса кўнгли паришон бўлади, шу сўзни бошқа бир ибора билан айтса, эшитган кишининг кўнгли баҳра олади...

Эй фарзанд, сўзнинг юз ва орқа томонини билгил, уларга риоя қилгил, сўзлаганингда маъноли гапир, бу нотикликнинг аломатидир...

Ҳар бир сўзга қулоқ сол, тезлик қилма. Уйламасдан сўзлама. Ҳар бир сўзни ўйлаб гапир, то айтган сўзингдан пушаймон бўлмагайсан. Илгари ўйлаш — бир навъ кароматдир. Ҳар қандай сўзни эшитишдан сиқилма. У сўз ишингга хоҳ ярасин, хоҳ ярамасин, уни эшит, токи сенинг учун сўз эшиги ёпилиб қолмасин ва сўзнинг фойдаси тамом бўлмасин.

Совуқ сўз сўзлама... Кўп бил-у, оз сўзла; кам билсанг, кўп сўзлама, чунки ақлли киши кўп сўзламайди; деганларки, жим ўтириш саломатлик сабабидир...²

Жамоат жойларида, тўй, тантаналарида, оммавий ҳордиқ чиқариш жойларида нотаниш кишилар билан эҳтиёт бўлиб, ҳар бир сўзни ўйлаб гапириш зарур. Бун-

¹ Имом Исмоил Ал-Бухорий. Ал-адаб, ал-муфрид. Тошкент, «Ўзбекистон», 1990, 111-бет.

² Қобуснома. Тошкент: «Ўқитувчи», 1973, 38—40-бетлар.

дай жойларда пайдар-пай, ноахлоқий характердаги гапларни гапириш, атрофдагиларнинг газабини келтиради, улар учун ҳурматсизлик ҳисобланади. Атрофдагиларнинг суҳбатларини ўғринча тинглашга интилиш энг ёмон иллат бўлиб, гап ўғрисига айланиб қолиш ҳисобланади.

Еш жиҳатидан катта кишиларнинг сўзларига қулоқ тутмоқ, уларнинг фикрлари нотўғри, ноўрин бўлган тақдирда сукут сақлаб, диққат билан эшитмоқ фарзи айнайдир. Суҳбатдош сўзларини тугатгач, у ҳақидаги фикрлар сўнг баён этилади. Гофил, бадмаст киши билан, қанчалик нотўғри фикрлар билдирмасин, тортишмаслик, мунозара қилмаслик, обрўни сақламоқлик зарур. Бир кишидан эшитган гапни иккинчи кишига етказиш, чақимчиликни, ёлғончиликни одат қилиш, руҳий нопок кишининг иши. Донишмандларимиз айтганларидек: «Дилинг оғриб, асабийлашишни тиламасанг, жоҳил, аблаҳ кишилар билан сўзга боришиб ўтирма»¹.

Мулоқотда ҳамсуҳбатнинг сўзларини охиригача сабр билан тинглаш ҳам санъатдир. Сабрсизлик билан ўзининг турли фикрларини, нуқтаи назарини айтиб, суҳбатдошларни чалғитиш маданиятсизлик белгиси ҳисобланади.

СИР САҚЛАШ

Ўзаро мулоқотда сир сақлаш қоидаларига риоя этиш муҳим аҳамият касб этади. Сир хусусиятига кўра бир неча хил: яъни давлат сирини, оила сирини, эр-хотин сирини, дўстлар сирини, қариндош-уруғлар сирини, йигитлар сирини, қизлар сирини ва бошқалардан иборатдир.

Мулоқот жараёнида кўпчилик билиши лозим бўлган сўзларни, яъни сирни гапирмаслик, уни сақлай билиш ҳам маҳоратдир. Агар инсон бундай маҳоратга, иродага эга бўлмаса, сирни ошкор этса, у шу сирнинг асирига айланиб қолади, жамоа, оила аъзолари, қариндош-уруғлар, дўстлар олдидаги ишончини йўқотади, ўзининг иродасизлигини намоён этади. Донишмандларимиз айтганидек, «Сиринг ошкор бўлишини хоҳламасанг, дўстингга ҳам айтма»².

Мулоқотнинг самимияти, софлиги, мусаффолиги ҳамсуҳбатларнинг ҳамфикрлигига, қарашларнинг

¹ Оз-оз ўрганиб доно бўлур. Тошкент, Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988, 131-бет.

² Уша асар, 136-бет.

бирлигига, дўстона муносабатларига кўп жиҳатдан боғлиқ. Чунки: «Икки яхши одам билан ўтириш гўё мушк-анбардек, ёмон одам билан бирга бўлиш эса темирчининг босқони кабидир. Мушку анбари бор кишидан хушбўй ҳид тарқалади, сен ундан уни сотиб олишинг ёки хушбўй ҳидидан баҳраманд бўлишинг мумкин. Темирчининг босқони эса кийимингни куйдириб қўйиши ёки лоақал ундан қўланса ҳид етиши мумкин.

Яхши улфат бамисоли аттордир. Аттордан бирор нарса олмасангда, ундаги нарсаларнинг ҳидларидан баҳраманд бўлиб турасан»¹.

Мулоқотда гапни топиб гапириб, кишининг кўнглига озор етказмасдан мулойим, тавозе билан гапиришда ҳикмат кўп.

Бир куни Ҳорун ар-Рашиднинг тушида тишлари битта ҳам қолмай тушиб кетибди. Эрталаб фолбинни чақиртириб, бунинг таъбирини сўраса, у:

— Улуғ ҳалифамизнинг умрлари узун бўлғай, лекин яқин орада қариндош-уруғларингиз битта ҳам қолмай ўлиб кетадилар, — дебди.

Халифанинг жаҳли чиқиб: «Уни юз дарра уринлар», — деб буюрибди. Сўнг бошқа фолбин чақиртириб тушининг таъбирини сўрабди.

— Тушда кўрганларингиз шунга ишораки, — дебди фолбин тавозе билан, ҳалифамизнинг умрлари узоқ бўлғай, сизнинг сояи давлатингизда қариндош-уруғларингиздан бошқа барча омонлиқ топғай.

Ҳорун ар-Рашид хурсанд бўлибди ва фолбинга юз динар мукофот бердирибди².

Сўзлашганда ўйлаб, айтадиган фикрларни чиройли сўзлар билан гапириш эзгулик, бахт йўлини очади. Ҳикоятдан кўриниб турибдики, битта туш таъбирининг икки хилда изоҳланиши ўйламасдан, тўғридан-тўғри гапирган фолбин бошига ҳам соясини солди, ҳалифанинг дилини оғритмасдан, унинг руҳини тушқунликка туширмайдиган сўзлар топиб сўзлаган фолбин бойликка муяссар бўлди.

Шундай қилиб, бир оғиз ширин сўз кишини ҳаёт нашидасини суришга илҳомлантиради, аччиқ сўз эса яшашдан кўнгилни совутади.

¹ Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. Тошкент, «Фан» 1990. 54—136-бетлар.

² Муҳаммад Авфий. Жомий ул-ҳикоят. Аждодлар ўғити, ҳикоятлар, ҳикматлар, тақсиллар. Тошкент, «Чўлпон», 1991, 45-бет.

Демак, мулоқот маданиятига, одобига амал қилиш кишини юксаклик, эзгулик сари етаклайди. Ҳаётда ўз ўрнини топишига, эл ичида обрў-эътибор қозонишига, иззат-ҳурматда бўлишига сазовор этади.

УЙ ТУТИШ ҲАҚИДА

ФАРОВОН ТУРМУШ МАНБАИ

Оилада фарзандларнинг баркамоллиги, келажакда уддабурон, уқувли уй соҳиби ва соҳиббаси бўлиб етишишида хонадоннинг поклиги, тоза-озодалиги, софлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Уй асбоб-анжомларининг тозаллиги, озодалиги, тартиб билан жой-жойига қўйилиши, ҳар бир хонанинг дид билан безатилиши оила аъзолари учун ҳам, келган меҳмон учун ҳам завқ бағишлайди, дилини қувонтиради. Халқимиз «Тозалик — соғлиқнинг гарови» деб бежиз айтмаган. Тоза, озода хонадонда соғлом, руҳан тетик, маънавий пок инсон шаклланади. Келажак учун маънавий соғлом оиланинг пойдевори қўйилади.

Хонадоннинг саранжом-саришталиги оила аъзоларининг руҳий ҳолатига ҳам таъсир этади, кишини ҳаётга, яшашга, меҳнат қилишга бўлган қизиқишини, муҳаббатини ўстиради, мустақил ҳаётга тайёрлашни таъминлайди.

Поклик ва софлик киши ҳаётининг мазмунини ташкил этади. Ҳар бир кишининг моддий ва маънавий пок турмуш қурмоғи ҳаёт шарти саналади.

Ўзбек халқида шундай бир яхши одат бор: эрта турганнинг ризқи бутун бўлади, деган нақлга амал қилиб, тонг саҳарда уйқудан турадилар. Ётган ўрин-тўшак йиғилади, ювиниб, ҳовлига сув сепилиб, супуриб-сидирилади. Қишлоқ жойларида сигир соғилиб, сигир-бузоқ, қўй-эчкилар далага ҳайдалади. Молхоналар ҳам тезда тозаланади. Оиланинг каттадан-кичик аъзосининг ўзига тақсимланган эрталабки рўзғор ишлари тугагач, нонуштага ўтирилади. Шунинг учун хоҳ қишлоқ шароитида, хоҳ шаҳарда бўлсин, ўзбек хонадонларида эрталабдан ҳаёт қайнайди.

Айниқса, ҳовлида яшашнинг ўзига хос талаб ва қоидалари мавжуд бўлиб, уларга амал қилиш оиланинг тинч-тотувлиги, фаровонлиги учун заминдир.

Хонадон соҳибларининг қандайлигини оstonадан билиш мумкин. Шунинг учун ҳовлига кириладиган дарво-

за олди доимо тоза сақланади. Уй орқасида жой бўлса, ток экилиб, ишком қилиб таралади ёки бошқа мевали дарахтлар экилиб, кичик боғча барпо этилади. Ҳовлига кириш йўлкасига, ҳовли саҳни олдига райҳон, атиргул, чинни гул, хина, ўсма кабилар экилади. Эрталаб, кеч-қурун сув сепилганда гуллар атри ҳовлини тутиб кетади, кишининг дилини равшан қилиб, руҳини кўтаради.

Ҳовлига мевали дарахтлар тартиб билан, баҳор, ёз ва куз фаслининг турли даврларида пишишини ҳисобга олинган ҳолда экилади. Куз ёки баҳор фаслларида бу дарахтларнинг ортиқча шохлари кесилади, тартиб берилади. Дарахтлар соясига оилавий дам олиш учун тахтадан сўри қилинади. Қуёш нури тегадиган жойнинг саҳнига қараб полиз маҳсулотлари: картошка, помидор, лиёз, ош кўклари, бодринг, булғор қалампири ва бошқалар экилади. Бундай экинлар оилани моддий таъминлаш билан бир қаторда ҳовлига файз киритади. Ҳовлига экиладиган экинлар хусусиятига, турига қараб тартибли экилиши, доимо парвариш қилиб турилиши талаб этилади. Парвариш қилиш жараёнида оиланинг кичик аъзоларини ҳам жалб қилиниши уларни ёшлиқдан меҳнат қилишга, меҳнатнинг қадрига етишга ўргатиб боради.

Ҳовлидаги тартибсизлик, экинларнинг режасиз экилиши, қаровсиз, парваришсиз дарахтлар шу ҳовлига кирган кишининг дилини хира қилади, кайфиятини туширади. Ҳаётда бир умр ҳовлисига бир туп мевали дарахт экиб ўстирмаган, ариқ қазиб сув келтирмаган, гул экиш нималигини билмаган лоқайд кишилар ҳам учрайди. Бунда ота-оналар ўзларидек лоқайд, меҳнатни севмайдиган, дидсиз, келажакда мустақил ҳаётга пухта тайёр бўлмаган болаларни тарбиялашлари шубҳасиз.

Йил фаслларига қараб ҳовлилар йиғиштирилади, саранжом-саришта қилиб сақланади. Баҳор фаслида чопиқ қилиш, экиш, парваришлаш, куз фаслида пишган ҳосилни йиғиштириш, қиш фасли учун ғамлаш, қишда ерни баҳорга тайёрлаш, ёзда пишиқчилик ишлари билан боғлиқ юмушлар амалга оширилади. Кўп қаватли биноларда яшовчи кишилар бундай ишлардан бирмунча холи бўлиб, уларнинг турмуши бироз сокинлик билан ўтади. Чунки бундай уйларда экин экиладиган жойлар, мол-ҳол қилишнинг имконияти йўқ. Шу сабабдан кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчиларнинг уй тутиши қишлоқ ва шаҳарда шахсий ҳовлиларда истиқомат қи-

лувчилардан бирмунча фарқ қилади. Лекин уй тутиш қоидаларига рия этиш шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам тозалик, поклик, саранжом-саришталикни талаб этади. Поклик, софлик оиладаги қут-бараканинг, фаровон бахтли ҳаётнинг, тинч-тотувликнинг, хонадон аъзоларининг бир-бирларига нисбатан ўзаро ҳурмати ва қадр-қимматининг манбаидир.

УЙ ТУТИШ ҚОИДАЛАРИ

Ҳар бир киши ўз рўзғорининг бадастур, етарли, қулай бўлишига умр бўйи интилади. Аввало яшаш учун уй қуради, кейин рўзгор буюмлари билан таъминланишига ҳаракат қилади.

Ўзбек халқи меҳмондўст, болажон, олиҳиммат халқ. Шунинг учун мусулмон миллатига мансуб ҳар бир оилада меҳмонлар учун алоҳида меҳмонхона, болалар, ота-она учун алоҳида-алоҳида ётоқхоналар, оила аъзолари учун дам олиб, суҳбатлашадиган умумий хона, ошхона ва бошқа қўшимча хоналар қурилиб жиҳозланади.

Маълумки, оиланинг асл таянчи — аёлдир. «Хотунлар уйнинг гулларини хоналарнинг чечакларидир»¹. Оилада рўзгор ишларини юритиш, уй тутиш, болаларни тарбиялаш ва уларни рўзгоршунослик илми билан қуроллантириш аёл киши зиммасига юклатилган. Бундай масъул ишни амалга ошириш аёл кишидан фаросатли, сабр-тоқатли бўлишни, ташаббускор ҳамда ижодкорликни талаб этади.

Уй тутишда оилада отанинг ва болаларнинг ҳам ўз ўринлари, вазифалари ва оила олдидаги бурчлари мавжуд. Ота — оилани рўзгор ашёлари билан таъминлайдиган масъул шахсдир. Она раҳбарлигида болалар рўзгор ашёларини тоза-озода, покиза, саранжом-саришта қилиб, авайлаб сақлаш, ундан уй тутиш қоидаларига асосланиб унумли фойдаланиш ишлари билан шуғулланадилар.

Уй тутиш одоби қоидалари нималардан иборат?

Оилада оила аъзолари учун мўлжалланган ётоқхоналарга алоҳида эътибор бериш лозим. Ётоқхона учун шинам, шовқин-сурондан холи, баҳаво хона ажратилади. Ётоқхонада кўрпалар алоҳида, кўрпачалар алоҳида сандиқ ва қути устига чиройли қилиб, дид билан йиғиб,

¹ Ризоуддин ибн Фахриддин. Оила. Тошкент, «Меҳнат» 1991, 19-бет.

оқ чойшабларга ўраб қўйилади. Ота-она учун алоҳида, ўғил болалар ва қиз болалар учун алоҳида-алоҳида ётоқхоналар зарур. Ётоқхоналарга ҳар бир қиз ёки ўғил бола учун имконият бўлса кроватлар, кийим қўядиган шкафлар қўйилади. Ҳар бир кишига ювиб алмаштириб туриш учун иккитадан чойшаб, кўрпа ва ёстиқ филофлари бўлиши зарур. Ётоқхона ортиқча нарсалар, деворларга осилган гиламлар, телевизор, музлаткич ва шунга ўхшаш анжомлар билан тўлдирилмайди. Чунки ухлаганда эркин, тоза нафас олиш зарур. Ётоқхона деразаси олдида гул қўйилади, чунки гул хонанинг ҳавосини тозалайди. Ётоқхона ҳар куни намланган латта билан артилиб, шкаф, дераза, токчалари, девор ва шифтдаги чанг ва ислар артиб тозаланиб турилади.

Кийим қўйиладиган шкафга тоза, ювилган, дазмолланган нарсалар батартиб тахланади. Шкафларга кийимлар пала-партиш тиқиб ташланмаслиги зарур. Ухлаганда кундузи кийилган кийимлар ечилиб, эркин нафас олиш учун қулай қилиб тикилган, тоза, озода, дазмолланган ички кийимлар кийиб ётилади.

Дераза пардалари вақт-вақти билан, чойшаб ва филофлар эса ўн-ўн беш кунда ювилиб дазмолланади. Эрталаб ва ётишдан олдин эшик, деразалар очилиб, хонанинг ҳавоси алмаштирилади. Янги солинган уйларда, бўёқлар тамом қуриб кетмасдан яшамоқ ҳам зарарлидир.

Баъзи хонадонларда «Ҳеч ким кирмайди-ку», деб ўрин йиғилмай, кийим-кечак пала-партиш ташлаб кетилаверади. Афсуски бундай бекалар келгуси ҳаётда уларнинг қиз-ўғиллари худди шундан андоза олишларини билмайдилар ёки тасодифан улар кетгандан сўнг, ё ўзлари билан бирга бирор киши кириб келса, ноқулай вазиятда қолишларини ўйламайдилар.

Ўзбек хонадонларида меҳмонга нисбатан алоҳида иззат-ҳурмат, эъзоз билан муносабатда бўлинади, шу боисдан қадимдан халқимиз меҳмонлар учун алоҳида меҳмонхоналар қурганлар, бу хоналар меҳмонлар учун зарур бўлган уй анжомлари билан безатилган. Қадимда уйлар ичкари ва ташқари бўлиб, ташқари уй меҳмонхона ҳисобланган. Меҳмонхонада фақат эркак меҳмонлар кутилган. Аёлларнинг эркаклар билиши шарт бўлмаган сир-асрорлари, ўзларининг гаплари бўлганлиги учун ҳам эркаклар билан аёллар бир жойда меҳмондорчилик қилмаганлар. Иккинчидан, эркак киши улуғ

ҳисобланган, шариат эркак киши билан аёл кишининг турли маросимларда, меҳмондорчиликда бирга ўтириши, ҳатто бир эшикдан кириб-чиқишини гуноҳ ҳисоблаган. Алоҳида меҳмонхоналарда меҳмон кутиш удуми ҳозирги кунда ҳам жумҳуриятимизнинг барча вилоятларида сақланиб қолган.

Ҳозирги кунда меҳмонхоналар қандай бўлиши керак? Ҳар бир хонадонда меҳмонлар учун алоҳида меҳмонхоналар қурилади. Агар бунинг иложи бўлмаса катта, шинам, ёруғ, меҳмон кутиш қулай бўлган бир хона меҳмонхона учун танланади. Хонада ортиқча буюмлар, қимматбаҳо мебеллар, меъёридан ортиқ биллур ва бошқа идиш-товоқларнинг бўлиши шарт эмас. Унинг оддий қилиб безатилиши муҳим. Меҳмонхона ҳамма вақт тоза, озода, йиғиштирилган бўлиши лозим. Ҳинд донишмандлигида шундай дейилади: «Ҳар қандай йиғиштирилмаган хона юқори даражада ривожланган ва озода кишининг нафратини келтиради».

Меҳмонхонага кирган меҳмон баҳри-дили очилиб, шу хонадондан завқ олиб чиқиб кетиши керак. Меҳмонхона шарқона услубда безатиладиган бўлса, гилам тўшалиб, хона ўртасига хонтахта, унинг атрофларига кўрпачалар тўшалади ва болишлар қўйилади. Зарурий идиш-товоқлар учун тоқчалар ёки махсус тахта шкафлар бўлиши мумкин. Меҳмонхонага Оврупача тартиб бериладиган бўлса, одатда, унда стол ва атрофида стуллар бўлади. Зарур буюмлар учун девор шкафлари қўйилади. Энг асосийси, уларнинг чангини тозалаб, артиб, хонани супуриб, ювиб, ҳамма вақт меҳмон келишига тайёрлаб туришдир.

Меҳмон кузатилгач, эшик-деразалар очилиб, меҳмонхонанинг ҳавоси алмаштирилади, ишлатилган идишлар ювилиб, дастурхон ва сочиқлар ювиб-дазмолланиб, яна меҳмон келишига ҳозирлаб қўйилади.

Баъзи хонадонлардаги меҳмонхоналарга кирсангиз, керакли-кераксиз уй анжомлари, ерда ва деворда қўша-қўша гиламлар тахлаб ташланган. Биллур ва чинилар, қимматбаҳо мебеллар, хона деворларига ўткир рангбаранг бўёқлар билан дидсиз чизилган ҳар хил бацкана расмлар кишининг дилини хиралаштиради, буюмлар диққат-эътиборни тортиб, меҳмон фикру хаёлини чалғитади, эркин ўтириши учун имкон бермайди. Шунинг учун меҳмонхоналар шундай жиҳозланиши керакки, келган меҳмон ундаги нарсаларнинг кўплигидан эмас, бал-

ки тоза, шинам, саранжомлигидан, уй анжомларини дид билан жойлаштирилганлигидан, мезбонларнинг ширин-сўзлигидан, хушфеллигидан хурсанд бўлиб кетсин.

Ўзбек хонадонларида оилавий ўтирадиган умумий хона ҳам мавжуд бўлиб, унда ишдан, ўқишдан сўнг телевизор томоша қилинади, радио тингланади, оилавий давра суҳбатлари қурилади. Бу хонада ишлаб чарчаб келган хонадон эгалари бемалол шарқона таомилга кўра «ёнбошлаб» ҳордиқ чиқарадилар.

Хонадонларнинг кўпчилигида ҳозир иш хоналари, ижодхоналар, болалар учун дарсхоналар ҳам мавжуддир. Бу хоналарда ёзув столи, курсилар, китоб жавонлари, ёзув-чизув асбоблари қулай қилиб жойлаштирилади. Бу хона ёруғ, ёзув столларининг усти ортиқча китоб, дафтар, газета-журнал, ёзув-чизув асбобларидан ҳоли бўлиши лозим.

Меҳмонхона, ётоқхона ва бошқа хоналарни жиҳозлашда девор, дераза ва эшик пардалари рангининг бири-бири билан мутаносиблигига эътибор берилади.

Оилада аёл кишининг кўп вақти ошхонада ўтади. Ўзбек халқида хонадонга совчи ёки меҳмон келса, аввало ошхонадаги саранжом-саришталикка эътибор беради. Шунинг учун уй тутишда ошхона анжомларидан фойдаланиш ва уларни сақлашда хонадон эгаларидан алоҳида масъулият талаб этилади.

Ошхона учун ёруғ, шамоллатиб туриш осон, меҳмонхона ва бошқа хоналарга ўтиш учун қулай хона танланади. Бу хона ҳам чиройли қилиб оқланган, газ ўчоқнинг атрофлари тез-тез ювиб туриш учун қулай қилиб бўялган ёки плиталанган бўлиши керак.

Ошхона учун зарурий асбоблар ва ашёлар: совутгич, хонтахта ёки стол, стуллар, идиш-товоқ, сочиқлар, дастурхонлар, капгир, чўмич, уларни жойлаштириш учун тахта токчалар (шкаф), газ ўчоқ (ёки шароитига қараб бошқа нарсалар), хамир, ёйиш, сабзи, пиёз, гўшт майдалайдиган оштахталар, таом тайёрлаш учун ишлатиладиган туз, зираворлар, ёғ учун алоҳида идишлар, турли ҳажмдаги кострюлькалар, лаганлар, товалар, манги-қосқон, човли, тахта-ўқлов, жува, элак, гўшт майдалагич, ғалвир ва бошқалардир.

Ошхона кунига бир марта тозаланиб, ювиб, шамоллатиб турилади, овқат озодалик қондаларига риоя этилган ҳолда пиширилади.

Ошхонада сабзавот, мева пўчоқлари учун алоҳида,

суяк ва овқат қолдиқлари учун алоҳида челақлар ажратилади, улар ҳар куни бўшатилиб, ювиб-тозаланиб жойига қўйилади.

Ошхонадаги овқатланиш буюмлари овқат тайёрлаб, еб бўлингач, иссиқ сувда тоза қилиб ювилади. Қоса, қошиқ, пичоқ, санчқич, чойнак, пиёла, лаган, ликопча кабилар ювилгандан сўнг қайноқ сувда чайилади. Санчқич, қошиқлар махсус сочиқда қуригунча артилади. Оиладаги овқатланиш асбоблари кундалик овқатланиш учун алоҳида, меҳмонлар ва турли маросимлар учун алоҳида бўлгани маъқул. Оилада ҳар куни ишлатилмайдиган асбобларни чанг бостириб қўймасдан, тоза озода ҳолда девор шкафларда сақланади.

Ошхонадаги идишларнинг ҳалол, пок сақланишига алоҳида эътибор берилади.

Ошхонада совутгичнинг бўлиши албатта зарур, у бўлмаса озиқ-овқат тезда бузилиши (айниқса ёз кунлари) мумкин. Совутгичда сариёғ, гўшт, сут маҳсулотлари, ортиб қолган таомлар, тез бузиладиган полиз маҳсулотлари ва ҳўл мевалар оғзи ёпиқ ёки алоҳида шиша, чинни идишларда сақланади. Совутгичга ҳеч вақт озиқ-овқат маҳсулотлари аралаштириб қўйилмайди, чунки бирининг ҳиди иккинчисига ўтиб қолиши мумкин. Совутгич ҳар ҳафтада ҳўл латта билан, сўнг қуруқ сочиқда артиб, тозалаб турилади, сифати бузилаётган маҳсулотлар тезроқ ишлатиб юборилади ёки ташланади.

Ошхонада зарарли ҳашаротлар (пашша, чивин, суварак; сичқон) бўлмаслиги учун вақти-вақти билан махсус кимёвий эритмалар воситаларида эҳтиёткорлик билан тозалаб турилади. Ошхонада кир ювиш, ётиш, ювиш тавсия этилмайди.

Ошхонанинг эшик-деразаларига оқ матодан пардалар осилиб, тез-тез ювилиб турилиши керак. Ошхонада доимо тозалик, озодалик ҳукм суриши зарур. Қишлоқ шаронтида ёзлик ошхона ва тандирхона ҳам бўлади. Бу ошхона ва тандирхонада ўчоқ, тандир қурилади, таомлар тайёрланиб, нон ёпилади. Ёзлик ошхонанинг ҳам атрофи девор ёки махсус матолар билан ўралган бўлиб, рўзғор асбоблари, нон ёпадиган енгча, рапида ва бошқалар ҳам бўлади. Деворлар ҳар ойда оҳакланиб, ислари олиниб, супуриб, тоза, озода сақланади.

Хонадон бекалари қуйидаги фойдали маслаҳатларни билишлари зарур:

Ошхона пичоқлари санчқич ва қошиқлар билан бирга сақланса, тез ўтмаслашиб қолади;

Янги сотиб олинган алюмин идишларни ёғ солиб қиздириб, туз билан ишқалаб артилса, таомларни қорайтирмайдиган бўлади;

Чинни, фаянс, биллур ва шишадан ясалган идишларни ювгандан кейин яхшилаб қуритиш керак. Агар бундай идишлар сочиқ билан артилса, сочиқнинг туклари ёпишиб, уни яна ифлос қилиб қўяди;

Алюмин идишга ёпишиб қолган қора доғларни сиркага ботирилган пахта билан артиб, кейин ювиб ташланса топ-тоза бўлади.

Тўғралган пиёзни совутгичга қўйилса, қўланса ҳид тез йўқолади;

Совутгичда қўланса ҳид пайдо бўлса, қора нонни тўғраб, совутгич токчаларига қўйилади, совутгич бир неча соат берк тургандан кейин ҳид йўқолади¹.

Ошхонанинг тоза, покизалиги саломатлик гаровидир.

Қўшимча хоналар. Ўзбек хонадонларида омборхона, ҳаммом, ҳожатхона каби қўшимча хоналар ҳам мавжуд. Омборхонада озиқ-овқат маҳсулотлари, қишга тайёрланган мураббolar, тузламalar, шарбатлар ва оилада кундалик эҳтиёждан ортиқча нарсalar сақланади. Озиқ-овқат маҳсулотлари зараркунанда ва ҳашаротлардан оғзи ёпиқ идишларда сақланиб, эҳтиёт қилинади. Омборхонадаги нарсalar тахтадан ясалган маҳсус токчаларда туради. Омборхоналарда ҳаво алмаштириб турилиши учун туйнук ёки кичик деразалар ўрнатилади. Омборхона ҳам вақти-вақти билан артиб, тозаланади, йиғиштирилади.

Баъзи хонадонлардаги омборхоналарда нарсalar тартибсиз, аралаш-қуралаш бўлиб уюлиб ётади. Бундай омборхоналарда турли зарарли ҳашаротларнинг кўпайиб кетиши мумкин. Ушбу омборхонадан қидирган нарсани ўз вақтида топиш ҳам мушкул. Четдан бирон киши бундай омборхонага кириб қолгудек бўлса, хонадон эгаларининг дидсизлигидан воқиф бўлади.

Ҳаммом кишининг тоза, озода, кўркam, саломат юришида муҳим восита ҳисобланади. Оилада ҳаммом бўлмаса, маҳсус жойда қурилган душдан ҳам фойдаланиш мумкин.

¹ Инсон одоби. Турмуш, муҳаббат, маданият. Тошкент, «Ёш гвардия», 1988, 222—236-бетлар.

Ишдан чарчаб келган киши, рўзгор юмушларини бажариб бўлгач, ҳаммом ёки душда ювиниши рухини тиклаштиради, ақлий ва жисмоний иш қобилиятини тиклайди, саломатлигини таъминлайди. Ҳаммом ҳам гигиена қоидаларига риоя қилинган ҳолда тоза, озода бўлиши лозим.

Ҳаммомда қандай нарсалар бўлиши керак? Ҳаммомда ювинадиган ванна, оёқ остига қўйиладиган тахта, сув иситгич қозон, сув қўйиладиган душ бўлади. Ҳаммомда ювиниш воситалари, илгичлар, тош ойна, кир ювадиган машина, тиш ювадиган воситалар ва оила аъзоларининг ҳар бирига алоҳида тиш чўткалари, артинадиган сочиқлар тартиб билан жой-жойига қўйилади.

Ҳаммом доимо ювилиб, тоза қилиб артилади, вақти-вақти билан кимёвий воситалар билан тозалаб турилади.

Оилада зарур бўлган хоналардан яна бири ҳожатхонадир. У одатда ҳовлининг бир бурчагида қурилиб, ҳар куни ювилиб, тозаланиб, озода қилиб қўйилиши керак. Шунингдек, яшаш жойига қараб, оилаларда мавжуд бўлган бошқа хўжалик хоналари (молхона, қўйхона, товуқхона, ўтинхона) озодалик қоидаларига риоя этилган ҳолда сақланади.

Юқорида қайд этилган зарурий хоналарнинг барчаси озодалик талабларига мос бўлиши, деразалари қоғоз ёки елимқоғозлар билан беркитиб ташланмаслиги керак. Чунки барча хоналарга тоза ҳаво кириб туриши зарур.

Шунингдек, режали, уддабурон хонадон соҳиби оила учун зарур бўлган ўроқ, болға, теша, болта, кетмон, белкурак, бурама, арра, ток қайчи ва бошқа рўзгор учун зарур асбоб-ускуналарни ҳам сақлайди.

Уй тутиш одобига риоя этиш оиланинг ҳар бир аъзоси учун зарур. Оиладаги барча юмушлар, уй йиғиштириш, кир ювиш, ҳовли супуриш, сув сепиш, чопиқ қилиш, экиш, ҳосил йиғиш, бозорга тушиш, овқат пишириш, идиш ювиш ва ҳоказо ишлар шу хонадоннинг ҳар бир аъзосига тақсимланади. Иш тақсимотида болаларнинг, агар оилага келин келган бўлса, келиннинг қобилияти, қизиқиши, ёшига қаралади. Ҳатто қайси кининг қаерга ёйилиши, мағзавани қаерга тўкилишини билиш ҳам катта аҳамиятга молик. Ота-онанинг ҳам умумий раҳбарликдан ташқари ўзларига мос ишлари бор.

Шундай қилиб, уй тутиш қоидаларига риоя этган хонадонларнинг ораста, тоза, озодалигига эътибор берган хонадон соҳибларининг турмуши завқли ўтади. Бу оиллага келган ҳар бир киши хонадондаги тартибни, саранжом-сарихталикни, тозалликни кўриб баҳри-дили яйрайди. Бундай оилада ўсган қиз ҳам, йигит ҳам келажакда режали, уддабуро хонадон соҳиблари бўлишлари табиий.

МЕҲНАТ — ИНСОН КЎРКИ; ОИЛА — ФАРОВОНЛИГИНИНГ НЕГИЗИ

Меҳнат — инсоннинг мақсадга йўналтирилган фаолияти бўлиб, ҳаёт кечиришнинг асосий шартидир. Меҳнат туфайли инсон ўзининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини амалга оширади.

Инсоннинг ўзи эса меҳнаткаш бўлиб, у туфайли ўзининг истеъдоди, қобилияти, лаёқатини намоён этади. Меҳнат жараёнида инсоннинг дунёқараши кенгайиб, билим савияси ошиб, ўз ўзини жисмоний ва маънавий жиҳатдан шакллантириб боради.

Меҳнат инсонни улуғлайди, яшашга, гўзалликка илҳомлантиради. Инсон меҳнат туфайли қадр-қиммат топади. Инсоннинг мавжудотлардан фарқли томонларидан бири ҳам меҳнат қилишдир. Шунинг учун ҳам халқимизда «Меҳнат қилган элда азиз», «Меҳнатнинг таги роҳат» деган мақоллар мавжуд.

Инсон меҳнати мазмунан ақлий ва жисмоний меҳнат тарзида амалга оширилади. Уларнинг ҳар иккаласининг ҳамоҳанглиги натижасида шахс ҳар томонлама ўзини намоён этади. Ақлий меҳнат инсон тафаккурини ривожлантирса, жисмоний меҳнат унинг жисмонан баркамол, соғлом ўсиши учун заминдир. Чуқур билим, ақл билан эгалланган жисмоний меҳнат малака ва кўникмалари тошга ўйиб ёзилган санъат асарига ўхшайди. Ҳар иккала меҳнат маҳсули — комил инсондир. У меҳнатда тобланган, эл-юрт ва оиласида обрў-эътибор қозongan, ўз меҳнати билан бир қаторда ўзгалар меҳнатидан роҳатланадиган, уни қадрлайдиган, касб-ҳунар малакаларини эгаллаган инсондир.

Меҳнатни севмайдиган инсон эса ўзини ҳам севмайди, дангаса, ишёқмас, беуқув ва бевурд бўлиб қолади. Бундай инсон ҳеч қачон комиллик даражасига ета олмайди.

Ялқовлик — инсон ҳаётининг заволидир, камбағалликка элтувчи асосий йўлдир. Гўзал ва бой ҳаёт кечирмоқ учун бор куч ва имкониятни ишга солмоқ, ҳунар ўрганмоқ, ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқ зарур. Бахт, бойлик, обрў-эътибор, соғлиқ ўз-ўзидан келмайди. «Кўргансизми „ҳеч кимга кўқдан олтин ёгани ва ердан ўт каби кумуш ўсиб тургани йўқдур». Обрў-эътибор, бахт-саодат, молу дунё фақат инсон ақлу заковати, меҳнати эвазига вужудга келади.

Оиланинг моддий ва маънавий даражаси ҳам меҳнат туфайли ортади. Оила аъзоларининг эса мавқеи, обрў-эътибори, уларга нисбатан муносабат меҳнат натижалари асосида бўлади.

Инсон оламдан ўтгач, у қилган меҳнат, фойдали ишлар, касби, шогирдлари мангу қолади. Оилада эса ота-онанинг фарзандларга ўргатган меҳнат сабоқлари, касб-кори авлод-аждодлар учун бебаҳо бойликдир.

Инсон меҳнати у эгаллаган касб-ҳунар воситасида амалга оширилади. Статистик маълумотларга кўра дунё миқёсида 50 мингдан ортиқ касб-ҳунар мавжуд бўлиб, улар ер юзидаги барча аҳолининг турмуш эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади.

Ҳар бир инсон у ёки бу касбни ёки бир неча касб-ҳунарни эгаллаши мумкин. «Бир йигитга қирқ ҳунар ҳам оз» деган мақолнинг мазмунида ҳам бир неча касбни эгаллаш ҳаётий эҳтиёж эканлигига ишора этилади. Ҳар бир касбнинг, ҳунарнинг ўзига хос машаққати ва лаззати бор. Унинг машаққатини матонат, тинимсиз изланиш, сабр-тоқат билан енгган инсонгина унинг лаззатидан баҳра олади.

Ёшлиқда пухта эгаллаган ҳунар, меҳнат малакалари инсон умрининг охиригача роҳат-фароғатда турмуш кечиришнинг гаровидир. «Ҳунарли эр хор бўлмас, бурда нонга зор бўлмас», «Ҳунарманднинг нони бутун», «Ҳунар зар, ҳунарсиз хар» (хар — эшак), «Билган битар, билмаган йитар», «Ҳунарли йигит мевали дарахт» каби мақолларда ҳам ризқ-насибанинг бутунлиги ҳунар орқасидан бўлишига ишора этилади. Ҳунар шунчалик катта, мангу бойликки, уни ўғирлаш ҳам, ёндириш ҳам, йўқ қилиш ҳам мумкин эмас.

Буюк алломаларимиз ёшлиқдан ҳунар эгаллашнинг аҳамияти ҳақида муҳим фикрларни баён этганлар, таълим берганлар. Дарҳақиқат, бир донишманд фарзандларига шундай панду насиҳат қилади: «Азиз ўғлонла-

рим, ҳунар ўрганинглари, зероки, молу дунёга эътибор
йўқ ва олтин, кумуш сафарда хатарлидир. Қароқчи
ўғирлаб кетади ёки эгаси еб, ичиб тамомлайди. Аммо
ҳунар қайнар булоқ, туганмас давлатдир, агар ҳунар-
манд молидан маҳрум бўлса, қайғуси йўқдир, чунки
ҳунарнинг ўзи давлатдир. Ҳунарманд қаерга борса, қадр-
ланади ва унинг тўридан жой олади. Ҳунарсиз одам
эса ҳамини машаққат чекади, тиланчилик қилади»
(Саъдий, «Гулистон»).

Оилада ёшларнинг касб-ҳунар эгаллашлари, меҳнат-
севар бўлиб тарбияланишларида устоз-шогирд анъана-
ларига риоя этмоқ зарур. Чунки устоз кўрмаган ҳунар-
манднинг ишида унум бўлмайди. Ҳунарнинг сир-асрор-
ларини мукамал билмайди, яратган маҳсулотининг си-
фати ёмон ёки харидоргир бўлмайди. Оилада фарзанд-
нинг у ёки бу ҳунарнинг эгаллашида биринчи устоз ота-
онадир. Ота-онадан ўзи севган ҳунар ҳақида дастлабки
маълумотни олган фарзанд, албатта, шу ҳунарнинг мо-
ҳир устасидан таълимни олмоғи зарур. Халқимиз айт-
ганидек: «Устоз кўрмаган шогирд минг мақомга йўр-
ғалар».

Устозни шогирдга нисбатан қаттиққўллиги, талаб-
чанлиги, рағбатлантириши ёки жазолаши унинг кела-
жада моҳир ҳунар соҳиби бўлиб шаклланишида муҳим
рол ўйнайди. Шогирдга нисбатан ўта меҳрибонлик, аяш,
юз-хотирчилик уни ўртамиёна ҳунарманд қилиб қўяди.
Шунинг учун устоз ўзида мавжуд билимини шогирди
онгига сабр-тоқат билан сингдириши, ўзидан сўнг унинг
ҳунарини давом эттирувчи ҳақиқий шогирд етиштириш-
га ҳаракат қилмоғи лозим. Ҳар бир ҳунарманд қалби-
да Ҳазрат Алишер Навоийнинг:

*Ҳунарни асрабон неткумдир охир,
Олиб тупроққаму кеткумдир охир. —*

деган панднома фикрлари муҳрланиб ўрнашган бўлмо-
ғи керак.

Шогирднинг устозга ҳурмати, эътиқоди ва садоқати
уни устозига нисбатан ҳам моҳир ва маҳоратли бўлиб
етишишига сабаб бўлади. Чунки устозга ҳурмат у ўр-
натган касб-ҳунарга нисбатан меҳр-муҳаббатни, эъти-
қодни янада оширади. Халқимизда «Шогирд устозидан
ўтади», «Устозидан ўлмаган шогирд шогирд эмас», «До-
но устоздан аъло шогирд чиқади» деб бежиз айтилмай-
ди.

Хунар эгаллаган, меҳнатдан бўйин товламайдиган одам жамиятда қадр топади. Халқ ичида обрў-эътибор, мансаб пиллапояларига чиқиш ҳам ҳалол меҳнат, хунар сирларини мукамал эгаллаш натижасидир. Шунинг учун ҳам халқимиз «Меҳнат қилган элда азиз» дейди.

Ўзбек халқи азал-азалдан касб-хунари, меҳнатсеварлиги, ҳалол ва поклиги билан дунё миқёсида танилиб келмоқда. Халқимизнинг заргарлик, наққошлик, дурадгорлик, сангтарошлик, ўймакорлик, кулолчилик, боғбонлик, чорвадорлик, чеварлик, каштадўзлик, тўқувчилик, дўппидўзлик, ганчкорлик, сандиқсозлик, бешиқсозлик, этикдўзлик ва бошқа юзлаб хунар маҳсулотлари ўзининг бетақдорлиги, гўзаллиги, мафтункорлиги билан дунё халқларини лол қолдириб келмоқда.

Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларидаги қадимий бетақдор обидалар, Хива кулолчилиги ва ёғоч ўймакорлиги, Ургут кашталари, Фарғона водийсининг дўппилари, Бухоро зардўзлиги, ҳар бир ҳудуднинг меъморчилик мактаблари ўзбек халқининг қўли гул халқ эканлигидан далолатдир. Хунармандлар сулоалари гузар ва маҳаллалар пайдо бўлиши ҳам фақат бизнинг мамлакатимизга хос хусусиятдир.

Дунёга машҳур хунарманд усталар тарбиялаб етиштиришда, хунармандлар сулоаларининг умрбоқийлигини таъминлашда ота-она, оиланинг роли каттадир. Оилада тарбияланаётган ҳар бир жинсдаги фарзандга ўзига хос ва мос хунар илмини ўргатиш уларнинг келгуси фаровон турмушини таъминлаш демакдир. Уғил бола қадим-қадимдан чорвачилик, деҳқончилик, дурадгорлик, сангтарошлик, пнчоқчилик, боғбонлик, этикдўзлик, маҳсидўзлик каби оғир жисмоний меҳнат талаб этувчи хунар билан шуғулланган бўлсалар, қизлар каштачилик, тўқувчилик, дўппидўзлик, жиякдўзлик, тикувчилик каби нафис дид, маҳорат, санъат талаб этадиган хунар билан машғул бўлганлар. Оилада ота-онанинг ҳам фарзанд олдидаги асосий бурчларидан бири унга касб-хунар ўргатишдан иборатдир. Ёшларни турмушга тайёрлашнинг асосий мезони ҳам уларга касб-хунар сирларини пухта ўргатишдан иборат бўлган. Ушбу мезон мустақиллик шароитида ҳам ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Олий Мажлиснинг IX сессиясида қабул қилинган «Таълим тўғрисидаги Қонун», «Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий Дастур» моҳиятида ҳам ёш авлодни меҳнатсевар, бир неча касб-хунар сирларини эгалла-

ған, маънавий ва жисмоний баркамол кишилар қилиб тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор берилган. Бозор иқтисоди шароитида ҳунарли бўлиш ҳаётий эҳтиёждир. Уни қунг билан эгаллашда оила, маҳалла, мактаб, олий ва ўрта махсус таълим тизимидан катта масъулият талаб этилади. Инсон ҳаётида зарур бўлган барча ҳунарларни фарзандларга ўргатиш ота-она учун ҳам фарз, ҳам қарзидир. Шарқ алломи замонларидан Унсурулмаолий Қайковус «Қобуснома» асарида шундай мисолни келтиради: «Мен ўн ёшимда эрконда менинг бир ҳожибим бор эрди, унга Манзар соҳиб дер эдилар. Ул от минмак илмин яхши билур эрди ва Райҳон отлиқ бир ходими бор эрди. Отам мени ул икковиға топширди, токи улар менга отда юрмоқ, найза урмоқ, завбин отмоқ, чавгон урмоқ, каманд ташламоқ илмини ўргатайлар.

Мен уларнинг ёнида юриб, бир оз фурсатда от устида юришнинг барча илмин ўргандим ва ҳунарларини билдим. Ундан сўнг Манзар соҳиб ва Райҳон ходим мени отамнинг олдига олиб бориб дедилар: «Эй, амир, агар рухсат берсангиз эрта тонгда саҳрода фарзандингиз амирзода ўйнаса, Сиз унинг барча ўргангон ишларини кўрсангиз». Амир «Кўп яхши бўлур!» деди. Мен иккинчи кун ҳар на билгон илмим ва ҳунаримни отамга намойиш қилдим, отам ҳожиб ва ходимга яхши хилъатлар инъом қилди.

Ундан сўнг уларга деди: «Фарзандим ўргатгон ишларингизни барчасин яхши билибдур, ҳунарларнинг яхшисин ўргатмишсизлар, лекин яна бир зарур ҳунар қолибдур. Улар дебдилар: «Ул на ҳунардур?» Отам деди: «Бу ўргатгон ҳунарларингизни зарур вақтда фарзандим учун бошқалар ҳам қила олур, лекин унинг ўзи қиладургон, унинг учун бошқалар қила олмайдургон ҳунар қолибдур». Улар «Ул қайси ҳунар?» дебдилар. Амир: «Сувда юзмакдурким, бундай ишни фарзандим учун ҳамма одамлар қила олмас», — деди. Шундан кейин икки маллоҳни, яъни икки кемачини келтуриб, мени уларга топширди. Улар менга юзмак ҳунарини ўргатдилар. Мен каробит (хуррам-нохуррамлик билан) била ул ишга машғул бўлдим ва яхши ўргандим. Бир вақт бир неча киши билан кемага кириб (ўтириб) Дажла дарёсидан ўтар бўлдик:

Тоғгира отлиғ жойда гирдоб бор эрди ва хавфлик жой эрди. Устоз кемачилар ундан кўп машаққатлар

била ўтар эрдилар. Биз кема билан ўша жойга етушдик. Аммо кемачи уста эмас эрди ва кемани нечук сурарни билмади. Алқисса, егирма етти чоғлиқ киши барча бирдан фарқ бўлди. Аммо мен ва яна бир киши, яъни менинг ғулумим, уни зийрак Қайковус дер эрдилар, сузуб чиқдик. Бу воқеадан сўнг отамнинг меҳри кўнглумда беҳад зиёда бўлди... Мен отамнинг бошига ҳам шундай иш тушгани билмас эрдим. Шунинг учун менга юзмак хунарин ўргатгон экан»¹.

Демак, ҳунар танлаш ва унинг сирларини мукамал эгаллашда ота-она биринчи устоздир. Албатта, бола эгаллайдиган ҳунар унинг жинси, қизиқиши, иқтидори, қобилияти, саломатлиги, оила ва жамият эҳтиёжларига мос бўлмоғи зарур. Касб-ҳунар танлашда боланинг ўзига ҳам эркинлик бермоқ керак. Шундагина ўзи севиб эгаллаган касб-ҳунарга меҳр қўяди, меҳнати қанчалик оғир бўлсада, чарчамайди, нолимайди, меҳнатнинг қадрига етади, ўзгалар меҳнатини ҳурмат қилади, машаққат билан ҳалол меҳнат эвазига топилган бойликни ўйлаб, тежамкорлик билан, режали сарфлайди.

Ҳаётда баъзи шундай ота-оналар ҳам учрайдики, фарзанднинг майли, қобилияти, қизиқишини ҳисобга олмасдан уни ўзлари маъқул кўрган касбни эгаллашга мажбур қиладилар. Айниқса, бу ҳолат мустабид тузумида табиий ҳолга айланиб қолган эди. Ота-она фарзандни касб-ҳунар билим юртларида, ота-боболарининг ҳунарамандчилик касбларини ўрганишларига йўл қўймас, балки кейинчалик «ёғли жойларда» ишлаши мумкин бўлган, олий маълумот олгунича қўллаб, суяб юрадиган таниш-билиш, ошна-оғайниси бўлган олий ўқув юртларига мажбуран киритган. Натижада, олий даргоҳни хоҳишсиз, қизиқишсиз битирган мутахассис ўз касбини бўйича чуқур билимсиз, лаёқатсиз бўлиб, ота-она ҳурмати учун шунчаки меҳнат қилади ёки умуман бошқа соҳа бўйича ишлайди. У қилган меҳнатида унум ва сифат бўлмайди. Бундай мутахассисдан жамият ҳам, оила ҳам манфаат кўрмайди. Ҳунарнинг яхши ёки ёмони бўлмайди, муҳими танлаган касб-ҳунарга меҳр-муҳаббат қўйишдир, унинг сир-асрорларини чуқур ўрганишга интилишдир.

Ота-онанинг бойлиги, мансаби ҳеч кимга ҳеч қачон

¹ Қайковус. Ҷобуснома, Тошкент. «Ўқитувчи», 1986, 83—84-бетлар.

вафо қилмаган. Бошга мусибат тушганда, турмушда қийинчиликларга дуч келганда уни фақат қўлидаги ҳунари, меҳнати асраб қолади.

Ялқовлик, шон-шухрат кетидан қувиш, ишсизлик, шошма-шошарлик билан бир ишни тугатиш, тadbирсизлик, дангасалик, меҳнат маданиятига риоя этмаслик — ҳунармандлик, меҳнатсеварлик кушандасидир.

Ҳар бир инсон эгаллаган ҳунарни муваффақиятини таъминловчи талаблар мавжуд. Улар:

Бугунги ишни эртага қолдирмаслик зарур, чунки эрта бажариш дозим бўлган ишлар ҳам бор. Меҳнат тақсимоотида номутаносиблик пайдо бўлмасин десангиз ҳар кунлик ишни ўз вақтида қилишга одатланиш керак.

Амалга ошириладиган ҳар бир иш пухта, ҳар томонлама ўйлаб қилинмоғи керак. Қисқа муддатда, шошиб, пала-партиш бажарилган ишнинг умри қисқа ва сифати ёмон бўлади.

Сиз яратаётган маҳсулот диққат-эътибор билан, бутун маҳоратни ишга солиб яратилган тақдирда, у гўзал ва умрбоқий бўлади. Акс ҳолда меҳнатингиз маҳсулидан ўзингиз ҳам, ўзгалар ҳам роҳатлана олмайди, меҳнатингиз зое кетади.

Бирон-бир юмушни фақат шахсий манфаат учун бошламаслик, балки жамият, халқ манфаатини ўйлаб шоду-хуррамлик билан бошлаш зарур. Ҳунарманд кайфияти ҳам у яратган меҳнат санъат асари сифатига ижобий ёки салбий таъсир қилади. Яхши кайфият билан амалга оширилган иш нақадар мураккаб бўлмасин, у енгил ва сифатли бажарилади. Эгалланган ҳунар сирлари билан қаноатланмаслик зарур. Балки унинг очилмаган қирраларини доимо излаш, тараққий эттириш, ўз устида тинимсиз ишлаш ва меҳнат қилиш моҳир мутахассис бўлиб етишишнинг муҳим омилдир. Эзгуликка, янги-янги муваффақиятларга интилиб яшаш фақат инсонгагина хос бўлган хусусиятдир.

Битта касб-ҳунар билан чегараланмаслик, балки бир неча касб-ҳунар сирларини эгаллаш учун ҳаракат қилмоқ зарур. Ҳаётда ҳар бир касб-ҳунарнинг ўз ўрни бор, биттасини мукамал эгаллагандан кейин иккинчисини бошлаш ва ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳар бир касб-ҳунар поклик, ростгўйлик, ишонч, ваъдада туриш, хиёнат қилмаслик, тарозида алдамаслик, меҳнат маданиятига хилоф иш қилмасликни талаб этади.

Оиланинг қўт-барақаси, ҳамжиҳатлиги, ҳамкорлиги аъзоларнинг касб-ҳунар малакаларини эгаллаганликлари ва меҳнат тақсмотини адолатли йўлга қўйилишига боғлиқдир.

Оилада рўзғор юмушлари оила аъзолари жинси, ёши, қобилияти, меҳнатга муносабатларига қараб тўғри тақсимланмоғи зарур. Оила бошлиқларининг рўзғор юмушларини фақат ўзлари бажаришлари болани ишەқмас, ялқов, такаббур, ота-она меҳнатини қадрламайдиган бўлиб ўсишлари учун сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам рўзғор ва хўжалик ишларида ота-она билан бир қаторда ўғил-қиз, келиннинг ҳам ўз бурч ва вазифалари мавжуд. Уларни тўлиқ адо этиш ҳар бирдан ўз бурчларига масъулият билан ёндашишни талаб этади. Жумладан, ўғил отага бозордан озиқ-овқат, хўжалик маҳсулотларини харид қилишда, ер чопиш, экин экиш, чорвачилик, деҳқончилик, полизчилик, қурилиш ишларида, тўй тантаналари ва мотам маросимларини ўтказишда, хотин-қизлар учун оғирлик қиладиган ишларда ёрдам беради. Қиз бола эса онага ҳовли ва хоналарни супуриб-сидириш, таом тайёрлаш, тикиш-бичиш, фарзанд тарбиялаш, қиш мавсуми учун қуритилган мевалар, турли тузламалар, мураббolar тайёрлаш, меҳмон кутиш каби юмушларда кўмаклашади ва шу жараёнда ўзи ҳам мустақил ҳаётга тайёр бўла боради.

Оиладаги меҳнатнинг бажарилиш вақти, мазмунига кўра турли тарзда амалга оширилади. Яъни, кундалик юмушлар, қиш, баҳор, ёз, кузда бажариладиган мавсумий ишлар, оилавий маросимлар (меҳмон кутиш, тўй ва байрам тантаналари, мотам ва хотирлаш маросимлари)га тайёргарлик кўриш ва уларни нишонлаш билан боғлиқ юмушлар, маҳалла, жамоатчилик ҳамкорлигида амалга ошириладиган оммавий тадбирлар (ҳашар, ободонлаштириш ишлари, умумхалқ байрамларига тайёргарлик) билан боғлиқ юмушларда иштирок этиш. Ушбу меҳнат турлари оила аъзолари ичида тенг ва адолатли тақсимланиши зарур. Баъзан ота-она топширигини сўзсиз тоза, виждонан бажарадиган фарзандига оиланинг аксарият юмушини топширади. Эринчоқ, топширилган вазифани қўл учида «мендан кетгунча, эгасига еткунча» қабилида бажарувчи, лоқайд, ишەқмас фарзанд эса четда қолади. Ёки, ота-она шу ўғлим ёки қизимга буюргунимча ўзим бажарганим маъқул деб, фарзанд қилиши зарур бўлган юмушларни ҳам ўзлари

бажарадилар. Натижада, бундай фарзандлар, ота-она ни қадрламайдиган, ишқмас, ҳаёт қийинчиликларига бардошсиз, оила юритишга тайёр эмас, оғирни устидан енгилни остидан юрадиган, меҳнатни севмайдиган бўлиб ўсадилар. Натижада, уддабурон фарзанд билан ҳеч нарса қўлидан келмайдиган ялқов фарзанд, ота-она ва фарзандлар, қайнота-қайнона, қайин ука, сингил, опа, ака ва келин ўртасида ўзаро низо пайдо бўлади.

Дарҳақиқат, оилага келин келгач, меҳнат тақсимо-тида ҳам ўзгариш пайдо бўлади. Келинни ўз фарзанди ўрнида кўрган, меҳнат тақсимо-тида адолатли, оқил ва оқила хонадон бошлиқлари рўзғор юмушларида уларга енгиллик яратадилар. Лекин, баъзи қайнота-қайнона келинга хонадонга келган хизматкор-чўри сифатида муносабатда бўладилар. Улар уй-рўзғор юритиш тартиб-қоидаларини аста-секин ўргатиш ўрнига ҳамма ишни ўзлари хоҳлаганидек қилишни талаб қиладилар. Фарзандлари зиммасидаги барча юмушларни келин зиммасига юклайдилар. Эрта тонгдан супур-сидир, нонушта, тушлик, кечки овқат тайёрла, кир юв, дазмол қил, оиланинг ҳар бир истак-хоҳишларига қараб юмушларини бажар, меҳмон кут, қишлоқ шароитида бўлса, далага чиқ, сугир соғ, ер чоп, фарзанд тарбияла ва бошқа кунда такрорланадиган чегарасиз юмушлардан сўнг ҳориб-чарчаган келиннинг бу оила аъзоларига нисбатан муносабати қандай бўлиши мумкин? Қайнона-келин ўртасидаги келишмовчилик ва нисонинг пайдо бўлиши ҳам рўзғор юмушлари тақсимо-тида келин зиммасига оғир вазифаларни юкланиши натижасида содир бўлади. Ахир, у ҳам бошқа хонадоннинг азиз фарзанди, ўз саломатлигини сақлаш, гўзал ва озода кийиниш, эрни хурсандчилик билан кузатиши ва кутиб олиши керак. Бунинг учун эса бўш вақт ва кайфият зарур. Меҳнат интизоми ва тақсимо-ти яхши йўлга қўйилган оилада ота-она, фарзандлар, келин, ҳатто неваралар ҳам вазифаларини ўз вақтида бажарадилар, бир-бирларига ҳурмат-иззатда бўладилар, меҳнатларини қадрлайдилар, тинч-тотувлик билан ҳаёт кечирадилар. Бундай оилада кут-барака ҳукмрон бўлади.

Оилада меҳнат маданиятига риоя этиш унинг самарадорлигини таъминловчи муҳим омилдир. Хонадоннинг ҳар бир аъзоси ўз зиммасидаги вазифани режали, тўғри ташкил этса, меҳнат қуро-ларидан эҳтиёткорлик билан фойдаланса, рўзғор-буюмларини авайлаб-асраса, вақт

дан унумли фойдаланиш малакасига эга бўлса, иш ўрнини тоза, саранжом-саришта сақласа, пала-партишликка, исрофгарчиликка йўл қўймаса, ҳар бир юмушни дид, қунт, сабр-матонат билан амалга оширсагина, у ўз меҳнати натижаларидан ҳузур-ҳаловат топади. Халқ мақолларида айтилганидек: «Меҳнат-роҳатнинг пойдеворидир», «Роҳатнинг онаси — меҳнат», «Ҳалол меҳнат — ҳузур-ҳаловат», «Сувсиз ҳаёт бўлмас, меҳнатсиз роҳат», «Меҳнат, меҳнатнинг таги роҳат», «Меҳнатсиз роҳат бўлмас, ташвишсиз неъмат», «Ҳалол меҳнат — яхши одат, берур сенга саодат».

Оиланинг ҳар бир аъзоси зиммасидаги вазифа умумий мақсадни кўзлаб ташқил этилган ва унинг натижаларидан барча оила аъзолари баҳраманд бўлган тақдирдагина бундай меҳнат фойдали ҳисобланади.

Шундай қилиб, ҳалол меҳнат, касб-ҳунар инсон ҳаётининг гултожидир, оила ва жамият фаровонлигининг асосидир. Буни ҳар бир ёш онгига сингдириш ота-онанинг, ҳунарманд-устозларнинг вазифасидир..

ЎЗБЕК ОИЛАЛАРИДА МЕҲМОН КУТИШ ОДОБИ

Меҳмондўстлик, одамгарчилик дўстона меҳр-муруватнинг муҳим белгиларидан бўлиб, халқимизнинг асрлар давомида сайқалланиб келаётган удумларидан биридир. Уйга меҳмон келиши яхшиликнинг, тўкин-соқинчиликнинг, меҳр-оқибатнинг, инсонийликнинг, муҳаббатнинг рамзи. Меҳмон келган уйга тинчлик, осойишталик кириб келади, оиладаги кўнгилсиёхликлар, гинакудуратлар барҳам топади, оила аъзолари ўртасида тинч-тоғувлик ҳукмрон бўлади.

Меҳмондўстлик одамлардаги инсонпарварлик, сажийлик, хушмуомалалик, хушфезълик каби сифатларни тарбиялайди, хасилик, худбинлик, манманлик, шухратпарастлик, қўполлик каби иллатларни бартараф этади. Негаки, меҳмон келган уйда осойишталик, саранжом-саришталик, озодалик ҳукм суради.

Халқимиз «Меҳмон отангдан улуғ» деб бежиз айтмаган. Меҳмоннинг улуғлиги боис уйдаги тутилмаган идиш-товоқлар, уй асбоблари ишлатилади, кўндан буён чиқмаган қўни-қўшнилари чиқишади, йиғилиб қолган гаплар гапирилади, маслаҳатли ишлар битади. Меҳмоннинг ширин суҳбати мезбоннинг саховатини, меҳр-муруватини, дилхушлигини оширади, уни зукколикка, чаққонликка, очиқ юзлиликка ўргатади.

Ҳар бир халқнинг меҳмон кутиш удумлари турлича, лекин қайси миллат бўлишидан қатъи назар эшикдан келган одамни имкониятига яраша, ўз расм-русумларига кўра кутиб олишга, миллий таомлари билан хурсанд қилишга ҳаракат қилади.

Ўзбек халқи азалдан меҳмондўст халқ. Агар уйига меҳмон келса иложи борича яхшироқ сийлашга, уйдаги энг яхши уй анжомларини меҳмон учун ишлатишга, энг яхши таомларни пишириб, очиқ чехралик билан кутиб олишга, бисотидаги барча яхши нарсалардан меҳмонни баҳраманд этишга ҳаракат қилади. Шарқ халқлари «Меҳмон келса эшикдан, ризқи келар тешикдан» мақолига риоя қилиб, тўсатдан келиб қолган меҳмон учун ҳам алоҳида сақлаб қўйган қуруқ мевалар, таомлар билан дастурхон безаб, меҳмоннинг ҳурмати-ни жойига қўяди, ўзи емаган нарсаларни меҳмонга едиришга ҳаракат қилади. Бу бизнинг ота-боболаримиздан авлоддан-авлодга ўтиб келаётган яхши бир одатдир.

Меҳмон келиши боладар учун ҳам қувонч, улар бир-бирларига «Бизникига бугун меҳмонлар келишди», «Бизникига меҳмонлар келишмоқчи» деб ғурурланиб гапирадилар. Демак, бизнинг халқларимизда меҳмондўстлик болаликдан бошлаб шакллантирилади.

Меҳмондорчилик турлари. Меҳмон мезбонникига икки хил йўсинда, яъни махсус таклиф билан ва тасодифан ташриф этади.

Меҳмондорчилик меҳмонга таклиф этилишдан бошланади. Мезбон меҳмонларнинг бўш вақтини билиб, уларга қулай бўлган вақтда меҳмонга таклиф этади. Меҳмонга онлавий, тенгдошлар, дўстлар, касбдошлар, қариндошлар дийдор кўришиш, ўзаро суҳбатлашиш, бирор-бир тантанани нишонлаш мақсадида таклиф этилади. Одамларнинг мансабига, обрў-эътиборига, давлатига қараб ёки бирон мақсадни кўзлаб меҳмонга таклиф этиш жоҳил кишининг ишидир.

Юсуф Хос Ҳожиб «Қутадғу билиг» асарида меҳмонга таклиф этиш қоидаларини шундай изоҳлайди: «Агар сен одамларни таклиф қилайин десанг, таклиф қилгин ва лекин тараддудларни яхши кўриб қўй. Идиш-товоқ, дастурхон, уй-жой, либос покиза бўлсин, покиза кўрпача ёйгин, овқат ва ичимликлар ҳам яхши бўлиши керак. Овқат, ичимликлар покиза, тотли, яхши бўлсин, қўл узатган ҳавас билан есин. Таклиф қилмасанг, ош-

сувнинг камчиликлари битта бўлади, таклиф қилсанг, уни кўрган бирни минг қилади. Ҳўйла, сен еб-ичиладиган нарсаларни яхши, покиза қилгин, келган яхшилар тўйиб туриб кетсинлар. Дўстларни, қариндошларни, улар хоҳ узоқ, хоҳ яқин бўлсинлар, барчасини зиёфатга таклиф қил, ҳақларига рия қилгин.

Келадиган келади, агар келмаса, унинг кўнгли таклиф қилинганлиги учун қолмайди»¹.

Меҳмон таклиф асосида келганида, мезбон меҳмоннинг келишига хонадондаги барча хоналарни саранжом-саришта қилиб йиғиштиради, ювиб, артиб, тозалайди. Меҳмоннинг ёши, жинси, миллати, мазҳабига қараб стол-стул ёки хонтахта атрофига тоза кўрпачаларни тўшаб, меҳмоннинг ўтириши учун қулай жой ҳозирлаб қўйилади. Меҳмонлар учун ёруғ, шинам, ошхонага қулай хоналардан бири меҳмонхона қилиб танланади. Меҳмон таклиф этилганда меҳмонхонадаги столга ёки хонтахтага дастурхон ёзилиб унга турли ширинликлар, пишириқлар, қуруқ ва ҳўл мевалар дид билан жойлаштирилади, меҳмон келгач, дастлаб нон ва чой келтирилади. Меҳмоннинг таъбига кўра иссиқ таомлар тайёрланади, аввал суюқ, кейин қуюқ таом тортилади. Меҳмонлар учун албатта тоза сочиқлар қўйилади. Меҳмон ким бўлишидан, қандай кийинишидан қатъи назар унинг кўнгли шу хонадон соҳибларининг суҳбатини истаб келган. Шунинг учун ҳам меҳмондорчилик қариндош-уруғларнинг, дўсту биродарларнинг бир-бирлари билан меҳр-оқибатли, тотув яшашлари учун қон-қардошлик, биродарлик ришталарини боғлаб, турувчи воқита бўлиб хизмат қилади.

Доно халқимиз айтганидек, агар ҳурмат қилиб, тўй, зиёфат, маъракаларга чақирилса, албатта бориш жоиздир. Агар боришга илож топилмаса, узр сўраб, таклиф этганлари учун ташаккур билдириш лозим.

Меҳмондорчилик қоидалари. Таклиф этилмаган кишини, иложи бўлса, ёш болаларни тўй, зиёфат ва турли маъракаларга бирга олиб бормаслик керак. Мезбон қўйган овқатни мақтаб, танавул қилиш, меҳмон учун қувонч бағишлайди. Мезбондан сўроқсиз дастурхондан нозу неъматларни бир қисмини олиб кетиш уят ҳисобланади.

¹ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Тошкент, «Фан», 1972, 694-бет.

Меҳмонларнинг қолган овқатларини зўрлаб ёки табаррук деб едириш ёки «ошатиш» ўта маданиятсизликнинг кўринишидир. Зиёфат тугагач, мезбонга раҳмат айтиб, эзмалик қилмасдан, кетишга ижозат сўраш лозим.

Меҳмон фақат таклиф этилгандагина келмасдан, тасодифан шу хонадон соҳибларининг кўнглини сўраш, ҳолидан хабар олиш, ҳамсуҳбат бўлиш учун ҳам келади. Ўзбек оилаларида ҳар бир хонадонда меҳмон учун қуруқ ва ҳўл мевалар, ширинликлар сақлаб қўйилади. Меҳмонхона доимо тоза-озода қилиб, меҳмон кутишга шай туради. Мезбон меҳмонни «келишингизни билмапман», «хабар бермапсиз-да, тайёргарлик кўриб турардим» деган сўзлар билан хижолат қилмаслиги, аксинча «жуда яхши қилибсиз-да», «Сиз билан анчадан буён кўришиш, суҳбатлашиш орзусида эдим» деб келгандан хурсандлигини билдириши керак. Меҳмон тасодифан келиб қолганида рўзғорда баъзи етишмовчиликлар бўлиб қолган тақдирда халқимиз айтган «Буғдой нонинг бўлмаса ҳам буғдой сўзинг бўлсин», деган мақолга амал қилиш жоиздир.

Ўзбек халқи тез-тез бир-бириникида, турли маросимларда йиғилишиб дийдор кўришиб туришга одатланган. Бундай маросимларнинг турлари ҳам хилма-хил бўлиб, ҳар бири ўзига хос хусусиятга эгадир.

Бундай маросимларнинг хусусиятига қараб кийим кийилади, муомала, ўзини тутиш маданиятига риоя этилади, меҳмон кутиш қоидаларига эътибор берилади. Масалан, тўй, хурсандчилик маросимларида чиройли кийиниш, аёллар ўзига ярашадиган тақинчоқлар тақиши, пардоз-андоз қилиши мумкин, машшоқлар, ҳофизлар таклиф этилиб карнай-сурнай чалиниши, ашула айтилиб, рақс тушилиб, ўйин-кулги, шод-хуррамлик билан меҳмонларнинг кўнглини олишга ҳаракат қилинади.

Мотам маросимларида эса аксинча, шу хонадон эгаларининг қайғусига шерик бўлиш, ҳар қандай ўйин-кулгилардан ўзини тутиш, ўйлаб сўзлаш, кийинганда ҳам шу маросимга мос кийимлар кийиш қайғули, аламли мезбоннинг кўнглига малҳам бўлади.

Меҳмондорчилик маросимлари ўз хусусиятларига кўра қуйидагиларга бўлинади: бешик, хатна, никоҳ тўйлари, оқ ўрар, таваллудлар, пайғамбар ёши муносабати билан ўтказиладиган тўйлар, келин салом, ёки юз очар, чарлар, қуда чақириқ каби тўй маросимлари би-

лан боғлиқ меҳмондорчиликлар. Таъзия, кир ювди, етти, йигирма, қирқ, йил оши, ифторлик, оқсолар каби мотам маросимлари билан боғлиқ меҳмондорчиликлардир. Шунингдек, ота-оналар, қариндош-уруғлар, дўстларнинг ҳолидан хабар олиш, ўрта мактаб, олий ўқув юртлирини битириш муносабати билан ташкил этиладиган меҳмондорчиликлар, дўстлик кечалари, гап-гаштаклар ва бошқа меҳмондорчиликларда эса меҳмонлар турли тартибда кутилади, зиёфатлар берилади. Лекин бундай зиёфатлар «ким ошар», «ўзини кўз-кўз қилиш» мусобақасига айланиб кетмаслиги, таомлар исрофгарчилигига йўл қўйилмаслиги керак.

Мезбон келган меҳмоннинг ҳар бирининг кимлиги, хулқ-атвориغا қараб мулоқотда бўлиши лозим, чунки меҳмонлар ҳам турлича тоифада бўладилар.

Ўзбек халқининг ўзига хос меҳмон кутиш таомили бор. Хонадонга меҳмон келса, хонадон эгаларининг кайфиятлари қандай бўлишидан қатъи назар меҳмонни «келинг, келинг», «зап келибсиз-да» деб очиқ чеҳралик, ширинсуханлик билан кутиб оладилар. Чунки меҳмон шу хонадон эгалари билан кўнгил ёзиш, ҳамсуҳбат бўлиш, хурсандчилик қилиш мақсадида кўнгли талпиниб келади.

Донишмандларимиз шундай панд-насихат қиладилар: «Агар уйингизга бир одамни таклиф қилган бўлсангиз ёки чақирмаган бўлсангиз ҳам кўнгли тортиб, сиз билан бир оз суҳбатлашиб ўтириш мақсадида уйингизга меҳмон бўлиб келган бўлса, сиз уни хуш қабул қилиб, ҳурмат билан қарши олинг, салом бериб кўришинг, йўқлаб келгани учун миннатдорчилик билдиринг. Уйга таклиф қилиб, тўрга ўтқизинг. Ҳол-аҳвол сўрашганингиздан кейин дарҳол дастурхон ёзиб, овқат келтиришга ҳаракат қилинг. Нонни етарли қилиб ушатиб, ортиқча ушатсангиз нон исроф бўлиб қолади, исрофгарчиликдан сақланинг. Меҳмонга: «Қани, овқатга марҳамат қилинг», деб таклиф этинг. Аввал ўзингиз бошлаб беринг. Меҳмондан илгари қўлингизни овқатдан тортиманг. Оз-оз бўлса ҳам биргалашиб олиб туринг, бўлма-са меҳмон уялиб, таомдан қўл тортишга мажбур бўлади.

Меҳмонни «олинг, олинг» деб ҳаддан зиёд қистаманг, уч марта таклиф қилсангиз кифоя қилади. Келтирган овқатингиз озроқ бўлса, ўзингиз оз-оз олиб, кўпини меҳ-

монга едиринг. Меҳмон тўйиб қўл тортгандан кейин, дарҳол тоза сочиқ бериб, қўлига сув қуйинг.

Меҳмон билан суҳбат қуриб ўтирар экансиз, унинг аҳвол, руҳиятига эътибор бериб сўзланг, руҳий ҳолати кўтара олмайдиган сўзлар оғзингиздан чиқмасин. Баян сўзларингиз унга оғир туюлиб қолиши мумкин. Меҳмон олдида оила аъзоларингизнинг биронтасини уришиб, қаттиқ сўзлар сўзламанг, кўнгилга турли фикрлар келиши мумкин. У кетмоққа руҳсат сўраб ўрнидан турса, уни эшиккача кузатиб чиқиб, соғ-саломатлик тилаб хайрлашинг, яна келиб туришини сўраб қолинг.

Агар сиз кўп кишини меҳмон қилиб чақирсангиз ҳам юқорида айтилгандек, меҳмондорчилик одобига риоя қилинг¹, дейдилар. Меҳмон кутувчиларнинг ҳам, меҳмонга борувчиларнинг ҳам тоифалари мавжуд. Меҳмон кутишда, албатта бу масалани ҳам ёддан чиқармаслик лозим. Юсуф Хос Ҳожиб тавсиф этганидек бундай одамлар тўрт тоифага бўлинадилар:

Биринчи тоифа: Бир хил таклиф қилсалар, зиёфатга боради. Нима берсалар (ҳам), овқат (ва) ичимликни еб-ичади. (Лекин) жавобан ўз уйига одам таклиф қилмайди. Уйда ошини боши, бурни билан (яъни бошини буркаб) ейди.

Иккинчи тоифа:

Тагин бир хил кишилар, назар солсанг зиёфатга боради. Зиёфатни ейди ва жавобан уни зиёфатга таклиф қилади.

Учинчи тоифа:

Тагин бир (тоифа кишилар) зиёфатга бормаيدиган бўлади. Кутиб (бошқа) одам (лар) ни ҳам уйига таклиф қилмайди. Ундай киши ўликдир, сен бунни тирикка санама. Сен бунга қўшилма! (у билан аралашиб) ҳаёт кечирма.

Тўртинчи тоифа:

Яна бир тоифа таклиф қилиниб зиёфатга бормаиди. Сўйиладиган (мол сўйиб), бошқа (лар)ни зиёфатга таклиф қилади².

Иккинчи ва тўртинчи тоифадаги меҳмонлар ҳам

¹ Оз-оз ўрганиб доно бўлур. Донолар бисотидан ҳикоятлар, ўятлар, ҳикматлар. Таржимон ва тўпловчи Шорасул Зуннун. Нашрга тайёрловчи: Саидбек Ҳасан. Тошкент, Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988, 123—124-бетлар.

² Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Т., «Фан», 1972.

меzbонлик, ҳам меҳмонлик ҳурматини жойига қўяди, мурувватли, одамохун, мард, меҳмоннавоз, сахий, саховатли бўладилар.

Албатта, ҳар қандай меҳмондорчилик таомларсиз бўлмайди. Таом ейилаётганда ҳам риоя этиладиган одоб қондалари мавжуд. Таомилга кўра меҳмондан оч ёки тўқлиги, нима ейиши сўралмайди. Меzbон таом киритгач, меҳмондан олдин қўл узатмайди, балки меҳмонга «сиз меҳмонсиз, овқатни бошланг», «олдин меҳмондан, марҳамат» дея такаллуф билан мурожаат этади, бу сўзлар ҳам тез-тез такрорланмаслиги, меҳмоннинг нафсониятига тегмаслиги лозимдир. Таом ейилаётганда кўп гапириш, овоз чиқариб беҳуда қаттиқ кулиш, оиладаги қийинчиликлар ҳақида гапириш жоиз эмас. Узгалар шаънига ёлгон, ғийбат гапларни гапириш, баъзи бир ёмон одатларни қайта-қайта такрорлаш (юзини ишқалаш, бошни қашлаш, бурунга тез-тез қўл текизиш ва ҳоказо), фарзандларни, оила аъзоларини койиш, танбеҳ бериш меҳмонга нисбатан одобсизлик бўлади. Меҳмонга буйруқ оҳанги билан мурожаат этиш, меҳмонга навбат бермасдан ҳар хил гапларни гапириш, ўзини ўта эркин тутиш, меъеридан ортиқ ичимлик ичиб маст бўлиш меҳмонни зериктиради, у тезроқ уйига кетиш тараддудига тушиб қолади.

Синалмаган, билмаган, таклиф этилмаган жойга меҳмонга бориш, меҳмондорчиликка тўқ ёки жуда оч ҳолда бориш меzbонни ноқулай аҳволга солиб қўйиши мумкин.

Меҳмоннинг амри вожиб. Унинг хоҳишига кўра, кўнглига қараб муомала қилиш, меҳмонни хурсанд қиламан деб бачкана қилиқлар қилмаслик, тилга эрк бермаслик, меҳмонларни тоифасига қараб сийламаслик ёки бошқа меҳмонлар олдида мансабдор, бой-бадавлат меҳмонга алоҳида илтифот кўрсатиш, уни совға-саломлар билан сийлаш қолган меҳмонларнинг дилига озор беради, уларни ноқулай аҳволга солиб қўяди.

Баъзан турли меҳмондорчиликларда исрофгарчиликка йўл қўйилиб, ширин-ширин таомларни, нонни ахлатга ташлаш, сувга оқизиш, ҳайвонларга едириш ҳоллари ҳам рўй беради. Бундай исрофгарчиликнинг сабаби меzbонларнинг «ким оширар», «ким бой-бадавлат» муСОбақаларини ўйнашлари оқибатидир.

Бунинг олдини олишнинг йўли меҳмонга яраша, ширин, «озгинаю созгина», тўрт-беш хил эмас, балки бир-

икки хил таом таёрлаб, меҳмондорчиликларни ширин суҳбат қуриб ўтказишга эътибор беришдан иборатдир.

Меҳмон еб-ичиб, суҳбатлашиб бўлгач, кетишга ижозат сўраса, учинчи мартасида руҳсат бериш жоиздир.

Меҳмонга борганда қандай одоб сақлаш лозим? Меҳмонга борилганда аввало ким бўлишидан қатъи назар таклиф қилинган жойга борилади, таклиф этилмаган жойга борилмайди. Доно халқимиз «Айтилмаган жойга борма, айтган жойдан қолма» деган нақлни бекорга айтмаган. Агар икки киши ёки бир неча киши бир вақтга таклиф этган бўлса, аввал қайси бири қўшни, ёки яқин қариндош бўлса, ўша жойга борилади, чақирилмаган кишини ўзи билан олиб бориш одобсизликдир.

Меҳмондорчиликка борганда хонадон соҳиби қаерга лозим топса, ўша жойга ўтириш жоиз, қандай таом тайёрлаб келтирса, «жуда ширин бўлибди», «рахмат» каби сўзлар билан миннатдорчилик билдириб, тановвул қилинади. Баъзи ҳолларда манман, ўзини ҳаммадан баланд тутувчи меҳмон мезбон тайёрлаган таомлардан, уй тутишидан, рўзгор-анжомларидан камчилик топиб даврадагилардан кийиниши, хулқ-одоби билан ажралиб туришга ҳаракат қилади. Бундай одамлар тезда даврадагиларнинг назаридан қоладилар, улар газабини кўзгаб, меҳмондорчилик фойзини йўқотадилар.

Шунинг учун меҳмонга борганда мезбонларнинг кўнглини хушнуд этадиган, даврадагиларнинг дилини оғритмайдиган сўзларни топиб гапириш, сергап бўлмаслик лозим.

Даврадаги кишиларнинг ёши, мавқеини эътиборга олмасдан беандиша гапларни гапириб, вақт-бевақт кулиш, ҳар хил ёмон одатларни тез-тез такрорлаш меҳмондорчиликни фойсиз ўтишига олиб келади.

Меҳмонга борганда кийиниш маданиятига эътибор бериш алоҳида аҳамият касб этади. Тоза, озода, қоматга ярашиқли, ҳамсуҳбатларнинг фикрини ўзига тортмайдиган кийимлар кийиш, устки кийимларга мос тақинчоқлар тақиш, оёқ кийимлар кийиш меҳмоннинг кўрки, даврадагиларга ҳузур бағишлайди.

Ҳаётда тўй маросимларига ҳам, мотам маросимларига ҳам бисотида бор тақинчоқларини тақиб, ҳаммани эътиборини ўзига жалб этадиган қимматбаҳо, ялтироқ ва бошқа кийимлар кийиб ўзини кўз-кўз қиладиган маънавий қашшоқ одамлар ҳам тез-тез учраб туради.

Бундай одамларда манманлик ҳисси ўта кучли бўлиб, инсонпарварлик хусусияти чегаралангандир.

Меҳмондорчиликда мулоқот маданиятига роя этиш меҳмонга ҳам, мезбонга ҳам ҳузур бағишлайди. Меҳмонга борганда мезбоннинг, даврадагиларнинг кўнглини топиб, сергап бўлмаслиги, ўз дардини, оилавий ҳаётини, иш ёки ўқиш жойидаги воқеа ва ҳодисаларни мезбонларга, даврадаги таниш-нотаниш кишиларга тўкиб солиш, ёнидагилар билан пичирлаб ёки бармоқлари билан кўрсатиб гапириш, даврадагиларнинг гапларини лоқайдлик билан тинглаш ҳурматсизлик белгисидир.

Меҳмонга борганда овқат ейиш қоидаларига роя этиш ҳам зарурдир.

Оч бориш ёки уйда тановул қилиб тўқ бориш ҳам мезбон учун ғайритабiiий туюлади. Шунинг учун меҳмонга боришдан олдин озгина тановул қилиб олиш мақсадга мувофиқ. Дастурхондаги таомларга аввал катта ёшдаги кишилар қўл узатади. Овқат еганда ўз олдидан олиб ейиш, ўнг қўл билан ейиш, тўкмаслик, таомдан олдин ва таомдан сўнг қўлни ювиш меҳмон одобидир. Очкўзлик билан ён-атрофдагиларнинг ейишига сабр қилмай овқат ейиш, қўлни силкитиш, дастурхонга қараб йўталиш, акса уриш, оғиздан нохуш овоз чиқариш, қўлни ялаш, дастурхонга ёғ қўлни артиш энг ёмон одатлардандир.

Таом еб бўлингач, меҳмон зиёфат берган хонадон эгаларига тинчлик-тотувлик, оилага тўкин-сочинлик, қут-барака тилаб, таомларнинг ҳаққига дуо қилиб, ташаккур билдиради. Одатда ўзбекларда бундай дуони ёши улуғ киши айтади, агар даврада бундай киши бўлмаса кичик бўлса-да, албатта меҳмон айтиши керак.

Меҳмондорчиликда турли спиртли ичимликлар ичиб бадмаст бўлиш меҳмон учун ҳам, мезбон учун ҳам яхши оқибат келтирмайди, шунинг учун меҳмон кутиш спиртли ичимликларсиз ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Уйга меҳмон келганида ёки меҳмондорчиликка борилганда эркаклар ва аёлларнинг, болаларнинг ҳам ўзаро шахсий фикрлари мавжуд бўлади. Айниқса, болаларнинг катталар билан бир даврада ўтириши тарбиясига салбий таъсир этади.

Аёллардаги ҳаё, ибо эркаклар учун доимо қимматли фазилатларга айланиб қолиши керак. Бунинг учун меҳ-

мондорчиликларнинг алоҳида-алоҳида бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Меҳмонга борилганда олиб бориладиган совға-саломлар ҳам меҳмондорчиликнинг яхши удумларидан бўлиб, мезбонга ҳурмат, эътибор, иззат-икром, дўстлик рамзи саналади. Одатда, турли хурсандчилик маросимларида гул тақдим этилади. Гул ёшлик, кўнгиш ғурури, дилни равшан қилувчи гўзаллик рамзи сифатида олиб борилади. Меҳмондорчиликнинг узоқ эсда қолиши, меҳмонга нисбатан ҳурмат маъносида эсдалик совғалар ҳам тақдим этилади. Совғаларнинг қимматбаҳо бўлиши шарт эмас.

Ҳаётда баъзан совға-саломлар учун меҳмондорчиликлар уюштирилади ёки совға-саломларнинг қимматига қараб меҳмонга илтифот кўрсатиш ҳоллари ҳам учрайди. Албатта бу худбин, шахсиятпараст, молпараст кишиларнинг ишидир. Бундай одамлар ўзларининг баднафсликлари билан кишилар ўртасида обрў-эътиборларини йўқотадилар.

Одоб-ахлоқ ҳақидаги ҳадисларда айтилганидек: «Закотини адо этувчи, меҳмондўст ва мусибатли кишига ҳамдард бўлган одам бахиллик ва қизганчиқликдан халосдир», «Уйига меҳмон қўнмайдиганлар ёмон одамлардир», «Меҳмондўст бўлмаган одамдан яхшилик кутилмайди»¹.

Одатда, аксарият ҳолларда меҳмонга урф-одат юзасидан бир-бирига яқин ёхуд тўғри келадиган одамлар боришади. Бундай ҳолатда меҳмон кутиш ва кузатиш унча қийинчилик туғдирмайди.

Яна бир нарсани эслатиш лозимки, ҳар бир вилоятнинг ўзига хос меҳмон кутиш тарзи шунингдек, меҳмондорчилик давомида бошқа вилоятларга нисбатан тафовутлар бўлиши мумкин. Айниқса, бу борада Хоразм, Тошкент, Фарғона халқлари ўртасида хилма-хилликлар сезилади.

Хоразм хонадонларидан бирида илк бор меҳмон бўлган инсон ҳикоя қилади: Гўзал Хиванинг осмонўпар миноралари, миллий гумбазлари, не-не улуғ зотлар таълим-тарбия олган мадрасалар, Шайх Нажмиддин Кубродек, Мунису Огаҳийдек, Феруздек даҳо алломаларнинг қадами теккан улуғвор шаҳарни зиёрат қилганимдан сўнг Тошкентда бирга ўқиган курсдошим билан

¹ Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари, Тошкент, «Фан», 1997.

учрашиб қолдим. У мени уйига таклиф қилди. У дастурхонга ўроғлик нон келтирди, чой қўйди. Қизиги шундаки, ҳар кишига биттадан чойнак ва пиёла. Бироқ курсдошим дастурхонни очиб қўймади, чойни қайтариб пиёлага қўйиб бермади. Кейин қовурдоқ ва бошқа таомлар қўйди. Бироқ «олинг», «таомларга қаранг» демайди. Мен эса қорним оч бўлса-да дастурхон, чойнак-пиёлага, таомларга қараб ўтиравердим. Хуллас ўша куни жуда оч қолдим.

Эртаси нонушта пайтида курсдошим ҳайрон қолиб, «нега овқат емайсиз?», деб қолди. Нима қилай, унга «овқатга таклиф қилмайсиз-ку» дейишга мажбур бўлдим. Сўнг у ўзларининг урф-одатларини тушунтирди. Дастурхонни очиб қўймагани «сиз энди меҳмон эмассиз, мен билан тенг ҳуқуқли уй эгасисиз» дегани экан. Ҳар кимга биттадан чойнак, пиёла қўйгани «ўзингиз керагича еб-ичинг» дегани экан. Қолаверса, бу гигиена учун муҳим одатлигини сездим. Юзаки қаралса, бу одатлар галати туюлади, моҳияти эса меҳмонга нисбатан уй эгаси, яъни меҳмонни мезбон сифатида қабул қилиш маъносига эгадир. Хоразмликларга водийда меҳмонда бўлганларида тез-тез «олинг-олинг» «қараб ўтиринг» дейилса, ёмон таассурот қолдираркан.

Қўриб турганингиздек, ҳар жойда меҳмон кутиш ва кузатишнинг ўзига хос урфий хусусиятлари бор. Демак, меҳмонга борганда, ўша жойнинг шу ва шунга ўхшаш хусусиятларини олдиндан ўрганиш яхши бўлар экан. Бошқача айтганда, ўзбек халқи жуда меҳмондўст, меҳмонни хуш кўрмайдиган инсон йўқ. Лекин бу борадаги урф-одатлар турличадир.

Агар гўзал Фарғонага бориб қолсангиз, фарғоналиклар меҳмонни чойхонага олиб бориб, фарғонача ош билан сийлашади. Бу хилдаги меҳмоннавозлик меҳмонни бутун ташвишларидан озод қилиш. ўзини эркин тутиш ва аския қилиб, қулишиб ўтиришга шарт-шароит яратиш мақсадида уюштирилади.

Демак, меҳмоннавозликдек қадимий одатимизни унутмаслик, аксинча уни ривожлантириш, мазмунан бойитиш ҳар бир кишининг маънавият даражасини юксалтиради, халқ ичида сахийлиги, саховати билан ҳурмат-эътиборга сазовор этади.

A decorative border with repeating floral motifs surrounds the central text area. The border consists of a top row, two vertical side rows, and a bottom row with a central floral ornament.

Жон қадар

Ватан

туйғуси

ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ — ВАТАН ВА ВАТАНПАРВАРЛИК

Ватан (арабча «ватан» — она юрт) кишиларнинг яшаб турган, уларнинг авлод ва аждодлари туғилиб ўсган жойи, ҳудуди, ижтимоий муҳити, мамлакати.¹

Ватан инсоннинг руҳияти, турмуш тарзи, онги ва тафаккури, ўтмиши, бугуни ва келажаги мужассам бўлган тушунчадир.

Ватан остонадан, ўзи туғилиб ўсган гўшадан бошланади. Шунинг учун у яшаб, нафас олиб турган хонадонга, улғайиб вояга етишишида муҳташам ва қудратли макон бўлган она заминга меҳр-муҳаббат ва садоқат абадий бўлмоғи зарур. Ҳар бир инсоннинг Ватанга бўлган муҳаббати она сути, она алласи ва ота-онаси, авлод-аждодлари, уларнинг анъаналари, урф-одатлари, касб-корини севмайдиган фарзанд ўзгаларни ҳам севмайди. Шунингдек, миллати, халқи, адабиёти, санъати, дини ва маданиятидан гурурланиб, ўзи ўсган юрт табиатидан илҳомланиб, унинг муқаддас тупроғи қадрини англаб етмайди. Бу эса манқуртликдан ўзга нарса эмас.

Зеро, ҳеч бир инсон Ватандан ташқарида бахт-саодат топа олмайди. Ўз юртида обрў-эътибори бўлмаган инсон ўзга юртда ҳам қадрланмайди. Шунинг учун ҳам халқимизда «Ўзга юртда султон бўлгунча, ўз юртингда чўпон бўл», «Ўзга юртда шоҳ бўлгандан, ўз юртингда гадо бўлган афзал», «Улсанг ўл, Ватанингда бўл!» каби нақллар бежиз айтилмаган. Ҳар кимнинг ўз хонадони, уй-жойи, ўз она юрти нақадар қадр-қимматли эканлигини ўзга юртга сафарга, яшашга борган инсон биледи. Буюк мутафаккир Алишер Навоий, Бобур Мирзо, Фурқат ва бошқа бобокалонларимизнинг ўзи туғилиб ўсган Ватанларидан узоқда кучли Ватан соғинчи билан яшаганлари, она юрт тупроғини, унда ўсган меваларни кўзларига тўтиё қилганлари, юрт иш-

¹ Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабон лугат. Тошкент, «Шарқ», 1998, 33-бет.

қида изтироб чекканлари барчага аён. Уларнинг руҳий кечинмалари ҳақиқий ватанпарвар кишининг ҳолатидир. Ҳақиқий ватанпарвар у қаерда яшамасин, Ватаннинг яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам уни тарк этмайди, у билан бирга бўлади.

Инсондаги энг олий туйғу — Ватан туйғусидир. Узи тугилиб-усган она юртини жон қадар севадиган, ўзга юрт табиатидан ўз юрти табиатичалик завқ олаолмайдиган, диёридаги катта-кичик ютуқлардан фахрландиган, ҳатто митти чумоли ҳаракатидан завқландиган бутун ақл-заковати, қалб қўри, куч ва имкониятини шу жамият ва табиат гўзаллиги, ривожига бахшида этаолган инсондагина бу туйғу намоён бўлади.

Ватан ҳам, Ватанга муҳаббат туйғуси ҳам илоҳий неъмат бўлиб, бутун қон томирларида шу туйғу жўш урган инсонда ватанфурушлик, ватанга хиёнатдек жирканч ваҳшийликка мойиллик ҳеч қачон бўлмайди. Шоир «Ўзга юртнинг боғлари-ю боғчаси, Ўз юртининг ён-тоғинча кўринмас» деб бежиз айтмаган.

«Ватан туйғуси — бу Ватанни ҳимоя қилиб, Ватан дея фидо бўлган Тўмарис, Широқ, Спитамен, Нажмиддин Кубро, Солиҳбек додхоҳ, мулла Алиқул додхоҳ сингари юзлаб шерюракларни эслашдир. Томирида охириги томчи қони қолгунча душманга қарши курашган Жалолиддин Мангуберди, Темир Малик, Абдумалик Тўра, Қурбонжон додхоҳ, Мадаминбек, Намозботир сингари бўйсунмас баҳодирларнинг, оғир кунларда қардошларга елкадош бўлай деб, ҳарбий вазирлик лавозимидан истеъфога чиқиб, ота юрти Туркистонга келиб, аёвсиз жангларда ҳалок бўлган Анвар пошшонинг, қулликдан ўлимни афзал билган Оқмасжид, Чимкент, Авлиёта, Тошкент, Жиззах, Самарқанд, Зирабулоқ ҳимоячиларининг номини ёдга олишдир.

Ватан туйғуси — бу мустамлака тузумига қарши бош кўтарган Тошкент, Жиззах, Андижон кўзғолончилари, Дукчи Эшон хотирасини унутмасликдир.

Ватан туйғуси — бу зулм-истибоддан қутулиш учун халқни маърифатли бўлишга чорлаган, миллий уйғонишга даъват этган, нажот илмда, бирликда ва ҳаракатда деб билган фидойи зиёлиларни, уларнинг раҳнамолари бўлмиш Мунаввар Қори, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдуллахўжа, Авлоний, Фитратларнинг номларини доимо ёдда сақлашдир.

Ватан туйғуси — бу йигирманчи, ўттизинчи, қирқинчи, эллигинчи ва ниҳоят саксонинчи йилларда халқимизга қарши уюштирган қатли ом — қатагонларда қамоқ ва сургун азобларини бошидан кечирган ва ҳалок бўлган Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир сингари минглаб миллат гулларини унутмасликдир.

Ватан туйғуси — бу Иккинчи Жаҳон урушида фашизмга қарши мардона жанг қилган ватандошларимиз ёдини эҳтиром билан эслашдир».¹

Ватан ҳимояси йўлидаги қаҳрамонлар инсоният тарихидан ҳеч қачон ўчмайди. Ватанни асраш, ҳар бир қарич ерини қўриқлаш, бу муқаддас бурч бўлиб, озод ва мустақил Ватанга эга бўлиш ҳеч қачон осонликча қўлга киритилмаган. Ватан эрки, мустақиллиги ва озодлиги йўлида қурбон бўлганларни абадий эслаш, хотирлаш ҳар бир кишининг халқ, миллат, Ватан олдидаги имони ва виждонидир.

Ватан муқаддасдир. Ундан қиммат, ундан азиз, ундан ширин, ундан улуғ неъмат, бойлик йўқдир. Шу бойликни қадрлаган, ундан чексиз фахрланган инсонгина оиласи, халқи, атроф муҳити, жамиятига меҳр-муҳаббатли бўлади. Хуршид Даврон таъбири билан айтганда, «Муҳаббатсиз юракка Ватан сиғмайди. Ҳар бир гўдак, ҳар бир киши ўз даври билан Ватанни ёд этади. Дардсиз юракка Ватан сиғмайди. Ватан дарди, Ватан муҳаббати билан яшаган юраккина инсониятни севади, инсоният учун куйинади».

Инсонни дунёга келтиришдек мўъжиза яратган она билан Ватан ҳамоҳангдир. Ватан она каби инсон тақдирида мўъжизалар маконидир. Шунинг учун икки мўъжизакор ёнма-ён она-Ватан деб юритилади.

Инсон она учун қанчалик жонфидолик қилса, Ватан учун ҳам шунчалик қайғуради, уни ардоқлайди, севади, авайлаб-асрайди, турли офатлардан, душманлардан қўриқлайди. Керак бўлса, она-Ватан учун жонини қурбон қилади. Мунис ва мўътабар Она инсонни шу ёруғ дунёга келтирса, Ватан уни ҳаёт беланчагида ўстиради, улғайтиради, шахсни шахс сифатида намоён этади. Шу боисдан инсон учун она-Ватандан улуғроқ, мўътабарроқ, қимматлироқ макон йўқ. Халқ ичида Она де-

¹ Иброҳимов А. ва бошқалар. Ватан туйғуси. Тошкент: «Ўзбекистон», 1997, 152-бет.

ганда. — Ватан, Ватан деганда эса Она тасаввур этилишида ҳам мажозий маъно бор. Баъзи бир сабабларга кўра, ўзга юртларда яшаётган ватандошларимиз ҳам «Она-юртим», «ота-юртим», «киндик қоним тўкилган юрт» деб соғинч ва фахр билан гапиришларида ҳам олам-олам маъно мужассам. Уларнинг уйлари тўрига бир ҳовуч Ватан тупроғини муқаддас китоб билан ёнма-ён осиб қўйишлари, хонадонларида дутор ёки танбурни сақлашлари, ўзбек хонандалари куй ва қўшиқларини доимо тинглашлари, ўзбек урф-одатлари, тилини унутмаслик учун қилган саъй-ҳаракатлари Ватанга бўлган чексиз эътиқоднинг намунаси дир.

Имон-эътиқодли инсон Ватанни севади, унга хиёнат қилмайди. Пайғамбаримиз Саллоллоҳу Алайҳи ва саллам айтганларидек: «Хуббул—ватани минал имони — Ватанни суймоқ имондандур».

Ўзбекистон Республикаси ўзбек миллатининг Ватанидир. Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, Ватан тушунчаси ўзгача мазмун касб этди. Истибод тузумида коммунистик мафкура ҳукмрон бўлган даврда Ватан тушунчаси тутуруқсиз мазмун ва шаклга эга бўлиб, халқ онгига бу ҳақда мантиқсиз қараш сингдирилган эди. Туғилиб ўсган ер учун, миллат учун, ўз миллий қадриятлари гуллаб-яшнаши учун фидойи ватанпарвар киши «миллатчи» сифатида қораланад ёки қатағон қилинади. Тарихимизга бир назар ташласак, «босмачилар» деб ном олган боболаримиз, ўттизинчи, қирқинчи йиллардаги қатағонлар, саксонинчи йиллардаги «Пахта иши» шиори остида турли ваҳшийликлар йўли билан миллатимизнинг асл фарзандлари йўқ қилиб ташланди. Халқимиз тили, дини, маданияти, урф-одатлари, анъаналаридан жудо қилинди. Лекин, ҳақиқий миллатпарвар, ватанпарвар инсонлар қандай шароит, вазият бўлишидан қатъи назар асрлар давомида шаклланиб келган миллий-маънавий қадриятлардан юз ўгирмадилар, уларни авлоддан-авлодга ўтиб бориши, умрбоқийлигини таъминлаш учун курашдилар.

Юртбошимизнинг ватанпарварлиги, миллатпарварлиги эвазига 1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилинганда, ўзбек миллатининг қадди тикланди, Ватан қадрлари ортди, зўравонлик йўли билан йўқ қилинган миллий қадриятларимиз, динимиз («Наврўз» байрами, Рамазон ва Қурбон ҳайитлари ва ҳоказо) халққа яна қайтарилди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, Ўзбекистон Республикасининг янги давлат рамзлари қабул қилинди, яъни давлат байроғи, герби, миллий валютаси, мадҳияси — давлат рамзларидир. Президентимиз И. А. Каримов таърифига кўра: «Давлатимиз рамзлари — байроқ, тамга, мадҳия Ўзбекистон халқларининг шон-шарафи, ғурури, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассамлаштиради. Мана шу рамзларни эъзозлаш, ўзининг қадр-қимматини, ўз мамлакатига ва шахсан ўзига бўлган ишончини мустақкамлаш демакдир»¹. Мазмун ва моҳиятан тамомила янги давлатимизнинг асосий Қомуси — Ўзбекистон Давлатининг Конституцияси қабул қилинди.

Дарҳақиқат, давлатимиз рамзларида ўзбек халқи менталитети, ғурури, ҳиссиёти, тарихий хотираси, порлоқ турмушга интилиши мужассам бўлган. Ушбу рамзлар ўзбек халқининг ғурурларидир. Уларни қадрлаш, кўз қорачиғидек асраш, умуминсоний қадр-қимматини ошириш ҳар бир фуқаронинг Ватан олдидаги бурчидир.

Ватанимиз озодлиги туфайли Ватан, халқ, миллат, миллий қадриятлар, дин, тарих, бугун ва келажак ҳаёт ҳақида эркин фикр билдириш имконияти вужудга келди.

Мустақилликнинг энг олий неъматини — эркин фикрлашдир. Сўз эркинлиги, фикр эркинлиги, фаолият эркинлиги инсонда мавжуд барча имкониятларни тўлиқ намойён этиш имконини беради. Ватанга меҳр-муҳаббат, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, катталарни ҳурмат-иззат қилиш, ажлодлар анъаналарига садоқат ўзбек халқиға хос хусусиятдир. Ушбу ахлоқий-маънавий фазилатлар ўзбек миллатининг қон-қонига сингиб кетган. Шунинг учун уни йўқ қилиш умуман мумкин эмас.

Ватанимиз ўз истиқлол йўлини танлаб олди. Дунё майдонида ўз ўрни, ўз овозига эга бўлди. Мустабид тузумда эса бундай оромбахш туйғу ҳақида ҳатто ўйлаш, тасаввур этиш ҳам мумкин эмас эди.

Ватанимиз осмонида эрк қуёши порлагач, ўзбек халқи ўз тилида баралла сўзлаш, асрлар давомида шаклланиб келган анъаналари, қадриятларини қайтадан библиш, эъзозлаш, эркин фикрлаш, ўз тақдирини ўзи ҳал

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. I т. Тошкент, «Ўзбекистон», 1996, 84-бет.

қилиш, ўзга юртларда Ватан соғинчида бўзлаб юрган ватандошларимиз ота юртларига қўрқмасдан қайтиш имкониятига эга бўлдилар.

Ўзбекистонни юздан ортиқ давлатлар мустақил давлат сифатида тан олди. Мамлакатимиз қатор нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо бўлди. Ўзбек халқи дунёга ўз маданияти, санъати, моддий ва маънавий бойликларини намойиш этиш ва улардан мустақил фойдаланиш имкониятларини қўлга киритди. Мамлакатимиз ҳудудидаги ер ости ва ер усти бойликларига хўжайин бўлиш имконияти пайдо бўлди. Ватанимиз ҳудудига ривожланган мамлакатларнинг нуфузли корхона ва ташкилотлари ўз техника ва технологияси, маҳсулотлари билан кириб кела бошлади. Жумладан, Андижонда Корея билан ҳамкорликда «Ўз ДЭУ—АВТО» қўшма корхонаси, Самарқандда Ўзбекистон-Туркия «Сан—Қоч—Авто» заводи, «Зарафшон Ньюмонт» қўшма корхонаси ва бошқа йирик-йирик Ўзбекистон—хорижий мамлакатлар қўшма корхоналари ташкил этилди ва ишга туширилди. Тарихан қисқа бир даврда Ватанимиз дунёга танила бошлади.

Ватан, халқ бор жойда ватанпарварлик туйғуси пайдо бўлади. Бу туйғу инсонни жасоратга, эзгуликка, ҳалол меҳнатга даъват этади. Миллатни миллат бўлиб шаклланишида турли ҳаёт тўфонларидан омон сақлаб қоладиган ҳам ватанпарварлик туйғусидир. «Ватанпарварлик — кишининг ўзи туғилиб ўсган, камол топган жой, замин, ўлкага бўлган меҳр-муҳаббатини, муносабатларини ифода этадиган ижтимоий ва маънавий, ахлоқий хислатлари, фазилатларидир»¹.

Юртбошимиз айтганларидек: «Мустақил ўзбек давлати — халқимизнинг тарихий ютуғидир. Ўз давлати билан фахрланиш, фуқароларнинг ватанпарварлиги жаҳондаги кўпгина мамлакатларнинг илғор марраларига чиқиб олишида ёрдам берган. Мамлакатимиз тупроғида яшаб турган ва ўзини ватанпарвар деб ҳисоблаган ҳар бир киши унинг яхлитлиги ва бирлигини асраб-авайлаши шарт»².

Ватанпарварлик — инсон маънавий етуклигининг энг юксак мезонларидан, истиқлол мафкурасининг негизи-

¹ Мустақиллик: Исоҳли илмий-оммабоп луғат. Тошкент, «Шарқ», 1998, 34-бет.

² Мустақиллик: Исоҳли илмий-оммабоп луғат. Тошкент, «Шарқ», 1998, 34-бет.

ни ташкил этувчи қадриятларидан биридир. Ватанпарварлик туйғуси бўлмаган инсон жонсиз кесакдан фарқ қилмайди.

Ватанпарварлик ҳиссини ўз фарзанди қалбига сингдира олган ота-онанинг, шундай руҳ билан яшайдиган халқнинг келажаги порлоқдир. Юртини севган, унинг порлоқ келажагига ишонган ҳар бир фуқаро, ҳар бир ёш учун юрт тараққиётига улуш қўшиш асосий мақсад бўлмоғи зарур.

Миллий ғурур ва миллий онг ватанпарварлик мезонларидан ҳисобланади. Шунинг учун жамиятимизнинг ҳар бир фуқароси, ота-она, давлат ва жамоат ташкилотларининг асосий вазифаларидан бири — ватанпарварлик, миллий онг ва миллий ғурурни. ёшлар онгига сингдиришдан иборатдир. Ватанпарварлик туйғуси жуда кенг қамровли эътиқод мазмунига эга бўлиб, у қуйидагиларни мужассам этади:

Ватанпарварлик — ўзи туғилиб ўсган оиласи, жойи, Ватанига ҳурмат, эъзоз, эътиқод ва муҳаббат демакдир.

Ватанпарварлик — ота-онаси, қариндош-уруғлари, дўсти-биродарлари, халқи, миллати, Ватанига муҳаббат ва садоқатдир.

Ватанпарварлик — оила шажараси, авлодлар анъаналари, урф-одатлари, касб-корлари, ахлоқий-маънавий қадриятларини моҳиятан чуқур билиш ва уларга нисбатан ҳурмат, авлод-аждодлардан фахрланиш туйғуси мажмуидир.

Ватанпарварлик — Президентимиз томонидан қабул қилинаётган Фармонлар, Парламентимиз томонидан қабул қилинаётган қонунлар, ҳукумат қарорлари, халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни билиш, ҳурмат қилиш ва уларга кундалик ҳаётда тўлиқ амал қилишдан иборатдир.

Ватанпарварлик — давлат рамзларининг моҳиятини мукамал билиш, ундан ғурурланиш, дунёқарашнинг кенглиги, сиёсий онг ва тафаккурнинг шаклланганлиги демакдир.

Ватанпарварлик — халқимиз, Ватанимиз тарихи, тили, адабиёти, санъати, дини, маданиятини, авлодлар меросини мукамал билиш ва уларни дунё миқёсида намоён этишда фаоллик кўрсатишга эришишдир.

Ватанпарварлик — Ватан осойишталиги, ота-она, эл-юрт, жигаргўшалар тинчлигини сақлаш, ҳимоя қи-

лиш учун жисмоний ва маънавий тайёр бўлиш, ҳарбий ватанпарварлик сир-асрори билан пухта қуролланиш, билим, малака ва кўникмага эга бўлишдир.

Ватанпарварлик — ҳалол меҳнат қилиш замирида мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ривожланишига муносиб улуш қўшиш, эл-юрт манфаатларини ўз манфаатларидан юқори қўйиш демакдир.

Ватанпарварлик — мамлакатимизда яшаётган халқлар, элатлар ва миллатларнинг тили, дини, маданияти, урф-одатлари ва анъаналарига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш ва уларни ўрганиш, миллатлараро дўстлик, ҳамкорлик ўрнатиш йўлида фидойилик кўрсатишдан иборатдир.

Ватанпарварлик — Ватанни ҳар қандай душманлардан (ички ва ташқи) ҳимоя этиш, миллат, халқ, Ватан озодлиги, эркинлиги йўлида керак бўлса жонини ҳам фидо қилиш демакдир.

Ватанпарварлик — жамият равнақи йўлида жасорат ва қаҳрамонлик кўрсатиш ҳиссининг мужассамлигидир.

Ватанпарварлик — ҳар ишда ташаббускорлик, ижодкорлик, тадбиркорлик кўрсатиш демакдир.

Ватанпарварлик — инсондаги мустаҳкам имон ва эътиқод, соғлом тафаккур ва соғлом фикр бирлигидир.

Ватанпарвар инсон ғийбат, лоқайдлик, хиёнат, сотқинлик, миллатчилик, маҳаллийчилик каби иллатлардан йироқдир.

Ватанпарварлик амалиётда намоён қилиш мезонларидан энг муҳими фидойиликдир. Фидойилик шунчаки оғзаки айтиладиган сўз эмас, балки у амалий фаолият билан боғлиқдир. Ватан равнақи, халқ фаровонлиги, оила мустаҳкамлиги ва барқарорлиги йўлида ҳалол меҳнат қилган, янгиликларга интилган, адолатсизликка бешафқат бўлган, фақат оптимистик руҳ билан куйиб-ёниб яшайдиган, авлод-аждодлар, ота-она, Ватан, миллат, келажак авлод олдидаги ўз бурч ва мажбуриятларини виждонан ҳис этган ва уларни бажарган, Ватан, эл-юрт хоинларига нисбатан нафрат билан муносабатда бўлган, жамият ва табиатдаги воқеа ва ҳодисалар, моддий ва маънавий бойликка «меники», «бизники», «мен», «биз» масъулмиз деган тушунчалар билан муносабатда бўлган, ютуқлардан ғурурланиб, камчиликлардан изтироб чекадиган инсонгина фидойидир.

Ҳақиқий фидокор инсон ўз олдига мақсад қўя олади

ва шу мақсадни амалга ошириш учун бор куч ва имкониятини сафарбар этади. Мақсадли ҳаёт режали, баракали ва қизиқарли, ширин ўтади.

Мақсадсиз ҳаёт инсонни жаҳолатга етаклайди, унинг учун турмуш зерикарли, ўтган умри маъносиз ва мазмунсиз бўлади. Инсон нима учун яшайпти, ҳар бир ишдан муддаоли нима эканини ҳис эта олаётгани унинг кундалик турмушида, меҳнат фаолиятида собитқадамлик, ҳаётида чуқур маъно бўлади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар ҳар бир фуқародан, айниқса, ёшлардан фидокорлик кўрсатишни тақозо этади. Шу боисдан ҳам фидокор кучларни бирлаштирувчи республикада «Фидокорлар партияси» ташкил этилди. Ушбу партиянинг асл мақсади келажаги буюк Ўзбекистонимиз равнақи, гуллаб-яшнаши йўлида жонбозлик билан меҳнат қиладиган, соғлом фикрли фидокор ёшларни бирлаштиришдан иборатдир.

Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоизини ёшлар ташкил этади. Шунинг учун Ватан келажаги ёшлар қўлида. Давлатимиз ва ҳукуратимиз ёшлар тарбиясига, уларда ватанпарварлик ва фидокорлик сифатларини шакллантиришга алоҳида эътибор бермоқда.

Фидокорликни намоён этиш учун маънавий муҳит, маънавий фаолият, маънавий ўзликни англаш тизимини яратиш ва шу асосда ёшларда ватанпарварлик, фидойилик хусусиятларини шакллантириш ҳар бир фуқаронинг, ота-она ва жамоатчиликнинг асосий вазифасидир.

Лекин 1999 йил 16 февралда Тошкент шаҳрида бўлган даҳшатли террористик воқеа баъзи бир ёшларимизда ватанпарварлик туйғуси шаклланмаганлигидан далолат беради. Нега бу воқеа юз берди? Наҳотки, Ватанни вақтинчалик мансабу бойликка алмаштириш мумкин? Қайси оқпадар ўз онасига, Ватанига, халқига қўл кўтаради? Албатта, бундайларни инсон дейиш мумкин эмас. Чунки оддий ҳайвонлар ҳам ўзи туғилиб ўсган жойини ҳеч қаерга алмаштирмайди, парвариш қилган эгасини севади, у оламдан ўтса ҳатто йиғлайди. Масалан, ит ўзи яшайдиган хонадонга бегона кишини киритмайди, эгасини эса вафодор қўриқчиси бўлиб, уни ҳар қандай бало-қазолардан асрайди. Ёки, «Мерки» балиғи ўзи дунёга келган кичкинагина ирмоққа тубсиз, поёнсиз денгиздан қанчадан-қанча тўсиқларни, азоб уқубатларни енгиб ўтиб, насл қолдириш ёки ўз ҳаётининг сўнгги

дамларини кечириш учун келади. Оддий бир жониворда мавжуд кучли Ватан туйғуси баъзи бировларда бўлмагач, уларни ким ҳам деб аташ мумкин? Ахир, чўлу биёбонлар ҳам, тоғу тошлар ҳам халққа фойда келтиради. Лекин Ватанни сотган ватангадолар, уни тинчлиги, осойишталиги, ривожини кўриб, ич-ичидан ёнадиган ҳасадгўй ватанфурушлардан ҳеч қандай фойда йўқ. Ахир, Ватансиз инсон қабрсиз ва кафансиз мурдадан фарқ қилмайди. Бундайларнинг умри қисқа бўлиб, халқ нафратига, қаҳр-ғазабига албатта учраши муқаррар.

Ватан соғинчини билмаган ватангадоларнинг ҳиссиз, жонсиз кесакдан фарқлари йўқдир. Инсон учун виждон азобидан оғир азоб, эл-юрт нафратига учрашдек оғир жазо йўқ. Шунинг учун ҳар бир инсон, ўсиб келаётган ёш авлод бу аччиқ ҳақиқатни қалбларига жо қилмоғи ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Ёш авлод қалбида ватанпарварлик туйғусини шакллантириш ҳар бир ота-онанинг, тарбиячи-мураббийларнинг, жамоатчиликнинг Ватан олдидаги бурчларидир.

Ёшлар онгида ватанпарварликни шакллантириш билан боғлиқ ишлар қуйидаги йўналишларда амалга оширилса, ижобий натижа бериши табиийдир:

— маҳаллалар, оилалар ва ўқув муассасалари ҳамкорлигида амалга оширилаётган маданий-маърифий тадбирлар;

— мактабгача тарбия муассасалари, умумтаълим мактаблари, олий ва ўрта махсус таълим ўқувчи, талабалар, ёшлар ва бошқа тоифадаги фуқаролар ўртасида олиб борилаётган тадбирлар;

— оммавий ахборот воситалари, матбуот воситасида амалга оширилаётган ватанпарварлик ғояси билан йўғирилган тадбирлар;

— ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини амалга оширувчи тадбирлар;

— маънавий-маърифий ишларни такомиллаштириш, самарадорлигини ошириш билан боғлиқ илмий-назарий, илмий-амалий ва илмий-методик йўналишларда тадқиқот ишлари олиб бориш, социологик тадқиқотлар ўтказиш;

— халқлар, миллатлараро дўстлик-биродарлик, аҳиллик, тотувликни таъминлашга қаратилган тадбирлар;

— маданий ва маърифий, ижодий ташкилотлар томонидан аҳолининг маънавий маданиятлилик даража-

сини ошириш, уларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш мақсадида амалга ошириладиган тадбирлар.

Ушбу йўналишдаги тадбирларни амалга ошириш учун аввало ҳар бир таълим муассасасининг мутасадди жамоат ва давлат ташкилотлари билан ҳамкорлик дас-тури ишлаб чиқилмоғи ва уни амалга оширишнинг ме-ханизми яратилмоғи зарур.

Ёшларда ватанпарварлик, албатта, ўз-ўзидан тарбия-ланмайди. Балки таълим-тарбиявий ишларнинг сама-рали шакл ва методларидан ҳар бир ўқув даргоҳининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда фойда-ланмоқ зарур. Дарҳақиқат, қуйидаги каби ватанпарвар-фидойилар клублари, ватан ҳимоячилари тарғибот-таш-виқот гуруҳларининг ташкил этилиши муҳим:

— жисмонан бақувват ватанпарварларни тарбия-лашда халқимизнинг қадимдан қадрият даражасига кў-тарилган миллий жисмоний чиниқтирувчи ўйинларидан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш;

— талаба ёшлар кучидан фойдаланган ҳолда ўлка-шунослик йилномаларини чоп этишни ташкил этиш;

— бўш вақтни фаол ташкил этиш, яъни, ҳар бир оила, таълим муассасаси, маҳаллаларда миллий касб сирларини ўргатиш механизмини яратиш муҳим роль ўйнайди.

Ушбу тадбирлар мажмуаси негизида йирик оилавий спорт мусобақалари, қўшиқ байрамлари, оилавий ан-самблларнинг кўрик танловлари, санъат байрамлари, иқтидорли ижодкор ёшлар билан ўтказиладиган ижодий кечалар, миллий мусиқа, рақс, қўшиқ, миллий эстрада санъатини кенг тарғиб этишга қаратилган махсус те-лекўрсатувлар, телерадио дарслари ташкил этиш, ҳар бир йигит-қизнинг маънавий онги ва тафаккурини шакл-лантиришда ижобий натижалар беради.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида эришган ютуқларимиз истиқлол ғоялари билан суғорилган кўр-газмали тарғибот воситаларини шакл ва мазмун жиҳа-тидан ранг-баранглигини таъминлаш, халқ оғзаки ижоди намуналарини куйловчи оилавий бахшилар ва уларнинг сулолалари чиқишларини ташкил этиш, уларнинг ижо-ди асосида ҳужжатли фильмлар яратиш, ҳар бир оила-га миллий маърифатнинг кириб боришини таъминлаш маънавий баркамол, ватанпарвар фуқароларни тарбия-лашда муҳим восита ҳисобланади.

Ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлашти-

риш, диний ақидапарастликнинг олдини олиш, маънавий тубанлик, зўравонлик каби иллатларни батамом йўқ қилишга эришиш мақсадида ҳар бир идора ва ташкилотда, таълим-тарбия муассасаларида, жамоа хўжаликларида махсус «маънавият кунлари», «маънавият сабоқлари» — ўқувлари; музей, тарихий қадамжоларга саёҳатлар, Ватан, меҳнат қаҳрамонлари, тарихий ва таниқли шахслар билан учрашувлар ўтказиш, ижодкор оилалар ва ёшлар клублари ташкил этиш, аждодларимиз маданий мероси, қадамжолар, тарихий ёдгорликлари, урф-одатлари, тўй ва мотам маросимлари, халқ оғзаки ижоди, ўзбек миллий ҳунармандчилик намуналарини ўрганиш ва келгуси авлодларга етказиш мақсадида саёҳат ва илмий экспедициялар уюштириш ватанпарвар ёшларни шакллантиришнинг самарали йўллари дир.

Оилада ёш авлодни ота-она намунаси, оила анъаналари, шажараси, касб-кори, ахлоқий-маънавий қадриятлари асосида тарбиялаш, улар онгида оиллага садоқат, ўзаро меҳр-муҳаббат, ҳурмат ҳиссини шакллантириш воситасида уларни ойлавий ҳаётга тайёрлаш қутилган натижа беради. Бунинг учун ота-оналарни тарбия жараёнига тайёрлаш мақсадида ота-оналар университетлари ишини тиклаш ва такомиллаштириш, умумтаълим мактаблари, олий ва ўрта махсус таълим мазмунига «Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш» курсини киритиш мақсадга мувофиқдир. Ота-оналар ва оила тарбиясида методик ёрдам берувчи оила кутубхонаси сериясидаги китобчалар ва махсус «Оила» журналинини нашр қилишни йўлга қўйиш, барча йўналишлардаги олий ва ўрта махсус таълим муассасаларига «Оила психологияси ва педагогикаси» курсини жорий этиш оилани намуналар тарбия масканига айлантириш воситасидир.

Шундай қилиб, Ватан муқаддаслигини сақлаш, ватанпарварлик туйғуси билан халқ, давлат, мамлакат ривожига улкан улуш қўшиш ҳар бир фуқаронинг жамият, келажак авлод олдидаги бурчидир. Бу бурчни ҳалол, пок, фидойилик ва жасорат билан бажарган инсонгина ҳақиқий ватанпарвардир.

Юртбошимиз айтганларидек: «Шу азиз ватан барчамизники. Уни бахт-саодати, ёруғ истиқболи, фаровон келажаги учун яшаш, курашиш, керак бўлса жонни фидо қилиш шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир

инсон учун бахтдир»¹. Ватан келажаги, халқнинг бахт-саодати учун миллий ғурури юксак инсон курашади. Миллий ғурур эса миллий ўзликни англаш билан бево-сита боғлиқдир.

Зотан, миллий ўзликни англаш — ватанпарварлик-нинг ёрқин намунаси. Инсониятнинг пайдо бўлиши билан аста-секин унинг тили, урф-одатлари, анъаналари, дини, маданияти, эзгуликни ифода этувчи ахлоқ-одоб нормалари ҳам вужудга кела бошлаган.

Уларнинг мазмунида халқнинг ҳаёт тарзи, руҳияти, маънавияти, хулқ-одоби мезонлари, келгуси фаровон турмуш ҳақидаги орзу-ўйлари ўз аксини топган. Давр синовларидан ўтган маънавий ва моддий бойликлар мазмунан бойиб, сайқалланиб қадрият даражасига кўтарилиб келмоқда. Шунинг учун ҳам ҳар бир халқнинг, миллатнинг ўз тарихи, у билан боғлиқ қадриятлари мавжуд.

Ҳар бир халқнинг ўз тили, маънавияти ва маърифати, табиати, ахлоқ-одоб нормалари, дин-этиқоди, тарихи, адабиёт ва санъати, маданий ёдгорликлари, ўзига хос қадриятлари, урф-одатлари, анъаналари, биологик-физиологик, психологик хусусиятлари, ички муҳити, ижтимоий тараққиёти ва шу қабилар миллатнинг ўзлигини ташкил қилади.

Миллий ўзликни англаш эса ҳар бир миллатнинг, элатнинг ўз тарихи, моддий бойлиги, дини, маданияти, адабиёти, санъати, ахлоқий-маънавий хулқ-атвори, хатти-ҳаракат мезонлари, урф-одат ва анъаналарини мазмун ва моҳиятан билиш, улардан фахрланиш ҳамда уларни шакл ва мазмун жиҳатидан бойитиш, келгуси авлодларга етказиш, шунингдек уларни бошқа миллатларга намойиш этиш эҳтиёжининг қудрати демакдир.

Миллий ўзликни англаш ўзи дунёга келиб ўсган оиласи, маҳалласи, Ватанини севиш, ота-онаси, қариндош-уруғлари, дўсту биродарлари, халқи, миллатига чуқур ҳурмат ва эҳтиромдир. Уларнинг шажараси, ўтмиш авлод-аждоғлари, касб-кори, ахлоқий-маънавий қадриятларини мукамал билиш ва улардан фахрланиш ҳисси демакдир.

Халқ, Ватан манфаатларини ўз манфаатларидан юқори қўйиш, керак бўлса, уларни ҳар қандай душ-

¹ Каримов И. А. Шу азиз Ватан — барчамизники. Тошкент, Университет, 1995. 23-бет.

манлардан, салбий таъсирлардан ҳимоя этиш учун жонни ҳам фидо этиш — ўзликни юксак даражага кўтариш демакдир. Миллат, оила, Ватан шаъни, обрў-эътибори, қадр-қиммати, ҳамияти, ғурури камситилган, топталган вақтда уни қўриқлаш, ҳимоя этиш учун бирлашиш, курашиш ўзликни англаганликнинг намунаси дур.

Миллий ўзликни англаш, миллатнинг абадийлигини таъминловчи, унинг моддий ва маънавий бойликларини, манфаатларини ҳимоя этиш, кўз қорачиғидек асраш, умрбоқийлигини таъминлашда ҳар бир фуқарони онгли равишда жипслашишга, бирлашишга даъват этувчи, ўз мазмунида миллий ғурур, муҳаббат, ватанпарварлик, садоқат, ифтихор каби тушунчаларни мужассам этувчи юксак туйғудир.

Миллий ўзликни англаш умуминсоний қадриятларни инкор этиш ёки бошқа миллат маънавий ва моддий бойликларини ҳурмат қилмаслик ҳолатидан узоқроқдир. Аксинча, ўзга миллат ва халқларнинг тили, дини, моддий ва маънавий қадриятлари, анъаналарини билиш, ҳурмат қилиш замирида ўз миллий меросини шаклан ва мазмунан бойитиш ўзликни англашда муҳим аҳамият касб этади.

Миллий ўзликни англаш миллатчилик, маҳаллийчилик каби ҳолатлардан бутунлай йироқдир. Ўзлигини англаган инсон ҳеч қачон сотқинликка, хиёнатга, разолатга қўл урмайди.

Ўзбек миллати тарихида миллий истиқлол тантанаси туб бурилиш ясади. Миллий ўзликни англаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Халқимиз асрлар давомидаги онг, тафаккур қўллагидан озод бўлди. Шўролар тузуми даврида ўз миллий маънавиятимиз, анъаналаримиз, руҳиятимиз, ахлоқий-маънавий қадриятларимиз умумсовет қозонига қўшилиб, ўз қадр-қимматини бутунлай йўқота бошлаган эди. Уларни соф миллий қадрият тарзида сақламоқчи, умрбоқийлигини таъминламоқчи, шакл ва мазмун жиҳатидан такомиллаштирмоқчи, ёш авлодни миллий руҳда тарбияламоқчи бўлган миллатимизнинг жасур фарзандлари «халқ душмани» ёрлиғи билан қатағон қилинди, жисман йўқотилди.

Шукрлар бўлсинки, мамлакатимиз мустақиллиги ва истиқлол инъом этган буюк неъматлардан бири эркинлик ва ўзлигимизни англаш имконияти вужудга келганлиги бўлди.

Дарҳақиқат, буюк неъматдан баҳраманд бўлиш, уни авайлаб-асраш, келгуси авлодларга етказиш, халқро саҳнада миллат мавқеини ошириш Ўзбекистонлик ҳар бир фуқаронинг бугун ва келажакдаги бурчидир.

Ўзлигини англаган миллат, халқ абадий яшаши муқаррардир.

МАРОСИМЛАР — МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТ

Ўзбек халқининг пайдо бўлиш тарихи қанчалик узоққа бориб тақалса, унинг миллий анъаналари, урф-одатлари, маросимлари ҳам шунчалик терең тарихий илдизга эгадир. Улар халқнинг маънавий эҳтиёжлари замирида пайдо бўлиб, шаклланиб, сайқалланиб ўз мазмунида шу халқнинг орзу-ўйлари, истаклари, турмуш тарзи, ахлоқ нормаларини мужассам этади. Шунинг учун ҳам ҳар бир халқ, миллат, элат уларни кўз қорачиғидай авайлаб-асраши, тараққий эттириши, келгуси авлодларга маънавий қадрият сифатида етказмоғи лозим.

Дарҳақиқат, анъаналар, урф-одатлар, маросим ва байрамлар халқнинг, миллатнинг маънавияти, қадриятларининг ажралмас қисмидир. Йўлбошчимиз И. Каримовнинг саъй-ҳаракатлари туфайли жамиятни маънавий юксалтириш, миллий қадриятларимизни тиклаш, уларнинг умрбоқийлигини таъминлаш борасида жуда катта ғамхўрликлар қилинмоқда. Шу амалга оширилаётган ижобий ва савобли ишлар, шунингдек маросимларнинг мазмунига ҳам алоҳида эътибор беришни тақозо этади. Бу эса мамлакатимиз келажакдаги ёшларни миллий қадриятларимиз воситасида маънавий баркамол қилиб тарбиялашда муҳим рол ўйнайди.

Юртбошимизнинг 1998 йил 28 октябрдаги тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни, марҳумларни хотираларига бағишланган тадбирларни ўтказишни тартибга солишга бағишланган фармонлари аждодларимизнинг оилавий қадриятларини тиклаш, мазмун ва моҳиятини бозор иқтисоди талаблари даражасида шакллантиришда методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Шукроналар бўлсинки, халқимиз мустақиллик ша-рофати билан ўзлигимизни намойиш қиладиган анъаналаримиз, оилавий-маиший қадриятларимиз, урф-одатларимизни қайтадан тиклаш, уларни мазмунан бойитиш, умрбоқийлигини таъминлаш имкониятига эга бўлди.

Шарқ халқларининг муҳим қадрияти ҳисобланган «Наврӯз», «Меҳржон» байрамлари, қадимий диний қадриятлар ҳисобланмиш «Рӯза ҳайит» ва «Қурбон ҳайит» лари халққа қайтарилди. Улар билан боғлиқ расм-русум, урф-одатлар, удумларни давр талабига, инсонларнинг эҳтиёжига мослаштиришга ҳаракат қилинмоқда. Бу ҳам бўлса истиқлол шарофати, мустақиллик туфайли кўлга киритилган эркинлик мевасидир.

Юртбошимиз И. А. Қаримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида айтганларидек: «Инсон маънавиятининг, юксак ахлоқ ва маданиятининг, гўзал миллий анъаналарни қайта тиклашининг муаззам қатламлари очилди. Энг муҳими эса — инсон ва фуқаронинг фикрлаши ва дунёқараши ўзгармоқда, сиёсий ва ижтимоий онги, унинг умумий савияси тўхтовсиз ўсиб бормоқда». Албатта, бу ўринда халқ анъаналари, маросимлари улар билан боғлиқ расм-русум, удумларнинг ҳам тарбиявий таъсири ниҳоятда каттадир.

Лекин, бир ижтимоий тузумдан иккинчисига ўтиш жараёнида халқ анъаналари, урф-одатлари ва маросимларини давр руҳига мослаштириш, уларни миллий, қолаверса, умуминсоний қадриятлар даражасига кўтаришда бугун олиб бораётган ишларимиз етарлими? Мугасадди давлат ва жамоат ташкилотлари зиммасида қандай вазифалар турибди? Ўзбек халқининг кундалик турмуши билан боғлиқ бўлган тўй ва мотам маросимлари қандай бўлмоғи зарур? деган саволларга жавоб излаш, амалий чора-тадбирлар белгилаш давр тақозосидир.

Халқимиз ўзининг хурсандчилигини ҳам, хафақонлигини ҳам турли маросимлар, расм-русумлар, удумлар орқали намойиш қилади. Жумладан, халқимиз томонидан ўтказиладиган тўй тантаналари, мотам маросимлари, улар билан боғлиқ хилма-хил урф-одатлар фикримизнинг далилидир.

Ўзбеклар қадимдан тўй турларига бой халқ. Суннат тўйи, никоҳ тўйи, соч тўйи, тиш тўйи, бешик тўйи, биринчи қадам тўйи, фотиҳа тўйи, аскар тўйи, уй тўйи, муҷал тўйи, эллик ва ундан ортиқ ёшларни нишонлаш тўйлари, рамазон ва қурбон ҳайитлари ва ҳоказоларнинг ҳар бири, тўйгача, тўй давомида ва тўйдан сўнг ўтказиладиган расм-русумлар билан тантанали нишонланади.

Тўй онлавий байрам бўлса-да, у барча қариндош-уруғ, маҳалла-кўй, дўсту биродарлар билан баҳам кўрилади.

Албатта, бу ижобий ҳол. У кишиларда ҳамжиҳатлик, аҳиллик, меҳр-оқибат, хайр-саховат, имон-эътиқод, меҳмондўстлик, инсонпарварлик, дўстлик каби фазилатларни тарбиялашга хизмат қилади.

Тўйда халқимизнинг миллий менталитети, ўзлиги том маънода акс этади. Лекин тўйлар халқимизнинг маънавий юксалишида қанчалик ижобий рол ўйнама-син, уни ўтказиш билан боғлиқ баъзи ортиқча расм-русумлар, одат тусига кириб бораётган сунъий удумлар жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, оилаларнинг маиший барқарорлигининг таъминланишига ўзининг салбий таъсирини ўтказиши табиийдир. Жумладан, баъзиларнинг меҳнатсиз топган бойликлари, баъзиларнинг эса бола-чақасини яхши едирмаслик, кийинтирмаслик эвазига тежалган маблағ ҳисобига, катта миқдорда қарз олиш, оила бюджетида мавжуд маблағни тўлиқ сарф қилиш ҳисобига ёки баъзи кимсаларнинг ҳалол меҳнатсиз қинғир йўллар билан топилган бойликлари эвазига етти иқлимга номи кетган дабдабали тўй ўтказишга интилишлари бозор муносабатлари шароитида сохта бойваччаликдан ўзга нарса эмас. Сохта обрў орттириш учун ўзини унутиш, ортиқча дабдабазлик, шуҳратпарастлик ҳеч кимга шон-шуҳрат келтирмаган, келтирмайди ҳам.

Шунинг учун тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар марҳумларнинг хотираларига бағишланган тадбирларни ўтказишда ортиқча дабдабазлик, шуҳратпарастлик каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун ҳар бир киши ўз имконияти даражасида, ушбу маросимларни мазмунли, ихчам, тежамкорлик билан ўтказишга ўз улушини қўшсагина оиланинг маънавиятига ҳам, моддий ҳолатига ҳам салбий таъсир қилмайди.

Ўзбек халқининг тўй-маросимлари жуда гўзал, мазмунан ранг-баранг, ҳар бир минтақада ўтказиладиган тўйларнинг бир-бирига ўхшамайдиган хусусиятлари, расм-русумлари мавжуд. Бу эса халқимизнинг маънавияти қанчалик бой эканлиги, инсонпарварлиги, гўзал ҳаётга ошиқмандлиги, меҳмондўстлиги, шоду хуррамликка мойиллигидан далолат беради.

Аммо ҳаётимизда тўйлар билан боғлиқ маросимлар

турларининг ихчамлашиши ва камайиши ўрнига баъзан меъёридан ортиқ кўпайиб бораётганлигини ижобий ҳол деб бўлмайди.

Масалан, никоҳ тўйи билан боғлиқ маросимлар: совчи кутар, қиз кўрди, ҳадя этиш, оқ ўрар, унаштириш, фотиҳа тўйи, кичик маслаҳат, катта маслаҳат, тўй қабул қилиш, уй безаш, кийим тахлар, келиннинг биринчи ва иккинчи ҳайити, уй кўрар, қиз базми, никоҳдан ўтиш базми, сабзи тўғрар, сарупо бичар, эркаклар учун наҳор оши, аёллар учун базм, кечки никоҳ базми, юз очди, келин чаллар, қовурдоқ, куёв чақириқ, қуда чақириқ, келин йўқловлари каби маросимлар шунчаки ўтказилмайди, балки улар негизида қанчадан-қанча ортиқча сарф-харажатлар ётишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Қадимдан қизларни бисот билан турмушга бериш, йигитларга маълум миқдорда мерос бериш ота-онанинг бурчи ҳисобланиб келинади. Бу, албатта, яхши одат: Чунки ёш оила моддий томондан ўзини тутиб олгунга қадар ота-она қилган бисот келин-куёвга асқотади. Иккинчи томондан, ота-она қилган бисот улардан ёдгорлик сифатида ҳам қадрлидир.

Лекин ушбу қадриятни баъзи ота-оналар томонидан суниестемол қилиш ҳолларининг пайдо бўлиши сохта шуҳратпарастлик, манманлик, ўзини-ўзи кўз-кўз қилишдан бошқа нарса эмас. Ота-онанинг ўғилга данғиллама ҳовли-жой, машина, уй-рўзғор жиҳозларини, қизга эса керагидан ортиқча кийим-кечак, уй анжомлари, мебел, тилла, бриллиант, бошқа турли зеб-зийнат, тақинчоқлар тортиқ қилиши аввало уларнинг маънавий қашшоқлигидан далолатдир. Қолаверса, ёш келин-куёвни келажак ҳаётга, оилани моддий ва маънавий мустаҳкамлашга бўлган интилишини йўқотишга, ҳаётга лоқайд қарашга, кундалик рўзғор буюмларига эътиборсизликка, меҳнатни севмасликка олиб келувчи иллатдир. Меҳнатсиз қўлга киритилган бойлик қадрсиз бўлиши оддий аксиома, у ҳеч қачон инсонга тахт бўлса-да, бахт бўла олмайди. Бундай дабдабазликка имконияти йўқ, ўрта миёна оила ўғил ва қизларининг руҳан камситилиши, қалбига дарз кетиши, ҳатто баъзи оилаларнинг бузилиб кетишига ҳам сабаб бўлиши мумкинлигини унутмаслигимиз лозим.

Шунингдек, «кийим кўрди», «сарпо очди», «сарпо ёзди», «сарсон сарпо» ва бошқа шунга ўхшаш маънавий таъсирсиз одатларга барҳам бермоқ зарур. Бу одат-

лар қудалар ўртасида баъзан нохушлик ҳолатларини келтириб чиқаради. Жамиятимизда ҳукм сураётган бозор иқтисоди бу масалаларга ақл-идрок, тежамкорлик, тадбиркорлик билан муносабатда бўлишни талаб этишини ҳар бир ота-она, балоғат остонасида турган йигит-қиз чуқур англаб етмоғи зарур.

Қадимда тўй-базмларда ўйин-кулгу, шеърхонлик, кураш, кўпқари, аскиябозлик қилинган. Бахшиларнинг ўзаро ўтказилган беллашувлари тўйларга нафис ва латиф кайфият бағишлаган.

Бу усул билан тўй тантаналари қизиқарли, мазмунан бой, ўйин-кулги, шод-хуррамлик билан ўтказилган. Шунинг билан бирга халқ миллий қадриятлари тарғиб этилган, сайқал топган, авлоддан-авлодга етказилган. Шу йўсинда халқнинг, ёш авлоднинг маънавий маданияти шакллантириб борилган.

– Лекин, баъзан никоҳ тўйларини кузатганимизда бу ҳолатнинг аксини кўрамиз. Жумладан, тўй тантаналарида спиртли ичимликларни меъеридан ташқари кўп тортилиши, баъзан хотин-қизлар, ёш ўсмирларнинг ҳам ундан истеъмол қилиши, исрофгарчиликлар, баъзан тўйма-тўй юрадиган беҳаё рақосаларнинг ноахлоқий хатти-ҳаракатлари, ярим тунгача халқни тинчлигини бузувчи мусиқа сурони, баъзиларнинг узундан-узоқ, ўринсиз ваъзхонликлари тўйни файзли, мазмунли ўтишига салбий таъсир кўрсатиши табиийдир. Рақс тушувчилар устидан пул сочиш, келин-куёвни рақсга тушириш, қудаларни, аммалару холаларни қайта-қайта даврага чорлаб, рақсга таклиф этиш моддий манфаатдорлик илинжида келган баъзи хонандалар ўйлаб чиқарган янгича одатлардан ўзга нарса эмас. Шунингдек, ёш келин-куёвнинг даврага чиқиб рақсга тушиши ҳам миллатимиз маънавиятига тўғри келмайди. Дарҳақиқат, ёш келин ва куёв ўз ҳаёси, ибоси, ахлоқий хатти-ҳаракати билан тўй иштирокчилари қалбида сирли олам бўлиб қолмоғи лозим.

Никоҳ тўйи билан боғлиқ қуйидаги масалаларни ўйлаб кўриш зарур. Масалан, никоҳдан ўтиш маросимининг ресторан ёки кўп чиқим талаб қиладиган жойларда катта тўй тарзида нишонланиши зарурми? Сон-саноксиз бир хилдаги енгил автомашиналар, қулоқни қоматга келтирадиган, маҳаллани ларзага соладиган машиналарнинг жўр овозлари, уларни катта миқдордаги маблағ эвазига ижарага олиб, йўл транспорти ҳаракатига

салбий таъсир этиш одобданми? Уша маросимни никоҳ базми таркибига киритиш, никоҳни қайд этиш идоралари ходимлари тантана иштирокчилари гувоҳлигида ёш келин-куёвга никоҳ гувоҳномасини топширгач, тўйни бошламоқ зарур. Бу эса ота-оналарнинг никоҳ тўйини камчиқимли ўтказишлари учун заминдир.

Кейинги вақтларда пайдо бўлган яна бир масалага эътиборсиз қараш мумкин эмас.

Одатда, никоҳ тўйларида келин-куёвга ҳаётда кўпни кўрган, унинг паст-баландини билган, маҳалла-қўйда обрў-эътиборга лойиқ, ували-жували отахонлар, онахонлар яхши тилаклар билдирмоқлари, панд-насиҳат қилмоқлари лозим. Лекин гоҳо куёв жўра, келин дугоналари никоҳ базмларда биринчилар қаторида сўзга чиқиб, гўёки турмуш сўқмоқларини босиб ўтган катталардек, келин-куёвга оилада ҳамма вақт ҳам рисоладагидек турмуш бўлавермаслиги, шундай ҳолларда уни мардонавор енгил зарурлиги, қайнона-қайноталарга иззатда, ҳурматда бўлиш лозимлиги, қўша-қўша фарзанд кўриб, уларнинг ҳузур-ҳаловатини кўриш ҳақида ваъз-хонлик қиладилар, тилак билдирадилар. Ҳаётда кўпни кўрган тўй иштирокчилари олдида ҳали турмуш қурмаган йигит-қизларнинг бундай насиҳатомуз табрикларини қандай тушуноқ лозим? Наҳотки, никоҳ тантанасини бошқарувчи, қолаверса, шу маҳалла оқсоқоллари, нуроний онахонларнинг бу борада эътирозлари бўлмаса?

Никоҳ гувоҳномаси тантанали топширилса, кўпни кўрган оқсоқол отахон ёки нуроний онахон мустақил ҳаётга йўлланма бериб, уларга ҳаётда оқ йўл тиласа, етарли. Унлаб маърузачиларнинг бир фикрни ўн хил шаклда қайта-қайта такрорлашига ҳеч ҳам ҳожат йўқ.

Тўйга, одатда, маънавий озиқ олиш, қариндош-уруғ, ёру биродарлар билан учрашиш, дийдорлашиш, хонадон соҳибларининг хурсандчиликларига шерик бўлиш мақсадида борилади. Баъзан шуҳрат кетидан қувиш, манманлик дардига мубтало кимсаларнинг минглаб таниш-нотанишларни тўйга таклиф этиши, тўйга келганлар сони билан уни қандай ўтганлигини белгилаши ортиқча исрофгарчиликдан ўзга нарса эмас.

Дарҳақиқат, ёш болалар иштирокисиз бирор тўй ўтказилмаса керак. Демак, шундай экан улар шу тўйдан маънавий озиқ олсин, авлод-аждодларимиз маданий меросидан баҳраманд бўлсин, уларни ўргансин,

улардаги тарбиявий мазмундан ўзига керакли қадриятларни қабул қилсин.

Баъзан тўйга таклиф этилган хонандаларнинг маънавиятимизга зид, тингловчига ноаниқ бўлган, мазмунсиз, тарбиявий таъсирсиз ашулалари киши кайфиятини кўтариш, қалбларга маънавий озиқ бериш ўрнига акс ҳолатни пайдо қилади.

Назаримизда, шоир ва бастакорларимиз томонидан тўй тантаналарининг турли босқичлари учун хос бўлган куй, қўшиқ ва рақсларнинг туркуми яратилмоғи, шакллантирилмоғи зарур. Тўйларда маърифий, насихат қўшиқларнинг маҳорат билан айтилиши, халқимизнинг қадимий санъат турлари: аския, бахшилар айтишуви, латифа, қизиқчилик намуналаридан ўринли фойдаланиш маънавий қадриятларимиз воситасида халқимизда миллий онг, миллий ғурур ва ватанпарварлик туйғусини шакллантиришнинг омилидир.

Тўй маросимлари билан боғлиқ яна бир муҳим нарса уни ўтказиш маданиятига риоя этишдир. Тўй маросимлари учун махсус жой тайёрлаш, тартибли ўтказиш чора-тадбирларини белгилаш, саранжом-саришталикка риоя этиш, меҳмонларни иззат-икром билан кутиб олиш ва кузатиш, тўй дастурхони ва таомномаси маданиятининг юксаклиги унинг яхши ўтиши мезонларидан ҳисобланади. Чунки, ҳар бир киши фарзандларини уйлантириш ёки турмушга бериш ниятида бутун умр тайёргарлик кўради. Уни эл-юрт қалбида узоқ йиллар сақлаиб қолишини истайди. Тўйга келган меҳмонларнинг ҳар бирининг кўнглини олишга ҳаракат қилади. Бу эса тўйни ўтказиш маданиятига риоя этишга боғлиқ. Афсуски, республикамиз қишлоқларида ҳам, шаҳарларида ҳам аксарият ҳолларда тўйга таклиф этилган меҳмонлар белгиланган муддатда келишмайди, шу сабабли тўйнинг бошланиши номаълум муддатга кечикади. Баъзи вилоятларимизда тўй тантаналари тонг саҳардан ярим тунгача давом этади, ёки тўй тантаналари уч-тўрт кунлаб ўтказилади. Кимнинг қачон вақти бўлса, шунда келади, кун давомида дошқозонларда қайта-қайта таомлар тайёрланади. Бу эса тўй соҳибларига ҳам, тўйга келувчиларга ҳам, хизмат қилувчиларга ҳам мураккаблик туғдиради.

Республикамизнинг баъзи ҳудудларида келин чалларлар ҳам катта бир тантана сифатида нишонланади. Унинг билан боғлиқ ортиқча расм-русумлар куёв томо-

нидан келиннинг ота-онасиникига чалларга келган меҳмонларга тайёрланадиган ўнлаб турдаги таомлар исрофгарчиликдан бошқа нарса эмас. Баъзан чалларга қизнинг ота-онаси хонадонига қанчалик кўп хотин-халаж олиб борилса, гўё йигитнинг ота-онаси учун шунчалик обрў деган тушунча мавжуд эмиш. Ахир, никоҳдан сўнг икки, баъзан уч кун бўладиган чаллар маънавий нуқтаи назардан ҳам мусулмончиликка тўғри келмайди. Кейинги вақтда унга қўшиб қилинаётган куёв қақриқ, қуда қақриқлар ҳам ортиқча маросимлар бўлиб, улардан воз кечиш вақти келди.

Куннинг ҳар бир дақиқаси инсон томонидан режалаштирилиши табиийдир. Шунинг учун тўй тантаналарига иштирок этиш бошқа юмушлар учун режалаштирилган вақт ҳисобига бўлмаслиги лозим.

Бунинг учун эса тўйлар имкон қадар аҳолининг бўш вақтлари, дам олиш, байрам кунлари, иш вақтидан ташқари вақтларда қатъий белгиланган бир муддатда ўтказилмоғи лозим. Бу ўринда Хоразм, Тошкент, Самарқанд шаҳарларида тўй ўтказиш тажрибаларидан республика миқёсида кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Келин либоси бошқа кундалик либосларга нисбатан ўзгача ғурур, ҳаяжон билан кийилади, ўзгача дид билан тикилади. У бир умр қиз бола қалбида келинлик даври ҳақида улуғ хотира бўлиб қолмоғи лозим. Одатда, у оқ ҳарирдан тикилади. Уни шарқона маданият, миллий кийиниш мезонларига мос бахт либоси қилиб яратиш ҳақида ҳам ўйлаб кўрмоқ лозим.

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти тараққий этаётган бир даврда келин либоси билан тадбиркорлик қилаётган ишбилармонларнинг ҳам пайдо бўлаётганлиги салбий ҳолатдир. Натижада, битта келин либосини ўнлаб келинлар бахт оқшомида киймоқдалар, у ҳам бўлса арзон-гаровга берилмайди. Шунинг учун бўлажак келинлар гаров нархига яраша ўзларининг шахсий бахт либосларини тиктирсалар, гигиена қоидаларига ҳам риоя қилган бўлардилар. Миллий бахт кийимлари борасида Фарғона вилояти тажрибаси намуна бўлиши мумкин.

Мамлакатимизда никоҳ тўйлари билан боғлиқ ижобий бир анъана кенг қулоч ёзмоқда. Яъни жойларда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳомийлигида кам таъминланган, моддий ёрдамга муҳтож oilалар фарзанд-

ларининг никоҳ тўйларини «қўша тўйлар» тарзида ўтказиш кенг тус олмоқда. Албатта, бу ижобий ҳолни оммалаштириш — меҳр-саховат намунасидир.

Ўзбек халқининг яна бир ўзига хос тантаналаридан бири — суннат тўйидир. Бу тўй билан боғлиқ кичик ва катта маслаҳат, сарпо бичар, сабзи тўғрар, наҳор оши, аёллар базми, кечки базм, той безаш каби қатор маросимлар ўтказилади. Буларнинг барчасини негизида ортиқча сарф-харажат, исрофгарчилик, бир кунлик тўйни икки ёки уч кунда ўтказиш каби салбий оқибатлар ётади. Никоҳ тўйи ҳам, суннат тўйи ҳам бир кунлик бўлмоғи зарур. Бир кунлик ўтказиладиган тўй тантаналари хонадон соҳибларини моддий-руҳий толиқтирмайди, ортиқча сарф-харажат кетмайди, исрофгарчиликларнинг олди олинади, таклиф этилган меҳмонлар алоҳида эътибор билан кутиб олинади.

Халқимизнинг яхши бир одати тўйга тўёна билан келишдир. Албатта, у тўй соҳибларига нисбатан ҳурмат, эътибор рамзи, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш демакдир. Ҳадянинг ҳам моддий ва маънавий таъсири, аҳамияти катта. Лекин у ҳам миннатли, ғаразли манфаат мақсадида бўлмасдан, балки инсонпарварлик нуқтани назардан амалга оширилмоғи керак. Тўй тантаналарида қилинадиган меъёрдан ортиқ ҳадялар, тўёналар орқасида маълум шахсий манфаатлар ётиши ҳақиқатдан узоқ эмас.

Дарҳақиқат, нафақат никоҳ ёки суннат тўйлари билан боғлиқ расм-русумларни тартибга солиш, шунингдек бошқа тўйларни ўтказиш билан боғлиқ бир қатор расм-русумларни ҳам бозор муносабатларига мослаштирмоқ, тўй тантаналарини ихчам, чиройли шоду хурамлик билан ўтказиш учун заминдир.

Марҳумларни дафи этиш уларни хотирлаш билан боғлиқ маросимлар ҳам қадимдан шаклланиб келаётган маросим, анъаналардан ҳисобланади. Албатта, булар ўз яқин кишисидан жудо бўлган кишини маънавий қўллаб-қувватлаш, руҳий далда бериш, оламдан ўтиб кетган авлод-аждодларни ёдга олиш, хотирлашдан иборат миллий қадриятлардир. Лекин марҳумлар хотираларига бағишланган маърака ва маросимларни ўтказишда ҳам ортиқча дабдабабозликка, исрофгарчиликларга сабаб бўлаётган «етти», «йигирма», «йил оши», «гул», «қовоқ оши», «қовун-узум», «қор ёғди», каби расм-русумлар,

удумлар ҳам одат тусига кириб бораётганлигини ижобий ҳол деб бўлмайди.

Баъзан мотам маросимларида қатор-қатор таомларнинг тортилиши, керагидан ортиқча дастурхонларнинг безатилиши, қабристонларга маҳобатли, қимматбаҳо хотира тошларининг ўрнатилиши кишини дил-хуфтонлиги эмас, балки хурсандчилик рамзи сифатида таасурот уйғотади. Жумладан, баъзи хотин-қизларимизнинг тўй тантанасига боргандек, зеб-зийнатга беланиб, кишини ўзига жалб этадиган кийим-бошда, бўянган ҳолда бориши яқин кишисидан жудо бўлган кишига ҳамдардлик, биродарлик, инсонпарварлик туйғусини изҳор этиши белгиси бўлмасдан, балки ўзини ва бойлигини ўзгалар олдида кўз-кўз қилишдан бошқа нарса эмас.

Ҳар бир маросим ўзининг мақсади ва моҳиятига кўра муайян шакл ва мазмунга эга бўлмоғи зарур. Бунда эса тўй эгаси ёки яқин кишисидан жудо бўлган кишиларнинг қариндош-уруғлари, маҳалла аҳли, дўсту биродарларнинг ҳамфикрлиги, ҳамжиҳатлиги муҳим аҳамият касб этади. Оилавий тантаналар, тўй-ҳашамлар, маърака ва маросимларни, марҳумларни хотираларига бағишланган тадбирларни бир қолипда нишонлаш мумкин эмасдир. Лекин уларни тартибга солиш, камчиқимли, исрофсиз қилиб ўтказиш чора-тадбирларини белгилаш ва амалга ошириш ҳар бир фуқаронинг, мутасадди давлат ва жамоат ташкилотларининг бурчидир. Бунинг учун:

— маҳаллалар, турар жойларда махсус тўй ва маросимлар ўтказиш бўйича Марказлар ва маслаҳат Кенгашлари тузилиб, унинг ишини кенг миқёсда ташкил этиш зарур. Маърака, маросим ўтказувчи ҳар бир фуқаро миллий имконияти қандай бўлишидан қатъи назар, уларнинг хулосаси, таклиф ва тавсиясига бўйсунган ҳолда иш тутмоғи лозим;

— никоҳ ва суннат тўйлари билан боғлиқ нон ушатар, оқ ўрар, фотиҳа, сарупо бичар, уй кўрар, мол ёрар, қуда чақирӣқ, қовурдоқ, чаллар, сабзи тўрғар, қиз базми, никоҳдан ўтиш базми. йўқлов ва бошқаларни ўтказишга чек қўймоқ керак. Тўйлар бир кунда ўтказилиб, тўй таомларининг турларини камайтириш, никоҳ гувоҳномасини никоҳ кечасида тантана иштирокчилари гувоҳлигида келин-куёвга топшириш, қудалар, қариндош-уруғлар ўртасидаги олди-берди саруполарни, келин-куёв бисотини чегаралаш, келиннинг ҳайитлиги учун сон-са-

ноқсиз тоғоралар, саруполарни, дастурхонларга тортиладиган спиртли ичимликлар миқдорини кескин камайтириш—турли кўнгил бузарлик ҳолатларининг, қудалар, қариндош-уруғлар ўртасида баъзан вужудга келадиган нохуш гап-сўзларнинг олдини олиш гаровидир;

— тўй тантаналари, ойлавий хурсандчилик маросимларига санъаткорларни таъминлаш, уларнинг куй ва қўшиқлари, рақслари мазмун ва моҳиятини назорат қилишда жойлардаги маданият ишлари бошқармалари масъулиятини ошириш чора-тадбирларини белгиламоқ лозим;

— жойлардаги маҳалла қўмиталарига халқимизнинг миллий урф-одатларига беписандлик билан қараётган шахсларга нисбатан жамоатчилик чорасини кўриш ҳуқуқини бериш;

— марҳумларни дафн этиш, хотирлаш билан боғлиқ пайшанбалик, якшанбалик, етти, йигирма, қирқ, йил оши ва бошқа маросимларни мусулмончилик қоидаларига тўғри келмаслигини инобатга олиб, оламдан ўтган кишининг фақат қариндош-уруғлар, оила аъзолари даврасида хотирасини ёд олиш ушбу ортиқча маросимларнинг ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетиши учун заминдир. Ортиқча ҳаражатлар эвазига ўтказиладиган бундай маросимлар ўрнига қабристонларни обод қилиш, йўл қуриш, бошига мусибат тушган оилаларга моддий ва маънавий ёрдам бериш ҳам диний, ҳам инсоний нуқтаи назардан савобдир;

— шарқона урф-одатлар, анъаналар ва удумларнинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожланишини ақс эттирувчи илмий-оммавий рисоалар, мақолалар, илмий-методик тўпламлар яратиш ва уларнинг ҳар бир оилга кириб боришини таъминлаш олимлар ва мутахассислар олдида турган асосий вазифадир;

— тўй-ҳашамлар, ойлавий тантаналар, маърака ва маросимларни, марҳумларнинг хотираларига бағишланган тадбирларни инсон ҳаётида тутган ўрни, миллий ўзликни намоён этувчи ижобий хусусиятлари, уларни ўтказишда баъзан рўй бераётган салбий томонлар ва уларнинг оқибатлари ҳақида оммавий ахборот воситалари, матбуотда чиқишлар қилиш, оила, маҳалла, мактаб, жамоатчилик ўртасида суҳбатлар, маърузалар, учрашув ва бошқа тадбирларни уюштириш зарур;

— «ойлавий шарқона урф-одатлар — маънавий баркамол шахсни шакллантириш воситаси» мавзусида жой-

ларда босқичма-босқич илмий-методик, илмий-амалий анжуманлар ўтказиш, методик тавсиялар ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш зарур;

— ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос тўй ва дафн маросимлари ва марҳумларни хотирлаш каби миллий урф-одатларини ўрганиш асосида давр талабига мос оилавий тантаналар ва маросимларни тиклаш мақсадида аҳоли ўртасида социологик тадқиқотлар ўтказиб бориш, тадқиқот хулосалари асосида жойларда мутасадди давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан кенг тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга ошириш оилавий тантаналарни, маърака ва маросимларни, марҳумларнинг хотираларига бағишланган тадбирларни ўтказишда ижобий самаралар бериши табиийдир.

НАВРЎЗ — ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ МИЛЛИЙ БАЙРАМИ

Инсоният тарихий тараққиётида анъаналар, урф-одатлар, расм-русумларнинг аҳамияти жуда муҳим бўлган. Улар ҳаётини эҳтиёж туфайли пайдо бўлиб, халқнинг турмуш тарзи, руҳияти, маънавий дунёси, орзу-истакларини ўз мазмунида ифода этиб, жамиятнинг маънавий-ахлоқий ривожланишига муносиб таъсир этиб келмоқда. Анъаналар мазмунан ҳар бир миллатнинг, халқнинг ва элатнинг менталитетини фаслий, оммавий, алоҳида гуруҳлар, оилавий хурсандчилик ёки мотам маросимлари, тантаналари тарзида ифода этади. Уларнинг барчаси мазмунан эзгуликка, инсонпарварликка, яхшиликка йўналтирилган маросимлар бўлиб, жамиятнинг ўзгариши ва давр талаби билан шаклан ва мазмунан ўзгариб боради. Баъзи бир анъаналар ўзининг ижобий таъсирига, умрбоқийлигига кўра маънавий қадрият даражасига кўтарилади.

Шарқ халқларининг шундай умрбоқий, миллий-маънавий қадриятларидан бири Наврўз байрами ҳисобланади.

Истиқлолимиз ҳада этган буюк неъматлардан бири — Наврўз байрамидир. Наврўз Шарқ мамлакатларининг миллий умумхалқ байрами бўлиб, неча минг йиллик тарихни ўз мазмунида мужассам этган улуг байрамдир.

Муҳтарам Президентимиз таъкидлаганларидек: «Наврўз ҳаёт абадийлигининг, табиатнинг устувор қудрати

ва чексиз саховатининг, шу билан бирга бизнинг неча минг йиллик миллий қиёфамизнинг, урф-одатларимизнинг мангулик ифодаси, тасдиғидир».

Наврўз — яшнаш, яшариш байрами, табиатнинг уйғониши билан боғлиқ янги куннинг бошланиш байрамидир. «Наврўз» сўзи форс тилидан олинган бўлиб, «нав» — янги, «руз» — кун, яъни «янги кун» деган маънони англатади. 21 март кеча ва кундуз тенглашган кун — янги йил — Наврўз байрами сифатида Шарқ халқлари томонидан кенг нишонланади. У деҳқон учун экин-тикин ишларининг бошланиш палласи ҳисобланади. Алишер Навоий бу кунни шундай таърифлайди:

*Васли аро кўрдим, тенг эмиш бўйи-ю, сочи,
Тун-кун экан, зоҳир ўлур бўлди чу Наврўз.*

Яъни, бу мисраларда висолига эришгач, кўрдимки, маҳбубамнинг бўйи билан узун сочи (оқ бадан билан қора соч) Наврўздаги кеча билан кундуздек тенг экан, деган маънони англаймиз.¹

Наврўз жуда қадимий байрамдир. Унинг жуда қадимий ва навқирон айём эканлигини буюк мутафаккир алломаларимиз ўз асарларида асослаб берганлар. Дарҳақиқат, Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», Умар Ҳайёмнинг «Наврўзнома», Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Хожа Али Термизийнинг «Наврўзнома», Алишер Навоийнинг «Садди Исқандарий» асарлари Наврўз, унинг пайдо бўлиш тарихи, у билан боғлиқ урф-одатлар, расм-русумлар ҳақида муҳим маълумотларни берувчи қимматли манбалардир.

Мутафаккиримиз наздида Наврўз байрамининг пайдо бўлиши Жамшид (қадимги Эрон шоҳларидан бири) подшолик қилган давр билан боғлиқдир. Абу Райҳон Берунийнинг фикрига кўра «У куннинг наврўз деб аташининг сабаби шуки, Жамшид подшоҳ бўлгач, мажусийлар динини янгилади ва бу иш қилинган кун — «Наврўз» — «Янги кун» деб аталади»². Умар Ҳайём Наврўзнинг пайдо бўлишини қуйидагича изоҳлайди: «Жамшид шу кунни (фарвардин ойининг боши) Наврўз аталсин деб фармон берди ва одамларга ҳар йили фар-

¹ Умар Ҳайём. Наврўзнома. Тошкент. «Меҳнат», 1990, 15-бет.

² Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Тошкент, «Фан», 1968.

вардин келганда байрам қилишни ва ўша кунни янги (йил) деб ҳисоблашни, қуёш тургунча Наврўз ҳам барқарор бўлсин, деб буюрди»¹.

Фирдавсийнинг ёзишича:

*«Битта тахт қурдирди бари сийму зар,
Шу кўҳи Қаёний, безаги гавҳар.
«Дев кўтариб учсин» деб бўлди фармон:
Тахт кўтарилганда паст бўлди осмон.
Тахт кўкда чарх урар мисоли қуёш,
Фармондор ўтирар, унда ирғаб бош.
Барча жам, одамлар қарар тахтига,
Жаҳон қойил бўлиб шукуҳ-бахтига.
Жамшидга сочишар олтину гавҳар,
Шу кунни янги йил — байрам дейишар.
Йил боши Хурмузу эди фарвардин,
Дилда не ғам қолди, на адоват-кин.
Улуғлар шодлик-ла базм қурдилар,
Юзларин чолғуга, майга бурдилар.
Бу бахтиёр кунни ўшандан буён,
Шоҳлардан ёдгор деб билурлар ҳамон»².*

Мутафаккир шоир Алишер Навоий таъбирига кўра, Жамшиднинг буюк кашфиётлари сўнггида улуғ Наврўз ихтиро қилинган. Жамшид одамзод кўрмаган ва ақл бовар қилолмайдиган «Чихил минор» номли баланд бино қуриб... «бу иморат туганди, олам салотин ва ашров ва ахборин йиғиб, анда азим жашн қилди. Ул вақт-ким, қуёш нуқта эътиқодли рабийға таҳвил қилиб эрди ул бинога тахт устига ўлтириб, адолат сайд садосини оламға мунташир қилди ва ул куннинг отин Наврўз қўйди»¹.

Демак, манбаларнинг гувоҳ беришича Наврўз байрамининг пайдо бўлиши тўрт минг йиллик тарихга эга бўлиб, у Жамшид подшолиги даври билан боғлиқдир.

Шунингдек, Наврўз байрамининг пайдо бўлишини Огаҳий, Бобур, Машраб, Муқимий, Фурқат, Завқий, Зебуннисо, Нодирабегим, Увайсий, Маҳзуна, Анбар отин ва бошқа ўзбек адабиётининг буюк даҳолари муҳаббат, дўстлик, поклик, меҳнат, инсонпарварлик рамзи сифатида улуғлаганлар.

¹ Умар Хайём. Наврўзнома. Тошкент, «Меҳнат», 1990.

² Фирдавсий. Шоҳнома. Тошкент, Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975, 67-бет.

¹ Алишер Навоий. Асарлар, 14-том, Тошкент, 1966, 187-бет.

Наврўзга муносабат турли даврларда турлича бўлганлиги билан характерланади. Ҳамма даврларда табиат ва жамиятнинг уйғониш, яшнаш ва яшариш, янги йилнинг бошланиши байрами, мучал ва деҳқон меҳнати бошланадиган кун сифатида шоду хуррамлик билан нишонлаб келинган. Наврўзга муносабат Шўро даврига келиб кескин ўзгарди. Халқни маданияти, тили, урф-одатлари, анъаналаридан маҳрум қилиб, уни бутунлай ўзлигини унуттирмоқчи бўлган манқуртлар Наврўзни диний байрам деган тўхмат билан миллий қадрият сифатида эътиборга олмади, баъзи йиллар уни нишонлаш бутунлай таъқиқланди. Халқнинг ахлоқий-маънавий қадриятлари мужассам бўлган, эзгу ниятлар билан тантана қилинадиган инсонпарварлик, бахт ва баҳор байрами Наврўзни инсонлар хотирасидан бутунлай сўғуриб чиқариб ташлаш мумкин эмаслиги исботланди. Қанча-қанча замон бўҳронларидан омон қолган Наврўзни ҳеч қандай ёвуз куч енга олмади. Мамлакатимиз мустақиллигидан сўнг Наврўзга янги мустаҳкам умр бахшида этилди. Наврўз халқ байрамидир.

Наврўз меҳр-мурувват, инсонпарварлик, инсонларни руҳан бирлаштирувчи байрамдир. Барча замонларда Наврўз орқали халқнинг маънавий дунёси намойиш этилган, турмуш тарзи, орзу-ўйлари, гўзалликка, нафосатга бўлган муносабатлари намоён бўлган. Ушбу байрамни нишонлашнинг ўзига хос томонлари мавжуд бўлиб, улар даврлар ўтиши билан мазмунан бойиб, такомиллашиб келмоқда. У хосиятли байрамдир.

Наврўз байрами муносабати билан мамлакатлараро уруш-жанжаллар тўхтатилган, уришганлар ярашган, гина-кудуратлар унутилган, ота-она, қариндош-уруғлар, кексалар, касалвандлар совға-салом билан йўқланган, янги кийимлар кийилган, турли-туман наврўз таомлари тайёрланган, уй, ҳовли, кўчалар супуриб-сидирилган, катта-катта майдонларда сайиллар, ўйин-кулги, аския-бозлик, қўчқор, хўроз уриштириш, кураш, кўпкари ўтказилган, театр намоишлари ташкил этилган. Одамлар бир-бирлариникига меҳмондорчиликка боришган, ерга биринчи уруғ қадаш, қўш қўшиш, шох мойлар маросимлари нишонланган. Шундай қилиб, Наврўз байрами миллий, умумхалқ байрами сифатида жуда катта тайёргарлик ва шоду хуррамлик билан ўтказилиб келинган. Унинг мазмунида ким Наврўзни шоду хуррамлик билан кутиб олса ва ўтказса, келгуси йил Наврўз

келгунча унинг ҳаёти хурсандчиликларга бой бўлади деган ғоя ётади.

Наврӯз меҳнат байрамидир. Бу кун деҳқон ер чопиш, экин экиш каби деҳқончилик фаолиятини бошлайди.

Наврӯз меҳр-оқибат, инсонпарварлик байрамидир. Бу кун марҳумларнинг қабрлари зиёрат қилинади, кекса, ногирон, ёлғиз қариялар, ота-оналар йўқланади, байрам дастурхони ёзилиб меҳмон кутилади, инсонлар бир-бирларига совға-саломлар улашишади, ширинликлар ҳадя этадилар.

Наврӯз — муҳаббат, севги, садоқат байрами. Наврӯз муносабати билан никоҳ тўйлари ўтказилган, ёш йигит-қизлар бир-бирлари билан аҳду паймон қилишган, гуллар ҳадя этишган, янги ва ёш келин қўлидан чой ичиш мақсадида «келин кўрди»га борилган.

Наврӯз — дўстлик, биродарлик байрамидир. Ушбу байрам нафақат Шарқ халқлари байрамидир, балки миллати, дини, этниқодидан қатъи назар Наврӯз анъаналаридан барча манфаатдор бўлади.

Ўзбек халқи қадим-қадимдан тинчликсевар халқ. Барча халқларнинг, миллатларнинг ўзаро тинч-тотув, осойишта, дўст-биродар бўлиб яшашларининг тарафдори бўлиб келган. Шунинг учун ҳам ушбу байрам умуминсоний қадрият ҳисобланади.

Наврӯз ёшларни баркамол инсон қилиб тарбиялаш воситасидир. Наврӯз одобномаси ёш авлод учун тарбия мақтабидир. Наврӯз хотин-қизларга алоҳида кўрк берувчи байрамдир. Байрам муносабати билан хотин-қизлар қўлларига хина, қошларига ўсма қўядилар. Арғимчоқда учишиб, қизлар гурунгини қиладилар.

Наврӯз — тан сиҳатлик байрамидир. Чунки байрам дастурхони, таомномаси инсон танаси учун шифо манбаидир. Наврӯз эзгу тилаклар бутунлиги байрамидир. Байрам муносабати билан инсонлар бир-бирларига бахт-саодат, соғлиқ-саломатлик, оиласига файзу барака, етим-есирларга сабру қаноат, эл-юртга тинчлик, осойишталик, тўкин-сочинлик, хурсандчилик, деҳқон хирмонига барака тилайдилар, кейинги Наврӯз байрамигача барчанинг соғ-омон етиб бориши, йилни тўй-томошалар билан бой бўлишини ният қиладилар ва шунга интилиб яшайдилар.

Наврӯз муносабати билан турли одатлар пайдо бўлган, жумладан, тарихий маълумотларга қараганда, одамлар янги йилда сув кўп бўлсин, экин-тикинлар мўл

бўлсин деган ниятда байрам куни бир-бирларига сувлар сепишган, ҳаёт ширин, тинч-омон бўлсин деб бир-бирларига ширинлик ҳадя этганлар, оилалар, жамият, давлат гуллаб-яшнасин деган ниятда бир-бирларига гуллар тақдим этганлар.

Мавжуд тарихий манбаларда қайд этилишича Наврўз байрами турли муддатларда нишонланган, Ўрта Осиё, Эрон, Афғонистонда ушбу байрам аҳамонийлар даврида (милоддан аввалги VI асрда) нишонлана бошланган. Зардуштийлик тақвимида биноан феврал ойининг биринчи куни «Кичик Наврўз», олтинчи куни «Катта Наврўз» тарзида нишонланган. Сосонийлар даврида эса бу икки кичик ва катта Наврўз ўртасидаги барча кунлар байрам қилиниб, ягона умумхалқ байрами сифатида жорий қилинган. Кейинчалик ушбу байрам бир ой мобайнида нишонланган. Абу Райҳон Беруний бу ҳақда қуйидаги маълумотларни беради: «Кейинги подшоҳлар бу ой, яъни фарвардин моҳининг барчаси (кунлари)ни ҳайитга айлантириб, уларни олтига тақсим этдилар. Биринчи беш кун подшоҳлар учун, иккинчиси — улуғ кишилар учун, учинчиси — подшоҳларнинг ғулмалари учун тўртинчиси — хизматкорлар учун, бешинчиси — халқ оммаси учун, олтинчиси — чўпонлар учун». Подшоҳлар ўзлари учун мўлжалланган вақтнинг биринчи кунини «наврўз» куни ҳайитни бошлаб, одамларга ўзининг «халқни қабул қилиши»ни билдиради. Иккинчи куни мартабаси жуда юқори кишилар, яъни деҳқонлар ва (машҳур) хонадон аҳилларини, учинчи куни отлиқ сипоҳлар ва улуғ донишмандлар учун, тўртинчи куни ўз уйидагилар, яқин ва махсус кишилар учун, бешинчи куни ўз ўғиллари ҳамда қарамоғидаги кишилар (қабул этиш) учун ўтиради. Олтинчи куни ўзи учун Наврўз қилади. Подшоҳ бундай қабуллардан жуда манфаатдор бўлади. Чунки ҳадя келтирувчининг мартабаларига қараб ҳадяларни ҳузурига келтиришни буюради ва уларни диққат билан текшириб хоҳлаганларни тақсим қилиб беради, хоҳлаганларини хазиналарга қўяди»¹.

Наврўз байрами бир кундан бир ойгача нишонланган бўлиб, уни тантана қилиш билан боғлиқ турли урф-

¹ Беруний, Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. I том Тошкент «Фан», 1998, 257—258-бетлар.

одатлар, удумлар, расм-русумлар ҳам авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда.

Наврўз театрлаштирилган сайил тарзида ўтказиб келинаётган бирон-бир тантанага ўхшамайдиган бадиий-эстетик қадриятдир. Уни ўтказишда махсус жой тайёрланган. Байрам тантаналари олдидан ҳовлилар тозаланган, уйдаги кўрпа-ёстиқ, дераза-эшик пардалари, гилам, поёндозлар ювилиб, хонадон саранжом-саришта қилинган. Маҳаллалар, кўча ва боғлар ҳашар йўли билан ободонлаштирилган, ариқ-зовурлар, қабристонлар, тарихий обидалар тозаланган, обод қилинган, дарахт кўчатлари экишган, одамларда байрамона кайфият вужудга келган, карнай-сурнайлар билан байрам тантанаси бошлангач, дорбозлар, масҳарабозлар, полвонлар, қўшиқчилар, чанқовузчилар, созандаю раққосалар, бахшиларнинг санъатлари намойиш этилган. Тантана иштирокчилари турли халқ ўйинлари—кўпкари, кураш, пойга, қиличбозлик мусобақаларини томоша қилганлар. Байрам тантаналари ўтказиладиган майдонларда кийим-кечак, озиқ-овқат, ўйинчоқ, ширинликлар, ҳунармандчилик маҳсулотлари савдоси уюштирилган. Қосиблик, заргарлик, дурадгорлик, ганжкорлик, сангтарошлик, кулолчилик, халқ амалий санъати намуналари кўргазмалари ташкил этилган. Бу одатлар байрамни кўркама, шоду хуррамлик билан ўтказишда муҳим рол ўйнаган.

Наврўз муносабати билан ўзига хос турли таомлар, ширинликлар тайёрланиб, байрам дастурхони безатилган. Яъни, сумалак, ҳалим, кўк сомса, кўк чучвара, дўлма, бўғирсоқ наврўз дастурхони учун асосий таомлар ҳисобланган. Байрам муносабати билан етти хил дон—буғдой, арпа, нўхат, жўхори, гуруч, мош, ловиядан гўжа тайёрланиб, қўни-қўшниларга, қариндош-уруғларга тарқатилган. Байрам дастурхонига буғдой, арпа, яшил барг, махсус идишларда ўстирилиб қўйилган. Шунингдек, эронийларда «С ҳарфи билан» бошланадиган етти хил уруғдан (себ—олма, сир—саримсоқпиез, сирка, сагар—тошгул, сиёҳдон—қораданак, синжит—ёввойи зайтун) ўстирилган кўкатлар дастурхон кўркига кўрк бағишлаган. Ушбу одат негизида янги йил мўл-кўлчилик, ҳосилдорлик йили бўлсин деган эзгу ният ётади. Иккинчидан, бу таомларга эътиборнинг кучлилиги: илк баҳорда силласи қуриган, мадори кетган, танаси ҳаёт учун зарур моддалар етишмаётган кишиларга бу таом-

лар куч-қувват бағишлайди. Чунки шифокор олимлари-
миз эътироф этганларидек, ёз ва куз ойларида турли
кўкат, мева ва сабзавотлар ёрдамида ғамланган А, Д,
Е, С, В2, В6, В12 ва бошқа дармондорилар қишда сарф
этилади. Шу сабабли баҳорга келиб инсон танаси фао-
лияти сезиларли даражада сусаяди. Баҳор фаслида ял-
пиз, исмалоқ, ток, довучча, жағ-жағ, отқулоқ, равоч,
кўк пиёз, шивит, какликўт (сабтар), коху (салат), дў-
лана, карафс (петрушка), кашнич, ясмиқ, седана, са-
римсоқ, беда, шўра, қоқиўт ва бошқа шифобахш ўсим-
ликлар инсон танасини дармондорилар билан бойита-
ди. Сумалак ва ҳалим эса Наврўз дастурхонига алоҳи-
да кўрк бахшида этади. Сумалак дармондорига бой,
ҳаётбахш баҳор неъматидир. У танадаги қонни тоза-
лайди. Унга куч-қувват бахш этади, асабни барқарор-
лаштиради.

Сумалак тайёрлаш жараёнининг ҳам ўзига хос гаш-
ти мавжуд. У зўр иштиёқ, тоза, озодалик, покизалик,
ҳамжиҳатлик билан тайёрлашни талаб қилади. «Сума-
лак сайли» ўзига хос тарзда уюштирилади. Бу асосан
аёллар базми ҳисобланади. Сумалак тайёрланаётган
дошқозонлар атрофида хотин-қизлар, болалар ўйин-
кулги, айтишув, аския, лапар, ривоят, эртақ, латифа,
топишмоқ, ҳикоялар айтишади, чилдирма чалиб рақсга
тушишади. Сумалак сайлига келган ҳар бир инсон
яхши ният билан қозон қовлайди. Албатта, ўзи билан
ун, нон, ширинлик ёки таом тайёрлаб келтиради. Бало-
ғат ёшидаги йигит ва қизларга бахтли-саодатли, фар-
зандсизларга эса фарзандли бўлишларини ният қилди-
риб, қозон қовлаттирилади. Сумалак бир кеча-кундуз
давомида қайнатилиб, тайёрлангач, у ҳар бир оиланинг
сонига қараб тақсимланади. Беморлар, бева-бечоралар,
ногиронлар, ёлғиз қариялар сумалак билан йўқланади.
Уни фарзанди узоқ сафарларга кетиб-қайтган, соғ-омон
фарзанд ёки невара кўрган, ҳаётда катта муваффақият-
ларга эришган, беморликдан соғайган кишилар олдин-
дан эзгу ният қилиб тайёрлайдилар. Лекин сумалак бир
оилада тайёрланса-да, уни тайёрлаш жараёнида бутун
қишлоқ ёки маҳалла аҳли, қариндош-уруғлар ҳамжи-
ҳатлик билан иштирок этадилар.

Сумалак ичига солинган ёнғоқ, тош яхши ниятлар
билан олинади. Ҳалим тайёрлаш жараёни ҳам худди
сумалак сайлига ўхшайди. Сумалак бугдой ва ундан
тайёрланса, ҳалим эса сўйилган бутун қўй ёки қора

молдан тайёрланади. Сумалакнинг хосияти ҳақида халқ ичида турли фикрлар мавжуд. «Сумалак кўпчилик бўлиб тайёрланади. Қишдан эсон-омон чиқиб олдик деб хонадонлардан бир косадан бугдой йиғиб олинади. Айтишларича, бир қозондан таом еганлар бир-бирига қариндошдек яқин бўлиб қолишар экан». Эғизак фарзандлар улғайтираётган оила аъзолари ҳар йили кўкламда сумалак қилиб, болалари соғлиғига худойи қилади.

«Айтишларича, ҳафтада бир марта яхшилаб ҳордиқ чиқариб, ойда бир марта ҳаммомга тушиб, йилда бир марта сумалакка тўйган одам сира касал бўлмас эмиш».

«Тонгга яқин сумалак қайнаётган қозонни коблаётган момоларни уйқу элтиб, улар пинакка кетган пайтда осмону фалакдан учиб келган малоийкалар қозонга туз ташлаб кетармиш, сумалакка туз солинмаслигининг боиси шунда экан».

Демак, сумалак Наврўз дастурхонининг кўрки, гўзаллик фасли бошланишининг даракчиси ҳисобланади.

Наврўз байрами болалар учун олам-олам қувонч, шодлик келтирувчи тантанадир. Ушбу тантанага ёш болалар алоҳида тайёргарлик билан келадилар. Улар учун Наврўз удумлари, анъаналари ва расм-русумлари жуда қизиқарли бўлиб, уларни диққат билан кузатадилар ва бажаришда иштирок этишга ҳаракат қиладилар.

Байрам тантаналарида кураш, чиллак (зувиллатар), от ўйини, пойга, узоққа копток отиш, соққа, бекинмачоқ, варрак учирини, қулоқ чўзма, ҳакалама-дукалама, тез айтиш, меҳмон-меҳмон, қўрғон қуриш (тупроқ ёки тош билан), тўптош, қўғирчоқ ўйини, данак ўйини, эшак минди, оқ теракми-кўк терак, келин-келин, тўй-тўй, деҳқон бобо ва бошқа миллий ўйинларни қизиқиб, эҳтирос билан ўйнайдилар.

Шунингдек, ҳайвонот оламига қизиқувчи болалар хўроз, ит, бедана, қўчқор, ҳўкиз уриштириш, каптарбозлик, тухум уриштириш каби қизиқарли мусобақаларни ўтказадилар. Халқ оғзаки ижоди намуналари (мақол, лапар, мушоира, матал, латифа, эртақ, дoston ва бошқалар) кўп айтиш бўйича кўрик танловлар уюштирилади.

Байрам муносабати билан болалар ўртасида уюштириладиган ушбу тадбирлар уларда миллий онг ва тафаккурни шаклланиб боришида муҳим восита ҳисобланади. Ёшларни жисмонан соғлом, маънавий баркамол

бўлиб шаклланишида, миллий қадриятларимизни авлоддан-авлодга ўтиб боришида ижобий рол ўйнайди.

Ўзбекистонга истиқлол инъом этган улуг неъматлардан бири Наврўзнинг халққа қайтганлигидир. Юртбошимизнинг савий-ҳаракатлари эвазига 1990 йилдан эътиборан ҳукуматимизнинг махсус Қарори билан 21 март Наврўз миллий халқ байрами сифатида эълон қилинди ва ушбу кун дам олиш кuni деб эътироф этилди. Шу байрам ўз мазмунида аввалги Наврўзларнинг энг яхши томонларини мужассам этди. Байрам тантаналари Республикаимизнинг барча вилоятлари, туманлари, маҳаллалари, қишлоқлари, корхона ва ташкилотлари ҳамда оилаларда зўр қизиқиш ва катта тайёргарлик билан ўтказила бошланди. Тошкентда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида эса барча вилоят санъати, урф-одатлари, анъаналари, ички руҳияти катта оммавий санъат гулдастаси сифатида намойиш этилади. Наврўз тантаналарида намойиш этиладиган оммавий халқ ўйинлари, мусобақалар, ашула ва рақслар, театрлаштирилган сахна асарларида халқимизнинг узоқ тарихга эга бўлган анъаналари, маънавий-ахлоқий қадриятлари, руҳияти, бугунги юксак даражаси, мақсади, орзу-интилишлари ўз ифодасини топган. Дунёнинг 50 дан ортиқ мамлакатлари халқлари халқаро телеканал орқали ушбу байрам тантаналарини томоша қилиш имкониятига эга бўлмоқдалар. Наврўз тантаналарида мамлакатимизда истиқомат қилаётган юздан ортиқ миллат вакиллари, республикаимизда фаолият кўрсатаётган турли мамлакат элчихоналари вакиллари, журналистлар ва меҳмонлар иштирок этадилар. Демак, бизнинг Наврўзимиз дунё бўйлаб ўз тароватини намоен этмоқда. Шунинг учун ҳам бу байрам халқчиллик, эркинлик, халқлар дўстлиги, байналмилалчилик, демократия ва инсонпарварликни тарғиб этувчи маросим руҳини олди.

Байрам бир кунда оммавий тантана қилинса-да, байрамона кайфият, байрам урф-одатлари, одобномаси ҳикматлари тантанагача ва ундан сўнг бир ой мобайнида давом этади. Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси байрамгача жуда катта тайёргарлик ишларини амалга оширади, яъни хонадонлар тозаланади, ҳовлилар саранжом-саришта қилинади. Боғу роғлар, йўлка ва хиёбонлар, кўчалар, оммавий сайил майдонлари тартибга келтирилади, қишлоқ жойларида далалар экишга тай-

ёрланади, ариқ, зовурлар тозаланади, қабристонлар, тарихий ёдгорликларни ободонлаштириш ишлари олиб борилади, дарахтлар экилиб, боғу роғлар яратилади.

Халқнинг ижтимоий турмуш шароитини яхшилашга мўлжалланган маданий-маърифий бинолар, иншоотлар ҳашар йўли билан таъмирланади ёки қурилади.

Байрам дастурхонига анъанавий Наврўз таомлари, ширинликлар, сумалак, ҳалим, сомса тайёрланади. 21 Март — маросим куни эса махсус майдонларда ўйин-кулги, куй, қўшиқ, рақс, аскиябозлик, миллий спорт ўйинлари ва бошқалар намойиш этилади.

Лола сайли, табиат қўйнига оилавий саёхатлар уюштирилади. Наврўз тантаналари мобайнида аскиячилар, қизиқчилар, ашулачилар, ўйинчилар, бахшилар мусобақалари ўтказилади. Халқ сайилларида деҳқонлар, пазандалар, ҳунармандлар ўзларининг маҳоратларини намойиш этиш мақсадида деҳқончилик, пазандалик, халқ ҳунармандлиги маҳсулотларининг кўرғазмаларини намойиш этадилар.

Ёш болалар учун эса махсус халқ ўйинчоқлари, ширинликлар, яхна ичимликлар, музқаймоқ савдоси ва кўнгилочар ўйинлар, ҳордиқ чиқариш томошалари ташкил қилинади. Чевар қизлар ўзлари яратган гўзал маҳсулотларни, ўзлари тайёрлаган миллий таомлари, либослари, касб-кор маҳоратларини намойиш қиладилар. Республикамизнинг барча ҳудудларида тўй тантаналари ўтказилади. Айниқса, кейинги йилларда юз билан юзлашган отахон ва онахонлар билан бир пиёла чой устида суҳбат, кам таъминланган ва кўп боғалик оилалар, етим-ёсир йигит ва қизларнинг никоҳ тўйлари, ўғил болаларнинг суннат тўйларини мутасадди давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ўтказилиши, уларга моддий ёрдам уюштирилиши жуда катта инсонпарварлик тадбирига айланиб бормоқда.

Марҳумларнинг қабрлари, тарихий шахслар номлари билан боғлиқ обидалар зиёрат қилинади, ота-оналар, кексалар, касал ва ногиронлар, боқувчисини йўқотган ёлғизлар совға-саломлар билан йўқланади. Моддий-молиявий жиҳатдан бақувват давлат, жамоат ташкилотлари, шахслар меҳрибонлик уйлари, махсус интернатлар, кексалар уйларига инсонпарварлик ёрдами кўрсатадилар.

Наврўз байрами мамлакат миқёсида сайилгоҳларда умумхалқ байрами театрлаштирилган тарзида ўтказил-

са-да, ҳар бир ҳудуд ўз имконияти, шароитидан келиб чиққан ҳолда уни нишонлайди. Шунинг учун Наврўзни ўтказишни қатъий қолипга солиб қўйиш мумкин эмас. Чунки Наврўз — ижодкорлик, феъли кенглик байрамидир.

Шундай қилиб, Наврўз Шарқ халқларининг қадимий байрами бўлиб, у муҳим тарбиявий аҳамиятга эгадир. У ҳар бир кишини инсонпарварликка, меҳр-мурувватга, бағри кенгликка, саховатга, гўзалликка, меҳнатсеварликка, иймон-эътиқодга, эзгуликка даъват этади. Халқни, жамиятни покликка, меҳнатга, яхшиликка ундовчи ғоя абадийдир. Улкамизда Наврўз тантаналари йилдан-йилга ўзгача кайфият, ўзгача мазмун ва шакл, ўзгача тайёргарлик билан нишонланмоқда.

A decorative border with repeating floral motifs surrounds the central text area. The motifs are stylized flowers with multiple petals, arranged in a continuous line.

Шарбия

Ҳикмати —

истиқбол

қудрати

ТАРБИЯ ҚАСРИДАГИ УИЛАР

Ўзбек халқининг энг муътабар ва масъулиятли машғулотларидан бири тарбиядир. Зотан, халқни халқ, миллатни миллат қилиб кўрсатувчи ранго-ранг нарса ва ҳодисалар тарбия туфайлидир.

Миллий истиқлол тантанасидан кейин онг ва миллий тафаккурни шакллантириш, маънавият ва маърифатни юксак поғонага кўтаришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу муҳим муаммолар фақат тарбия туфайли ҳал қилиниши мумкин. Дарҳақиқат, тарбия ҳикмати — истиқбол қудратидир. Истиқбол қудрати деганда, инсон ақл-заковатининг юксаклигини, шу инсонлар яшаётган жамият ва давлатнинг равнақи, нури уфқларини, жаҳон миқёсидаги обрў-эътиборини англамоқ лозим. Бу улугворликка, шубҳасиз, тарбия туфайли эришилади.

Худди шунинг учун аждодларимиз биринчи галда тарбияга жуда катта аҳамият беришган. Тарбия деганда тарбиячи ва тарбияланувчи ўртасидаги турли-туман муомала-муносабатларни, фаолиятларни, саъй-ҳаракатларни, ўзаро таъсирни тушунмоқ керак. Инсон маънавияти ва маърифати, ақл-заковати, юксак ахлоқ-одоби, серқиррали иқтидори ва салоҳияти, диёнати ва жасорати ва шу кабилар тарбия маҳсулидирлар.

Тарбия бир қолипга солинган ёхуд рамкага жойланган нарса эмас. Бу ҳақда тарбияшунос Сафо Очил шундай ёзади: «Тарбия бериш деганда, кимнидир махсус бир хонага ўтқизиб, фақат панд-насиҳат беришни эмас, балки ўйин давомида, уй юмушлари жараёнида, таълим ва илм ўргатиш вақтида ҳаёт ва турмуш сабоқларини қиёсий йўсинда тушунтиришни, қолаверса, шахсий ўрнатилган кўрсатиш одатини тушунмоқ ва билмоқ лозим. Шу омиллар бир-бири билан қўшиб олиб борилиши керак.

Инсон, асосан, икки йўл билан тарбияланиши мумкин: бировларнинг бевосита таъсири, яъни ўргатиши, шунингдек, донолар фикрлари, ўғитлари ва асарларини ўқиш орқали; инсон ўзининг фикрлаши, одамлар хатти-ҳаракатидан, қилган ва қилаётган ишларидан те-

гишли хулосалар чиқариб олиши; энг қудратлиси — тафаккури воситасида тарбияланиши мумкин»¹.

Дарҳақиқат, тарбиячи деганда, бизнингча, фақатгина ота-она, болалар боғчалари тарбиячилари ёки мактаб ўқитувчи-тарбиячилари эмас, балки қўни-қўшнилари, қишлоқ ёки маҳалла аҳли, хуллас, бутун жамоатчилик тушунилади. Шу ўринда болаларнинг тақлидчилик психологиясини унутмаслик зарур. Улар, ўз ота-онасидан ташқари бошқаларга ҳам тақлид қилиши мумкин. Демак, болаларнинг тарбияланганлиги уларни қуршаб олган инсонларга, атроф муҳитга ҳам бевосита боғлиқдир.

Бугунги тарбия — истиқбол кўзгусидир. Зотан, келажак буюклиги тарбия орқали яратилади. Тарбиясиз одам ҳеч нарсага қодир эмас. Биз бу ўринда «ҳеч нарсага» сўзини эзгуликка, яхшиликка маъносида ишлатяпмиз. Эзгулик ва яхшилик имон-эътиқод фарзандидир.

ТИКЛАНИШ

Эътиқод инсоннинг ички руҳияти билан боғлиқ муҳим ахлоқий-маънавий хусусиятдир. Мутахассис олимларимизнинг таърифига кўра «Эътиқод — бу ўз фикр ва қарашларига маҳкам, собитқадамлик билан ишониш ва ўзгаларни ҳам ўзидек ҳисоблаб, уларнинг лафзига самимият билан ишонишдир».²

Олим Сафо Очил эътиқод тушунчасига янада чуқувроқ ёндошиб ёзади: «Эътиқод — бирор нарсага ҳаддан зиёда ишониш. Инсонда вужудга келган, унинг жонганига сингиб кетган бу ишонччи сўндириш ва йўқотиш амри маҳол... эътиқодни ҳеч қандай ғам-қулфат, азоб-уқубат йўқ қилолмайди. Билъакс, уни мустаҳкамлаши мумкин, холос. Агар эътиқод чин ва мустаҳкам бўлса!»³.

Эътиқод шахснинг ўзигагина мансуб фазилат бўлиб, табиат ва жамиятда бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга шахсий муносабатни англатади. Эътиқоднинг амалиётдаги натижаси шахснинг фаолияти, хатти-ҳаракати, ат-

¹ Очил, Сафо. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. Т., «Ўқитувчи», 1997, 3-бет.

² Иброҳимов А. ва бошқалар. Ватан туйғуси. Тошкент, «Ўзбекистон», 1997, 25-бет.

³ Очил, Сафо. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. Т., «Ўқитувчи», 1997, 14—15-бетлар.

роф муҳитда бўлаётган у ёки бу ғоялар ўртасидаги баҳс-мунозаралар жараёнидаги иштирокида намоён бўлади. Эътиқод виждон эркинлиги тамойилларига асосланади. Эътиқод инсоннинг ахлоқий-маънавий фазилатлари ичида энг муҳим ўринда турувчи қадрият ҳисобланади. Унинг амал қилиш қамрови ўзига хос бўлиб, ҳар томонлама комил инсон ва унинг ҳаёт йўли, ғояси, ахлоқ-одоби, ақл-заковатига, у ёки бу ғоялар оқимиغا, динга, ижтимоий тузумга бўлган шахс эътиқодини англаш мумкин. Инсоннинг эътиқоди эркинлик тамойилига асосланади. Эътиқодни мажбуран шахс онгига сингдириш мумкин эмас.

«Эътиқод эркинлиги — киши онгида чуқур ўрнашиб қолган ва амалга оширилиши шахснинг кундалик эҳтиёжига айланган интилиш, хатти-ҳаракат ва дунёқарашлар тизими»¹дир.

Жамият тараққиёти фикрлар, ғоялар, мафкуралар хилма-хиллиги асосида вужудга келади. Ҳар бир инсоннинг қайси мафкура, қайси ғоя ёки динга эътиқод қилиши ихтиёрий, виждон амридир. Шунинг учун илмий, сиёсий, диний, маданий, ахлоқий ғояларга эркин эътиқод қилиш мумкин. Лекин эътиқод эркинлиги инсон яшаб турган жамият, давлатнинг Асосий қонунлари доирасидан чиқиб кетмаслиги зарур.

«Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир.

Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин»², — дейилади Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасида.

Шунингдек, виждон эркинлиги ҳам инсоннинг хоҳлаган динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқи конституциявий йўл билан кафолатланади.

Диний эътиқод эркинлиги — инсоннинг у ёки бу динни таълимотини танлаш, унинг аҳқомларини бажа-

¹ Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат. Тошкент, «Шарқ», 1998 йил, 247-бет.

² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент, «Ўзбекистон», 1992 йил, 14—15-бетлар.

ришга қаршилик қилмаслик демакдир. Диннинг ғояларини, диний ахлоқий-маънавий қадриятларни бузиб талқин этиш ва мажбуран шахс онгига сингдиришга йўл қўйилмайди. Республикамизда бу «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунда батафсил ифода этилган.

Диний эътиқод ҳам мустақкам бўлмоғи лозим. Диний эътиқод эркинлигини асос қилиб диннинг асл ғояларини бузиб талқин қилувчи, унга ўз маънафатига йўналтирилган ғояларни қориштириб тарғиб ва ташвиқ этувчи сохта диндорлар, ақидапарастларнинг мақсадлари ёвузликдир. Диний экстремизм, терроризм, ақидапарастлик, сепаратизм ғояларини илгари сурувчи турли ташкилотлар — «Хизбут-таҳрири исломия», ваҳҳобийлар, «Хизбуллоҳ», «Хизбут уюшма»сининг мақсади битта. У ҳам бўлса динни сиёсийлаштириш замирида ҳокимиятни қўлга олиш ва ҳукмронлик қилишдир. Бундай носоғлом эътиқод халқнинг онгини заҳарлайди, улар ўртасига нифоқ солади, қўпоровчилик, хоинлик, хиёнаткорлик, рикорликка олиб келади. Эътиқоди мустақкам инсон ҳеч қандай алдовларга, ёлғон ваъдаларга учмайди, мурасасозликка бормади, саросимага тушмайди.

Эътиқод мустақкамлиги инсоннинг келажагини, ҳаётдаги ўрнини белгиловчи маёқдир. У инсонни адолатпарварликка, жасоратга, мардликка, турли иллатларга нисбатан мурасасизликка даъват этади.

Соғлом фикрли, соғлом эътиқодли ота-она ўз фарзандига ҳам энг катта бойлик сифатида соғлом эркин эътиқодни мерос қолдирсагина мустақил Ўзбекистонимизнинг ҳар томонлама тараққиёти учун фидокор фуқароларнинг келажак авлодлари камол топиши муқаррардир.

БУРЧ

Шарқ халқларида қадимдан катталарни ҳурмат қилиш, кичикларга иззатда бўлиш, инсофли бўлиш, ростгўйлик, хушмуомалалик, меҳмондўстлик кишининг одоб-ахлоқини кўрсатиб берувчи қоидалар сифатида амал қилиниб келади.

Бу ахлоқ қоидалари ҳар бир шахсда тўлиқ намоён бўлган тақдирдагина у маънавий баркамол шахс ҳисобланади.

Демакки, у жамият олдидаги, кишилар олдидаги инсонийлик бурчини адо этган ҳисобланади.

Бурч муҳим ахлоқий-маънавий қадрият ҳисобланиб, ҳар бир шахснинг жамият олдидаги фуқаролик, ота-она олдидаги фарзандлик, халқ, миллат олдидаги инсонпарварлик, жамоатчилик олдидаги одамийлик вазифаларини бажариш демакдир.

Бурч — адо этилиши мажбурий бўлган инсоний вазифалар ва инсонийлик юзасидан бажарилиши мумкин бўлган ахлоқий қоидаларни ўз ичига қамраб олади. Ота-онанинг фарзанд олдидаги, жамият олдидаги бурчи, фарзанднинг ота-она олдидаги бурчи, инсониятнинг ўтмиш меросини асраш ва келгуси авлодларга етказиш бурчи, миллат олдидаги, келажак авлод олдидаги бурчи, табиатни асраш бурчи, Ватан олдидаги бурч — мажбурий вазифалардир.

Ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчлари «Қобуснома»да зикр этилишича, «...фарзандга яхши от қўйиш, фарзандни яхши дояга топшириш, суннат қилиш, тўй-томоша бериш, илм ва касб-ҳунар ўргатишдан иборатдир»¹.

Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асаарида ҳам ота-она бурчи ҳақида шундай дейилади:

*Уғил, қиз туғилса яхши билки бас,
Уйда тарбия қил, бошқа ердасмас.
Устознинг яхшисин танла албатта,
«Уғил, қиз пок ўсар, ёмондан четда.
Уғил, қизга ўргат билим ҳам одоб,
Бахтга ёр бўлур у, бўлмағай хароб,
Уғилга хотин, қизни эрга бер,
Қайғу ғамсиз яна, аё қутли эр!
Уғил топсин санъат-ҳунарда камол,
Бу ҳунар билан у тера берар мол,
Уғилни тергаб тур: бўш қўйма зинҳор,
Бенаф, бебош бўлар, югурар бекор»².*

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ота-она фарзанд тарбиясида жамият олдида ҳам жавобгардирлар. Ҳар томонлама етук фарзанд тарбиялаш ота-онанинг асосий, мажбурий бурчидир.

¹ Кайковус. Қобуснома. Тошкент, Истиқлол. 1994, 85—86-бетлар.

² Педагогика тарихидан хрестоматия. Тошкент, «Ўқитувчи», 1992, 49-бет.

Ота-онани ҳурмат ва иззат қилиш, кексайганда моддий таъминлаш, улар насиҳатига қулоқ тутиш ва уни сўзсиз адо этиш фарзанднинг ота-она олдидаги бурчи ҳисобланади. Фарзанд эл-юрт олдида ота-она обрўси, қадр-қимматини кўтариши лозим.

Фарзанд, айниқса, отани ҳурмат қилишга, топшириқларини бекаму кўст бажаришга мажбур. Унинг кўнглини оғритиш асло мумкин эмас. Оқил фарзанд ота қадрини юксак тутади. Халқимиз «Ота қарғиши ўқ» деб бежиз айтмаган.

Уламою фузалоларимиз фикрига кўра: ота фарзанд уйидаги истаган нарсани олиши мумкин экан. Фарзанд эса ота уйдан унинг руҳсатисиз ҳеч нарсани олишга ҳаққи йўқ экан. Борди-ю, шундай қилса ва бундан ота кўнгли оғрися, бу фарзандни ота номидан Оллоҳ оқ қилар экан.

Шунигдек, фарзанд онанинг тунда бир лаҳзалик уйқусидан туриб, оқ сут берган қарзини - умр бўйи онасини елкасида кўтариб юрса ҳам узолмас экан.

Мана, фарзанднинг ота-она олдидаги бурчи нима билан белгиланади!

Оилада келиннинг ҳам қайнона-қайнота олдидаги бурчи фарзанд бурчи демакдир.

Халқимизнинг маънавий мероси ҳисобланадиган меҳнатсеварлик, меҳр-оқибатлилик, биродарлик, инсонпарварлик, мардлик, ҳалоллик, иймон-эътиқодлилик каби фазилатларни, Ал-Беруний, Нажмиддин Кубро, Аз-Замахшарий, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Ал-Фарғоний, Ал-Бухорий, имом Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд ва шу каби мутафаккирларимизнинг маънавий меросини авайлаб-асраш, асрлар давомида қадрият даражасига кўтарилган миллий маънавий меросни келажак авлодга етказиш ҳар биримизнинг жамият олдидаги, инсоният олдидаги, келажак авлод олдидаги бурчимиздир.

Ватан — бу ҳар бир кишининг туғилиб ўсган муборақ жойи, маҳалласи, қишлоғи, шаҳри, она юртидир. У яшаётган заминдир. Мана шу Ватанни ҳимоя қилиш, Ватаннинг гуллаб-яшнаши учун ҳалол меҳнат қилиш, керак бўлса, Ватан ҳимояси учун жонини фидо қилиш Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

Инсоннинг энг катта бойлиги бу — Ватандир. Ватанни севиш деганда, Ватаннинг миллий тилини севиш,

давлат рамзларини севиш, миллий қадрият ва урф-одатларни қадрлаш, тинчлиги ва осойишталиги учун жон куйдириш кабилар тушунилади.

Дарҳақиқат, Ватанни севмоқ иймондандир. Яъни, иймони бут, онгли, Ватан тушунчасини тўла англаб етган, Ватан учун бутун куч-ғайратини бағишлаган, Ватан илм-маърифати йўлида меҳнат қилаётган, ўз Ватани билан ғурурланадиган инсонгина Ватан олдидаги бурчини адо этган бўлади.

Марҳумларни хотирлаш — бугунги авлоднинг фарзандлик бурчидир. Ватан тарихини билиш, бойликларни кўз қорачиғидай сақлаш, Ватан тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиш, ҳалол меҳнат қилиш, маънавий қадриятларини, урф-одатларини ўрганиш ва авайлаб-асраш асосий вазифасидир. Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий, маданий тараққий этган мамлакатлар қаторига қўшишда бор куч-имкониятларини сарф этиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Ота-она, жамоатчилик ва устоз-мураббийларнинг асосий бурчи бугунги жамият талабларига мос маънавий ва жисмоний баркамол, миллий онг ва тафаккури шаклланган шахсларни тарбиялаб етиштиришдан иборатдир.

Балоғат ёшидаги йигитларнинг асосий бурчи мамлакатимизнинг миллий армиясида хизмат қилиб, Ватан тинчлиги, осойишталигини сақлаш, уни ҳар қандай тажовузлардан, ички ва ташқи душмандан сақлашдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Ватан олдидаги асосий бурчлари мамлакатимиз Қомуси — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 48, 49, 50, 51, 52-моддаларида белгилаб берилган. Яъни, улар «Фуқаролар Конституция ва Қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асрашга мажбурдирлар. Маданий ёдгорликлар давлат муҳофазасидадир.

Фуқаролар атроф, табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар.

Фуқаролар Қонун билан белгиланган солиқ ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар.

Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир.

Фуқаролар Қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар».¹

Инсоният ўзи яшаб турган теварак атроф табиатини муҳофаза қилишга мажбурдирлар. Биз ўзимиз билган ва билмаган ҳолда табиатга зарар етказамиз. Биз табиатдан ва табиий захиралардан тўғри фойдаланган тақдиримиздагина табиатни ҳеч қандай салбий оқибатларсиз келажак авлодга етказиб бериш мажбуриятини бажарган бўламиз.

Табиатни асраш эса барчанинг бурчидир. Ҳар бир инсоннинг табиат ва жамият олдидаги бурч ва вазифалари мавжуддир. Улар олдидаги ўз бурчини садоқат, поклик билан адо этган инсоннинг келажаги порлоқ, обрў-эътибори баланд бўлади.

АДОЛАТ

Адолат инсоннинг ҳар томонлама баркамоллигини белгиловчи ахлоқий-маънавий мезонлардан биридир. У арабча сўз бўлиб, «адолат» — одиллик, тўғрилиқ деган маънони англатади. Бу сўзнинг мазмунда поклик, ҳалоллик, маърифат, маданият, орият, ҳақиқат, тўғрилиқ, виждон каби юксак инсоний фазилатлар мужассамдир. Адолат ҳукмрон бўлган оилада ўзаро ҳурмат, тинчлик-осойишталик барқарор бўлади, ҳаёт мазмунли ўтади, келажакка ишонч ва интилиш завқли кечади. Бундай оилада ота-она билан фарзандлар, ундаги катталар ва кичикларнинг ўзаро бир-бирларига адолатлилиги адолатли жамият барпо этиш учун мустаҳкам пойдевор ҳисобланади. Ота-онанинг фарзандлар олдидаги бурч ва вазифаларига тенг ва ҳалол муносабатда бўлиши, меҳнат тақсимоотида оила аъзоларининг (ўғил, қиз, келин, неvara ва ҳоказо) қобилияти, имконияти, меҳнат малакаларига оқилона муносабат, оила тарбиясида рағбатлантириш ва жазолаш методларини қўллашда одиллик, моддий ва маънавий манфаатдорлик тенглигига амал қилиш адолат ўлчовларидир.

Адолатнинг ўрнини хиёнат, жаҳолат, ноҳақлик, жабр-зулм, хурофот ва маънавиятсизлик эгаллаган жойда тубанлик ҳукмрон бўлади. Бунинг учун ҳам инсоният пайдо бўлгандан буён ҳамма замонларда адолат қарор

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, «Ўзбекистон». 1992, 18-бет, II боб. 43, 47, 50, 51, 52-моддалар.

топиши, унинг бузилишининг олдини олиш ва адолат-сизликка қарши кураш давом этиб келмоқда.

Дунё миқёсида қанча миллат, элат, халқ, инсон бўлса, ҳеч бири шахсий ва ёш хусусиятларига кўра айнан бир хил эмас. Шунинг учун уларга нисбатан адолатли бўлиш миллатлараро, халқлараро дўстлик, биродарликнинг асосидир. Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг бу масаладаги «Ҳар бир табақага адолатли чегара белгила, ўшанда давлат бошқарувида адолат, ақл ҳукмронлик қилади», — деган ўғитлари оила бошқаришда, жамоани ёки давлат ишларини бошқаришда дастуруламалдир.

Чунки оила ҳам ўзига хос кичик бир давлатдир.

Адолат мезони асосида давлатни бошқариш юртбошимиз И. А. Каримовга хос фазилатдир. Дарҳақиқат, йўлбошчимиз мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросидан, катта ёки кичик ҳар бир раҳбардан адолатпарвар ҳуқуқий демократик жамият қуриш учун интилаётган бир даврда адолат билан иш юритиш зарурлигини қайта-қайта такрорлайдилар. Бу масаланинг кундалик ҳаётий эҳтиёж эканлигини шундай фикрлар билан изоҳлайдилар: «Биз шунчаки демократик жамият эмас, демократик одил жамият қурмоқчимиз. Адолат ва ҳақиқатга интилиш эса халқимиз табиатининг муҳим фазилатларидан биридир...

Адолат ва ҳақиқат ғояси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олмоғи даркор. Адолат ва ҳақиқат ғояси қонунчилик фаолиятимизнинг замини, бош йўналиши бўлмоғи шарт. Давлатчилик ва фуқаролик муносабатлари, меҳнат ва уй-жой, нафақа ва солиқ, табиатни муҳофаза қилиш ва жиноятчиликка қарши курашиш масалалари, қўйингки, ҳаётимизнинг ҳамма жабҳалари ана шу заминга таяниши зарур»¹.

Адолатли жамиятда инсонларнинг турмуши шоду хуррамлик билан ўтади ва гўзал бўлади, эртанги фаровон ҳаётга ишончи кучли, ижодкорлик, ташаббускорлик кўрсатишга эҳтиёжи кучли бўлади. Зотан, келажакка ишонч — адолат фарзандидир.

Жамият ва давлат тузуми институтларининг адолат мезони билан иш юритиши шу жамиятнинг тараққиёти-

¹ Каримов И. А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1995, 13-бет.

ни таъминловчи омилдир. Адолат қарор топган давлатда демократия қондаларининг, инсон ва жамият манфаатларини муҳофаза этувчи қонунларнинг бузилишига йўл қўйилмайди.

Инсон манфаатлари ҳимоя қилинган, қонун устуворлиги таъминланган, ҳар бир фуқаронинг жамият ва табиат қонуниятларига амал қилиши онгли ва қатъий йўлга қўйилган жамият адолатлидир. Жабр-зулм, ноҳақлик, тенгсизлик, миллатчилик, маҳаллийчилик, ошна-оғайничилик, миллий, диний, ирқий камситишлар мавжуд жамиятда ҳеч қандай тотув ҳаёт, ўзаро ишонч бўлмайди, адолат тарозуси бузилади.

Адолат мезонлари ҳукмрон давлат ва жамиятда халқлар, миллатлараро муносабатларда самимийлик, ўзаро ҳамкорлик ва ҳамфикрлилик қарор топади.

У ёки бу миллатнинг, халқнинг кучи ва буюклиги, унинг адолатпарварлиги билан белгиланади. Соҳибқирон Амир Темур ҳам «Куч — адолатдадур» деб бежиз айтмаган. Адолат ҳукмрон бўлган халқнинг, мамлакатнинг келажаги буюқдир. Унга ҳеч қандай ёвуз куч раҳна солишга журъат этолмайди. Адолатли инсонпарвар жамиятда ҳамиша ҳақиқат ғалаба қозонади.

Демократик тараққиёт йўлидан бораётган Ўзбекистоннинг сиёсати негизда ҳам айнан шу ғоя мужассамдир.

Адолат қондалари оёқ ости қилинган жамиятда, зилада ноҳақлик, шафқатсизлик, зўравонлик, разолат, Ҷабоҳат, ёвузлик, ўзаро нифоқ авж олади. Бу эса жамиятни таназулга олиб келади. Аста-секин давлатни эмиради, миллатни ўз тарихий хотирасидан, қадриятларидан, ўзлигидан жудо қилади. Ота-онанинг фарзандига, қайнона-қайнотанинг келинига, раҳбарнинг ўз ходимига, устознинг шогирдига, дўстнинг дўстига, эрнинг отинига адолатсизлиги булар ўртасидаги ўзаро ишонч-ни барбод этади.

Адолатсизлик носоғлом муҳит пайдо қилади, улар ўртасига адоват уруғини сепади, ота-онани фарзанд, стозни шогирд, раҳбарнинг қўл остидаги ходими, қайнона-қайнотани келин ёки куёв олдида обрўйсизлантиради.

Улар ўртасидаги адолатнинг барқарор бўлишида халқимизнинг «Ўзингга раво кўрмагани ўзгаларга ҳам аво кўрма», «Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил», Қилмиш-қидирмиш», «Ўзингга яхшилик истасанг, ўз-

гага ёмонлик қилма» каби пурҳикмат. сўзлариға амал қилиш мақсадға мувофиқдир.

Адолат ва адолатсизлик инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатда, хатти-ҳаракатда, табиат ва жамият манфаатларини муҳофаза этувчи қонун-қондаларнинг амал қилиш жараёнида ва бошқа ҳолатларда намён бўлади.

Адолатли инсоннинг фикрлари соғлом бўлади, у яхшиликка, эзгуликка интилиб яшайди. Унинг қалби адоват, гина-кудурат, бахиллик, разиллик каби қора ниятлардан узоқ бўлади. Бундай инсон эса юксак маънавийли, баркамол шахсдир.

Адолатпарвар инсон қонун доирасида иш юритади. У ҳақиқатга тўғри қарайди, ноҳақликка, ёлғонга, бўғтонга, фисқу фасодга, тухматга шафқатсиз муносабатда бўлади. Ўз нафсини тийиш, хушмуомалалик, ҳожатбарорлик, кечиримлилик, кенг феъллик унинг учум муҳим ахлоқий-маънавий қадрият ҳисобланади.

Ўз айбига иқдор бўлган кишининг узрини қабул қилиш, киши кўнглини кўтариш, одамларнинг мансаби, миллати, дини, моддий аҳволидан қатъи назар бир хилда муносабатда бўлиш, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш йўлида бор имкониятларини ишга солиш, меҳнат тақсимоти ва унинг натижасини рағбатлантиришда тенглик тамойилига қатъий риоя этиш адолатпарвар инсон учун характерли хусусиятлардир.

Адолатли одам ҳаром ишлардан, ноҳўя хатти-ҳаракатлардан, беҳуда сўзлардан доимо ўзини сақлайди. Кибру ҳаво, ман-манликка берилмайди.

Адолатли инсон учун барча тенгдир. Унинг мақсади инсонлар ўртасида соғлом маънавий муҳит яратиш, уларнинг оилада, жамиятда тенглигини таъминлаш, қонун олдида барчанинг бир хил жавобгар эканлигини ҳар бир фуқаро онгига сингдириш, ҳаётда барчанинг ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза этишни таъминлашдан иборатдир.

Адолатли демократик жамиятда раҳбарнинг адолатпарварлиги жуда муҳим аҳамият касб этади. Аз-Замахшарий айтганидек: «Ҳақиқат ва адолат билан тўғри сиёсат юргизмаган ҳар бир ҳукмдор пировардида қаттиқ азоб-уқубат ва балога гирифтор бўлғуси».¹

¹ Аз-Замахшарийнинг «Нозик иборалар» китобидан намуналар. Арабчадан У. Уватов таржимаси. «Шарқ юлдузи» ойномаси, 1992 йил, 7-сон.

Адолатпарвар раҳбар жамоанинг ҳурмати ва эътиборини қозонади. У халқпарварлиги, одамийлиги билан элнинг олқишига сазовор бўлади. Унинг виждони пок, келажаги порлоқдир.

Мардлик ҳам адолатпарварликнинг муҳим мезонларидан биридир. Марднинг иши ҳам, сўзи ҳам бирдир.

Адолатпарвар инсон ҳар бир ишда инсоф мезонига амал қилади. Инсоф ҳукмрон оилада, жамиятда барака барқарордир.

Шунинг учун инсоният пайдо бўлгандан буён адолат ва адолатсизлик, эзгулик ва ёвузлик ўртасида беадад кураш давом этиб келади. Лекин адолат адолатсизлик устидан ҳамма вақт ғалаба қилади. «Адолат — эгилади, букилади, лекин синмайди» деган нақлнинг ҳаққоний эканлигини ҳаёт исботлаб келмоқда.

Адолат барча гўзал, савобли ишлардан улуғидир. Шунинг учун ҳам «Бир кунлик ибодатдан бир соатлик адолат афзал» дейилади.

Адолат — ҳуқуқнинг асосидир.

Ўзбекистон адолатли, ҳуқуқий-демократик жамият куриш йўлидан бормоқда. Адолат устуворлигини таъминлаш ҳар бир фуқаронинг Ватан, халқ, миллат, келажак авлод олдидаги бурчидир.

ИНСОНПАРВАРЛИК

Инсонпарварлик — ўзбек халқининг миллий ғазилатидир. Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритгач, ҳукуватимиз томонидан кўп болали, кам таъминланган оилалар, етим-есирлар, ногиронлар, боқувчисини йўқотганлар, ёлғиз-кексалар, бева-бечораларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, ҳолидан хабар олиш, инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш кундалик юксак ахлоқий-маънавий қадриятга айланиб қолди.

Инсонпарварлик ҳар бир инсоннинг қалб амри, ҳаётий эҳтиёжи даражасига кўтарилди.

Ортбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек «Инсонпарварлик — бу ўзбек халқи руҳиятининг ажралмас ғазилатидир. Шафқатсизлик ва зўравонлик унинг табиатига ётдир. Бизнинг халқимиз ўзининг воқеаларга бой кўп минг йиллик тарихи давомида кўп нарсаларни бошидан кечирди — маданият, илм-фан, ўз давлатчилиги ютуқлари нашидасини сурди, ўзаро низолар, бегоналар асорати аламини тортди, энг яхши ўғил-қизларидан

жудо бўлди. Лекин тарихнинг ўйини ҳам, омонсиз жангу жадаллар ҳам, табиий офатлар ва очкўзлик ҳам халқимизнинг инсонийлик табиатига доғ тушира олмади. Ўзбек оиласида бугунги кунда яхшилик ва ёруғлик, болабарга меҳр, катталарга ҳурмат, яқинларга ва бошқаларнинг қайғусига ҳамдардлик мужассамлашгандир».¹

Дарҳақиқат, инсонпарварлик — инсонларнинг инсонларга нисбатан меҳр-оқибатлилиги, саховатлилиги, мурувватлилиги, бошга оғир кун тушганда ҳамдардлик демакдир.

Инсонпарварлик инсоннинг эзгу фикри, эзгу амали бирлигидир.

Инсонпарварлик — она заминда яшаётган миллатидан, динидан, ижтимоий аҳволидан қатъи назар барча инсонларга нисбатан ғамхўрликдир.

Инсонпарварлик — жамиятни маънавий юксакликка элтувчи омир, миллий маънавиятимизга, миллий руҳ, урф-одатларимизга, қадриятларимизга кўрк бағишловчи хусусиятдир.

Инсонпарварлик — ғарибпарварлик демакдир.

Биз адолатли жамиятда, инсонпарварлик ғоялари илгари сурилаётган Ватанда яшаймиз. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида тобора обрў-эътибор қозониб бораётганлигига бу ерда юритилаётган инсонпарварлик сиёсати муҳим шарт эканлиги сир эмас.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг 1999 йил 30 апрелдаги «9 майни Хотира ва қадрлаш куни» деб эълон қилиш ҳақидаги тарихий Фармонининг ўзи бизнинг юртимизда инсон омилига бўлган юксак эътибордан далолатдир. Утганлар ёдини хотирлаш, тирикларни қадрлаш, ўсиб келаётган авлодда ватанпарварлик, инсон руҳини хотирлаш туйғусини тарбиялашга хизмат қилади.

Президентимиз Ислам Каримов мухбирлар саволларига жавоб берар экан, бу кун аҳамияти ҳақида шундай деди: «Авваламбор Хотира — бу тарихимиз. Ана шу тарих ижрочилари — авлод-аждодаларимизни эслаш, қадрлаш байрами. Тарихи йўқ халқнинг келажаги ҳам йўқ.

Ватан, эл-юрт ободлиги, озодлиги учун, бугунимиз учун жонини фидо қилганлар руҳини худо раҳмат қилсин, илойим.

Хотирлаш ва қадрлашдек савоб ишни фақат бир

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., «Ўзбекистон», 1998, 56-бет.

кундагина эмас, ҳар куни қилишга одатланайлик. Урушларда қон кечган, меҳнат заҳматини чеккан кекса отахону онахонларимизга кўп нарса керакмас. Улар бизнинг ихлос билан кўрсатган меҳр-муҳаббатимизни, шафқату шафоатимизни ҳис этсинлар.

Ешларимиз бу умр деганлари ўткинчи эканлигини унутмасинлар, кексаларни ҳурмат қилсинлар. Ахир кексалик ҳамманинг бошида бор. Ота-онамизга, қарияларимизга кўрсатилган ҳурмат-эҳтиром фарзандларимиз томонидан ўзимизга қайтади.

Мен ишонаманки, неча-неча йиллар, асрлар ўтади, аммо энг инсоний фазилатларимиз, амалларимиз — шу кундаги байрамимиз келажак авлодларимизга мерос бўлиб қолади...».

Зеро, инсон ер юзида мавжуд жонзодлар орасида энг мумтозидир, энг олий ва муқаддасидир. Инсон шахси энг олижаноб ижтимоий қадриятдир. Инсонпарвар халқ эса ҳамжиҳат бўлади.

Инсонпарварлик ўз таркибига инсоннинг энг яхши ахлоқий хусусиятларини, яъни одамлар ўртасидаги ўзаро яхши муносабат, дўстлик, ота-онага садоқат, меҳнатсеварлик, диёнат, тўғрилиқ, рўстўйлик, одиллик, инсоф, камтарлик, лутф, собитқадамлик, саҳийлик, мулоимлик, катталарни ҳурмат қилиш, кичикларга иззатда бўлиш, раҳмдиллик, қатъият, сабр-тоқат, меҳр-шафқат кабиларни қамраб олади.

Ота-боболаримиз болаларда ёшлиқдан ана шу гўзал фазилатларни қарор топтиришга аҳамият бериб келганлар.

Бугунги кунда таълим-тарбия масканлари, маҳалла, оила, кенг жамоатчилик меҳр-муҳаббат бешигига айланган. Бу ерда ёш авлод онгига, қонига инсонийлик туйғулари сингдирилиб, инсон сифатида ўз миллати ва халқи олдидаги инсонийлик бурчини адо этишга ўргатилмоқда.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда содир бўлган машъум 16 феврал воқеаларида, Авғонистон жанглари, Чернобиль ҳалокатида жабр кўрган оилалар ва фуқароларга халқимиз томонидан кўрсатилган саховат, меҳр-мурувват ҳақиқий инсонпарварлик тимсолидир.

Улар миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, расм-русумларимиз тимсолида ёшларга етказилмоқда.

*Одам бўлиб келдик, одам бўлайлик,
Элу юрт дардига малҳам бўлайлик —*

деганда шоир барчаининг эл-юрт тинчлиги, осойишталиги, инсон қадр-қимматини поймол этмаслигини олдини олишга чақиради.

Инсонпарварлик фазилатлари Қуръони Карим, Ҳадиси шарифларда, Аз-Замахшарийнинг «Нозик иборалар», Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғатит турк», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутағду билнғ», Қайкавуснинг «Қобуснома», Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикматлар», Паҳлавон Маҳмуднинг фалсафий тўртликларида, Аҳмад Юнакийнинг «Ҳибатул-ҳақойиқ», Саъдий Шерозийнинг «Гулистон ва Бўстон», Абдурахмон Жомийнинг «Баҳористон», Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» каби шоҳ асарларида талқин қилинади. Улар доимо инсондаги яхши сифатларни кўра олдилар. Яхшилик, одобли бўлиш, камтарлик, инсонийлик, дўстлик, садоқат, самимийлик, эзгулик каби юксак инсонпарварлик ғояларини тарғиб этдилар.

Жумладан, Муҳаммад алайҳиссалом Ҳадисларида кишиларни бир-бирига оғир кунларида ёрдам беришга ва оч қолганларида қўшниларига ўз таомларидан бўлиб беришдек олижаноблик қилишга ундайди. Бир қанча кишилар қиёмат кунини ўз қўшниларининг этакларидан ушлаб: «Ё раббий, мана бу қўшни бошимга иш тушган вақтда ёрдам бериш ўрнига эшигини қулфлаб олган эди», — деб даъво қилади. «Қимки қўшнисини оч туриб, қорни тўқ ҳолда тонг орттирса, у киши (чин) мўмин эмасдир».

Мана шу икки Ҳадис бутун инсонлар ўртасида одамгарчилик, қийин кунларда бир-бирига ёрдам бериш, саҳийликни тарғиб қилади ва шунга даъват этади.

Беруний инсоннинг қадр-қимматини улуғлаган. Инсонларнинг ишонч ва маъмурликлари бир-бириникидан фарқ қилишига диққатни қаратган. У мулозамат, раҳмдиллик, қатъият, сабр-тоқат ва камтарлик инсонни беэаидиган фазилатлар эканлигини қайта-қайта уқтиради.

Инсонпарварлик фазилати нафақат айрим шахсларга тааллуқли, балки у давлатга, унинг барча давлат ва нодавлат институтларига алоқадордир. Жумладан, мутасадди давлат ташкилотлари билан бир қаторда республикамизда фаолият кўрсатаётган, ҳукуматга қарашли бўлмаган Халқаро «Соғлом авлод учун», «Экосан» жамғармалари, «Республика Болалар жамғармаси», «Меҳр-шафқат ва саломатлик», «Наврўз», «Маҳалла»

жамғармалари, «Қизил ярим ой жамияти Марказий Кенгаши» ва бошқа жамоат ташкилотларининг ҳам инсонларга кўрсатаётган хайр-эҳсоли ҳақиқий инсонпарварликнинг намунасидир.

Инсонпарварлик бор жойда инсонлар ўртасида кучли меҳр-оқибат, дўстона муносабат, оилалар фаровонлиги таъминланиши табиийдир. Шунинг учун бизнинг халқимиз, ҳукуратимиз олиб бораётган ижтимоий сиёсатнинг негизини инсонпарварлик ташкил этади. Зотан инсонпарварлик асосига қурилган жамиятнинг келажаги порлоқ, турмуши фаровон бўлади. Бизнинг мамлакатимизнинг ҳам келажаги буюқдир.

МЕҲР-ОҚИБАТ

Халқимиз азал-азалдан меҳр-оқибатли халқдир. Қадимдан бир-бирига мурувват кўрсатиш, меҳрли бўлиш, оқибатли бўлиш инсониятнинг буюқ қадриятларидан бири ҳисобланиб келинган. Меҳр-оқибат азалдан инсон гўзаллигининг юксак қирраларидан бири саналган.

Ўзбек миллати учун бу фазилат ўта миллий қадрият. Ҳеч бир миллат фарзанди ота-онасига ўзбек боласидек меҳр-мурувватли, оқибатли бўла олмайди.

Меҳр-мурувват, оқибат негизида инсоннинг қадрига етиш, ҳол сўраш, оғирини енгил қилиш, ҳамдард бўлиш, хайр-саховат кўрсатиш, ғариблар кўнглини овлаш, етим-есирларга сахий бўлиш каби фазилатлар мужассамдир. Инсонларга яхшилик қилиш мурувват ва оқибатнинг асосидир.

Пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи ва саллам «Қўшнингизга яхшилик қилинг, тинч бўласиз», «Ўзингизга раво кўрган нарсани бошқа одамларга ҳам раво кўринг—саломат юрасиз» деган Ҳадисларида ҳам айнан инсонларни яхшиликка, меҳр-оқибатга даъват этади.

Меҳр-мурувват — яхшилик қилишга шошилиш демакдир. Уни мажбурий тарзда, миннат билан адо этиш мумкин эмас. Меҳр-мурувват ва оқибат чегараю меъёр билмайди. У инсоннинг истак-хоҳиши, имконияти, виждон амри билан боғлиқ инсоний фазилатдир.

Меҳр-мурувватли, оқибатли инсонга хос фазилатлар: мардлик, сахийлик, ваъдасига вафодорлик, поклик ва бағри кенгликдир. Бундай инсон муҳтожларга моддий

ёрдам кўрсатганда миннат қилмайди, қилган яхшиликни унутади, адолат мезонларини бузмайди, тилни ёмон сўздан, қўлни ёмон ишдан сақлайди. Унинг учун раҳмдиллик ҳаётий эҳтиёжга айланиб қолади.

Оқибат тушунчаси меҳр-мурувватга нисбатан хусусий характерга эга бўлиб, фарзанд билан ота-она, ака-ука билан опа-сингил, қўшни билан қўшни, қариндош-уруғлар ва дўст билан дўст ўртасидаги оқибат назарда тутилади. Бу ўринда бир-бирларига нисбатан ғамхўр бўлиш, қийинчилик бўлганда ҳамдард ва ҳамкор бўлиш, бир-бирини ёнида туриш оқибатлилик белгисидир.

Баъзан ҳаётда ота-она мероси ёки уй-жой, мол-дунё учун ака-укалар, опа-сингиллар ўртасида ўзаро жанжал пайдо бўлади. Натижада, иккала жигар бир-бири билан душманга айланади. Арзимаган, ўткинчи мол-дунё учун жигарлар ўртасида оқибат йўқолади. Шафқатсизлик, бераҳмлиқ, меҳрсизлик иккала жигарнинг фарзандлари онгида ҳам шакллана бошлайди. Бунинг оқибати яхшилик билан тугамайди.

Ҳаётда ота-она ҳолидан хабар олмайдиган, кексайганда ҳатто ғарибхоналарга элтиб қўядиган, баъзан ота-онани ҳақорат қилиб, унга қўл ҳам кўтарадиган фарзандлар учраб туради. Бундайларга оқибат, меҳр-шафқат деган тушунча бутунлай ётдир. Бундай фарзандлар «оқпадар», яъни ота-она қарғишини олган но-бакорлардир. Оқибатсиз, диёнатсиз, шафқатсиз фарзанддан оқибатли, меҳр-саховатли бегона афзалдир.

Муз қотган бу муқаддас туйғуларни одамийлик нурлари билан эритмоқ лозим. Ешлар онгига меҳр-оқибат, мурувват ва инсонийликни ота-она, катталар намунасида сингдирмоқ зарур.

Уларни Ватан, миллат, халқ, маҳалла, оила, ота-она, ака-ука, ёр-дўст, қўни-қўшнига, қолаверса ҳар бир инсонга, табиатнинг ҳар бир бўлагига нисбатан меҳрли, мурувватли, оқибатли қилиб тарбиялаш катталарнинг вазифасидир. Агар бу вазифа кўнгилдагидек амалга оширилса, Ватаннимиз, нафақат Ватаннимиз, балки ўзбек миллатимиз келажаги порлоқ, унинг гуллаб-яшнаши, жаҳонда ўз муносиб ўрни ва овозига эга бўлиши муқаррардир.

ДУСТЛИК ВА УРТОҚЛИК ОДОБИ

Дўстлик — бу инсонлар ўртасидаги мақсадлар, го-вий қарашлар бирлиги, қизиқиш, интилиш, маслак ва манфаатлар яқинлиги, ўзаро бир-бирини тушунишга асосланган муносабатлар тизими демакдир.

Дўстлик — бебаҳо хазина, инсонни маънавий қўллаб-қувватловчи, унинг ҳаёт йўлида оғирини енгил, ғам-ташвишларини фориг, руҳиятини енгил, кайфиятини муътадил этувчи буюк кучдир.

Дўстлик—қандайдир тама ёхуд манфаат асосига қурилмайдиган, шунингдек, ҳар қандай ҳолат ва вазиятда ҳам узилмайдиган ришта—занжир.

Дўстлик — бошга кулфат тушганда ёрдамга боришга даъват этувчи куч-қудрат.

Дўстлик — ютуқларидан қувониш, қайғу-дардларидан ўксиниш туйғуси.

Инсон табиати ва руҳияти мураккаб, қалби нозикдир. Шунинг учун у ҳамма вақт турмуш қувончлари-ю ташвишларини баҳам кўрадиган ҳамкор, ҳамдард, ҳаммаслак, ҳамфикр кишига эҳтиёж сезади.

Оддий қилиб айтадиган бўлсак, инсон ҳеч қачон дўстсиз, яъни ўзига яқин маслакдошсиз, суянчиқсиз яшай олмайди. Халқимизда «Дўстсиз бошим — тузсиз ошим», «Азобга бардош керак, Ҳамиша йўлдош керак», «Бодом пўсти билан, Одам дўсти билан», «Пул орттирма, Дўст орттир», «Пулинг мингга еткунча, Дўстинг ўнгга етсин», «Юз сўминг бўлмасин, Юз дўстинг бўлсин» каби нақллар борки, улар дўстликнинг туб моҳиятини, маъно-мазмунини равшан кўрсатади.

Дўстлик туйғуси энг оддий қадриятлардан бири бўлиб, у бирданига, дарҳол юзага келмайди, аксинча, узоқ йиллар давомида шаклланиб боради.

Дўстликнинг пайдо бўлиши инсоннинг ёшлик йилларидан бошланади. Ёшлик туйғуси билан дўстлик туйғуси чамбарчас боғлиқдир. Зотан, ҳақиқий дўстлик ёшлик йилларида пайдо бўлади, шаклланади ва инсоннинг бутун умри давомида ҳамроҳ бўлади.

Дўстлик ўзаро яқинлик муносабатлари негизида шаклланиб боради, вақт ўтиши билан энг самимий ва мустаҳкам дўстлик даражасига етади. Дўстлик натижасида кишилар ўртасида энг яқин муносабатлар пайдо бўлади.

Ҳаётда ҳақиқий, садоқатли дўст топиш инсон учун

бахтдир. У ҳар қандай моддий бойликдан ҳам устун туради. Бу бахтга ҳамма ҳам муяссар бўлавермайди. Ҳақиқий дўст баъзи ҳолларда туғишган қон-қариндошлардан ҳам юқори бўлади.

Арабларда дўсти йўқ одамни ўлдиринглар, деган гап бор экан. Бу фикрда дўстсиз одам ҳаётда, жамиятда ҳеч қандай фойда келтирмайди, шунинг учун бундай одамнинг бўлганидан бўлмагани яхши деган маъно мужассамдир.

Ҳаёт мураккаб, лекин лаззатли. Инсон ҳаёти эгри-бугри, паст-баланд сўқмоқлардан, хурсандчилик ва ғам-ташвишлардан, саломатлик ва беморликдан, муваффақият ва муваффақиятсизликдан, яхши ва ёмон кунлардан иборатдир. Инсон ҳар қандай ҳолатда ҳам ёнида ўзига яқин инсонлар: ота-онаси, қариндош-уруғлари билан бир қаторда дўстларининг туришини ич-ичидан хоҳлайди. Ўзига дўст деб билган кишининг ёнида турганининг ўзиёқ инсонга қувончли кунда олам-олам шодлик бағишласа, қайғули кунда бир дунё тасалли беради, маънавий мадад бахш этади.

Инсонлар ичида ҳақиқий дўстлар билан бир қаторда, сохта дўстлар ҳам учраб туради. Улар шахсий манфаат юзасидан, маълум бир мақсадни кўзлаб ўзларини ҳақиқий дўст сифатида кўрсатишга ҳаракат қиладилар, яъни ҳаёт сахнасида маҳоратли артист сингари рол ўйнайдилар. Бундай дўстлар амалдорларнинг мансаб курсиси учун, ўзига тўқ одамларнинг моддий бойлиги учун, ақлли, қобилиятли одамлар билан унинг истеъдоди, салоҳиятидан фойдаланиш учун ва бошқа тоифадагилар билан ҳам ўз шахсий манфаатларини кўзлаб яқин муносабатда бўладилар. Бундай сохта дўстнинг ҳар бир сўзи мақсадни кўзлаб айтилади, улар муғамбир, айёр, иккиюзламачи, дўстнинг сирини ўзгаларга ёювчидирлар. Булар дўстнинг хурсандчилик кунларида зарпечакдек ўралиб, ажралмайдилар, бошга иш тушганда бойлиги, мансаби қўлдан кетгач, ўша ондаёқ ўзларини четга оладилар, ғойиб бўладилар. Дўст деб ишониб айтилган сирларини унинг душманларига ошкора этади. Бундай дўст ўта хавfli ва душмандан ҳам қўрқинчлидир. Чунки, инсон ўз душманини билгач, ундан ҳар бир хатти-ҳаракатида эҳтиёт бўлади, ўзини маълум қолипда сақлаб юради. Ноқобил дўстга эса ҳақиқий дўст сифатида ишонгани учун ҳеч нарсани

яширмайди, ички сир-асрорини ҳам у билан маслаҳатлашади.

Халқимиз ичида айтиладиган «Дўсти нодондан душмани доно яхши», «Аҳмоқ дўст — ёвдан ёмон», «Ақлсиз душмандан бир сақлан, ақлсиз дўстан минг сақлан» каби нақлларда дўстнинг нодонлиги, хиёнаткорлиги душман тигидан ҳам ўткир, жирканч эканлигига ишора этилади.

Шунинг учун ҳақиқий дўст ким, душман кимлигини билиш инсон ҳаётида муҳим рол ўйнайди. Дўстликнинг ҳақиқий ёки сохталлигини билишнинг ўлчови инсон бошига оғир кунлар тушишидир. Инсон ҳаётида рўй берган хурсандчилик, омадли кунларда унга ҳамма интилади, у билан ёнма-ён бўлишга ҳаракат қилади. Халқимизда «Дўст бошга иш тушганда билинади», «Дўст дўстни кулфатда синар», «Содиқ дўст — меҳнатда бирга» Сохта дўст—роҳатда бирга», «Давлатинг кетса, дўст қочар» каби нақлларнинг маъзида олам-олам маъно бор.

Садоқатли дўст бошга иш тушганда бирга бўлади, дард, ғам-аламни бирга чекади, қўлдан келган ёрдамни аямайди. Ҳаётда шундай бир воқеани гувоҳи бўлдим. Мансаб курсисидан ўтирган, ўзига тўқ Р. исмли бир йигитнинг дўстлари жуда ҳам кўп эди. Оиласида хурсандчилик тантаналари бўлмаган кун йўқ деса ҳам бўларди. Туну кун атрофида дўстлари-ю уларнинг хотин, бола-чақалари парвона эди. Бу оилада ҳатто сигири бузоқ қилса ҳам дўстлар қутлашга келишиб, тонггача базму жамшид авжига чиқарди. Р. нинг ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари бунақа тантаналарга яқинлаштирилмасди, ҳатто эсланмасди ҳам. Қариндош-уруғ ҳол-аҳвол сўраб бу хонадонга қадам босиб кириб қолса, эр-хотин ўртасида бақир-чақир бошланарди. Онаизор ҳам, жигарлар ҳам бу оилани тинч-тотув яшасин дейишиб, дарров ўз уйларига қайтардилар. Р. нинг ҳам, хотинининг ҳам янги-янги дўстлари, ўртоқлари, сирдош-у маслакдошлари кўшайгандан-кўпайиб борар эди. Тасодифан хотин оғир касалликка дучор бўлади. Бу касални у онаси-ю, опа-сингиллари, маслакдош дугоналаридан бошқа ҳеч кимга, ҳатто турмуш ўртоғи Р. га ҳам билдирмайди. Маслакдош дўстлари, жигарлари билан касални яширинча даволай бошлайди. Шифо топа олмагач, хотин ўз касалини эри ва унинг уруғларига билдиради. Афсуски, вақт ўтган эди.

Барча саъй-ҳаракатлар, муолажалар, югуриб-елишлар бефойда бўлиб чиқади. Гишт қолипдан кўчган эди. Айни ҳаёт завқини суриш пайти келганда, 43 ёшда хотин оламдан ўтади, бешта гулдек фарзанд она меҳрига тўя олмай, мустақил ҳаётга қадам қўймай онадан ажралиб қоладилар. Шу вақт Р. бошқа бундайроқ ишга ўтади, бошига узоқ йиллик ёстиқдошидан ажраб қолишдек оғир мусибат тушади, моддий томондан қийналиб қолади.

Р. нинг бошига мусибат тушгач, уйини тўрида қадаҳ кўтариб, абадий сиз билан битта жонутанмиз деб оғиз кўпиртириб юрган дўстлари, ўртоқлари биринкетин ғойиб бўла бошлайди. Марҳуманинг йили ўтгунча қарийб барча «дўстлар» бирининг гўё вақти йўқлигидан, бирининг саломатлиги йўқлигидан, яна бирининг рўзгор юмушларидан орта олмаётганидан шикоят қилишиб, бу хонадонга келиши тўхтади. Марҳуманинг сирдош дугоналари, фарзандларнинг «ҳақиқий туғишган холалари» онадан эрта жудо бўлган беш боладан арвоҳ руҳи, ҳурмати учун бир марта хабар олиб, ҳол сўрашга имконлари бўлмади.

Ҳатто бу оила тантаналарининг дастурхон бошиси, шу хонадоннинг иш юритувчилари, булоқнинг бошида турган марҳуманинг онаси (отаси оламдан ўтган), ака-укаси, опа-сингиллари ҳам ўз жигаргўшаларидан ёдгор бўлиб қолган 5 бола ҳолидан хабар олишни ҳам хаёлларидан чиқардилар. Бу оила бошига тушган мусибатда Р. ни «Қорада кўрсам қорним тўқ» деб доимо дуои жонини қилиб юрган 80 ёшлик онаизор, ака-укалари, опа-сингиллари, қариндош-уруғлари ёрдамга келди. Уни ғам-ғусса ботқоғига ташлаб қўймадилар.

Шундай қилиб Р. бошига иш тушганда, ҳақиқий дўст ким-у, сохта дўст ким эканлигини, инсон учун ота-онадан, жигардан ғамхўр ҳеч ким бўлмаслигини кеч бўлса-да, англаб етди.

Ҳаётда бунга ўхшаш воқеалар хоҳлаганча топилиши мумкин.

Қиссадан ҳисса шундан иборатки, дўст танлашда кузатиб, синаб, ички дунёсини ўрганиб, сўнг у билан дўстлик алоқаларини боғлаш керак.

Дўстликнинг ҳам чегараси борлигини унутмаслик лозим. Ўз ички сири, оила сири, хизмат сирини ишониб ҳеч кимга, ҳатто дўстга ҳам айтиш мумкин эмас. Чунки бугун дўст бўлган одам эртага душманга айла-

ниши ҳам мумкин. Дўст билан ҳам ўйлаб, эҳтиёткорлик билан, хушёр бўлиб мулоқотда бўлиш зарур. Чунки дўстлик ришталари узоқ йиллар давомида мустаҳкам боғланишини унутмаслик зарур. Шунинг учун «Кийимнинг янғиси, дўстнинг эскиси яхши» деган нақл мавжуд.

Дўст тутиниш турли йўллар билан амалга ошади. Яъни, узоқ йиллар бирга таҳсил олиш, касб-кори бир хил кишиларни бир жойда меҳнат қилиши, бошга бирон ташвиш тушганда ҳамдард, ҳамфикр бўлиш, сафарга бирга чиқиш ва бошқа ҳолларда инсонлар бир-бирларини яхши билиш оқибатида дўстлашиш мумкин.

Дўст тутуниш ниҳоятда мураккаб ва нозик иш бўлиб, уни покиза сақлаш, авайлаб-асраш жуда масъулиятлидир. Оташнафас шоир Чустий айтганидек, «Дўст бўлиш осон, уни сақлаш қийин».

Дўстлик миллат, диний эътиқод, мансаб, бойлик, чирой ва бошқаларни танламайди. Дўстлик чегара билмайди. У ўзаро бир-бирини тушуниш, кўнгиллар, дунёқарашлар, маслаклар мутаносиблиги, руҳий, эътиқод яқинлиги асосига қурилади.

Дўстликнинг асосий ахлоқий-маънавий мезонлари: кечиримлилиқ, ҳурмат-иззат, инсонпарварлик, саховатлилиқ, ҳамдардлиқ, ширинсўзлилиқ, раҳмдиллик ва бошқалардир.

Ҳақиқий дўст учун ҳасад, бахиллик, кибру ҳаво, манманлик, иккиюзламачилиқ, ёлғончилик, сотқинлик, ғаразгўйлик, лоқайдлик, манфаатпарастлик каби иллатлар бутунлай ёт хусусиятлардир.

Дўстлик тушунчаси кенг қамровли бўлиб, у давлат билан давлат, эркак билан эркак, аёл билан аёл, қиз бола билан қиз бола, ўғил бола билан ўғил бола, бир миллат вакили билан иккинчи миллат вакили, аёл билан эркак, қиз билан йигит ва бошқалар ўртасида бўлиши мумкин.

Дўстликнинг энг муҳим қадрияти вафодир. Дўстга вафодор одам Ватанга ҳам, халқига ҳам вафо қилади. Ва, аксинча, дўстга хиёнат қилган инсондан халққа, миллатга, Ватанга ҳам хиёнат қилмаслигига кафолат йўқ.

Ҳақиқий дўст дўстнинг муваффақиятидан, ғалабасидан худди ўзиникидек қувонади, мағлубиятидан, муваффақиятсизлигидан хафа бўлади, ташвиш чекади. Бундай дўстлар баъзан яқин қариндошдан афзал бўлади.

Ҳақиқий дўст дўстининг хато-камчиликларини, нотўғри қўйган қадамини юз-хотир қилмасдан юзига айтади. Мақсад дўстини ғафлат уйқусидан уйғотиш, эгри йўлдан қайтариб, тўғри йўлга солиш, уни шармандалиқдан сақлаб қолишдир. «Дўст ачитиб гапирар, душман — кулдириб», деган ҳикматга биноан дўст ачиқ ҳақиқатни юзга гапиради, лекин уни меваси ширин бўлади. Душман эса хатосини кўрса ҳам ўзини кўрмаганга олади, сезса ҳам ўзини сезмасликка солади. Душманнинг мақсади бу одамни шарманда бўлишини истайди, элу юрт ичида обрўси тўкилишидан хурсанд бўлади. Шунинг учун душман киши дўсти нотўғри иш қилса ҳам, шу ишини тўғри деб баҳолайди. Дўст қанча кўп бўлса-да, шунча оз, душман битта бўлса ҳам, кўплик қилади.

Одатда, бирон-бир кишига баҳо бериш учун унинг дўстини сўраб-суриштирилади. «Сен менга дўстинг кимлигини айтсанг, мен сенинг кимлигингни айтиб бераман» деган пурмаъно фикр бежиз айтилмайди. Инсоннинг қандайлигини, жамиятда тутган мавқеини, ижтимоий келиб чиқишини, унинг ота-онаси ёки қариндошларидан эмас, унинг дўстидан билиш мумкин. Чунки турли дунёқарашга турли интилишларга, ҳар хил ўй-фикрга эга кишилар бир-бирлари билан дўст бўла олмайдилар. Бу ўринда дўстларнинг салоҳияти, савияси, иқтидори, истеъдоди ҳам муҳим ўрин тутади. Ҳеч қачон ақлли, доно одам нодон киши билан, бахил сахий билан, ботир қўрқоқ билан дўст бўла олмайди. Алишер Навоийнинг Ҳусайн Бойқаро билан дўстликларини ҳақиқий дўстлик деб аташ мумкин.

Шундай қилиб, дўстлик туйғуси улуғ бир неъмат бўлиб, инсон ҳаётининг безаги, бахт-саодат, обрў-эътибор қозонишга етакловчи юксак маънавий-ахлоқий фазилатдир. Ушбу юксак фазилатни авайлаб-асраш, қадрлаш ва ҳақиқий дўстлик қондаларига амал қилиш инсонни буюкликка етаклайди, қудратига қудрат, кучига куч бахшида этади.

САДОҚАТ

Садоқат — инсонларнинг бурч ва вазифаларига виждонан, ҳалол, тўғри, адолат билан муносабатда бўлиш демакдир.

Садоқат мазмунан кўп қиррали тушунча бўлиб, у оилага, ота-онага, дўстга, Ватанга, халққа, миллатга, устозга, муҳаббатга, аждодларга нисбатан меҳр-оқибатли бўлишдир.

Садоқат ростгўйликни, ҳалол меҳнатни, имон-эътиқодни талб этади.

Садоқат — қатъийлик, фикр-ғоясига собитлик.

Садоқат — шундай шаффоф, беғубор, туйғудирки шу фазилатни юрагига жо қилган Инсон ҳурмат-эътиборга лойиқдир.

*Садоқат — саодатдир,
Садоқат — жасоратдир,
Садоқат — малоҳатдир,
Садоқат — кўнгиш аро,
Зийнату нафосатдир.*

Сотқинлик, хиёнат, ёлғончилик — садоқатнинг кушандасидир.

Дўст дўстга, шогирд устозга, фарзанд ота-онага, эр хотинга, ёки аксинча, бир-бирига хиёнат қилмаса, ғийбат тошларини отмаса, уларнинг садоқати барчага намуна бўлғусидир. Бундай садоқатли инсонларга барча ҳавас билан қарайди, уларга интилиб яшайди.

Хиёнаткор, сотқин одамлардан эса барча ҳазар қилади, улардан узоқ юришга ҳаракат қилади.

Садоқатли дўст, садоқатли фарзанд дўстини ёки ота-онасини юзини ерга қаратмайди, уларни ҳар қандай вазиятда ҳам ҳимоя қилишга, обрў-эътиборини сақлашга куч ва имконият топади.

Садоқат инсонни бошга иш тушган энг оғир кунларда қўллаб-қувватлайдиган маънавий қудратдир. Ҳаётда баъзан ўз манфаати учун дўстини, ота-онаси ҳатто Ватанини сотган, уларга хиёнат қилган одамлар ҳам учрайди. Лекин бундайлар ҳеч қаерда обрў-эътибор, ҳурмат қозонолмайдилар, аксинча, нафратга учрайдилар, уларга маломат тошлари отилади. Чунки халқда бир нақл бор: «Бирни сотган, мингни ҳам сотади».

Ватанга содиқлик — олий қадриятдир. Ватанни севмоқ, уни гуллаб-яшнаши учун бор билими, куч ва имкониятини сафарбар этмоқ, турли офатлардан сақлаш учун қалқон бўлмоқ, ҳар бир қарич ерини авайлаб-асрамоқ, хиёнаткорларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлмоқ Ватанга садоқатнинг намунасидир.

Ватанга хиёнат ота-онага хиёнат демакдир. Бундай-

лар эл қарғишига гирифтордирлар. Қарғиш олган инсоннинг умри эса қисқа, келажаги йўқ, юзи қародир.

1999 йил 16 февралда Тошкент шаҳрида юртбошимиз ва ҳукумат аъзолари жонига қасд қилган, муҳим биноларни портлатган миллатимиз вакиллари ҳам эл қарғишига дучор бўлган Ватан хонидирлар. Уларни келажак авлод ҳам хонлар сифатида лаънатлайдилар. Улар учун Ватанга садоқат, содиқлик тушунчаси умуман ётдир. Уз Ватанига хиёнат қилган нобакор инсон ўзгалар Ватанига ҳам дўст бўлмайди. Бундайларнинг на Ватани, на уйи, на миллати, ҳатто на гўри бор.

Демак, оилага ҳамда Ватанга содиқлик муҳим ахлоқий-маънавий қадрият бўлиб, уни ҳар бир шахс онгида шакллантириш оила мустаҳкамлиги, мамлакат мустаҳкамлиги асосидир.

ҲАЁ

Ҳаё — Шарқ халқларига хос бўлган ахлоқий гўзалликнинг кўркем кўринишидир. Шунинг учун ҳам ҳаё тушунчаси ўта миллий тушунча. Ҳаё эркакларга нисбатан аёл табиатига кўпроқ мос бўлиб, қизлик ҳаёси, келинлик ҳаёси, аёллик ҳаёси, оналик ҳаёси каби назокати билан кенг қамровлидир.

Ҳаё кишининг хулқ-атвор, юриш-туриш, теварак атрофдагиларга муносабат, кийинишда сиполик, бировнинг юзига тик қарамаслик, гап қайтармаслик, андишали, ор-номусли бўлиш, гапирганда ўйлаб гапириш, баланд овозда гапирмаслик, қаттиқ кулмаслик каби мезонларда яққол намоён бўлади.

Абдулла Авлоний таъбири билан айтганда, «Ифратнинг пардаси, виждоннинг ниқоби — ҳаёдир».

Ҳаё — бу поклик, софлик, вафодорлик, ўз-ўзини асраш, қадрлаш, ғурурдир.

Ҳаёни қуёшга ўхшатиш мумкин. Қуёш еру заминга илиқлик улашса, қиз боланинг юз-кўзларида порлаб турган ҳаё кишилар қалбига илиқлик бахш этади.

Ҳаё энг қадимий шарқона туйғулардан бири бўлиб, инсон онгига мажбуран сингдирилмайди. У инсон руҳиятидан, миллат руҳиятидан келиб чиқади. Ҳаё қиз боланинг ўзга хонадонга, турмуш ўртоғининг муқаддас оstonасига олиб борадиган келинлик сепи. Шунинг учун келин кўрмоқ ниятида келган меҳмонлар, албат-

та, узаро суҳбатда «Ҳаёли, иболи, фариштали келин экан», деб қўйишади.

Қайковус ибн Искандар ўз ўгли Гилоншоҳга шундай насиҳат қилади: «Хотин талаб қилсанг, хотиннинг молини талаб қилмағил. Хотиннинг пок ниҳол ва пок дил бўлсун: кадбону эрига дўст бўлгай. Ҳаёли, тақводор, тили қисқа, молни яхши сақлагувчи бўлсин. Деб-дурларки, яхши хотин эрининг ва умрнинг роҳати бўлур».¹

Ҳақиқатан ҳам ибо — ҳаё замирига қурилган оила тинч, мустаҳкам бўлади.

«Ҳаё ва вафо икки ҳамзод фарзанд», — дейди Алишер Навоий «Маҳбуб-ул қулуб» асариди, — вафога ҳаё била пайвасталик, андоқки, ҳаёга вафо била вобасталик. Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ. Ҳар кимда бу икки йўқ — имон йўқ ва ҳар кимда имон йўқ — андин одамилик келмак имкони йўқ. Комиллар — аҳли ҳаё ва носиклар беҳаё».²

Буюк кишилардан бири айтган экан: «Одам истаса камтар бўлиб кўрина олиши эскидан бор гап, аммо камтар одам ҳеч қачон ҳаёсиз кўрина олмайди».

Дарҳақиқат, ҳаёсизлик, ибосизлик элда доим қораланади. Беҳаё — уятсиз каби маъноларни англатади.

Шарқ аёлларининг ҳаё-ибоси бадий асарларда, халқ қўшиқларида, шоирларнинг шеърий мисраларида улуғланиб, куйланади.

Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романидаги Кумуш ва Отабекнинг ҳаё ва вафо билан йўғрилган севгиси ҳар қандай китобхонда ички бир нафис туйғу пайдо қилиши, кўнгил торларини чертиб ўтиши сир эмас. Кумушбинининг Шарқ аёлларига хос ибоси Отабек билан бўлган ҳар бир муносабатида кўзга ташланади: « — Отабек тутулинқираб «Муборак бўлсин!» деди. Кумуш жавоб ўрнига уялиб юзини кўрпага яширди.

Кумуш эрининг юзига-юзини қўйди, уялгансумон кўзини юмди».

Ёки, Отабек фарзанд кўрганда отасидан нечоғли уялганлигини эсга олайлик: «Айниқса, ҳозирги пайтда дадаси билан тўқнашиш унинг учун бир оз ўнғайсизроқ туюлган эди».

¹ Қайковус. Қобуснома. Тошкент, «Истиқлол», 1994, 84-бет.

² Педагогика тарихи хрестоматияси. Тошкент, «Ўқитувчи», 1992, 62-бет.

Бугунги кунда турмуш остонасида турган қизларда Кумушнинг, йигитларда Отабекнинг ҳаёси-ю ибосини тарбиялаш ўта муҳим муаммодир. Миллий тарбиянинг асоси ҳам ҳаё пойдеворига қурилмоғи зарур.

Лекин турмуш ўртоғи билан муносабатда ҳаё-ибо чегарасидан чиқмаслиги хусусида шоир айтади:

*Аёлнинг энг аввал ҳаёси бўлсин,
Ўзига, қадрига вафоси бўлсин.*

Йигитми у, қиз болами, уларнинг ҳаё пардаси йиртилмасин. У инсонни қадрини белгиловчи, оиладаги, ҳаётдаги ўрнини аниқловчи юксак инсоний қадриятдир. Ушбу қадриятни авайлаб-асраш, уни фарзандлар хулкида шакллантириш, оиланинг, жамиятнинг маънавий баркамоллигини таъминлаш негизидир.

ИФФАТ

Инсоннинг обрў-эътибори, қадр-қиммати унинг иф-фати билан ўлчанади.

Иффат ўзни ёмон, уят ишлардан сақлаш, нафсни ҳавойи ҳирслардан тийиш, ўткинчи ҳиссиётни жиловлай олиш демакдир. Иффат инсон виждонининг поклиги, қалб тозаллиги, фикри ҳам, хатти-ҳаракати ҳам, амали ҳам тўғрилигидир.

Иффатли одам ўзини турли қабиҳ ишлардан, ҳаром нафсдан, эҳтиросли хатти-ҳаракатдан сақлайди қадр-қиммати ва ор-номусини ҳамма нарсадан юқори қўяди, уни пок сақлашга интилади.

Иффат аёл киши учун буюк зийнатдир. Бу зийнати соф сақлаш унинг бахти ва саодати, умрининг мазмуни, оилада, жамиятда муносиб ўрин топиши демакдир.

Ҳазрат Али разияллоҳу анҳу айтдилар: «Иффат хотунларнинг энг зийнатли либоси, эрларнинг сармойи улвиятидур». Буюк аллома Аз-Замаҳшарийнинг фикрича: «Аёл кишига унинг ҳусни жамоли учун эмас, балки унинг покиза иффати билан чирой жаъм бўлгандагина ҳақиқий баркамоллик ҳосил бўлади».

Абдулла Авлонийнинг таъбирича: «Иффат эрлардан кўпроқ хотунлар учун олмосдан қиммат, инжудан қадрли зийнат ва фазилатдур».

Демак, қизлар учун энг катта бойлик, мартаба, зийнат-иффатдир. Моддий бойлик, манфаат, мансаб учун ўз иффатини поймол қилган қиз ёки аёл эл-юрт ичида

шармандаю шармисор, обрусиз бўлиб, нафратга учрайди. Олтину жавоҳирлар, бойлик, пул билан иффатни сотиб олиш мумкин эмас. Лекин, уларни иффатли аёл ўз ҳалол меҳнати билан топиши мумкин.

Иффатли аёл моддий жиҳатдан камбағал бўлса ҳам, у маънавий-ахлоқий жиҳатдан бойдир. Иффатсиз аёл эса моддий жиҳатдан қанчалик бой бўлса-да, у маънавий қашшоқ, эл назаридан йироқ, авлод-аждодлари, миллати учун бутун умр исноддир. Бундайлар тинч-тотув оилаларни бузувчи, тўғри, пок, ўз оиласига садоқатли эркакларни жаҳолат, қабоҳат ботқоғига тортувчилардир. Тарбияшунос Ризоуддин ибн Фахруддин таъкидлаганидек: «Иффатсиз хотун нурсиз, ифлос, жирканч бир гавдадур».

Иффатсиз аёл авлод-аждодлари, халқ, миллат лаянатига учрайди. У оила, жамият шаъни учун қора доғдир.

Иффат аёллар учун ҳеч қандай бойлик, зебу зийнат, мол-дунё, мансаб билан ўлчанмайдиган бебаҳо бойликдир. Бу бойликни гард юқтирмай сақлаш эса ирсиятни тозалиги, миллат генофондининг софлиги демакдир.

Шунинг учун баъзи қизлар ва аёллар «Бу ўткинчи беш кунлик дунёда яшаб, ўйнаб қол» қабилида иш қилмасдан, ўз ҳаёларини, иффатларини покиза сақлашлари лозим. Ҳаёсизлик, иффатсизлик ҳеч қачон, ҳеч қайси даврда кечирилмаган, ота-она, халқ қарғишига, нафратига дучор бўлган. «Ойни этак билан ёпиб бўлмас», «Қасални яширсанг, иситмаси ошкор этади» каби мақолларда айтилганидек, ифлос хатти-ҳаракатимни ҳеч ким билмайди, сезмайди қабилида фикр юртиб, ўз иффатини сақлай олмаган аёллар жуда катта хато қиладилар. Халқимиз айтганидек, «Қинғир ишнинг қирқ йилдан кейин ҳам қийғи чиқар».

Демак, ҳалоллик, поклик, тўғрилиқ, ҳаёлилик, иффатлилик — бахт ва саодатнинг, қадр-қимматнинг калитидир.

БЎШ ВАҚТДАН ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНИШ

Бўш вақт ва уни ташкил этиш.

Вақт — инсон ҳаёти ўлчовининг бирлигидир.

Вақт — ўткинчи ва лекин қайтиб келмайдиган ҳодисадир.

Вақт — инсон ҳаётининг қандай ўтишини белгилайдиган мезондир.

Инсон вақт ичида турли томонлама ўсиши-улғайиши ёхуд тубан кетиши мумкин. Шунинг учун вақтдан тўғри, унумли ва самарали фойдаланиш келажакни ўйлайдиган инсонга хос хусусиятдир. «Вақтнинг кетди, нақднинг кетди» деб бежиз айтилмаган. Киши ҳаётида вақт энг қимматли нарса. Одам шахс сифатида фаолият жараёнида, вақт бешигида шаклланади, ўзининг моддий, маънавий ижтимоий эҳтиёжларини қондиради. Вақтдан тўғри фойдаланиш, уни оқилона тақсимлаш аввало инсоннинг, қолаверса, жамиятнинг моддий ва маънавий фаровонлигини ошириш ва яхшилашнинг, халқ эҳтиёжларини қондиришнинг муҳим гаровидир.

Инсон жамиятда ўз ўрнини топиши ва ўзидаги қобилиятни намоён этиши, барча имкониятларидан унумли фойдаланиб, келажакда фойдали шахс сифатида ўз ўрнига эга бўлиши учун вақт зарур. Шунинг учун ҳам халқимиз «Вақт бебаҳо бойлик» дейди. Вақтдан тўғри фойдаланишнинг гарови унинг ҳар бир дақиқасини тўғри тақсимлашдан иборатдир. Киши ҳаётидаги вақт милларини икки қисмга ажратиш мумкин: иш вақти ва бўш вақтдир. Иш вақтида инсон ижтимоий ишлаб чиқаришнинг у ёки бу соҳасида шахсий, жамият ва халқ манфаатлари учун ақлий ҳамда жисмоний меҳнат қилади.

Бўш вақт — ижтимоий меҳнат ва машғулотдан озод пайти ҳисобланади. Бўш вақтда киши жисмоний ва ақлий фаолиятини тиклаш мақсадида бадий ҳаваскорлик, техник ижодкорлик, спорт, санъат билан шуғулланади, китобхонлик, саводхонлик даражасини ўстиради. Бўш вақтнинг ўзи «актив» ва «пассив» жараёнлардан иборат бўлиб, «актив» жараёнда шахс ўзининг маданий, маиший, маънавий эҳтиёжлари, оила аъзоларининг қизиқишлари, истак ва хоҳишларига кўра ташкил этадиган ижодий фаолият жараёнидан иборат. Қизиқишларга кўра турли ижодий фаолиятдан ташқари, бекорчилик билан ўтказиладиган вақт «пассив» бўш вақтдир.

Бўш вақтнинг ўзи нима учун керак?

Бўш вақт кишининг қобилияти ва истеъдоди асосида ташкил этиладиган асосий фаолияти жараёнидан ташқарида: дам олиш, маданий ҳардиқ чиқариш, муто-

лаа билан шуғулланиш, ақлий ва жисмоний қобилиятни мустаҳкамлаш ва қайтадан тиклаш учун зарур.

Бўш вақт инсоннинг гармоник шаклланиши учун мезон бўлиб, у ижтимоий муаммодир. Шунинг учун уни ташкил этиш фақат шахсий иш бўлиб қолмасдан, балки ижтимоий характерга ҳам эга. Бўш вақтни тўғри ташкил этиш оила аъзолари, мактаб, жамоат ташкилотларидан кунт талаб этади. Бўш вақтнинг тарбиявий аҳамияти унинг турли-туман қизиқарли шаклларда ташкил этилишига боғлиқдир.

Ҳар бир кишининг кундалик ҳаёти қатъий кун тартиби асосида ташкил этилган тақдирдагина бекорчиликка, зеркишга ўрин қолмайди. Француз ёзувчиси Стендалнинг таъбирича: «Бекорчилик — зеркишнинг онасидир».

Бекорчилик турли жиноятлар содир этишнинг, ичимликка, чекувчиликка ружу қилишнинг, маънавий нопок ишларнинг шарт-шароитидир. Шунинг учун бўш вақтни шундай ташкил этиш лозимки, унда бирон-бир фойдасиз, ноўя иш қилишга имкон, ўрин қолмасин.

Бўш вақтда киши қандай фаолият турлари билан шуғулланади? Умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг ва умуман одамларнинг бўш вақтларини ташкил қилишда қуйидаги чора-тадбирларни назарда тутиш мумкин. Чунончи: Китобхонлик даражасини ўстириш мақсадида мустақил мутолаа қилиш (бадий, техник ижодкорлик, ихтисослик бўйича китоб ўқиш, газета, журналлар билан танишиш, оммавий ахборот воситалари: радио эшиттириш ва телекўрсатувларини тинглаш ва томоша қилиш); эстетик маданиятни ўстириш (кино, театр, концертларга, бадий-ижодий кўргазмаларга бориш); экологик маданиятни шакллантириш (саёҳатлар, походлар, турли йўналишлар бўйича юришлар, сайрлар ташкил этиш); жисмоний чиниқиш (спорт мусобақалари, кўриктанловлар, олимпиадалар ва бошқалар); ақлий камолтни тарбиялаш (турли тўғараклар, бирлашмалар, маънавий-маданий марказлар, фан олимпиадалари, ижодий ишлар танловлари, фанлар бўйича синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий тадбирлар); миллий маънавий-маданий қадриятларни шакллантириш (миллий анъаналар, урф-одатлар, ўдумлар, байрамлар, сайрлар, тўғараклар) каштачилик, кулолчилик, темирчилик, заргарлик ва бошқалар билан банд бўлиш ва шу кабилар.

Бўш вақтни ташкил этиш ихтиёрий равишда амал-

га оширилади. Бўш вақт кишининг асосий фаолият тури билан боғлиқ бўлиб, уни янада мустаҳкамлашга, қизиқарли ташкил этишга, иш, ўқиш фаолиятининг унумдорлигини оширишга, ҳаётда ўз ўрнини топиб олишга кўмаклашади. Меҳнат унумдорлиги (ижтимоий-фойдали меҳнат, ўқиш меҳнати ва ҳоказо) бўш вақтни қандай ташкил этилишига боғлиқ.

БЎШ ВАҚТНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ШАҚЛЛАРИ

Инсон учун ҳеч иш қилмай, ҳеч нарса билан банд бўлмай, вақтни ўтказишдан қийин азоб йўқ. Мақсадли киши ишдан сўнг бўш вақтини завқли ўтказди. Донишмандларимиз айтганидек: «Замон ишсиз ва ялқов одамларнинг беомон душманидир»¹.

Мактабда бўш вақт ўқувчининг дарсдан сўнг синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар билан банд бўлишидан иборат.

Мактабда ўқувчининг бўш вақтида фан тўғараклари, олимпиадалари, кўрик-конкурслар, кечалар, учрашувлар, мунозаралар, мусобақалар, анжуманлар, кўрғазмалар ташкил этиш, Наврўз, Рўза ҳайит, Қурбон ҳайит, Ҳосил байрами ва бошқа шу каби миллий тарбиявий тадбирларга жалб этишга кўпроқ аҳамият берилади.

Турли спорт ўйинларидан миллий кураш, кўпкари, човган, миллий рақс, тирандозлик, чавандозлик, қиличбозлик ва бошқаларга; миллий санъат турларидан мискарлик, каштачилик, зардўзлик, тўқувчилик, кулолчилик, темирчилик ва бошқаларга қатнашиш ҳар бир бола учун миллий қадриятларни, анъаналарни, санъатни эгаллашда муҳим ўрин тутди.

Инсон бўш вақтининг катта қисми оила доирасида ўтади. Бўш вақтни ташкил этишда ота-она намунаси, уларнинг раҳбарлиги асосий ўринда туради. Бўш вақтда фарзандларни меҳнат билан банд этиш, касб-ҳунар ўргатиш, қобилиятига кўра малака ва кўникмага эга қилиш, оилавий юмушларни ўргатиш ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчидир. Бўш вақтни беҳуда ўтказиш —

¹ Оз-оз ўрганиб дово бўлур. Донишмандлар бисотидан ҳикоятлар, ўғитлар, ҳикматлар, Тошкент, «Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти», 1988, 105-бет.

ҳаётни мазмунсиз ўтказиш демакдир. Ота-она илмий ўрганишга, улардан энг яхши хислатларни, одатларни эгаллашга интилиш фарзанд учун кундалик эҳтиёжга айланиши керак. Ота-онани махсус вақт топиб, ўз тажрибасини ўргатишини, билимидан, касб-ҳунари сирларидан воқиф қилишини кутмаслик зарур. Машгулудан бўш вақтда уларнинг ёнида бўлиш, ҳар бир ишига ёрдам бериш, меҳнат инсонни чиниқтиришини унутмаслик лозим.

Буларнинг барчаси келгусида қиз бола келин бўлиб тушган рўзгорда қайнона, қайнотанинг «қиз тарбиялаган ота-онангга раҳмат», ўғил болага халқнинг «барака топинг, қўллингиз дард кўрмасин», «ўстирган падарингга минг раҳмат» каби сўзларни эшитиши учун заминдир. Бунинг учун меҳнатдан қочмаслик, интилиш, эринмаслик талаб этилади. Халқимиз айтганидек: «Меҳнатсиз умр — чириган кўмир», «Меҳнатсиз турмуш — умрга хиёнат», «Меҳнатдан дўст ортар, ғийбатдан — душман»¹.

Халқимизда «Бир йигитга қирқ ҳунар оз» деган мақол бор. Инсон қанчалик кўп ҳунар ўрганса, у шунча моддий ва маънавий томондан муҳтожлик кўрмайди. Аксинча бўлса, ҳаётда қоқилади, хор-зор бўлади.

Халқимизнинг асрлар давомида сақланиб келаётган касб-кори, ҳунари йўқолмасин, уни ўрганиш, ривожлантириш, жаҳон миқёсида кўз-кўз қилиб машҳур этиш ҳар бир кишининг ота-боболари, авлод-аждодлари олдида турган шарафли бурчидир.

Ота-боболарнинг касбини, ҳунарини ўрганиш, миллатни, миллий қадриятларни, урф-одатларни, анъаналарни сақлашнинг ўзи келажак авлодларга аждодлар тарихини, маданиятини, анъаналарини етказишнинг гаровидир.

Қизлар бўш вақтида тикиш-бичиш, уй тутиш, пишириш, меҳмон кутиш, укаларни тарбиялаш, кир ювиш сирларини ўрганиш билан машғул бўлиши лозим. Халқимизнинг каштачилик, зардўзлик, дўппи ва жияк, миллий кийим-кечакларни тикиш, тўқиш каби ҳунарларини момолардан, оналардан ўрганилади.

Йигитлар вазифаси боболаримизнинг мискарлик, темирчилик, тандирчилик, кулолчилик, маҳсидўзлик, меъ-

¹ Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома. Қомус Бош редакцияси. Тошкент, 1990, 225-бет.

морчилик, уй қуриш устаси, наққошлик, уймакорлик, боғбонлик, полизкорлик, жувозчилик, тегирмончилик ва бошқа ноёб миллий касбларни сақлаб қолиш, уларнинг сир-асрорларини қунт билан ўрганиш, сулолалар шарафини ҳимоя қилиш, довруғи оламхур машхур ўзбек халқининг санъатини жаҳоннинг турли бурчакларида кўз-кўз қилишдан иборатдир.

Мактаблар, маданият масканлари, маҳалла қўмиталари қошида, оилаларда, кўчалар, қишлоқларда ташкил этиладиган юқорида қайд этилган тўғаракларга қизиқишлари, қобилият ва истеъдодларига қараб ҳар бир йигит ва қиз болани жалб этиш касб маҳоратига, меҳнат малакасига эга бўлишнинг муҳим воситасидир.

Миллат сақланса, миллий удумлар, анъаналар, урф-одатлар касб-ҳунар сақланади, улар сақланса миллат давом этади, яшайди.

Ҳар бир киши бўш вақтида ўзининг маънавий, маданий савиясини ошириш имкониятига эга. Бунинг манбаси адабиёт, санъат, театр, кино, концерт, кутубхона, радио, телекўрсатувлар, турли характердаги музейлар ҳисобланади. Ёшига, қизиқишига мос кино, спектакл, телекўрсатувлар, радио эшиттиришларни эшитиши, томоша қилиши, кишининг маданий ҳордиқ чиқариши учун асос бўлади.

Асрлар давомида инсон бадний асардан маънавий озиқ олиб, ўзининг турмушда қизиқтирган саволларига жавоб топиб келади. Бадний асар кишининг қайғули кунларида ҳам, ёлғиз қолган дамларида ҳам, яъни кундалик турмушида яқин маслаҳатчи, садоқатли ҳамроҳ ҳисобланади. «Китоб бебаҳо бойлик». Шу бойликдан баҳраманд бўлишга йўлланма ўқитувчи, ота-она томонидан берилади. Мактабда китоблар кўр-газмаси ташкил этилади, адабий мунозаралар, китобхонлар конференциялари, адабиёт аҳли билан учрашувлар ўтказилади.

Оилада ўқилган асарлар асосида китобхонлик даражалари, савол-жавоблар, ўқилган газеталар, журнал материаллари асосида суҳбатлар ташкил этилади. Бундай тадбирлар ҳар бир кишининг саводхонлик, китобхонлик даражасини ўстиради, адабий-бадний, миллий бойлигимизни қунт билан ўзлаштиришга илҳомлантиради. Оила китобхонлиги энг яхши анъаналаримиздан ҳисобланади.

Бўш вақтда турли характердаги оммавий байрам-

лар ҳамда миллий байрамлар: Наврӯз, Рӯза ва Қурбон ҳайити, кўпкари, миллий ўйинларга борилади, уларнинг ўтказилиш тартиби, моҳияти билан танишилади. Бўш вақтда фақат бир хил иш билан шуғулланиш кишини зериктириш, соғлиғига таъсир этиши мумкин. Шунинг учун бўш вақтда ҳам моддий, ҳам маънавий, ҳам ақлий эҳтиёжларни қондирадиган машғулотлар билан банд бўлса, ўз ишидан қониқиш ҳосил қилсагина, бундай вақт ўтказиш самарали бўлади.

САФАРГА БОРИШ ҚОИДАЛАРИ

Одатда киши бўш вақтида, таътил вақтларида сафарни ихтиёр этади. Сафарда киши табиат манзараларидан завқ-шавқ олади, илҳомланади, кўрмаган жойларни кўради, билмаган нарсаларни билиб олади, яхши-ёмон одамлар билан ҳамсуҳбат бўлади. «Бирни кўриб фикр қил, мингни кўриб шукр қил» деганларидек, ҳар хил одамлар билан учрашиб, яхши-ёмон турмушини, тақдирини кўриб, хулоса қилади, улардаги яхши томонларини олишга ҳаракат қилади, одамларни танийди. Сафар чоғида кишида муомала маданияти, инсонпарварлик, меҳр-оқибат, дўстлик, қадр-қиммат, саховат каби фазилатлар шаклланади. Донишмандлар сафарнинг фойдали оқибатлари, таассуротлари ҳақида шундай дейдилар: «Сафар қилгилки, сафарда беш фойда бордир. Аввалги фойдаси шулки, ғам ва андуҳ кетгай. Иккинчи, касби зиндагоний (тирикчилик сармоясини) ҳосил бўлгай. Учинчи, таҳсили илм. Тўртинчи, тақмили (тўлиқ) одоб ва ахлоқ. Бешинчи, улуғлар суҳбатларини топгай»¹.

Сафар турли мақсадларда: хизмат юзасидан, бўш вақтда бошқа ўлкаларни томоша қилиш, қадимий обидаларни зиёрат қилиш; ота-она; қариндош-уруғ, дўст-ўртоқлар ҳолидан хабар олиш; касб ўрганиш, илм олиш; табиат қўйнида хордиқ чиқариш; тижорат мақсадида амалга оширилади.

Сафар нимадан бошланади? Сафарнинг барча турларига унга тайёргарлик кўриш ишларидан бошланади. Сафарга унинг мақсади ва характериға қараб тайёргарлик кўрилади.

¹ Мухаммад Содиқ Қошғарий. Одоб ас-солиҳин (яхши кишилар одоби). «Шарқ юлдузи», 5-сон, 100—101-бет.

Оила аъзолари, яқин қариндош-уруғлар билан мас-лаҳатлашиб, уларнинг рухсати ва дуосини олиб, хайр-лашиб, маъқул топилган кунда йўлга чиқилади. Манзилга бориладиган йўл йўналишлари аниқланади, йўл юриш, дам олиш, ухлаш, овқатланиш, сафар чоғида бажариладиган ишлар режалаштирилади.

Сафар одоби қоидаларига тўла риоя этилади: сафарга танҳо чиқилмайди, ҳамма вақт ҳамроҳлар билан чиқилади. Ҳамроҳлар танлашда фикрлар бирлигига, бир-бирларининг характер хислатларининг мослигига, синалган кишилар эканлигига эътибор берилади. Халқимизда «Синалмаган отнинг сиртидан ўтма» деган нақл бор. Бир-бирини синаган, билган одамлар ҳамроҳликда сафарга чиқсалар, қийналганда бир-бирларига мадаккор бўладилар, далда берадилар, хушмуомалалик, хушфезллик, сабр-бардошлилик билан муносабатда бўладилар.

Сафарга зарурий ашёлар олинади, ортиқча юк кишини толиқтиради. Ўзбекона таомилга кўра нон ризқ-рўз, йўлда садоқатли ҳамроҳ, ҳаётий зарурий эҳтиёж рамзи сифатида, албатта, нон олишни унутмаслик зарур.

Бориладиган манзил узоқ бўлса, вақт-вақти билан овқатланиб, одамлар гавжум ишончли жойда тунаб, дам олинади. Сафар чоғи кийиниш одобига эътибор берилади, йил фаслларига мос, юришга қулай, енгил, пош-наси паст оёқ кийими, тезда кир, гижим бўлмайдиган устки кийимлар кийилади.

Сафардан қайтишда оила аъзолари: яқин қариндош-уруғларга эътибор рамзи сифатида моддий имконият доирасида совға-саломлар олинади.

Шундай қилиб, Саъдийнинг «Гулистон» ида айтилганидек: «... сафарнинг фойдаси кўпдир: баҳри дилинг очилади, фойда топасан, ажойиботларни кўрасан, ғаройиботларни эшитасан, шаҳарларни томоша қиласан, дўстлар билан суҳбатда бўласан, билим орттирасан, мол-мулку давлатингни кўпайтирасан, дўстларингни яқиндан таниб, тақдирни имтиҳон қиласан»¹.

¹ Саъдий, Гулистон, Тошкент, «Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти», 1968, 105-бет.

УХЛАШ ВА ДАМ ОЛИШ

Ухлаш бўш вақтда дам олишнинг лаззатли онларидир. Тиниқиб ухлаш киши жисмини кучга тўлдиради, ақлан тетик қилади, меҳнат қобилиятини фаоллаштиради, саломатлигини сақлайди ва яхшилади. Меъридан ортиқ ухлаш эса ёмон одат бўлиб, инсонни ланж қилади, фаолият унумини сусайтиради, руҳий ҳолатини, юз қиёфасини ўзгартиради.

Кўп ухлаш зарарли бўлганидек, ухламаслик ҳам зиён бўлиб, кишини ҳам жисмоний, ҳам маънавий, ҳам руҳий касалликка дучор қилади. Масалан, донишмандлар дебдиларки, кеча ва кундуз йигирма тўрт соат бўлади (учдан икки қисмида бедор бўл, бир қисмида ухла). Саккиз соатни рўзгор ишига, саккиз соатни хурсандчилик ва руҳни тоза қилмоққа; саккиз соатни мана шу ўн олти соат меҳнат билан чарчаган аъзоларига ором (дам) олишга бағишланган. Аъзо ҳаракатдан тинчланиши зарур»¹.

Ухлаган одам ўлик билан баробар, дейишади. Бу иккадаси ҳам, яъни уйқудаги одам ҳам, ўлган киши ҳам дунёдан огоҳ бўлмайди. Донишмандлар дегайки: «... Иккинчи, ухламакни қасд қилган вақтда эшикларни маҳкам қилгай ва заруф (идиш)ларни огзини беркитгай ва тўшакни енг бирла ё ридо бирла супургай ва фиррош (кўрпа)ни уч маротаба силкитиб солгай ва ўту чирогини ўчургайки, бу барчаси суннатдур...

... Тўртинчи, жойи хоб (ухлаш жойи) га кўп мулойим нимарсаларни тўшамагай ва юзини қиблага қилиб ўнг қўлига бир озо така қилиб суяниб, ётгайки, суннат ушбудир.

... Еттинчи, яхши туш кўрса изҳор қилгай ва анга шуқр қилгай. Ва ёмон ва паришон туш кўрса, ҳеч кимга изҳор қилмагай...»².

Ухлаш қоидаларига риоя этиш муҳимдир. Халқ мақолларида айтилганидек. «Эрта турган эркакнинг бир рисқи ортиқ, эрта турган аёлнинг икки рисқи ортиқ», «Саҳар турмоқ — саодатдир», «Эрта турмоқнинг хислати кўп»³.

¹ Қобуснома. Тошкент: Ўқитувчи, 1973, 57-бет.

² Муҳаммад Содиқ Кошғарий... Одоб ас-солиҳин (Яхши кишилар одоби). Нашрга тайёрловчилар: М. Ҳасанов, У. Содиқов. «Шарқ юлдузи» 1990, 5-сов, 91-бет.

³ Ш. Шомақсудов, Ш. Шораҳмедов. Ҳикматнома. Қомус Бош редакцияси, Тошкент, 1990, 79-бет.

Киши меҳнат қилса, бўш вақтини фойдали ишлар билан ўтказса, режали ҳаёт кечирса, у тинч, тиниқиб ухлайди. Бундай уйқу унга ҳам ақлий, ҳам жисмоний куч бағишлайди, меҳнат қобилиятини тиклайди.

Ҳеч қандай иш билан шуғулланмасдан, ҳаётнинг олтинга баробар дамларини бекорчилик билан ўтказган кишининг уйқусида ҳаловат бўлмайди, тиниқиб ухлай олмай ланж, соғлиғи ёмон бўлиб юради.

Баъзан ишдан ёки ўқишдан бўш вақтини фақат ухлаш билан ўтказадиган кишилар ҳам бўлади. Улар бўш вақтларида на маънавий, на моддий, на жисмоний манфаатдорлик кўрмайди. Ёки, бўш вақтини доимо улфатлар даврасида еб-ичиб, фақат майшат билан ўтказувчи, ҳаётининг мазмунини фақат шулардан иборат дегувчилар ҳам учраб туради. Бундай шахслар жамият учун ҳам, оила учун ҳам хавфлидир. Улар ўз манфаатларини ўйловчи шахсиятпараст одамлар ҳисобланадилар.

Бўш вақт ҳамма вақт бирон-бир касб-ҳунар, меҳнат қилиш ёки ухлашдан иборат бўлиб қолмасдан, балки турли характердаги дам олишдан ҳам иборатдир.

Дам олиш саёҳатга, овга, маданий ҳордиқ чиқариш масканларига бориш ёки оила даврасида телекўрсатувларни томоша қилиш, радио эшиттиришларини тинглаш, газета-журнал, бадий асар ўқиш билан машғул бўлиш тарзида ташкил этилади. Дам олишни бундай ташкил этиш кишини ҳар хил чарчоқлардан, ноҳуш ўй-фикрлардан, ёмон кайфиятдан халос этади, кундалик ҳаёт ташвишларини унутиш учун замин бўлади.

Ҳаётда учраб турадиган баъзи ноахлоқий ҳолатлар, жиноятларнинг олдини олишнинг бирдан-бир самарали йўли ўсмир ёшларнинг бўш вақтларини тўғри, режали ташкил этишдан иборатдир.

Демак, бўш вақт киши ҳаётининг муҳим қисми бўлиб, уни ранг-баранг шаклларда, мазмунан бой ташкил этиш жамиятнинг, оиланинг моддий, маънавий, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг гаровидир.

ИЧКИЛИКБОЗЛИК ВА ГИЕҲВАНДЛИК УНИНГ ЗАРАРЛИ ОҚИБАТЛАРИ

ИЧКИЛИКБОЗЛИК — ИНСОН АҚЛИИ ВА ЖИСМОНИЙ КАМОЛОТИНИНГ ДУШМАНИ

Инсоният тарихида ўткир спиртли ичимлик ишлаб чиқилгандан буён, уни домига тушиб қолишга нисбатан қарши курашиб келинади. Қадим замонлардан буён «кайф берувчи» бу сирли ичимликнинг хилма-хил турлари кашф этилиб келинган. Улар май, шароб, қимиз, бода эндиликда спирт, ароқ, қонъяк, балзам, пиво, вино ва бошқа шунга ўхшаш турларидан иборат бўлиб, улар инсон умрининг эгови ҳисобланади. Буларнинг барчасининг таркибида этил спирти мавжуд бўлиб, ичилганда кишининг дилини маълум муддатга равшанлаштиради, сархуш қилади. Бундай ҳолатни тез-тез такрорлаш кишининг алкагол домига тушиб қолишига сабаб бўлади.

Қишилик жамиятида инсон «кайф берувчи» бу ичимликни яратибдики, уни ичиб келади. Аммо ҳозирги даврда ҳатто, ўсмир ёшлар, аёллар ўртасида ҳам ичкиликбозликка, гиёҳвандликка ружу қўйиш ҳоллари пайдо бўлмоқда.

Инсон онадан ичувчи ёки кашанда бўлиб туғилмайди. Буни келтириб чиқарадиган бир қатор сабаблар мавжуд. Ичкиликбозликка ружу қўйишда кейинги вақтда ҳамма нарсанинг етарлилиги сабабли туғилган кунларни нишонлаш, чақалоқ дунёга келиши муносабати билан унинг туғилган кунларини нишонлаш, турли тоифадаги фуқаролар ўртасида уюштириладиган гап-гаштаклар, битирув кечаларини ўтказиш, ҳатна тўйлари, никоҳ тўйлари, чаллар, қуда чақириқ ва бошқа турли маросимларда спиртли ичимликларнинг меъёридан ортиқ олинishi оқибатида эркаклар билан бир қаторда аёлларнинг ҳам ичиши каби ҳоллари ичкиликбозликнинг вужудга келишига сабаб бўлмоқда. Баъзида тўқликка шўхлик қилиб ичишади, баъзан ташқи салбий таъсир туфайли ичишади.

Тўй тантаналари, хурсандчилик маросимларида шу тантананинг «гуноҳкорлари» шаънига мақтовлар айтилиб, қадаҳ кўтарилади, ёшу қарига, аёлу эркакка шиша ичида мўмин-қобил турган оғуни ичиш таклиф этилади, бир вақтнинг ўзида оғуни ичиш тарғиб ҳам қилинади. Бу ҳолни шу тантанада иштирок этаётган

ёш болалар синчковлик билан кузатиб турадилар. Катталарнинг бундай ишларини оддий кузатувчига айланаиб қолган бола аста-секин ундан татиб кўришга ўтади. Шундай қилиб, озгина хурсандчилик, кайф-сафони бошидан кечирган бола, тез-тез бу ҳолатни қўмсаб, ичишга ўргана боради.

Шунингдек, кейинги йилларда ёшлар ўртасида ичкиликбозлик, гиёҳвандлик каби XX асрнинг вабосини тарқалишига ота-оналарнинг ўз юмушлари билан ўта бандлиги туфайли болаларнинг назоратсиз қолдирилиши ва уларнинг турли гуруҳларга қўшилиб қолиши, бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга эътибор берилмаётганлиги, айрим ота-оналарнинг ичкиликка, гиёҳвандликка берилиб кетиши, оилавий низолар, эр-хотиннинг ажралиш ҳоллари, ортиқча бойлик орттиришга ружу қўйиш, боланинг керагидан ортиқ таъминланганлиги ва бошқалар сабаб бўлмоқда.

Маълумки, спиртли ичимликларни истеъмол қилиш, турли наркотик моддаларни чекиш мамлакат тараққиётига, иқтисодига, инсоннинг жисмоний ва маънавий ривожланишига салбий таъсир этади. Шунинг учун ичкилик ва нашавандлик пайдо бўлгандан буён ундан истеъмол қилмасликка даъват этиб келинади.

Ахлоқ-одобга оид ҳадисларда ҳам бу машъум ичимликдан сақланишга даъват этилади¹.

Спиртли ичимликларнинг кишини жисмоний ва ақлий ривожланишига зарари катта. Ундан керагидан ортиқ истеъмол қилган киши на оиласи учун, на жамият учун фойда келтиради, балки уларнинг ҳар иккаласини ҳам уздан чиқаради.

Ичимлик истеъмол қилиш ҳам турли хилда бўлади.

Алломалимиздан Қози ибн Қошифиддин Муҳаммад (XVII аср) шароб ичишни уч босқичга бўлади.

Биринчиси: овқат билан озгина миқдорда ичиш. Бу босқичда киши учун хурсандчилик ҳосил бўлмайди. Аммо чанқашлик бартараф бўлиб, овқат яхши ҳазм бўлади. Мижози иссиқ кишиларга шу миқдордан ошириш зарардир.

Иккинчиси: бунда хушҳоллик кайфияти пайдо бўлади. Бироқ бош оғирлашиб, сезгилар бузилиш дара-

¹ Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. Тошкент, «Фан», 1991, 18—58-бетлар.

жасига бормайди. Кўзни уйқу тортиш, тил сустлашуви ҳам бўлмайди. Ақл эса жойида бўлади.

Учинчиси: бунда тил сустлашади, ақл хиралашади, бўғинлар қалтирайди, яъни оёқда тўғри туrolмайди, бу ҳолат мастлик деб аталади. Ҳақимларнинг таъкидлашича, шу даражада ичиш саломатликка зарардир¹.

Қайковус, Юсуф Хос Ҳожиб, Беруний, Ибн Сино, Умар Ҳайём, Саъдий, Алишер Навоий каби донишмандларимиз ҳам ичкиликбозликнинг зарарли оқибатларини қайд қилишиб, одамларни унга ружу қўймасликка даъват этдилар.

Алишер Навоий айтганидек, ичувчи: «Ёмон итдек одамларга ўз-ўзидан ҳамла қилади. Уни шунчаки ёмон ит эмас, қопадиган ит деса ҳам бўлади. Ичишлик ҳам дард ўти, ҳам афсус сувидир: йўқ, у дўзах ўти, ҳам тўфон сувидир... бу ўтда тўрт унсургина ёниб, йўқ бўлиб кетмайди, ақлу ҳис, дину ислом ҳам йўқолади»².

Ичкилик одамни субутсиз, бебурд, ёлғончи, разил кишига айлантириб қўяди. У мияга қаттиқ таъсир этади, жигарни, асабни ишдан чиқаради, юрак фаолиятини заифлаштиради, меъда фаолиятини ўзгартиради.

Ичкиликка ружу қўйган киши «алкагол» ҳам деб аталади. Алкаголлар ичимликсиз яшай олмайдилар натижада уларнинг оилавий турмуши, ҳаёти, яъни эр-хотиннинг ажралиши, фарзандларнинг ногирон, фалаж бўлиб туғилиши, «алкагол»нинг ҳалок бўлиши каби фожиалар билан тугайди.

Ичимлик ичган одам ор-номус, урф-одат ва мулозаматларга ёмон муносабатда, шунингдек раҳм-шафқат деган тушунчалардан узоқда бўлади. Бундай кишилар ўта сурбет, паришонхотир, нафосатсиз, дидсиз жонли бир махлуққа айланиб қоладилар.

Ҳақимларнинг ёзишича, ичкиликка ружу қилган кишида қуйидаги иллатлар мужассам бўлади:

«Васваса, тентаклик, хотиранинг бузилиши, ақлсизлик, уйқу босиши, саросималик, томоқ оғриғи, бепарволик, бефаҳмлиқ, уйқунинг бузилиши, балғамли ва

¹ Бир қултум фожиаси. Ҳажвиялар, воқеий ҳикоялар, шеърлар, илм-фан аҳлининг айтганлари ва халқ оғзаки ижоди намуналари. Тўпловчи З. Эгамбердиев, Т. Расулов, Тошкент, «Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти», 1986, 80—81-бетлар.

² Алишер Навоий. «Ҳайратул-аброр». Тошкент, «Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти», 1989, 312—314-бетлар.

сафровий қалтираш «герлатувчи» иситма, тиф, панжа бўғинларининг оғриғи, плеврит, менингит, жигар заифлиги, истиксо, бош оғриғи, тиш оғриғи, иссиқ шишлар, иссиқ иситмалар, иштаҳанинг бузилиши, зехнининг ўтмаслашуви, тутқаноқ, сакта, қалтироқ, фалаж, кўздан ёш оқиши, кўзнинг хиралашуви кўз заифлиги, асабларнинг сустлашуви, камқувватлик, уйқуда чўчиш, бош айланиши ва қулоқ оғирлиги»¹.

Ичкилик кишидаги мақсадсиз мағрурликни кучайтиради. Пиёниста одамнинг ҳамма ҳаракатлари бемаъни бўлиб, атрофдагиларга масхара бўлади. Вужудига титроқ киради, ақл чироғи хиралашади, ўзи қалтирайди, оғзи ҳам, сўзи ҳам бемаза бўлади. Кайковус таъбири билан айтганда: «Шаробхўрликнинг ҳосили икки нарсадир: ё беморлик, ё девоналикдир, чунки шаробхўр ё маст бўлади, ё махсур. Агар маст бўлса, девоналар жумласидан бўлади, агар махсур бўлса, беморлар ҳисобига киради, чунки хумор беморликнинг бир навидир, демак бундай ишга мойил бўлишнинг нима кераги борки, ё киши девона бўлади, ёки бемор бўлади...

Шароб хилма-хил қилиқларни кўзгатади: кўплар маст бўлганларида чапак чаладилар, оёқларини тепадилар, куладилар, йиғлайдилар, ашула айтадилар, ширин таомлар ейдилар, суҳбатлашмайдилар, гапирмайдилар, тантиқ бўладилар, мулозамат қиладилар — буларнинг ҳаммаси шаробнинг таъсири ёки ахлоқсизликдир»².

Жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий ва маънавий тараққиётига зарба берувчи иллатлардан яна бири гиёҳвандликдир.

Гиёҳвандлик ҳам ичкиликбозликдек инсон саломатлигининг кушандасидир. Гиёҳвандлик атамасининг луғавий маъноси гиё (ҳ) — баъзи ўсимликларнинг ширасидан тайёрланадиган наркотик маҳсулотлардир (наша, қора дори, кўкнори ва шу кабилар). Гиёҳвандлик гиё (ҳ) ванд — наша, қора дори, кўкнор ва

¹ Бир қултум фожияси. Ҳажвиялар, воқеий ҳикоялар, шеърлар, илм-фан аҳлининг айтганлари ва халқ оғзаки ижоди намуналари. Тўшловчи. З. Эгамбердиев, Т. Расулов. Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986, 84-бет.

² Кайковус. Қобуснома. Тошкент, «Ўқитувчи», 1973, 49—52-бетлар.

шу каби наркотикларни истеъмол қилишга одатланган одам: банги, нашаванд, кўкнори¹.

Гиёҳвандлик эса бир ёки бир неча хил наркотик моддалар (морфин, афюн, наша ва бошқалар)га ўрганиб қолиб, уларни истеъмол қилмасликдан туropolмаслик, хумор тутиш ҳолатидир.

Таниқли сайёҳ Христофор Колумб XV асрда Марказий Америкадан Оврупага гиёҳ ўсимлигининг баргини келтирганида, шифобахш модда ва унинг тутуни турли касалликларга дори деб унинг қуритилган баргидан найча қилиб одамларга чекишни ўргатганида, унинг инсоният учун нақадар хавфли эканлигини билмаган бўлса керак. Шу сабабли уни экиш ва кўпайтиришга алоҳида эътибор берилади. Биринчи бўлиб бу ўсимлик Оврупада швед табиатшуноси Карл Линней томонидан ўстирилди ва Жан Нико деган киши шарафига «никотин» деб ном берилади.

Олимларнинг исботлашича, никотин тутуни таркибида никотин, олтингугурт, аммиак, азот, ис гази, турли эфир мойлари, цианид кислота, чумоли кислотаси, сирка ва валериана кислоталари, шунингдек инсон организми учун зарарли бўлган турли заҳарли моддалар мавжуд².

Гиёҳвандлик асосан учга бўлинади: кўкнор гиёҳи, наша гиёҳи, тамаки гиёҳи.

Кўкнор гиёҳи таркибида худди ўткир таъсир этувчи наркотик модда бўлиб, унинг танасидан махсус асбоблар воситасида шилимшиқ, елимсимон модда сиздириб олинади. Бу модда «қора дори» деб аталиб, ундан истеъмол қилган киши жисмоний ва ақлий томондан заиф, турли жиноятлар содир этишдан қайтмайди, бир умр фарзанд кўрмайдиган ҳам бўлиб қолади. Сурункали «қора дори» истеъмол қилувчиларни халқимиз «кўкнорилар» деб атайди. «Кўкнорилар» жамият учун ҳам, оила учун ҳам хавфли ҳисобланадилар.

Наша гиёҳини истеъмол қилувчилар «бангилар» деб аталади. Наша гиёҳини думалоқ ҳолда, сигареталарга қўшиб чекилади ва овқатларга аралаштириб истеъмол қилинади. Бангилик инсонни одамийлик хусу-

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томлик. — М: Рус тили, 1981, I том, 190-бет.

² Қодиров К. Алкагол, гиёҳвандлик камолот душмани. Тошкент, «Ўқитувчи», 1988, 13—14-бетлар.

сиятларидан маҳрум этади. Улар одам ўлдириш, ўғирлик, қароқчилик каби турли ваҳшийликлар қилишдан ҳам тоймайдилар. Наша гиёҳи Ўрта Осиё худудидаги баъзи жойларда яширин ҳолда экиб, ўстирилади. Бугунги кунда мамлакатимизда наша гиёҳининг зарарли оқибатларини тугатиш мақсадида уни экувчи ва кўпайтирувчиларга қарши кескин кураш олиб борилмоқда, улар қонун томондан жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XV сессиясида «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисидаги» Қонуннинг қабул қилиниши ҳам гиёҳвандликнинг олдини олишда муҳим ҳуқуқий асос ҳисобланади.

Тамаки гиёҳи жаҳон миқёсида махсус равишда экилади ва кўпайтирилади. Тамаки гиёҳидан турли хилдаги сигареталар, танасидан махоркалар, шунингдек ундан нос ҳам тайёрланади. Тамаки гиёҳидан тайёрланган моддаларни чекиш инсон саломатлиги учун ўта зарарлидир. Қашандалар ва носкашларнинг аксарияти ўпка раки, асаб, бўғма касалликларга дучор бўладилар.

Тамаки тутуни ошқозон, гастрит, ўн икки бармоқли ичак яраси каби касалликларни, қоннинг бузилишини ҳам келтириб чиқаради, овоз пардаларини дағаллаштиради.

Наркотик моддаларнинг қайси турини истеъмол қилишдан қатъи назар, ҳаммаси ҳам наслга ёмон таъсир этади, наркоман аёл ёки эркакнинг фарзандлари туғма погирон, майиб-мажруҳ, ақли заиф, жисмоний ривожланмайдиган бўлиб туғиладилар.

Наркотик моддаларга ўрганиб қолган киши органиزمи уни вақтида қабул қилмаса, бундай (наша, кўкнор, қора дори, морфин, кокаин, героин, кофеин ва бошқалар) моддаларга кучли эҳтиёж сезади. Бунда кишида бош оғриғи, юрак безовталлиги оёқ-қўлларнинг қалтираши, тер босиши, лоҳаслик каби ҳолатлар пайдо бўлади. Бундай ҳолатлардан қутулиш, қисқа вақтичоғликни қўмсаш озгина бўлса-да наркотик моддаларни қўлга киритиш учун ҳар қандай оғир жиноятлардан ҳам қайтилмайди.

Сурункали наркотик моддаларни истеъмол қилиб юрувчи, усиз яшай олмайдиган кишилар наркоманлар деб юритилади. Бундай кишилар атроф-муҳит учун ҳам, оила ва жамият мустаҳкамлиги, ривожланиши учун ҳам

хавфлидир. Жаҳон миқёсида бундай наркоманлар сони катта кишилар, ўсмир ва ўспирин ёшлар ўртасида ҳам кескин кўпайиб бормоқда. Наркомания XX асрнинг вабосига айланиб қолди. Наркоманиянинг мамлакатимиз ҳудудида томир отишини олдини олиш ва унга қарши кескин курашиш ҳар бир фуқаронинг ватанпарварлик бурчидир. 1 3.

ИЧКИЛИКБОЗЛИК ВА ГИЁХВАНДЛИКНИНГ ЗАРАРЛИ ОҚИБАТЛАРИ ВА НАСЛГА ТАЪСИРИ

Оилада боланинг туғилиши баъзан қувонч эмас ташвиш, ғам келтиради. Ичувчи ота-онадан ишەкмас, маънан қашшоқ, ақлан заиф, беқарор, хунук, бад-феъл, жиннисифат, довдир фарзандлар туғилади. Бундай болалар ота-она учун ҳам, жамият учун ҳам фалокатдир.

Кузатишлар шундан далолат берадики, 1000 га яқин тентак болаларнинг 500 тасининг онаси, 70 тасининг отаси ҳам, онаси ҳам спиртли ичимлик истеъмол қилар экан. Француз врачлари Демма 28 йил давомида эри ҳам, хотини ҳам ичкиликбозликка берилган ўнта оилани кузатган. Бу оилаларда туғилган 57 боланинг 25 таси ёшига етмай ўлган, 5 таси тутқаноқ, 5 тасининг бош миёсида сув йиғилган, 12 таси жинни бўлган, фақат 10 тасигина соғлом туғилган.

Тутқаноқ касали билан оғриган ҳар 100 боладан 60 тасининг ота-онаси ашаддий пиёниста экан.

Ичимлик турли жиноятлар қилишнинг асосидир. Фактларга мурожаат қилинса, 70 фоизга яқин қотиллик, 80—90 фоиз безорилик, асосан мастликда рўй берар экан. Агар спиртли ичимликлар истеъмол қилиш 35 фоизга камайтирилса қотиллик 40 фоиз, безорилик 25 фоизга камаяди. 100 грамм арақ киши жисмидаги фаол ишлаётган 7500 тўқимани йўқ қилади. 75 грамм арақ истеъмол қилгандан сўнг мускулларнинг кучи 20—40 фоизга камаяди. Бу эса меҳнат унумдорлигини пасайишига олиб келади. 20—25 грамм арақ ичган ҳарф терувчиларда ҳарф териш тезлиги 15 фоизга камаяди. Машиносткаларда эса ҳато ёзиш 25 фоизга ортади.

25 фоизга яқин арақхўрлар мастлик пайтида ўзини-ўзи ўлдиришни ўйлашади. 100 грамм спиртли ичимлик спортчини икки ҳафтага ишдан чиқаради. Спиртли ичимликлар ичиш, чекиш айниқса, аёллар ва ёш болаларга кучли ва тез таъсир этади.

Эркак киши алкоғолизмга ўрганиш учун 7—10 йил доимий ичиши керак бўлса, аёл 1—3 йил мобайнида ўрганиб қолади. 13—14 ёшли ўғил ёки қиз болага бериладиган 1 қадаҳ кучсиз вино катта ёшли одамнинг бир шиша арақ ичгани каби ёмон таъсир этади¹.

Кейинги йилларда ақлан заиф, жисмонан ногирон болалар сонининг кескин камайиши кузатилмаяпти. Биргина Тошкентдаги ақли заиф болалар интернатида юзлаб ногирон, башаралари қийшиқ, оёқ-қўли гужанак, кўзларида қўрқув аломатлари бор, майиб, мажруҳ болалар тарбияланади. Бундай болалар ҳаёт лаззатларидан, қувончлари-ю ташвишлардан бир умр мажрумдирлар. Бундай болаларда нима гуноҳ? Гуноҳкорлар — ота-оналар ва атрофдаги кишилардир.

Иродасиз йигит ва қизлар олдин шунчаки «вақтичоғлик», учун оз-оздан ичадилар, наркотик моддалардан истеъмол қиладилар, кейинчалик бундай вақтихушликнинг қармоғига илиниб қолганларини ўзлари ҳам сезмайдилар. Бу мудҳиш одат ва офат оддий эмас, у кишини одамгарчиликдан, инсоний фазилатлардан мажрум этади, жиноятга ундайди, касалга дучор қилади, моддий, жисмоний ва маънавий ҳалокатга олиб келади.

Ичкиликбозлик, гиёҳвандлик оиланинг, жамиятнинг иқтисодий таназулининг асосларидан биридир. Унинг олдини олиш, унга қарши кескин чора-тадбирларни қўллаш, томир ёйиб кетишига, йўл қўймаслик жамиятимизнинг катта-кичик, эркак-аёл аъзосининг жамият, халқ олдидаги виждоний бурчидир.

Бундай иллатларни бартараф этишда нималарга эътибор бериш лозим? Бола тарбиясида, унинг камолотида оила ҳал қилувчи рол ўйнайди. Демак, оиладаги соғлом муҳитни вужудга келтириш, оила аъзоларининг ичкиликка, кашандаликка, гиёҳвандликка нисбатан салбий муносабатини шакллантириш, боланинг ҳар бир хатти-ҳаракатини, юриш-туришини назорат қилиб бориш, муносабат маданияти, атрофидаги дўстлари — ўртоқлари кимлар эканлигидан доимий хабардор бўлиш, бўш вақтларини самарали ташкил этишга эришиш, кўча-кўйдаги турли гуруҳларга қўшилиб қолишдан асраш, ҳар бир болада ўз турмуш тарзининг соғлом ҳаётий

¹ Ҳисоб маълумотлар «Бир қултум фожиаси» рисоласининг «Тажрибалар ҳикоя қилади» бўлиmidан олинди.

нуқтаи назарини белгилаб олишларида муҳим омиллар бўлиб ҳисобланади.

Оилада ичкиликбозликми, гиёҳвандликми, кашандаликми, носвой чекишми, қайси бири мавжуд экан, бундай оилада соғлом фикрли фарзанд камолоти, онлавий бахтиёрлик, ҳамжиҳатлик, ўзаро маънавий-маданий ҳурмат-иззатнинг бўлиши мумкин эмас.

Оиланинг пок турмуш тарзи, дунёқараши, ота-онанинг ҳалоллиги, поклиги, меҳнатсеварлиги, эътиқоди, фарзандларни ичкиликбозликдан, гиёҳвандликдан, кашандаликдан асровчи мезон ҳисобланади.

Ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, кашандаликнинг олдини олишда мактаб, оила ва жамоатчилик ҳамкорлиги алоҳида ўрин тутади.

Умумтаълим мактаблари, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида, меҳнат жамоаларида ичкиликбозликнинг, гиёҳвандликнинг зарарли оқибатлари ҳақида тушунтириш, тарғибот ишлари олиб бориш, кўргазмали воситалардан: оммавий ахборот воситалари, матбуот материаллари, кинофильм, диафильмлардан фойдаланиш, кўргазмали бурчаклар ташкил этиш, мутахассислар билан бундай иллатларнинг инсоният тараққиётига таъсири ҳақида суҳбатлар уюштириш мақсадга мувофиқдир.

ХОТИМА

Бундан саккиз йил муқаддам шундай тарихий воқеа содир бўлдики, бу Ўзбекистон Республикасининг миллий истиқлоли тантанасидир. Зотан, Жалолиддин Мангуберди, Хоразмшоҳ, Темур Малик, Амир Темур, Сайид Муҳаммад Раҳимхон Баҳодирхони соний — Феруз каби улуғ миллатпарвар ва ватанпарвар ўзбек қаҳрамонларининг орзу-умидлари эди бу. Ўз ватанида шоҳлик тахти узра ўтириб юрт сўрашга имкони бўлмаган шоҳ Жалолиддин Мангуберди чўлу биёбонларнинг жазирама иссиқлари-ю, қаҳратон аёзларига, энг аянчлиси — эл-юрт соғинчи изтиробларини бошидан ўтказиб ва лекин босқинчи Чингизхонга қарши мардонавор курашлар олиб борди. Бироқ у юрт озодлигини кўролмади бу оламдан ўтди. Мана, ўша Озодлик, Эркинлик, Мустақиллик қаноатли ўзбек халқига насиб қилди.

Мустақиллик қадрига етиш, уни авайлаб-асраш, мустақиллик шарофати билан вужудга келган ҳуқуқий

демократик давлат тузумини ривожлантириш, мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш ҳар бир инсон олдида турган муҳим бурч ва вазифадир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ва ҳукумат ўзбек халқини худди шу масалаларни тўлақонли ҳал этишга сафарбар қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг келажакда буюк давлат бўлиши ва уни таъминлаш ёш авлодни маънавий-ахлоқий, маданий-маърифий жиҳатдан етук инсонлар қилиб тарбиялаш иши биринчи навбатда оилада бошланади. Бунда оиладаги ота-она ва катталарнинг ўрни юқори туради.

Дарҳақиқат, бола тарбиясида ота-онанинг бурчи ва вазифалари муҳим эканлиги, уларнинг тамойиллари аجدодларимиз ёдномаларида ўз аксини топган. Шу тамойиллар илм-фан ва техника тараққиёти даври талаблари асосида бойитилиши ва ривожлантирилиши керак. Ўз навбатида, фарзанднинг ота-она олдидаги бурчи ва вазифалари ҳаётини мисоллар ёрдамида кўрсатилиши ва улар онгига сингдирилиши муҳимдир.

«Ватанни севмоқ иймондандир» ... Ватанни севмоқ, уни ардоқламоқ, қадрига етмоқ энг олий инсоний туйғудир. Ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш ва ёш авлодни шу руҳда тарбиялаш оила ва жамиятнинг асосий муаммоси сифатида майдонга чиқди. Ватан ичра миллий қадриятларни, урф-одатларни, халқ анъаналарини қайта тиклаш ва ривожлантириш, аجدодлар ҳурматини жойига қўйиш, улар қолдирган маданий-маърифий-маънавий ёдгорликларни қадрлаш, тарихий обидаларни кўз қорачиғидай асраш ва шу каби эзгуликлар ва фазилатлар жон қадар ширин Ватан туйғуларидир.

Тарбия ҳикматига истиқбол қудрати сифатида қаралмоғи лозим. Дарҳақиқат, тарбия миллий истиқлол ва унинг нури истиқболи учун мисли йўқ куч-қудратдир. Инсон онги ва шуурига, руҳи-жонига эътиқод, инсоний бурч, адолатпарварлик, инсонпарварлик меҳр-оқибат, дўстлик, садоқат, ўзбекона ҳаё, иффат сингари одоб туйғулари ўша куч-қудрат манзилгоҳидир.

Умуман олганда, тарбия сўзи қулоққа эшитилиши билан одам кўз олдида оила намоен бўлади. Зеро, оила тарбия масканидир. Бас, бундай экан, маънавият тарбияси оиладан бошланади.

Ўзбек оиласининг маънавияти — ўзбекнинг миллий ғуруридир.

МУНДАРИЖА

Муқаддима

3

ОИЛА ВА ЖАМИЯТ

Оила — давлат таянчи, саодат бешиги	8
Оила бойлиги — жамият бойлигининг асосидир	28
Оила тарбияси ва миллий ғурур	38
Оилада баркамол шахсни шакллантириш	42
Маҳалла — маънавий ўчоғи	51

ОИЛА, БУРЧ, ТАРБИЯ

Оилада ота-она ўрни ва фарзанд бурчи	60
Қайнона ҳам онадир	66
Мулоқот — инсонга хос ҳаётий-маънавий эҳтиёж	74
Мулоқот қоидалари	75
Сир сақлаш	82
Уй тутиш ҳақида	84
Уй тутиш қоидалари	86
Меҳнат — инсон кўрки, оила фаровонлигининг негизи	93
Ўзбек оилаларида меҳмон кутуш одоби	102

ЖОН ҚАДАР ВАТАН ТУЙҒУСИ

Энг олий қадрият — Ватан ва ватанпарварлик	114
Маросимлар — маънавий қадрият	128
Наврўз — ўзбек халқининг миллий байрами	139

ТАРБИЯ ҲИҚМАТИ — ИСТИҚБОЛ ҚУДРАТИ

Тарбия қасридаги ўйлар	152
Тикланиш	153
Бурч	155
Адолат	159
Инсонпарварлик	163
Меҳр-оқибат	167
Дўстлик ва ўртоқлик одоби	169
Садоқат	174
Ҳаё	176
Иффат	178
Бўш вақтдан тўғри фойдаланиш	179
Бўш вақтни самарали ташкил этиш шакллари	182
Сафарга бориш қоидалари	185
Ухлаш ва дам олиш	187
Ичкиликбозлик ва гийҳвандлик	189
Хотима	195

М 90

Мусурмонова О.

Оила маънавияти-миллий ғурур: (Ўқув қўлланма).—Т.: «Ўқитувчи», 1999.—200 б.

БББ 74.90

ОЙНИСА МУСУРМОНОВА

**ОИЛА МАЪНАВИЯТИ —
МИЛЛИЙ ҒУРУР**

Тошкент «Ўқитувчи» 1999

Муҳаррир *Б. Рўзимуҳаммад*
Бадий муҳаррир *Ш. Ходжаев*
Техник муҳаррирлар *Т. Грешникова, С. Турсунова*
Мусахҳиҳлар *М. Иброҳимова, З. Содиқова*
Кичик муҳаррир *Х. Зоиржонова*

ИБ 7641

Теринга берилди. 4.10.99. Босишга рухсат этилди. 2.12.99. Фармати 84×108^{1/32}. Тип. қоғози. Кегли 10 шпонсиз. Литературная гарнитураси. Юқори босма усулида босилди. Шартли б.л. 10,50. Шартли қр.-отт. 10,75. Нашр. л. 9,87. Тиражи/3000. Буюртма №317.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, 129. Навоий кўчаси, 30. Шартнома 11-54-99.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент китоб-журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1-уй. 1999.